

# ЁШЛАК 1287

ЎЗБЕКИСТОН ЛҚСМ  
МАРКАЗИЙ  
КОМИТЕТИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ЁЗУВЧИЛАР  
СОЮЗИНИНГ  
ОРГАНИ



(72)  
Декабрь

Ойлик  
адабий-  
бадий,  
ижтимоий-  
сиёсий  
журнал

1982 йилдан  
чиқа бошлаган

Бош редактор:

Омон МАТЖОН

Редацион коллегия:

Эркин АЪЗАМОВ,  
Эркин ВОҲИДОВ  
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,  
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,  
Гулчеҳра ЖУРАЕВА,  
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,  
Муроджон МАНСУРОВ  
(бош редактор ўринбосари)  
Улугбек МУСАЕВ,  
Фарҳод МУСАЖОНОВ,  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ  
(масъул секретарь),  
Урие ЭДЕМОВА,  
Абдуқодир ЭРҒАШЕВ,  
Ғаффор ҲОТАМОВ.

Тошкент  
«Ёш гвардия» нашриёти

## НАСР



Нортухта ҚИЛИЧЕВ. Чигирик. Қисса . . . . . 74

## НАЗМ



Чори АВАЗ . . . . . 48  
Усмон ТЕМУР . . . . . 53  
Исмоил ТУХТАМИШЕВ . . . . . 54

## ТАНИШУВ



Абдуҳамид ЖАЛИЛОВ . . . . . 47

## НАФИС МАЖЛИСЛАР



Гулчеҳра МУРОДАЛИЕВА . . . . . 3  
Хумоюн АҚБАРОВ . . . . . 3

## ПУБЛИЦИСТИКА



Тил ҳақида баҳс . . . . . 55  
Барно СИРОЖИДДИНОВА. Яна «Характеристика» ҳақида . . . . . 59  
Мухтор КОМИЛОВ. Музей кимнинг мулки? Иккинчи мақола . . . . . 70  
Мамажон МУХИДДИНОВ, Шодмонбек ОТАБОЕВ. Шатранж йўлларида . . . . . 74

## САНЪАТ



Сухбат АБДУЛЛА. Комилжон Отаниёзовнинг афсоналари . . . . . 49

## АДАБИЙ ТАНҚИД



Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ. Сўз дарди — сўзларни енгмоқ . . . . . 62

## ҚУТЛАЙМИЗ!



Хуршид ДУСТМУҲАМЕДОВ. Қалбнинг маърифатли қирралари . . . . . 68

## ЕЛПИҒИЧ



Баҳодир ОРИПОВ. Сўғич. Ҳажвиялар . . . . . 79  
ТОМОШАБОҒ . . . . . 80

# ЁШЛИК

**«Молодость»**  
ежемесячный  
литературно-художественный,  
общественно-политический журнал  
На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и  
Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: Х. ЛУТФУЛЛАЕВ  
Техник редактор: Т. РАҲИМОВ  
Корректор: Г. ЖҲРАЕВА

Адресимиз:  
700117, ЧГСП, Тошкент, «Правда» газетаси  
кўчаси, 60-уй.

Телефонлар  
Бош редактор — 78-94-05  
Бош редактор ўринбосари — 78-49-83  
Масъул секретарь — 78-97-07  
Проза бўлими — 78-97-58  
Поэзия бўлими — 78-77-16  
Публицистика, адабий танқид ва санъат  
бўлими — 78-17-47

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ  
роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар  
қўлёзмасини қабул қилмайди.

Бир босма листгача бўлган асарлар  
авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз  
тавсиясига кўра амалга оширилган таржима  
асарлар қўлёзмасинигина қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан  
олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 27.10.87 й. да туширилди  
Босишга 30.11.87 й. да рухсат берилди.  
Р-14157. Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Қоғоз ҳажми 5,25 лист.  
Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб  
листи 12,6. Тиражи 327842 нусха.  
Буюртма № 1976.  
Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти.  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети  
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмаҳонаси.

Тошкент,  
«Ёшлик», № 12. 1987. «Ёш гвардия» нашриёти.





— Эрнинг оти ўчсин-э, опажон! — деди. — Яхши кўриб чиққанам кун кўрсатмагандан кейин, эндигиси кун кўрсатармиди. Кечдим!..

Хиёл сукутдан сўнг:

— Эрсиз хотин — элсиз хотин; унутманг: суюқ-саёқнинг аччиқ-чучук гап отари бор! — деди Саида Мирзаевна. — Гапимга ишонинг, қизчангизга кўриқвон, ўзингизга меҳрибон бир эркак жудаям лозим, Севаржон. Биларсиз, кўча-кўйда болангизни бирортаси билиб-билмай ранжитиб қўйган кунлари тунлар шунақаям чўзилиб кетадики!..

Севаргул беихтиёр юз буриб, пешонасини муздек иллюминаторга босди, денгизга тикилиб қаради: Қора денгиз аллатовур мавжланиб-жимирлаб кўринар, сийрак юлдузлар эса, ўз барига чорлаётгандек, сирли жавдирар эди.

Опанинг гаплари ҳақ, деб ўйлади Севаргул, кўкси шилингандек кўйишиб: лекин на чора, чала тақдиру шўр қисмат экан! Энди умрининг бу ёғида қизчасини ўқинтирмаса... Наҳотки бунинг иложи бўлмаса-я?!

Аттанг, бир амаллаб, Бахтигулниям олиб келса бўларкан!.. Қизчасини уйда қолдириб, денгиз саёҳатига чиққанига ўн кундан ошяпти. Мана, энди соғинч ҳисси тобора сим-сим бир оғриққа айланмоқда... Кеча Ялтаннинг сўлим, сайилгоҳ гўшаларида, харидорлар билан гавжум дўконларида кезган эдилар. Эртага Сочида бўлишлари керак.

Шу тобда Севаргул, нохуш суҳбатдан безиллаган кўйи, Сочи... дафъатан сеҳрли бир маъводек туюлажани ўйламоқда эди; лекин савқи табиий билан англаяптики, эрта кириб борганларидан сўнг, етти иқлимга машҳур Сочидан ҳам ҳафсаласи пир бўлади: аллазамонлардан бери бениҳоя кўмсаб юргани — сирли бир ниманидир истаб боради, аммо ён ёққа жавдираб қарасаки, ўша — нимадир йўқ!..

Кема хуфтон маҳали Новороссийск бандаргоҳида лангар кўтарган эди. Суза бошлаганларига ҳали... ярим соат бўлганича йўқ. Аллақачон кема ҳам, поёнсиздек туюлаётган денгиз ҳам қуюқ тун қўйнида. Нохуш гурун таъсириданмикан, Севаргулнинг кўнгли бир қадар ғаш. Назарида, йўқлик сари шитоб сузиб кетишаётгандек, қачон қайтишлари ҳам гўё номаълум...

Таассуфки, олдинда тагин денгиз саёҳатининг узундан-узоқ беш куни чўзилиб ётибди. Севаргул эса, алам билан, армон билан қўмсаётган нарсасини бу ёқларда... бу яқин кунларда зинҳор-базинҳор тополмаслигига ишонч ҳосил қилгандек, тезроқ уйга қайтгиси келяпти: Бахтигулгинасиям роса соғинган.

Ногоҳ Саида Мирзаевна тагин беозор дашном оҳангида:

— У ярамаснинг оиласи борлигини билармингиз ўзи, Севаржон? — деб сўради.

Севаргул пешонаси тиришганча, унга юзланиб:

— Ҳа, билардим, — деди. Сўнг, унинг ижикилаб суриштираётгани малол кела бошлагани учунми, аста қўшиб қўйди. — Майли, устимдан кулишингиз мумкин, опажон.

— Қўйинг-э, латифа айтаётганингиз йўқ-ку! — Саида Мирзаевна хижолатангиз қизариб, Севаргулнинг қўли устига кафтини босди. — Ишонинг, қисматингизнинг бу қадар чигаллиги... Сизга қандай ёрдам беришни ўйлаяпман, Севаржон. Бир пайтлар ўзим ҳам маломатли кунларни бошимдан кечирганман. Аёлнинг шўри кўрсин экан. Қизиқаётганлигимни кўнглингизга олманг, Севаржон.

Хиёл муддат ўйчанликдан сўнг, Севаргул секин қўлини тортиб:

— Касалманд хотини, бир қизи, бир ўғли, ёсуман

кампирдек онаси борлигини ўзидан эшитган эдим, — деди. — Лекин барибир шундай... Кўз очиб кўрганим ахир! Мени тўғри тушунинг, опажон. Умрингизни тиккан одамингиздан тирик туриб айрилиш... Кейин, ҳалиги хўрликлар... Хуллас, чидаёлмаганман-да!

Саида Мирзаевна унинг ғусса тўла кўзларига хаёлчан, ҳамдард бир назар билан тикилиб ўтирарди:

— Саёҳатдан қайтганимиздан кейин Рустам Шариповичга айтиб, у ярамасни савдо базасидан қувдираман, — деди қатъий оҳангда. — Пули кўпайиб, кўзларини ёғ босиб кетган.

Севаргул паришон бош чайқаб:

— Йўқ, айтманг, керак эмас, — деди.

Саида Мирзаевна таажжуб билан лабларини чўччайтириб:

— Йи-э, нега ахир! — деди.

— Узим кўпроқ айбдор бўлсам керак-да, — деб Севаргул хокисоргина жилмайди.

— Ана холос, — деди Саида Мирзаевна баттар ҳайрон қолиб. — Ҳаммасидан ҳам бу гапингиз қизик бўлди-ку, Севаржон!

Севаргул дув қизариб, шафқат тилаётгандек, аянчли кулимсиради. Сўнг чой қуйиб узатаркан, оғзи бўшлик қилиб қўйганига кўнглида пушаймон бўлди: ахир, бировларга айтадиган сирмиди бу? Опанинг дилкашлигига маҳлиё бўлиб айтди-қўйди-я!..

Севаргул безовта алфоз яна пешонасини иллюминаторга босиб, беҳудуд денгизга тикилиб қаради: аллатовур қорайиб... мавжланиб кўринади. Соҳил олисларда қолиб кетган — йилт этган чироқ кўзга илганмайди.

\* \* \*

Севаргул, ўтмиш манзараларни кўз ўнгида бир-бир гавдалантираркан, лолу маълул алфозда шифтга тикилиб ётибди. Сихати бугун хийла дуруст, лекин аввалги кунлардаги каби руҳиятига эзгин бир титроқ солиб, қулоқлари остида бетиним денгиз шовқинию ўтақаси ёрилган одамларнинг оҳу фарёдлари тўхтовсиз эшитилмоқда. Юраги, нақ икки марта ажал чангалига тушгани учунми ёки боёқиш қизини ота дийдоридан бенайсиб қилганигами, ёхуд соғовлик алами ўртаётгани боисми, бот-бот жизиллаб кўйишяпти. Эс-ҳуши яна тобора тиниқлашиб, кечмиш воқеалар эса уч-тўрт кундан бери ором бермай қўйди.

Ана... тагин Саида Мирзаевнанинг чеҳраси хаёлида намоён бўлиб, дардқаш овози майин эшитилаётгандек туюлган: ишонинг, Севаржон, қисматингизнинг бу қадар чигаллиги!..

Ҳа, бениҳоя чигал эканки, ўз жонига қасд қилиб, ўлолмай қолганидан сўнг, ғуссаю ғашликлардан халос бўлиш илнжиди ноилоҳ денгиз саёҳатига жўнаган эди. Камбағални туянинг устида ҳам ит қопгандек, саёҳати бурнидан чиқди.

Мана, ётибди — на ўлигу на тирик. Аммо, юраги тўла дард, алам. Эртага нима бўлади, ундан кейинчи — билолмайди.

Эҳтимол, ажал такрор-такрор бежиз четлаб ўтмагандир. Ҳали тортар жафолари кўпдир.

Майли, ҳар неки азоб-уқубатга чидайдди. Ишқилиб, ёлғизгина қизи бахтли бўлса... Бўлармикан-а?..

Тавба, ўзи нега бу қадар нотавон бўлиб қолди — қайси хатолари, қайси гуноҳлари учун ахир?!

«О таларнинг гуноҳлари учун болалари жавоб бергай». Бу ажабтовур ҳикматни Шавкат Исмоловичдан эшитган эди шекилли.

Аммо, айб... ў з и д а. Қисмати қаролигида раҳматли отасининг зиғирча ҳам гуноҳи йўқ. Бунда фақат ўзи айбдор. Шавкат Исмолович эса бошқа бир жиҳатдан ҳақ!..

Энди эслаб қараса, бир-бирига уланиб-чирмашиб кетган ҳамма кўргиликлари лаънати «Сангам»дан бошланган экан. Шунга ҳам салкам тўққиз йил бўпти. Эсиз умри сувдек оқиб ўтяпти-я!

Аслида, ўша кеча кинога бормаса...

Аммо, дугонаси Малика «Баҳор» кинотеатри ёнида кутмоқчи эди.

Борса, дугонаси келмаган экан. Патта олиб, кино бошланар пайтгача уни бетоқат кутди. Лекин негадир у келмади. Кейин, битта ўзи кинога кирди. Кинодан эса ичикиб-ичикиб йиғлаб чиқди.

Ойдин баҳор кечаси эди. Хиёбондаги чироқлар чарақлаб ёниб турарди.

Аёзли шабадада жунжикиб, ижарахонаси томон хомуш кетаверди.

Бир маҳал, йўлни кесиб ўтаётганида, оппоқ «ГАЗ—24» ёнида таққа тўхтади, эшиги очилиб, таниш... қандайдир танишдек бир ўктам овоз эшитилди: ў т и р!

Амирона овоз эшитилган заҳоти, аллатовур танишдек туюлгани учунмикан, юраги бехос жиз этиб кетди. Ва, парвона ёниб турган шамга ўзини ургандек, итоаткорлик билан, очиқ эшикдан ичкари кирди. Кирдию... димоғига ўткир атир ҳиди урилиб, беихтиёр дилида таажжуб аралаш пушаймон ҳиссини туйди.

Бироқ, кечиккан — аллақачон «Волга» жойидан жилган эди.

Ҳали-ҳануз нега у н и н г ҳукмига бўйсунганига, нима учун шартта машинадан тушиб кетмаганига ҳайрон: сабабини ҳеч тушунолмайди.

Аммо-лекин ўша тобда хаёлини банд этган ишқий кино таъсирими, илк лаҳзалардаёқ у н и н г... нимасигадир мафтун бўлиб қолгандек эди. У н и н г кўзлари меҳрчан чақнаб турарди. Соchlари хиёл жингала, ёйдек қошлари қуюқ, қиррабурун; ёши... афтидан ҳали йигирма бешга ҳам кирмаганга ўхшарди. Калта энгли оппоқ кўйлаги эса уни янаям жозибали кўрсатарди.

У бир қараб қўйиб, кўнгилчанлик билан:

— Ким сени хафа қилди? — деб сўради. — Бирортаси гап отдимми?

— Йўқ, — деди Севаргул қимтинибгина. — «Сангам»га кирган эдим.

— Ҳм-м, — деди у. — Студентмисан?

— Пединститутни битиряпман, — деди Севаргул.

— Э, адашибсан! — деди у кулимсираб. — О-ш-ош... О-л-ол... Одамнинг юраги сиқилиб кетади-е! Отинг ким?

Севаргул отини айтди.

— Яхши! — деди у қош қоқиб. Сўнг: — Севаргул, — деб жилмайди. — Зўр экан. Менинг отим — Теша... Ёмон-а?

Туйқус икки ўртада ҳали-бери ҳукм суриши лозим бўлган ётсираш барҳам топгандек, Севаргул алланечук энгил тортиб:

— Отинг яхши-ёмони бўлмайди, — деди. — Маънили-маънисизи бўлади.

Теша тагин илкис синчков назар ташлаб:

— Вобкентликмисан дейман? — деди. — Гапларинг бунча ширингина.

— Йўқ, галасиёликман, — деди Севаргул жилмайиб.

— Вобкентнинг ширинилариданмисан, деб ўйлабман.

— Галасиёнинг қапталидаги қишлоқданман...

Кейин, Лабиховузга яқинлашаётганларида, Теша машина тезлигини пасайтириб, қаерда туришини сўради.

Севаргул манзилга етиб келганлигини айтиб:

— Раҳмат, — деди. — Шу ерда тушаман.

Теша машинани секин жилдириб борарди:

— Йўқ, тушмайсан, — деди. — Кеч бўлиб қолди. Элтиб қўяман. Кимикида ижарадасан?

— Мулла Мирбайзо бобоникида, — деди Севаргул, унга саволчан қараб.

— Яхши хонадонда тураркансан, — деди Теша бош ирғаб. — Мулла бобо кўп аломат одам.

— Мулла бобони танийсизми сиз?

— Мулла бобо менинг ота қадрдоним бўладилар, — деди Теша. — Жуда диёнатли одам у киши.

— Мулла биби ҳам!..

Дарвоза рўпарасидаги симёғоч ёнида Теша машинани тўхтатди, Севаргулнинг сумкачадан ҳамён чиқараётганини кўриб:

— Э-э, қапчиғингни жойига солиб қўй-да! — деди. — Қулоқ сол, Севаргул... Ажойиб қиз экансан, кечалари ёлғиз юрма, «бўрилар» еб кетади.

— Емайди, — Севаргул навозишли кулимсиради. — Бу ёғи оз қолди энди.

Бирдан Теша:

— Ҳа-а! — деди бўйнини чўзиб. Сўнг кулди. — Ана, кўрқдингку?

— Хай ўзингиз кўрқитманг-да, — деб, Севаргул ундан уялинкарабгина сўради. — Қаерда ишлайсиз, Теша ака?

— «Полазор» деган магазинни биласанми?

Севаргул бош ирғаб:

— Биламан, — деди.

— Ана ўша магазиннинг мудириман, — деди Теша. — Йўлинг тушганда кириб тургин, хайми?

— Раҳмат. Кирарман.

— Майли... Севаргул. Мулло бобога салом айтиб қўй!..

Севаргул секин қоматини тиклади. Қаршисидаги очиқ дераза оша пешайвонга, ундан ҳовур жимирлаётган ҳовлига паришон назар ташларкан, аста кўксини уқалади.

Каравот ёнбошидаги қути ғаладонида ҳар хил дорилар қалашиб ётарди. Тугмачадек иккита дармондорини илимсиқ чой билан устма-уст ичди. Сўнг тагин тушакка чўзилиб, ёстиғи ёнидаги очиқ китобни қўлига олди, лекин ўқимай, кўкрагига босиб, кўзларини юмди: э табба! Бу қанақа дард ўзи — соқовдек лолу маълул ётса-ю, хотиралар азобидан қутулолмаса-я!..

Ўша кеча дабдурустан Маликани қучиб, мен бир йигитни яхши кўриб қолдим, дугонажон, деди. Лекин йигитнинг қайси фазилати манзурлигини ҳали аниқ билмас эди. Малика ҳайратланиб, бахай, ким экан у бахтиёр йигит, дугон, деб сўраганида, у н и н г к и м л и г и н и айтмади. Кейинроқ эса, уялдини ёки бошқа бирор жиддий сабаб туфайлими — айтолмади. Агар ёқтирган йигити к и м л и г и н и вақтида сир сақламай, рўйирост ошкор қилганида, қақажон Малика кўзларини мошдек очиб қўярмиди.

Аммо, билиб-билмай кўнгил қўйига тушган эди, ҳар гал у н и ўйлай бошлаган заҳоти у н и н г дили дардга тўлаю ҳамдардга муштоқдек, ажойиб қиз экансан, Севаргул, деганини эслаб, ҳаяжондан энтикиб кетарди.

Ногаҳоний учрашув чоғида у фақат яхшилиқни раво кўрган, ҳеч нарса тиламаган; лекин, кўзларининг меҳрчан чақнашими, эҳтиросланиб гапиришими, нимаси биландир ўзига ром қилган экан.

Дарвоқе, бунинг бошқа бир сабаби ҳам бор эди, яқин-яқинларгача ўша — ўтмиш воқеа ёдига тушса, нимадир нашъа қилгандек, кинояли кулиб қўярди. Энди... энди эса ўкинч ҳиссидан мулзам тортади.

У пайтда иккинчи курсда ўқишарди.

Пахта ҳашарида эдилар.

Ҳамиша юмушларига кўмаклашиб, атрофида гирди-капалак бўлиб юрадиган Анваржон, бир пешин чоғи пайкалда т и з ч ў к и б, Севаргулжон, мен сизни севаман, деди.

Анваржон сал китобийроқ йигит эди.

Унга жавобан меровсираб, нима қилай, муччи берайми, Анваржон, деди кулиб. У, ялинчоқлик билан жавдираб, йўқ-йўқ, сиз менинг маҳбубам бўлинг, Севаргулжон, деди эланиб.

Дафъатан маҳбубаси нималигини тушунолмай, мен — сизга хотин бўлолмайман, сиз — менга эр бўлолмайсиз, Анваржон, деди яна кулиб. Ҳеч қачон!..

Кейин, Анваржон баттар энсасини қотириб, юм-юм йиғлаган эди.

Нимадир хонанинг аллақайси бурчагида қирт... қирт... қила бошлади.

Севаргул китобни тўшак устига қўйиб, эринчоқлик билан ёнверига қаранди.

Қиртиллаётган товуш тиндими — бирдан эшитилмай қолди.

Севаргул аччиқ кулимсираб, беихтиёр уф тортди: Анваржондек ювош йигитнинг уволи тутган экан, деб ўйлади сўнг: мана, ўттизингга кирмай, давринг ўтди. Улар эса... Қандай яхши, Анваржон ҳам, Малика ҳам — ҳамма собиқ курсдошлар даврон суриб юришибди. Ёлғизгина сен... Кўнгил кўйида бечора бир маъшуқа бўлиб қолганлигини билмаган экансан-а, Севар!..

Орадан уч кун ўтгач, институтдан қайтаётиб, «Лолазор» бекатида автобусдан тушди. Кеча ҳам, ундан аввал ҳам магазинга кирмоқчи бўлганлигини, лекин негадир ҳаяжонланганини ўйлаганча, хиёл фурсат ҳайронсираб турди. Сўнгра, алланимадир харид қилишга чоғлангандек, вужудини ёқимли бир туйғу чулғаб олаётганлигини ҳис этган кўйи, секин қўшқаватли дўкон сари яқинлашди. Кейин, зоҳиран бамайлихотир сиёқда эшикдан ўтиб, ўйинчоқлар растаси томон бурилди.

Шу пайтда қулоғига таниш овоз рўпарадан гулдургандек эшитилди:

— Э, хуш кўрдик, Севаргул!..

Севаргул ногоҳ юрагида нозик бир титроқ билан ялт ўғирилиб, у н и н г шодон чақнаётган кўзларига нигоҳи тушаркан, ҳаёданми-ҳаяжонданми — юзлари ловуллаб кетганлигини сизди.

Теша, бармоқларига қўша-қўша ёнартошли узуклар таққан, гажак зулфли сотувчи жувонга ниманидир ўқтираётган эди чамаси, дарҳол гапни қисқа қилиб, хушҳол яқинлашди:

— Яхшимисан, Севаргул, — дея қўл сиқиб сўрашди. — Нега кўринмайсан?..

Унинг меҳрчан боқиб, ўшандан бери мен сени ҳар кун кутяпман, дегандек гина-гузора қилишидан Севаргул руҳиятида бир ҳаловат туяркан, давлат имтиҳонларига тайёргарлик бошланиб кетганлигини айтди. Вақти тиғизлигидан нолиди. Ва шу аснода бехос хаёлидан кечган фикрдан дадилланиб:

— Яхшироқ этик олмоқчи эдим, Теша ака, — деди. — Топилармикан?

Севаргул нима учундир унинг рад жавобини кутган эди.

Аммо, Теша ўша заҳотиёқ:

— Топилади, Севаргул! — деди. Сўнг шартта магазин ичкараси томон йўл бошлади. — Юр бу ёққа. Ҳозир топтирамиз!..

Севаргул ҳамёнида неча сўми борлигини хавотирланиб ҳисоблаганча, унинг ёнида бораркан, сотувчи жувонларнинг, ҳатто сотувчи йигитларнинг ҳам бўзрайган назари аъзойи баданига соңсиз-саноқсиз игналардек қадалаётганини ҳис этган кўйи, пинҳона ғашланаётгани баробарида, негадир бепарво кўринишга уринар эди. Четлари кирланган қизил баҳмал парда билан тўсиғлик, нимқоронғи йўлак адоғидаги чоғроққина қабулхонадан ўтиб, муҳташам кабинетга кирганларидан сўнг янаям безовталанаётгандек бўлди. Пастак стол ёнидаги юмшоқ курсига омонатгина ўтирди.

Теша эса ҳушнуд эди. Кўнгилчан суҳандонлик билан унга чой қуйиб узатди. Кейин, этикнинг қанақа хилидан хоҳлашини сўраб-суриштиргач, дарров кимгадир қўнғироқ қилди.

Орадан ҳаял-замон ўтмай, кўкиш халат кийган, новча бир йигит эшик очиб:

— Мумкинми, ака Теша, — деб ичкари кирди-да, қўлтиғидаги қоғоз қутини узун стол устига қўйди. — Бунақасидан битта қолган экан, ака Теша. Олиб келдим.

Теша, новча йигитнинг гапига парво қилмай:

— Қара-чи, Севаргул, — деди қош қоқиб. — Тўғри келмаса, бошқасини топтирамиз.

Севаргул тортинибгина қутини очди, беихтиёр кўзларини яшнатворган кўнғирранг, хорижий этикни қўлига олиб:

— Яхши экан, — деди. Сўнг тағин юмшоқ курсида чўнқайиб, этикни кийиб кўраркан, яна дилғашланиб, ўйлай бошлади: бугун сўнги икки ойлик стипендиясини қўшиб олди, аввалдан ёнида уч-тўрт сўми бор эди, лекин Маликага ўн сўм қарз берди — қолгани етармикан-а?..

— Неча сўм бу, Теша ака?

— Етмиш икки сўм, опача, — деди новча йигит, ундан олдинроқ жавоб бериб. — Оёғингизни қисмаёптими?

— Билмасам, — деди Севаргул, хиёл пешонаси тиришиб. Этик оёқларида ёпишиб-ярашиб турарди. — Лоийқ келди шекилли.

— Жуда ярашди, опача, — деди новча йигит, алланечук ишшайиб.

Теша илкис унга бир чимирилиб:

— Майли, ука, энди сенга жавоб! — деди. — Ишингга боравер.

Йигит қўл қовуштириб:

— Хўп бўлади, ака Теша, — деб хонадан чиқди.

Севаргул этикни ечиб, қутига солди. Сумкачасидан ҳамёнини чиқариб, сабрсизланиб пулни санади. Санадию... синиққина жилмайди:

— Теша ака, — деб, лабларини қимтиди. — Этикчани эрта консультациядан қайтаётганимда олиб кетсам майлими?

— Э, қизиқмисан, Севаргул! — деди у. — Олиб кетавер ҳозир.

— Раҳмат Теша ака! — Севаргул қўлида ғижимлаб турган пулни пастак стол чеккасига қўйди. Этикни тўр халтага солиб, секин эшик сари юрди. — Қолган беш сўмни эртага келтириб бераман. Майлими, Теша ака?

— Пулдан кўп гапирма-е, Севаргул! — деди Теша. — Менга дўст керак. Тушундингми?.. Шошмай тур. — У столи ғаладонидан мўъжазгина бир қутичани олиб узатди. — Шуни олиб қўй, Севаргул.

Беихтиёр кўзлари каттариб:

— Нима у, Теша ака? — деб сўради.

— Нима бўларди — совғача-да! — деди Теша жилмайиб. — Фаранги духи.

Севаргул дув қизариб:

— Йўқ-йўқ, керак эмас! — деди бош чайқаб. — Илтимос, мени уялтирманг, Теша ака.

— Э, биз дўстмиз-ку, ахир! — деб тумшайди у. — Олмасанг хафа бўламан лекин.

Нагадир Севаргул унинг ранжиб қолишини истамас эди, ноилож совғани оларкан:

— Майли, раҳмат, Теша ака, — деди.

Кўзлари мамнун чақнаган кўйи:

— Бу бошқа гап-да, Севаргул! — дея у елкасига қоқиб кўйди.

Севаргул тезгина хайрлашди.

Ўйчан бир хуррамлик билан ижарахонасига қайтди. Малика!..

...уйда экан, этикни роса мақтади, ўзининг имконсизлигидан ўкиниб нолиди; фаранги духини кўрганда эса беихтиёр анграйиб:

— Ва-а-ай, «Қора лола»-ку бу, дугон! — деди. — Йигитинг совға қилдими?

Севаргул беҳаловат қизаринқираб:

— Ўзим... — деди.

Малика кескин қўл силтаб:

— Бекоргинани айтибсан! — деди. — Мени алдаёлмайсан, «Қора лола» деб кўйишибди буни, дугон!..

Духининг бу қадар ноёблигини ҳам, қимматбаҳо эканлигини ҳам Севаргул билмас эди. Дугонасининг чўгли гапларидан сўнг, кўксини нимадир куйиштираётгандек бўлаверди: нега олди шу сабилни-а?! Ана энди у я м умидворланиб юради — менга ишқи тушган эканки, кўлимни қайтаролмади, деб!..

Эртаси курсдош қизлар ёппасига шов-шув кўтарвориб, хаёлидан янаям тўзгин фикрлар кечаверди. Оқибат, то элтиб бермагунча кўнгли тинчимаслигини сезди.

Кейин, машғулот тугашини кутмай, бетоқат «Лолозор»га кириб борди. Тагин кечагидек сотувчи қизлару йигитларнинг безрайган назари остида, расталар ораб, зах ҳиди анқиётган йўлак томон ўтаркан, ноҳос фикридан айниди: давлати камайиб қолмас буларнинг. Ана, харидорлар ҳаққидан беармон ўмаришяпти-ку!

Бироқ, қабулхонада машинкани чиқиллатиб, хат битиб ўтирган малласоч, хипчабел жувонни кўрганидан сўнг, тагин ихтиёрсиз беқарорланди: йўқ, барибир қайтариб бериш керак. Ким билади, кимларга аталган бу зор қолгур!..

Малласоч котибадан ижозат сўраб, аста эшикни очди.

Теша қўлидаги узун қаламни чаккасига тираган кўйи, бир даста қоғозга хомуш тикилиб ўтирган экан.

Севаргул хиёл тараддудланиб:

— Мумкинми, Теша ака? — деди.

У, ялт юзланиб:

— Э, Севаргул!.. — деди. — Хайрият-э, сен ҳам бизни сўроқлаб келадиган кун бор экан-ку! — Теша илдам яқинлашиб, қўл сиқиб кўришаркан, миннатдорлик билан елкасига қоқди. Сўнг зарҳал чойнак-пиёлалар турган пастак стол тарафга ишора қилди. — Кел-э, бирпас чақчақлашайлик. Иш қочиб кетмас.

Севаргул сал орқасига тисланиб:

— Сираям вақтим йўғ-а, Теша ака, — деди. Сумкачасидан ҳамёнини чиқариб, узун стол чеккасига битта беш сўмлик кўйди. — Кечаги қарзим.

Негадир у ранжиганнамо чимирилиб:

— Ҳақиқатан ҳам сен ажойиб қиз экансан-ку, а Севаргул?! — деди. — Қарз қиёматга қолмасин дебсанда!..

Ноғоҳ уни баттар ҳайратга солиб, Севаргул мўъжаз қутичани узатди:

— Бу жуда қимматбаҳо экан-ку, Теша ака, — деб, узрнано жавдираб жилмайди. — Мен роса хижолат чекяпман, Теша ака.

У пешонаси тиришиб, бир муддат каловланди, сўнг:

— Қойил-э! — деди аттангамо бош чайқаб. — Ўз баҳонгни ўзинг ерга урма, Севаргул. Сендай хушрўй, сендай хушхулқ қиз... — Теша эҳтиросланиб галираркан, қўлларини кўксига босиб, кўзларига термилиб қаради. — Мени тўғри тушун, Севаргул. Кўнглингдан шумлик кечмасин лекин! Сени кўрсам... меҳрим ийиб кетаверади. Бор-йўқ гуноҳим шу! Кечироласанми шу гуноҳимни?

Севаргул тагин руҳиятида бир ҳаловат туйиб, юзлари ловуллаётганини сезди.

Теша эса ўктам овозда:

— Айтавер! — деди. — Хафа бўлиш йўқ.

Севаргул индамай бош ирғади.

— Худого шукур-э! — деб, Теша тагин миннатдорлик билан елкасига қоқди. — Яша-е, Севаргул!..

Туйқус Севаргулнинг ўзи ҳам алланимадан енгил тортгандек энтикиб:

— Раҳмат, Теша ака, — деди. Сўнг кутубхонага шошилаётганлигини айтиб, рухсат сўради. — Майли, мен борай?

— Тўхтаб тур! — деди Теша ва шитоб билан столи ёнига ўтди.

Тагин у нимадир совға қиладигандек, Севаргул безовталаниб, эшик томон жилди.

Теша эса зумда кичкина бир қоғозга хат ёзиб, тўрт буклади:

— Мана, телефон номерим, — деди. — Мабодо бирор нарса керак бўлиб қолса, тортинмай кириб келавер. Бедарак кетма!.. Хоҳлаган пайтингда телефон қилгин, хайми?

Севаргул итоаткорона бош ирғаб:

— Хай, — деди.

Теша гумонсираб кулди:

— Ай, билмадимо-ов!..

Кейин, «Лолозор»даги барча хуштору хушомадгўйларининг кўзига чўғ босгандек, кўчага кузатиб чиқди. Хандон-хушон хайрлашаётди:

— Бухорои шарифда мендек дўсти беғаразинг борлигини унутма, Севаргул! — деди. — Келишдикми?..

Нимадир тарақлаб кетди.

Севаргул эшик томон қаради: онаси ниманидир тушириб юборди шекилли. Ана, ошхона тарафдан тўнғиллагани эшитилияпти.

У шифонер устидаги электр соатга нигоҳ ташлади: ўн бирдан ўтяпти. Уф-ф!.. Бу қандай кун-а, кулиб-кулло-маса!..

Шу аснода тагин бояги қирт... қирт... қилаётган товуш қулогига чалина бошлади: нима экан бу сабил, деб ўйлади: сичкон бирор болорни кемиряптими ё?! Тавба, умринг кемирилди-ку, Севар, икки пуллик болорга бунча куймасанг!..

Тобора Тешанинг валломатлигидан мутаассирланиб, Минораи калон ёнидаги катта кутубхона сари бораркан, бегона эркак билан бегона қизнинг беғараз дўст бўлиши... душворлигини алланечук дилгирланиб ўйлади. Ва, шу баробарида, кун сайин жисмида мавж ураётган ошиқона туйғудан маскурланаётганини; У ҳақда ўйлаш, хаёл суриш эса янаям завқ-шавқ бағишлаётганлигини ҳис этди: яхши-да, кимдир учун мукарамлигини сезиб юриш. Одамнинг боши айланиб кетади-е!..

Аммо, ўзини кўр-кўрона ўтга ураётганлигини англаб етганида... аллақачон вақт ўтган эди. Дир-дир қалтираб, тўзгин сочларини чангаллаганча, уввос солди: энди мен нима қиламан, Теша акажон?! Бу кунимдан ўлганим яхши эди, Теша акажон!..



Ушанда ҳам худди шу уйда эди. У пайтда кун кеча эгаси кўчиб кетгандек шипшийда хоналарда ҳар хил қийқим лахтақлар сочилиб ётарди.

Кейин билса, чиндан ҳам, ҳовли эгаси юрт ошиб кетган экан: Шаламай деган бир ошнаимиз Исроилга жўнаворди. Бу ҳовли ўшаники эди. Хоҳласанг шу кундан бошлаб ҳовли сеники бўлади, Севаргул. Боплаб жиҳозлаб бераман, яйраб яшайверасан.

Тун эди.

Сархуш эди. Жисму жонида беадад бир истак кезмоқда эди.

Кейин...

...эрта тонгда, симлари туртиб-туртиб чиққан диванда юрак-бағри куяётгандек уйғондию, ялт кўзларини очди. Дафъатан даҳшатга тушиб, ҳаммаси қаро тун қаърида кунпаякун бўлганлигини алам билан идрок этди. Айни кезде эрта бир кун рўй берадиган шармисорликларни ўйлаб, баттар бўзлаб юборди: туринг ахир, Теша ака-жон, мен энди нима қиламан?!.

Ахир, нима қиларини лоақал «Дилором»га боришдан аввалроқ ўйласа бўлмасмиди!

Айтмоқчи, тақсимот комиссияси иш билан таъминлашни район халқ маорифи бўлими зиммасига юклаган эди. РайОНОдагилар эса бир пайтлар ўзи ўқиган мактабга йўллашди.

Аммо, мактабда бўш ўрин йўқ экан, соҳаси тўғри келмаса-да, вақтинча тайёрлов группасида болақайларни шуғуллантириб туришни айтишди. Маоши саксон сўмнинг нари-берисида бўларкан.

Табиийки, бу таклиф ёқмади: битта яхши этикнинг баҳоси етмиш икки сўм бўлганидан кейин, олар маошининг ҳам, салкам беш йил ўқиб эришадиган мавқеининг ҳам қадр-қиммати маълум.

У замонларда мактаб ислоҳоти ўтказилиши ҳамда ўқитувчининг ойлик иш ҳақи оширилиши ҳали ҳеч кимнинг хаёлида йўқ эди.

Мана, бўлар экан-ку!.. Агар шу ислоҳот ўша кунларда бошланиб кетганида, балки ёруғ юз билан қишлоққа қайтармиди.

...Хуллас, ўшанда не қиларини билолмай, гангбгарангсиб қолган эди: облОНО иш билан таъминлаёлмади, райОНО эса гуноҳни ўзидан соқит қилди.

Хўш, энди ким ёрдам бера олиши мумкин?..

Ўйлаб-ўйлаб, кўп истиҳола билан, валломатига қўнғироқ қилиб, арзини айтди.

«Э, бажарамиз, Севаргул! Асло ғам ема, — деди у. — Эрта беш яримда, Кўкалдош мадрасаси ёнида кут мени».

Эртаси белгиланган муддатда мадраса томон хаёлчан яқинлашаркан, йўл бўйидаги дарахтлар соясида унинг оппоқ «Волга»сини кўриб, юраги гупуриб кетди. Негадир у машина ичида йўқ эди.

Алланечук бесаранжомланиб, ёнверига кўз югуртирди: пастда — салқин Лабиҳовуз теварагидаги кўрпачалар тўшалган катларда одамлар чойхўрлик қилишмоқда; баланддаги хиёбонда — Афанди ҳайкали олдида бир гуруҳ сайёҳлар суратга тушишяпти; гулзор этагидаги олақуроқ ўриндиқда зардўппи кийган навжувон келинчак билан навқирон куёв, бир-бирига маҳлиё термилган кўйи, мазқаймоқ емоқда.

Ҳаво дим. Йўлкалардан ҳовур кўтарилади.

Бир маҳал, Теша мадраса ҳовлисидан чиқди. Унинг ёнида тепа сочи тўкилган, қуёш қиздираётганига қарамай, эгнига кулранг костюм кийиб, ёқасига одмигина галстук таққан, эллик ёшлардаги амалдорсифат бир киши ҳам бор эди. Киши дарвоза ёнида хуштакаллуфлик билан хайрлашиб, ортига қайтди.

Теша йўлни кесиб ўтаркан, Севаргулга нигоҳи тушиб,

отасидан хўрозқанд ундирган боладек, хушнуд жилмайди. Чаққон машинага яқинлашиб:

— Салом, Севаргул! — деди. — Утир, кетдик.

Қаёққа борамиз, Теша ака, деб сўрагиси келди, лекин нима учундир... сўрамади.

Теша шитоб машинани жойидан жилдириб:

— Ишинг беш, Севаргул! — деди. — Ҳозир мени кузатиб қўйган одам — Шавкат Исломович бўладилар. Танийсанми сен у кишини?

— Йўқ, танимаيمان, — деди Севаргул.

— Зўр одам. Баъзан менга хизматлари тушиб туради. Шаҳар чеккасидаги янги тузилган районда бирор йилча аввал райисполком раиси эдилар. Бечора ҳозир бу ерда... Яхши оғайним, — деб, Теша ортига бир қараб олди. — Шавкат Исломовичнинг идорасида методистлик қиласан.

Севаргул таажжублангандек кулимсираб:

— У қанақа идора ўзи, Теша ака? — деди.

Теша беихтиёр энса қашиб, бир муддат жим қолди. Тобора шаҳар марказидан узоқлашиб бормоқда эдилар.

Токи саррафон ёнидан ўтиб, тор кўчага бурилганларидан сўнг, тагин у елкаси оша бир қараб қўйиб:

— Тўғриси, Шавкат Исломовичнинг идораси қандай аталишини аниқ билмас эканман, — деди хижолатангиз кулиб. — У ерда бир талай идора бор: «Билим» жамияти, «Китобсеварлар» жамияти, Кучуквозлар уюшмаси...

— Иби, мадрасадами, Теша ака?! — деди Севаргул ёқа ушлаб.

— Э, буям бир нодоннинг иши-да! — деди Теша кулиб. — Лекин Шавкат Исломовичнинг идораси уларга қараганда анча обрўлироқ чоғимда: клублар, кутубхоналар, спорт саройлари... ишини назорат қиладиган бир ташкилот экан.

Севаргул овози титраниб:

— Ахир, мен... — деди-ю, нима учундир унга алланечук зарда қилаётганини пайқаб, ўша заҳоти гап оҳангини ўзгартирди. — Сиз у кишига Пединститутни битираётганлигимни айтдингизми, Теша ака?

— Ҳаммасини тушунтириб айтдим, — деди у. — Шавкат Исломович тушунадиган одам. Майли, ёш кадр экан, ҳозирча маоши бир юз эллик сўмлик кичкина штатда ишлаб туради, дедилар. Икки-уч ойдан кейин старшийликка ўтказишармиш. Қалай, зўрми?

Ҳамон Севаргул қишлоғидаги ўзи ўқиган мактабдан иш топилишига умидвор эди:

— Билмасам, — деб қўйди.

Теша рул чамбарагига шарп этказиб уриб:

— Э, бу иш ўқитувчиликдан минг марта яхши-е, Севаргул! — деди. У тобора машинани елдириб борарди. — Мактабнинг чойчақасига кун кўриб бўларканми. Шавкат Исломович айтаяптиларки, мукофот пули, командировка пули қўшилиб, ойлик маошининг икки юз сўмдан ҳам ошиб кетар экан. Нима, ёмонми?..

Ҳарқалай, бу ишнинг даромадлироқ эканлигини, Галасиё билан Бухоро ораси узоқ эмаслигини ўйлаб, Севаргулнинг кўнглида мубҳам бир мойиллик уйғонгандек бўлди: хоҳлаган пайтда уйга бориб келиб туриши мумкин. Аммо, онаси... айниқса отаси рози бўлармикан?

— Агар истасанг, бир кишилик ётоқхона ҳам беришлари мумкин эмиш.

Севаргул ҳаяжонлангандек:

— Ростми, Теша ака? — деди.

— Мадрасада нима кўп — хужра кўп! — деди у. — Дарров биттасини жиҳозлаб беришди. Яшайверасан-да!

Ногоҳ ўзини торгина бир ҳужра туинугидан уч кунлик синиқ ойга бедор термилиб ётгандек тасаввур этиб: — Йўғ-э, Теша ака! — деди Севаргул. — Қўйинг, ётоҳхонаси керак эмас.

— Хуллас, иш масаланг ҳал, Севаргул! Яхши оғайнилар омон бўлса, кейинчалик сенга ўзим бир хоналик квартирайам тўғрилатиб бераман. Агар хоҳласанг, ишхонанга яқин жойда битта ҳовлича бор, кириб яшайверишинг мумкин. — У дилкашлик билан тўлқинланиб гапираркан, елкаси оша тагин саволчан назар ташлади. — Энди яхшиликни ният қилиб, ишни ювсақ, а, Севаргул?.. Майлими, қарши эмасмисан?

Севаргул хаёлчан жилмайди. Негадир индамади. Аллақачон гавжум, димиққан шаҳар ортда қолиб кетган эди.

Шаҳардан чиқаверишда Теша катта йўл бўйидаги сўлим дарахтзор тарафга рулни бурди. Анча олдинда — сершоҳ-сербутоқ ўриқлар, олмалар, тарвақайлаб, ўсган чинорлар орасида — муҳташам бир гўша ўз бағрига чорлаётгандек кўриниб турарди. Адл тераклар соя солган йўлдан секин яқинлашганлари сари, хонанда Жўрабек Муродовнинг «Табассуминг» ашуласи магнитфондан тобора жаранглаб эшитилмоқда эди.

Шарқираб оқаётган ариқча бўйидаги дарахтларнинг куюқ соясида Теша машинани тўхтатди.

Атрофда «Жигули»лар, «Москвич»лар кўп эди.

Севаргул нимадандир хавотирлангандек:

— Қаерга келдик ўзи, Теша ака? — деб сўради,

— «Дилором» ресторанига, — деди у кулимсираб. — Ҳозир Бухорода бундан яхшироқ жой йўқ!..

Севаргул ҳардамхаёллик билан машинадан тушди. Ариқчанинг нариги бетидеги олмазор боққа ўйчан ногоҳ ташлади. Боғни янаям кўркам кўрсатаётган ям-яшил йўнғичқапоёда қулоқ-думи кесик қора бир кўппак билан ола кучук қуवालаниб-ўйноқлашиб юрарди. Ариқча ёқалаб кетган соя-салқин йўлка адоғида қирқоғайни гуллар билан ўралган жаннатмакон бир шийпон кўринади. У — муҳташам шишакори бинога туташган. Шийпонда шодиёна базм қурганларнинг хандон-хушон овозлари дам-бадам баралла эшитилиб турарди.

Ногоҳ кучли қаҳқаҳа янгради.

Севаргул бирдан сергак тортиб:

— Одам кўп-ку, Теша ака, — деди — нолинганми, нозлангандек оҳангда. Бу эса негадир ўзига ҳам хуш ёқди. — Кетайлик?

— Э, парво қилма, Севаргул, — деди у, машина эшигини қулфлаётиб. — Ичкарида ажойиб хоначалар бор. Қўйилмақом!.. Юр, биз бу ёқдан кирамиз.

Севаргул унга соядек эргашиб, ғуж-ғуж узум шингиллари осилиб ётган ишком тарафга ўтди. Ишкомнинг икки томони гулзор. Қип-қизил атиргуллар барқ уриб очилган. Ҳавода муаттар райҳон ҳиди анқийди.

Гулзор этагидаги тилсимотдек туюлаётган шишакори бинонинг орқа эшигидан яқинлашаётганларида, айтиб қўйилганми — худди кутиб тургандек, ичкаридан қора шим, оппоқ қўйлак устидан қора нимча кийган хушбичим бир йигит чиқди-да:

— Ассаломалейкум, ака Теша — деб, тавозе билан қўлини кўксига босган кўйи пешвоз юрди. — Бардамбақувватмисиз, ака Теша?..

— Ҳа, қалайсан, Саид бажо! — Теша йигит билан қўл беришиб сўрашди. — Ишлар бажоми, Саиджон?

— Бажо, ака Теша, бажо! — деди йигит ишшайиб ва Севаргулга энгилгина бош ирғаб қўйди. — Сояйи давлатизда юрибмиз, ака Теша. Қани, марҳабо, ака Теша!.. Ичкарида одам сийрак экан.

Димоққа... зилол сувли кўл бўйларидаги янглиг нам-хуш бир эпкин урилади.

У ер-бу ерда кўзлари кўм-кўккина қизлар билан, қорақош йигитлар зайтунранг курсиларда яйраб ўтиришарди. Хонақоҳдек кенг-мўл залга уланиб кетган шийпон эса хийла гавжум эди.

Жала остида қолган деразадек тусланиб кўринаётган қалин шиша деворларга печакгуллар чирмашган. Столлар оралатиб қўйилган каттакан сопол гулдонлардаги хитойи гуллар кўзни яшнатади.

Улар шийпонга туташ, олди рангин қамишпоя парда билан тўсилган, нимёруғ бир гумбазсифат хоначага киришди.

Севаргул ёнверига ағрайиб разм солди: бу ажабтовур хосхонанинг биттаям туйнуги кўринмасди; ғаройиб шакллар чизилган осмон гумбазидек шифтида эса камалакранг чироқ хира ёниб турарди; оппоқ дастурхон ёзилган стол устидаги гулдонга бир даста райҳону атиргуллар қўйилган; алламбало чарм курсилар пардек юмшоқ...

Чиндан ҳам, бу ер қ о й и л м а қ о м эди.

— Бугун бизни бир сийлайсан, Саид бажо! — деди Теша, курсига ястаниб ўтиргач. — Мазали овқатларингдан олиб келавер, иним. Қолган ҳаммаси химматингга ҳавола!

Хушбичим дастёр аллатовур мутеёна ишшайганча:

— Ҳозир бажо қиламиз-да, ака Теша! — деб, хосхонадан чиқди.

Қамишпоя парда шиқирлаб бекилди.

Севаргул бегона чимилдиққа кириб қолгандек, кўнгида ҳаловатсиз бир беқарорлик билан ётсирабина ўтирарди.

Теша эса хушвақт эди, маҳлиёланиб боқаркан:

— Яхшими, Севаргул? — деди жилмайиб, сўнг қош қоқиб, чоғроққина хосхонага ишора қилди. — Яхши-а?

Севаргул катта шаҳарларда ярим яланғоч гўзаллар рақс тушадиган ишратхоналар кўплигини эшитган, лекин Бухорои азимда бу хил гўшалар борлигини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди:

— Билмасам, — деди кулимсираб. — Мен ҳеч қачон бунақа жойларда бўлмаганман.

— Ана, яхшидан шарофат деганлари шу-да, Севаргул! — деди Теша шодон кулиб. Сўнг бирдан жиддий тортиб, столга ўмганини тиради. — Севаргул, агар истансанг, Ғиёсовга айтиб, институтда қолдиртиришим мумкин. Қоласанми?

— Йўқ, — деди Севаргул бош чайқаб. Биладики, кўк диплом билан институтда қололмайди, мабодо унинг шарофати туфайлидан қолдирилганда ҳам, оти улуғу супраси қуруқ юраверади. — Методистлик маъқул чоғимда, Теша ака.

— Хайрият-э, Севаргул!..

Унинг завқланаётганидан таъсирланиб, Севаргул хушҳол жилмайди.

— Ана, янаям чиройинг ёришди. Шундай яйраб-яшнаб ўтиргин-э, Севаргул! — деди Теша суюниб. — Методистлик яхши. Гапимга ишонавер. Маданият саройлари, спорт саройларини кўриб-кезиб юраверасан. Сайру сафарниям ўзига яраша гашти бор. Мишиқиларга эзилиб дарс бергандан ёки торгина кабинетда сарғайиб ўтиргандан кўра, кезиш минг қарра яхши-да! — Топган антиқа ишини жушиб таърифларкан, у атиргулнинг шафақранг япроғидан уч-тўртта, ям-яшил райҳон баргидан ҳам тўрт-бешта юлиб, димоғига тутди. Энтикиб ҳидлади. Сўнг, ихтиёрсиз равишда бўлса керак, шафақранг япроқлар билан ям-яшил барглари мижғилаб, оғзига солди. Ва ҳузурланган каби чайнаб-тамшаниб, сўзида давом этаверди. — Қишлоғингдаги мактабдан битта ўрин тўғрилатиб беришим мумкин эди. Агар жу-да шуни хоҳласанг, ҳалиям кеч эмас.

Тагин Севаргул умидворлангандек бармоқларини безовта гижимлади.

— Лекин бунинг битта... нозик жиҳати бор, — деди Теша, беҳаловат ютиниб. — Мактабдагилар сенга албатта олайиб қарайдиган бўлишади.

Севаргул хаёлчан бош ирғади: тўғри. Зўравонлик билан келиб, нонимизни яримта қилди, деб!

Бир муддат жимликдан сўнг, Теша:

— Мактаб берадиган ҳемиригаям арзимас маошга қандай кун кўрасан? — деди-да, саволчан қўшиб қўйди. — Кейин, ота-онанга ҳам озми-кўпми ёрдам беришинг керак-ку, шундай эмасми?

— Ҳа, деди Севаргул. Отам билан онам менинг ёрдимга муҳтож эмасла-ку, лекин барибир ёрдам беришим керак, Теша ака. Укам бу йил мактабни битиряпти, ўқишга кирмоқчи.

— Ана, кўрдингми!..

Шу пайтда дастёр йигит тансиқ егуликлару ҳар хил ичимликларга тўла аравачасини суриб келиб, хосхона рўпарасида тўхтади. Бирпасда стол устини ноз-неъматларга тўкин қилиб:

— Энди олаверасизлар, ака Теша, — деб, яна қўлини кўксига босди. — Жўжа кабоб буюриб қўйдим, пишган заҳоти бажо қиламан, ака Теша.

— Яша, Саид бажо! — деди Теша. — Жуда ишига пухта йигитсанку, иним.

— Хизматингиздамиз, ака Теша!..

Дастёр йигит чучмалгина ишшайиб, аравачасини шийпон томон суриб кетди.

Теша ичимликлардан бирининг тиқинини очаётиб:

— Коньякларнинг энг зўри бу, Севаргул! — деди. — Бешюлдузлик. Ичамиз.

Севаргул узрона кулимсираб, бош чайқади:

— Мен сира ичмаганман, Теша ака.

— Ичмаган бўлсанг, энди ичасан. Уқинма. Хайрли ишнинг эрта-кечи йўқ, — деди у, ҳазилчан кулиб. Сўнг аста қўлидан ушлаб, коньяк қуйилган қадаҳни тутқазди. — Госэкзаменларни аъло баҳоларга топширишинг учун, методистликни яхши бошлаворишинг учун, Севаргул!

— Раҳмат... раҳмат, Теша ака! — деди Севаргул. — Лекин мен ичолмайман.

— Э, қизиқмисан, Севаргул! — деди Теша, қовоғини уюб. — Қўй-э унақа мужмал гапларни. Ичиб кўр. Мазза!

— Сиз хафа бўлманг-да, Теша ака.

— Жиндай ичиб кўр қани хай, — деди у элангандек. — Ол, асло юлдузинг сўнмасин!..

Севаргул иккиланган қўйи, қадаҳга хиёл тикилиб тургач, озроқ ичди-да, гўё довулча егандек, афтини бужмайтириб:

— Ув-в!.. — деди. — Тахир-ку?

Теша бир бўлак шоколад узатаётиб:

— Кейинги қўлтуми ширин бўлади, — деди кулимсираб. — Ҳали кўрасан...

Магнитофондан энди Насибанинг озарбайжонча бир ўйноқи қўшиғи янграмоқда эди. Шийпон эса янаям гавжум бўла бошлаган, ширакайф одамларнинг мастона овозлари эшитилиб турарди.

Теша тақсимчасига чиройли парракланган тил гўштиндан солаётиб:

— Уйлаб қарасам, ҳозирча қишлоққа шошилмай турганинг бир ҳисобда маъқул экан, Севаргул, — деди қувлик билан кулиб. — Борган заҳотинг шартта эрга берворишса!..

Севаргул нозланиб:

— Айтманг у гапни-е, Теша ака! — деди.

— Нега, ёқмайдимиз? — деди Теша, алланечук ўсмоқчилаб.

— Нимаси яхши, — деди Севаргул. — Эрга эрта чиққан олам бечора чўридек ўтирибди уйда. Йигирма бешгаям киргани йўқ. Йғир-жиғир беш боласи бор. Боёқишни ҳар кўрганимда, юрагим эзилиб кетади. Йўқ... мен ҳали турмушга чиқмайман.

— Тўғри қиласан, Севаргул!..

Кейин, тобора сархушланаётгани боисми ёки ўз хангомасидан қўлфи дили очилибми — Тешанинг янаям меҳрчан боқаётган кўзларига дилдорланиб термилган кўйи, онасидан ҳам кўра кўпроқ отасини яхши кўришини, ажабки отасининг ҳам меҳри бошқачалигини, лекин ўнинчини битираётган укаси нима учундир у қадар хушламаслигини ҳасратангиз сўйлай бошлади.

Теша эса дабдурустан ҳаяжонланиб:

— Севаргул, сенинг меҳрибон отанг учун, майли ётмеҳрроқ бўлсаям, уканг учун ҳам ичайлик! — деди қўлидан ушлаб. — Менинг отам уч ёшлигимда қазо қилганлар. Отам раҳматлик мулла Мирбайзо бобонинг шоғирди бўлган эканлар.

— Узимизнинг мулло бобони айтяписизми, Теша ака? — деди Севаргул.

— Ҳа. Мулло Мирбайзо бобо бир пайтлар пичоқчи уста бўлганлар, — деди Теша бош ирғаб. — Мени онам вояга етказганлар. Айтсам куласан: мен ҳалиям онамдан худди ёш боладек кўрқаман.

— Рост айтяписизми, Теша ака?

— Рост айтаяпман, Севаргул, — деди Теша. — Онам жуда... кўкси зада, лекин мияси бутун, ҳалол-покиза аёл. Кел, менинг муштипар онам учун ҳам ичайлик, Севаргул!..

Негадир Севаргулнинг хўрлиги келди, ўшанда лотореянг нақдлигига ишонибсан-у, лекин унга ютуқ чиқиш-чиқмаслиги тўғрисида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмабсан-а, Севар, деб кўнглидан кечирди: аммо, сен ҳамон қайғурадиган опанг — энди ўн боланинг онаси — ҳамон эрининг суюкли хотини. Сен ўшанда ётмеҳрлигидан нолиган уканг бугун олий маълумотли инженер, бир ўғилчанинг отаси, ардоқли эр.

Хўш, ўзинг-чи, энди ўзинг ким бўлиб қолдинг, Севар? Чеккан аламларингни, кўрган хусуматларингни эслайверсанг, еру кўкка сиғмай кетасан.

Отанг... сени ширингина жонидан ҳам яхшироқ кўрадиган отагинанг...

Бунга қандай чидайсан, Севар?

...Аллақачон оқшом чўккан эди.

Бир маҳал, дўмбиранинг гумбура гумбурию сурнайнинг ўтли садоси янграган заҳоти ранг-баранг чироқлар ўчиб-ёна бошлади. Шийпондаги кенг-мўл майдон эса сочлари елкаларида селкиллаган йигитлар билан, париваш қизлар билан тўлиб кетди. Улар камалакранг нурларга чулғаниб, жунунвор рақс тушмоқда эдилар.

— Юр, Севаргул биз ҳам бир танса тушайлик, — деди Теша.

— Шу ерда... — деб, Севаргул навозишли жилмайди. — Узимиз шундай гаплашиб ўтирайлик, Теша ака?

Теша аста билагидан ушлаб:

— Майли, шу ерда тушамиз хай, — деди. — Тура қол, Севаргул!..

Хосхона чиндан ҳам яхши эди — бегона йўқ, четдан биров кўрмайди; шифтдаги ранго-ранг чироқ юракдаги ҳисларни мавж урдириб, ажабтовур ўчиб-ёнапти.

Севаргул ўрнидан тураётиб:

— Мен анавилардек танса тушолмайман-да, Теша ака, — деди.

— Биз ўзимизча тушамиз-да, Севаргул. — Теша оҳиста белидан қучиб, сийпалаётгандек елкаси узра

кафтини майин юрғизаркан, эҳтирос билан шивирлади. — Сен гўзалсан, сен бахтиёрсан, Севаргул!.. Мен... мен бўлсам... Биласанми, турмуш ҳам бамисоли лоторея ўйинидай гап экан. Сенинг бахтинг шундаки, кўлингда лотореянг нақд, ҳали омадингни синаб кўрганинг йўқ. Лекин сенинг лотореянгга ютуқ чиқиши керак, Севаргул. Сен жудаям гўзалсан ахир, Севаргул!..

Севаргул аъзои баданида оташин бир жимирлашни ҳис этган кўйи, онаси тўғрисида гапираётиб Тешанинг кўзлари намлангандек ялтилаганини, шу баробари ўзининг нақадар бахтиёрлигини энтикиб ўйларкан, негадир секин бошини унинг забардаст кифтига кўйгиси келаётганлигини сезди.

Шийпон томонда эса тобора телбавор шодиёнага уйқашиб, дўмбиранинг серғулу гумбура гумбури сурнайнинг ингроқ бир ноласи авжга чиқмоқда эди.

Даҳлизда оёқ товуши эшитилди.

Севаргул сергак тортиб, эшик тарафга нигоҳ ташлади: Бахтигулмикан? Йўқ, онаси... Бахтигул мактабдан кечроқ қайтади.

— Бо худо, ҳалиям шу ётишми?! — Онаси уйга кириб, каравот сари яқинлашди. — Ётавериш жонингга тегмадимми-а, Севар?

Севаргул хастаҳол жилмайди: на чора, онажон!..

— Йиғлабсанми, қизим? — деди онаси синчков тикилиб. — Кўзларинг...

Севаргул аста бош чайқади: йиғлаганим йўқ.

Сўнг қути устидаги чойнак ёнидан ойначани олиб, сўлгин чехрасига разм солди, юзларини сийпалади. Онасига маънодор қараб, лабларини чўччайтирди: Хайронман, қизарипти-ку, ўтиб кетар.

— Йиғлагинг келса, тўйиб-тўйиб йиғлайвер, қизим, — деди онаси. — Духтир ҳам айтдила-ку, баҳонада тилинг очилиб кетар. Лекин сан парво қилма, узоққа чўзилмайди бу... Давосиз дард йўқ, қизим.

Беихтиёр онаси алланимага қулоқ солаётгандек тек қотди: қирт... қирт... қирт...

— Эшитяпсанми, ниманинг товуши бу, Севар? — деди онаси, пешонаси тиришиб. — Э, саққо қолгур магнитапун-ку! — Кампир бошини сарак-сарак қилиб, токча томон юрди. — Ҳеч бўлмаса шу сабилни ўчириб қўймабсан-а, Севар. Ёдинга бахай-э, қизим!

Севаргул хомуш чимирилди: зорманданинг қачон тўхтаб қолганлигини билмабди-ёв! Нима бало, эсари бўляптими ё?..

— Нега бунча ётаверасан-а? Худога шукр, энди соғлигинг бинойи-ку! — Онаси магнитофонни токдан узаётиб сўради. — Нима қилай, ўчирайми ё ашула айтаверсинми бунинг?

Онасининг дашном оҳангидаги гаплари Севаргулга малол келмоқда эди, ихтиёрсиз олайиб, кескин бош чайқади: керак эмас!

Унинг юз-кўзида бир зум акс этган нохуш ифода-ларни илғамагандек:

— Бирпас ҳовлига чиқ, тоза ҳавода юр, — деди онаси. — Ётаверганинг билан суягинг энгил тортмайди ахир.

Севаргул янаям хўмрайиброқ, илкис эшик томон қараб қўйди: хўп!.. Сиз бораверинг.

Бирдан онаси қўлини боши узра ғалати силкитиб:

— Қувма мани! — деди. — Қувмасанг ҳам чиқаман. Ишим бошимдан ошиб ётибди.

Севаргул онасининг ортидан ўйчан тикиларкан, негадир таажжубланди: ҳеч тушунолмади — нега бунчалик... Тавба, нима учун онаси билан жини чиқишмайди-я?!.

Онаси останада тўхтаб, ортига ўгириларкан:

— Шўрва қайнатяпман, — деди. — Бир зувалагина барак букиб солсам ейсанми?

Севаргул кўзларини бир юмиб очди: билганингизни қилинг.

— Майли, озроқ гўшт чопай. — Кампир даҳлизга ўтаётиб, ўз-ўзига гапираётгандек ғудранди. — Уканг бугун бирров келармикан-а? Келмасо-ов. Ҳовли-ҳарам не ҳолда... Ичим патнаб боряпти. Берган кунингга шукр-э!..

Севаргул кўнглида ўкинч ҳиссини туюб, тагин ажабланди: қизик, онаси билан муносабати нега бу тарз совуқ-салқи? Уша — п и ч о қ б ў ў з и г а қ а д а л г а н к у н д а ў л и м д а н о л и б қ о л и б, ч а л а ж о н қ и л и б қ ў й г а н и учунми?.. Йўқ, аввалдан шундай ўзи: кўрмаса бетоқат соғинади... Онасининг ҳам феъли ажойиб: бир қўли билан пешонасидан силаётганда, иккинчиси билан елкасидан мушт уриб туради.

Нега шундай экан-а?

Бир ҳисобда бу қадар қисмати қаролигига онаси ҳам... озми-кўпми ҳисса кўшган: тор қорнимга сиққан қизим кенг уйимга чандон сиғади, деб айтмаган ўш а н д а. На чора, адашипти, алданипти. Тенги топилганда, текинга берамиз, лекин сизга эмас. Туринг, туёғингизни шиқиллатинг, демаган. Деёлмаган. Б и л ь а к с !..

Ногоҳ Севаргулнинг кўз ўнгида дилғаш зум манзара нурулиб, яна ўзининг аламнок бўзлагани эшитилаётгандек туюлди: т у р и н г а х и р , Т е ш а а к а ж о н ? !.

— Нима дейсан?.. Гапир! — Ниҳоят, Теша вазмин ўрнидан турди. Ҳамон ширакайфдек гандираклаганча, ҳар хил қоғоз парчаларию турфа лахтаклар сочилиб ётган ғиштпарчин саҳнда юриб, шими осиглиқ девор томон ўтди. Унинг тикмачокдек таранг бели, мушаклари, бўртиқ елкасида кўҳна диваннинг туртиб-туртиб чиққан сим излари қуёшнинг деразадан тушаётган шафақ нурида янаям қизариб кўринарди. У шимини кийиб, диван чеккасида чўнқайиб ўтирди. Икки чаккасини сиқиб ушлади. — Уф-ф, бошим!..

Севаргул юзларига оқиб тушаётган кўзёшларини чойшабга артиб:

— Айтинг ахир, мен энди нима қиламан?! — деди.

— Кеча ҳаммасини келишдик-ку, ахир?!.

Севаргул бехос қарахтлангандек бир зум анграйиб қолди, хиёлдан сўнг, аста:

— Нимани?.. — деб сўради.

Теша, важоҳатида ғолиб бир ифодалар зухурланиб:

— Нега бунча меровсирайсан, — деди. — Кеча ўзинг хотинликка рози бўлдинг-ку!

— Иби, юзим куйсин! — деб Севаргул шартта юзларини чангаллади. — Хотинингиз бор-ку, ахир! Бола-ларингиз...

— Уёғи билан сенинг ишинг бўлмасин, — деди Теша. — Мана шу ҳовли сеники. Номингга хатлаб бераман. Яшайверасан. Фақат жиғимга тегмасанг бўлгани. Кеча айтдим-ку сенга, менда ҳамма нарса бор, фақат манави ҳувиллаб ётган бўшлиқни тўлдирадиган дилкаш дилдор керак менга, — деди Теша кўксига нуқиб. — Вақти-соати билан отангниям, онангниям ўзим рози қиламан, Севаргул. Балки, ҳаммаси ҳал бўлиб кетар.

Севаргул хаёлида туманланиб кечаётган тасаввурлар ваҳмидан баттар даҳшатга тушиб, аламнок бош тўлғаганча, чойшабни юзларига босди:

— Гапирманг... гапирманг, Теша акажон! Тамом бўлдим, энди мен тамом бўлдим!..

— Ўб-бол! — деди у тиззасига шапиллатиб уриб. —

Кўз ёшига бало борми?! Тушунсангчи ахир, Севаргул, шўрлик хотинимнинг умри... — Теша беихтиёр сўкиниб, ўрнидан туриб кетди. — Худо хайрингни берсин, Севаргул, одамни бунча қийнама ахир! Бас қил. Пул билан битмайдиган иш борми? Майли десанг, дўхтирга обораи. Сўнг туя кўрдингми — йўқ, деб кетаверамиз... Бўладими шундай қилсак?

Дафъатан Севаргул унинг гапини англаёлмай, жавдираб термиларкан:

— Нималар деяпсиз?! — деб сўради.

Теша ишшайди:

— Кейин, битта лавашангни топиб тегволасан-да, юраверасан ялло қилиб.

Севаргул қўққис унинг асл башарасини кўриб, тили танглайда қотгандек, шоён бир ижирғаниш билан тикилиб қолди: вой шарманда-а!..

— Менга унақа қарамагин, ёмон кўриб қоламан-а! — деди Теша кулиб. — Бас... бас. Биз ҳеч қачон у пасткашликка бормаймиз. Кайф устида бўлмас иш бир бўлди... Ахир, сени яхши кўраман-ку, Севаргул! Узимнинг шириним!.. — У Севаргулни маҳкам қучоқлаб, юзларидан чўлпиллатиб ўпди. Тўзгин сочларини янаям тўзитди. Сўнг қўйлагини кияётиб: — Ҳозирча норасмий, лекин суюкли хотинимсан, — деди. — Мавриди билан никоҳ тўйиниям ўтказамиз.

Негадир Севаргул суноолмади, унинг гапларига ишонмади ҳам — назарида, у бир балога гирифторм бўлиб кетишдан хавотирланиб, бетайин ваъдалар билан юпатаётгандек эди:

— Қачон? — деб сўради ўлимига рози бўлган бандидек мўлтираб.

— Жиндай сабр қилиб турасан, Севаргул, — деди Теша. — Имтиҳонларинг тугагандан кейин, қишлоқда беш-ўн кун дам олиб қайтасан. Мен унга довур бу ҳовлининг шикаст-рехтини созлатиб, бошлаб жиҳозлаб қўяман. Ҳали ҳаммасини бафуржа маслаҳатлашамиз.

Унинг қаёққадир шайланаётганини кўриб:

— Нима, ҳозир мени ёлғиз қолдириб, ўзингиз бирор ёққа жўнавормоқчимисиз? — деди Севаргул.

Теша гуноҳкорона оҳангда бирров уйдан хабар олиши зарурлигини айтиб:

— Онам бечора, худо билади, кечаси билан мижжа қоқмагандирлар, — деди безовталаниб. — Онамга бир кўринаман-да, йўлакай Пажаркадан нон, қаймоқ олиб қайтаман. Кейин, магазинга бир қўнғироқ қилиб қўйишчи керак!.. — У тагин Севаргулнинг юзларидан, яланғоч елкаларидан ўпди. — Узимнинг шириним-ширининам! — деб сўйди. — Мен келгунча чой қайнатиб қўйгин. Майлими?..

Севаргул чойшабга ўраниб, тиззаларини қучоқлаб ўтирарди. Унинг орқасидан мунғайиб қараб қоларкан, рўй берган бахтиқароликдан эрта бир кун отаси... отагинаси хабар топгач, не қўйларга тушарини ўртаниб ўйлади; ногаҳонда хазон қилиб қўйган орзуо ҳавасларига мотам тутаётгандек юраги куйишиб оғриди. У тагин вужуд-вужудини қалт-қалт титроқ босиб, кўзларидан зардобдек ёш қуйилаверди.

Ҳовлида нимадир тўқиллай бошлади.

Севаргул, хаёли чалғиб, ташқарига қулоқ солди: онаси... гўшткундада гўшт чопяпти. Қайнатма шўрвага чучвара букиб солмоқчи...

Ажаб, юзларини куйдиргудек бўлиб ёш сизиб оқмоқда эди. Асабий титранаётган лабларига маъюс бир кулимшиш билан кўзешларини артаркан, ҳали-ҳануз бирдан юзтубан кетганлигинг боисини англаёлмайсан-а,

Севар, деб ўйлади: агар ўша кеча сархушлигингдан хавотирланмай, тун алламаҳал бўлиб қолган эса-да, бир амаллаб ижарахонангга кириб борганингда ҳам, юзиқароликдан қутулиб қолармидинг? Ё тавба, бу не жумбоқ ўзи — сен у ни яхши кўрганмидинг ёки алданганмидинг?! Мабодо... бирор лапашанингга тегволсанг, бу ёлғончи дунёда умринг беғам кечармиди, Севар?..

Қулоқларида ошпичоқнинг гўшткундага бир маромда урилиши акс-садо берган кўйи, нечундир хонага ўйчан разм сола бошлади: ана, эшик томондаги деворга тақаб қўйилган жигарранг шифонер. Шифонернинг ичи асл кўйлақлар, қимматбаҳо пальтою плашларга тўла. Унинг чап ёндаги юқори ғаладонда эса бир ҳовуч тилла тақинчоқлари нуқрабанд қутичада солиниб турибди. Ана, шишакори тоқчаларга қатор зарҳалли чиннвор идишлар териб қўйилган. Тоқчалар ўртасидаги бухорий сўзана орқасида ноёб газламалар жойланган сандиқ. Сандиқнинг устида то шифтга қадар кўтарилган қатқат баҳмал кўрпалар, баҳмал ёстиқлар... Ана, каравот тепасида чўғдек арабий гилам.

Кейин кўшни хонадаги ялтир-юлтур стол-курсилар, сервантдаги рангин биллур идишлару девордаги гиламларни ҳам бир-бир хаёл назаридан ўтказаркан, кўнгли ғуссага тўлиб кетди: ҳамма нарса бадастур-у, лекин дардманд қалбини қувонча тўлдирадиган одами йўқ. Бу беҳисоб жиҳозлар, саноқсиз ашёларнинг бари — бахт деб билган бадбахтлигининг шоён кўриниб турган шакли-шамойили эмасмикан?..

Буларни ҳар кўрганда бир куюниб юраверадимиз энди? Йўқ, бирор чорасини топиш керак.

Аммо, қандай қилиб?

Шу пайтда онаси илдам даҳлиз эшигига яқинлашиб:

— Ҳалиям ётибсан-ку, Севар! — деб, яна бошини сарак-сарак қилди. — Тур, дарров айвонга чиқ...

Севаргул жилмайибгина онасининг серажин юзларига, икки чаккасидан кўриниб турган суякранг сочларига, қораси билан оқи қоришиб кетгандек чағир кўзларига тикиларкан, беихтиёр кўнглидан кечди: бунча соғлом, бунча ҳаракатчан... Нима бу — шафқатсиз ҳаётнинг бешафқат кулфатларига қасдма-қасд яшаётганлигининг аломатими ёки вақтий замонида ю р а г и п а н д б е р м а г а н л и г и н и н г шарофатими?.. Худо хоҳласа, онаси ҳали кўп яшайди.

— ...барак букишасан. Узинг дурустмисан ахир?

Севаргул ёнгил бош ирғаб, кўз юмиб очди: бўпти. Ҳозир...

Қизининг қўзғалаётганини кўриб, она тагин чаққон изига қайтди.

Севаргул қоматини тиклаб, оёқларини каравотдан пастга осилтирди. Қулоқларидаги шовқин кучаяётгандек туюлди. Бирпас нафас ростлагач, ўрнидан туриб, китобни қўти устига олиб қўйди. Қўйлагини кийди. Тўшакни текислаб, устидан сўзанани ёпди, ёстиқни ҳурпайтирди. Кейин, рўмолини қўлида осилтирганча, тошойна ёнига борди. Сочларини тараётиб, қулоғи орқасидаги жароҳатини пайпаслаб кўрди: оғриқ... сезилмаётгандек эди. Рўмолини боғлаб, юзларини сийпалаган кўйи секин эшик томон юрди. Худо шу кезде бехос оёғи остида ер силкинаётгандек, уй эса чайқалиб сузиб бораётган кемадек туюлиб кетди. Шартта эшик ёндоридан ушлаб, аста остонага чўнқайди.

\* \* \*

Каюта радиосидан ўйчан бир кўшиқ оҳиста таралмоқда эди.

Майин хониш бору борлигини чирмаган сайин хаёлида ғаройиб бир манзара ёрқин намоён бўла бошлади: ёнгил туман кўтарилаётган ўрмон қуёшнинг шафақ

нурларига чўмилган. Қонталаш баргихазонлар ҳавода ларзонланиб учяпти. Тилларанг сочлари тўлқин-тўлқин, кўзлари мовий, дуркун бир жувон дарахтзор оралаб маҳзун кўшиқ куйламоқда: излай-излай тополмаганим, қайдасан, айт, қайлардан излай? Ишқингда мен кезмаган шаҳарлар, мен кечмаган дарёлар қолмади. Қайдасан, ваъдаси ёлғоним, қайлардан излай!..

Саида Мирзаевна ногоҳ яна куюнчаклик билан гап бошлаб:

— Сиз у ярамаснинг ўзини ҳам, баттол онасини ҳам унутинг, Севаржон, — деди. — Биламан, унутингиз осон эмас, лекин унутолмасангиз, ўзингизга қийин.

Севаргул ғижимланиб кетган рўмолчаси билан кафтларини артиб, унсизгина энтикиб қўйди: ахир... у н и н г пуштикамаридан бўлган Бахтигули ҳамиша ёнида-ку! Ёлғизгинасининг мунгли кўзларига қараш азоби... На чора, чидайди. Чидамай иложи йўқ. Мана, бу ёқларда бесар кезиб англаяптики, ҳеч қачон унутолмас экан.

— Унутининг битта осон йўли бор, — деди Саида Мирзаевна. — Бунинг учун шаҳардаги ҳовлингизни сотиб, қишлоққа кўчиб кетишингиз керак.

Севаргул киноа аралаш қиласта кулимсираб:

— Қишлоқда нима иш қиламан, опагон? — деди.

— Ўқитувчилик қиласиз ёки боғчада тарбиячи бўлиб ишлайсиз! — деди Саида Мирзаевна. — Тегишли ўртоқларга айтиб, ёрдам беришим мумкин.

Севаргул бир фурсат жим қолди: ахир, қишлоққа қандай сўппайиб кириб боради? Ҳамқишлоқларининг назарида эрлик хотин, боз устига бойвучча хотин-а!.. Хўп, суюқ-совуқ гап-сўзларга парво қилмай, қишлоққа кўч-кўрони билан кириб борди ҳам дейлик; кейин ҳамқишлоқлари даврасига сингишиб кетолармикан? Одамлар жуда ҳангоматалаб, бундан ташқари масаланинг бошқа бир нозик жиҳати ҳам бор.

— Ҳозир ҳамма саводхон, — деди сўнг у кўнглидан кечаётган фикрларни баён этиб. — Бирортаси, оила-сининг тайини йўқ... фалончи аёлнинг болаларимизга тарбиячилик қилишга қандай ҳаққи бор, деб юқори идораларга устимдан шикоят жўнатса, кейин додимни кимга айтаман, опагон?

— Сиз одамлардан ёмон кўрқадиган бўлиб қолибсиз, Севаржон.

— Рост, — деди Севаргул. — Кўрқаман, опагон.

— Бир пайтлар мен ҳам сизга ўхшаб, одамлар оқибатсиз, одамлар тошюрак, деб ўйлаб юрганман, — деди Саида Мирзаевна. — Лекин ҳамма оқибатсиз эмас. Одамларнинг ёмонидан яхшилари кўпроқ, Севаржон!.. Мен сизга ўз бошимдан кечирган бир воқеани айтиб берай. Ҳамқишлоқ бир йигитга кўнгли қўйган эдим. Мен қишлоқ хўжалик институтида ўқирдим. У медицина институтида...

Уларнинг бир-бирига ошиғу шайдолигини ҳатто қишлоқда ҳам билишарди.

Аммо, ўқишни тугатиб қайтганларидан сўнг, орадан кўп ўтмай, негадир йигит аҳдидан қайтди — эндигина ўнинчини тамомлаган бир қизга уйланди.

Саида студентлик даврида юрак ўйноғи хуруж қилиб, икки марта касалхонада даволаниб чиққан эди.

Йигит катта тўю томоша билан уйлангач, ҳамқишлоқлар Саидага бамисоли бедаво бир дәрдаг чалинган бечорага ачингандек, йигитлар эса бировнинг ташландиқ хасмига қарагандек бепасанд қарайдиган бўлишди.

Саида буларнинг барига ночор-ноилож чидар эди.

Орадан бир ярим йил ўтди. Сўнгсиздек туюлган ўртанишлар ичра кечган бир ярим йил давомида эшигидан биттаям совчи сўроқлаб келмади. Лоақал биттаям-а!

Ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ, деб ким айтган бўлса ҳам жуда топиб айтган экан.

Феълу атворию меҳнаткашлиги казолардан бирига ёқиб қолганми — кутилмаганда ҳаммаси бошқача тус олиб кетди: райкомсомолнинг биринчи котиблигига сайланди. Шундан сўнг ҳамқишлоқларининг муносабати ҳам кескин ўзгарди. Ҳарёқдан совчилар дўлдек ёғилиб келаверди, тенгдош йигитлар эса шунақаям хуштакаллуф бўлиб кетишдики!..

Бироқ Саида уларнинг нияти пок эмас деб, бирортасига ҳам розилик бермади.

Яна сувдек оқиб салкам тўрт йил ўтди. Бу даврда юқори ташкилотларга жўнатилган юмалоқ хатлардан ташқари, бир гал яп-янги этикчасини кабинетида писка билан тилиб-тилиб кетишди. Саида райижроқўм раиси муовинлигига тайинланиши арафасида эса бирданига райкомсомолнинг ҳам штамп, ҳам гербли муҳри йўқолиб қолди.

— Агар армияда бирор полкнинг байроғи ўғирланса, ўша полкни тарқатиб юборишаркан. Тушунаяпсизми — бутун полкни бошқа қисмларга бўлиб юборишар экан!.. Билмадим, муҳрлар топилмаганда, бошимга қанақа кулфатлар ёғилар эди, Севаржон, — деб Саида Мирзаевна бош чайқади. — Сиз Каттабоевни танирмидингиз?

— «Чинор» ансамбли ишларини текширгани борганимизда бир-икки марта кўрган эдим, — деди Севаргул. — Бечорани қамаворишди шекилли.

— Ҳа, салкам йигирма беш йил Биринчи бўлиб ишлаган одамни бировларнинг «думи» деб элтиб тиқиб қўйишди. Ҳали суди бўлгани йўқ. Бу... Баъзи ишларимиз Каттабоевга ўхшаб юқорининг кўрсатмасини бажарган кўп яхши одамларимизнинг ҳам хонадонини чирқилляпта-да, Севаржон! — деди Саида Мирзаевна беихтиёр хўрсиниб. — Хуллас, ўша одам бўлмаганида, менинг урилиб кетишим тайин эди. Муҳрлар йўқолганини эшитиб, жуда хафа бўлди, ғудраниб-тутақиб, аппаратдаги ходимларингни чақир бу ёққа, деди. Ҳамма тўплангач, агар печатлар бугун кечқурунгача топилмаса, эртадан бошлаб ҳаммангиз ҳарёққа тўзғиб кетасиз, деди. Бирортангиз ҳам униб-ўсолмайсиз! Биз Марказкомдаги ўртоқлардан Саиданинг гуноҳини кечирिशларини илтимос қилиб сўраймиз. Уйлаймизки, ўртоқлар бизни тушунишар. Лекин печатлар топилмаса, биз сизни кечирмаймиз. Гап шу!.. Қаранг-а, Севаржон, ҳурматли раҳбар сўзининг обрўси қанчалик: эртаси тушдан сўнг муҳрлар топилди!..

...Уша йили Саида райижроқўм раиси муовинлигига кўтарилди.

Саиданинг яқиндагина педтехникумни битириб қайтган синглиси турмушга узатилган эди. Шу боисми, Саида руҳиятида алланечук бир безовталиқни ҳис этиб, бот-бот ўз-ўзидан сўрайдиган бўлди: ёш умримни амал кетида беҳуда ўтказвормаяпманми ишқилиб? Эрта бир кун пушаймон ўтида куйиб қолмасмиканман?..

Бир куни, тун алламаҳал пайти, мажлисдан қайтаётганларида шофери Тўймурод ийманибгина, Саида опа, акамга эрга чиқмайсизми, деб сўраб қолди.

Шофёрнинг ажабтовур гапини эшитаркан, Саида кўнглида кимдандир ранжиди...

Тўймуроднинг акасини қишлоқда ҳамма яхши танийди. У ҳақда гап кетгудек бўлса, ҳазил аралаш, Элмурод зўр духтур, ТошМИда ўн йил чуқур ўқиған, дейишади. Элмурод мактабда ҳам ўртача ўқирди. Бирга ўқишган, лекин синфлари бошқа-бошқа эди. Мактабни тамомлагач, у ТошМИга, булар эса Самарқандга жўнаган эдилар.

Элмурод учинчи курсдалик пайтида негадир институтдан қувилгач, кейин қайта бошдан ўқишга имтиҳон топшириб кирган... Ўқишни эса битирганига уч-тўрт ой бўляпти. Ушандан бери қишлоқ касалхонасида ишлайди. Бундан ўн кунча олдин ҳузурига ариза кўтариб кирган эди. «Жигули» олмақчи экан.

...наҳотки ўтмиш ишқий можаролардан Элмурод баҳабар бўлса?! Шу фикр хаёлидан кечаркан, Саида негадир ранжиганини шофёрига сездиргиси келмай:

— Акангиз нима учун «Жигули» олмаптилар ёки базадаги машиналарнинг ранги ёқмаптими? — деди ўсмоқчилаб.

Тўймурод томоқ қириб:

— Акам ариза баҳонасида сиз билан гаплашиб чиққанидан сўгин фикридан қайтди, — деди. — Энди олдин хотинлик бўлволиб, кейин машина олмақчи.

Саида ниманидир англагандек:

— Акангиз сиздан каттароқ совчини тополмаптилар-да, — деди.

Тўймурод овози алланечук титраниб:

— Ман акамни жудаям яхши кўраман, Саида опа! — деди.

Хийла ҳаяжонли бир жимликдан сўнг:

— Майли, акангиз эрта пешиндан кейин ёнимга бир кирсинлар, — деди Саида.

Ажаб, ўша кечанинг бениҳоя нурафшон тонги жуда тез отган эди-я!..

Ниҳоят, тушдан сўнг Элмурод аразлаган боладек кабинетга қовоғини уюб кириб:

— Келдим, — деди.

Юзма-юз ўтиришди.

Саида базўр ҳаяжонини босиб:

— Қишлоқда шунча ёш-ёш қизлар бўла туриб, нима учун менга уйланмоқчисиз, Элмурод? — деб сўради.

Элмурод унинг кўзларига тик қараб ўтирарди. Бир чимирилиб қўйди, лекин гапирмади.

Саида баттар қизариб-қимтиниб:

— Илтимос, Элмурод, саволимга жавоб беринг, — деди. — Мен туфайли ҳеч қачон бошингиз эгилмайди... Лекин барибир... нима учун менга уйланмоқчи бўлаётганлигингизни билиб қўйишим керак.

Элмурод янаям синчков тикилган кўйи дабдуруст сенсираб:

— Мен сени ҳаммадан аввалроқ кўз остимга олиб қўйган эдим, — деди. — Лекин... вақтида айтолмаганман. Шу!..

Саида Мирзаевна юз-кўзлари шодон бир табассумдан яйраб:

— Агар ишонсангиз, ўшанда суюнганимданми жудаям ғалати бўлиб кетганман, Севаржон! — деди. — Кейин тўйимиз бўлди. Ҳозир икки қиз бир ўғилчамиз бор. Хўжайин яна битта ўғиллик бўлишни хоҳлайдилар, лекин...

— Ҳали ёшсиз-ку, опажон, — деди Севаргул.

Саида Мирзаевна беихтиёр кўкси қалқиб хўрсинаркан:

— Афсуски юрак ўйноғим чинга ўхшаяпти-да, — деб тилининг учини тишлаб қўйди. — Шунинг учун денгиз ҳавосини шифо билиб, ноилож саёҳатга чиққанман.

Кема сезилар-сезилмас чайқалиб, тун қўйнида шитоб билан сузиб борарди.

— Одамлар яхши, одамлар меҳрибон, Севаржон. Яқинда ўғилчамизга тўй қилганимизда, одамларнинг ташвишбардорлигини ҳам билдим. Тўю маъракаларингизни ўтказадиган, бош-қош бўладиган ҳам одамлар. Айниқса, ҳамқишлоқларингиз, Севаржон! — деди

Саида Мирзаевна. — Менинг маслаҳатимга кўнсангиз, шаҳардаги ҳовли-жойни сотинг-да, қишлоққа кўчинг... Барибир қачон бўлмасин қишлоққа қайтишингиз керак-ку, Севаржон?!

Севаргул Саида Мирзаевнанинг сўнгги жумласини ўзича тушуниб, хаёлчанлик билан, пиёлада совиб қолган чойдан ҳўпларкан, ўша — машъум куни музқаймоқ еб ўтирганларида, қизига тайинлаган бир гапини эслади: агар мен... ўлиб қолсам, бовонгнинг гўрлари ёнига элтиб кўмасизлар. Хайми, қизим?..

— Шаҳарда бундай юраверсангиз аламдан ҳам пасткам кўчаларга кириб кетиб қолишингиз мумкин. Ёлғизгина қизингизнинг келажагини ўйланг!.. Лекин ёлғизгина қизингизга ишониб ёш умрингизни беҳуда совурворманг, демоқчиман. Мен ўттизимда турмушга чиққанман. Сиз энди ўттизга кирясиз, Севаржон! — Саида Мирзаевна вазмин ўрнидан турди, илгакдан шол рўмолини олиб, елкасига ташлади. — Ҳали вақтимиз кўп. Эрта насиб қилса Сочида бўламан. Кейин Батуми, Сухуми... Бу ҳақда буфуржа гаплашаверамиз. Юринг, танса тушаётганларни томоша қилиб, уйқуга ётардан аввал денгиз ҳавосидан бир баҳри дилимизни яйратайлик, Севаржон.

Каютадан чиқиб йўлакдан палуба томон юрдилар.

\* \* \*

Онаю қиз чучвара букяпти.

Ҳаво иссиқ. Ғир этган шабада йўқ. Ойнаванд айвоннинг деразалари ланг очик. Чоғроққина ҳовли ўртасидаги шоҳтут шоҳларида чумчуқлар беҳол чуғурлашади. Аҳён-аҳёнда ерга майиздек тутларнинг узилиб тушаётгани эшитилади. Тут тагидаги гулзор чеккасида — япроқлари жазирамадан шалвираган райҳон шому саҳар гуллар соясида беш-ўн барг ўсма сўлитиб қўйилган.

Онасининг тинмай гапирётганиданми ёки баъзи гаплари малол келаётганиданми — Севаргул ихтиёрсиз чимирилиб қўяди: бунча жаврамасалар-а!

Онаси эса, унинг кўнглидан нелар кечаётганига парвойи фалак, ўшанда — бошига тоғдек мусибат ёпирилиши аён бўлган кунда нималар рўй берганини яна — балки ўнинчи бор — ҳасратзадалик билан ҳангома қияпти:

— Бахтигулгина ҳалиги гапни айтганидан кейин бирдан юрагимга ғулғула тушди. Утиролмадим. Утириб бўларканми!.. Сан сира тинчимадинг, қизим. Раҳматли онам айтардилар, тинчимаган — тинчитмайди, болам, деб... Қўлтиғимга тандирдан янги узилган нондан тўрт-тасини қисдим-да, юр, бачам, дедим Бахтигулга. Онанг бир балонинг бошини қўзғаганга ўхшайди, ўлиб кетган бобонгнинг оёқ учидан бекорга жой тиламагандир, дедим. Бийи-бача икков саросар йўлга тушдик. Йўлда келаётиб, сани ўйлаган сарим, юрагим шунақа шувиллайди-ей!.. Ҳа-а, онанинг юраги ҳамма бурди балони олдиндан сезар экан, қизим. — Онаси унинг хаёлчан кўзларига тикилган кўйи, остки лабини тишлаб, бошини сарак-сарак қилди. — Уйга кира-сола, бундоқ қарасам, ё т и б с а н — қўлларингни кўкрагинг устида қовуштириб. Бирдан юрагим товонимга тушиб кетгандай бўлди. С е в а р, дедим. Сан бўлсанг ётибсан, киприкларинг ҳам қилт этмайди. Жонҳоври қўлларингдан тортиб, С е в а р г у л, дедим. Кейин дод, қизим ўлди, вой-дод, қизимдан айрилдим, деб ҳовлига югуриб чиқдим. Бирпасда ҳовлига тумонат одам йиғилди. Бахтигулгина кўзларида шашқатор ёш билан одамларга ёлвориб, онамни тириштириб беринглар, деб чиркиллаб йиғлаганини кўриб, баттар юрагим эзилди. Холпош кампир уввало қизингни овутмоқчи бўлади, қани қулоқ сол-

са!.. — Онаси патнисни нари сураётиб, беихтиёр уф тортди. — Ман шўрликни отагинангдан бемаҳалда айирганинг каммиди, қизим? Ахир... сангинадан ҳам айрилсам ман ўлиб қолардим-ку, қизим. Шу бедодликка бел боғлаганингда нималарни ўйлаган эдинг-а? Ақалли Бахтигулингни ўйлаганмидинг, жоним қизим?..

Севаргул баттар кўзлари қизариб, ўкинч билан она-сига қаради: шу бир гапни сақичдай чайнадингиз-да, онажон!.. Уйлаганман, жуда кўп ўйлаган эдим. Лекин... ўша кунгача чеккан аламларимнинг ҳаммаси бир бўлдию ўша кунгисининг ўзи ҳам бир бўлди... Аслида, ҳомилангни йўқот, деган кунёқ унинг баҳридан кечсам... Ҳали-бери отагинангдан ҳам айрилмасмидим!..

Одатдагидек унинг бетоқат кутиб, тушликка қовурдоқ пишираётган эди, бехос устма-уст ўхчиқ тутиб, қайт қилгиси келди. Ва шу баробари, алланечук ваҳм билан қорнини пайпасларкан, ногаҳоний кўнгил айнишининг боисини англаб, кўрқиб кетди: тамо.. тамо! Энди шармандаси чиқади. Тезроқ кела қолса эди чалпақкина бўлгур!.. Ҳамиша аҳвол шу — бирор мартаям вақтида келган эмас, доим куттиргани-куттирган.

Келса нима деб айтади — ё хотинингдан кечасан ёки мендан дейдими. Деёлмайди. Йўқ, бундай деёлмайди. Инжиқлик қилсанг, ора очиқ деб қўйган. Кейин... Уф-ф!.. Нима қилиш керак? Бу шармисорликдан қандай қилиб қутулиш мумкин-а?!

Паришон ҳолда газўчоқнинг оловини пасайтириб, қозоннинг қопқоғини ёпиб қўйди. Ҳардамхаёллиқ билан ошхонадан чиқди. Бирдам супада гангиб тураркан, савдойнамо ғудраниб кимнидир аламоқ койиди. Айвонга ўтди, ундан салқин даҳлизга кирди. Бешуур ётоқ бўлмадаги тошойна ёнига бориб, қақди-қоматиға синчков разм солди: назарида, ҳеч вақо билинмаётгандек эди. Хазин энтикиб, қорнини ичига тортди, яна тикилиб қаради: йўқ, билинмайди. Лекин... У эшитса нима деркин-а?!

Секин халати ҳамда сийнабандини ечиб, каравот устига қўйди, сўнг таранг кўкракларини ҳовучлаб, бўртиб турган учларига қадалиб тикиларкан, хиёл энгил тортгандек бўлди: ўзгариш йўқ; ана, қорни ҳам... дўмпаймагандек.

Аммо, негадир алақаеридаги куйдиргувчи бир оғриқ сира пасаймас, тобора забтига олаётгандек эди. Ойна томон энгашиб, остлари салқиган, мискин нигоҳларига, сўлғин туюлаётган юзларига қараб туриб, бирдан йиғлагиси келди. Энтикиб-энтикиб нафас олди, юзларини сийпалади, қошларига иштиёқсиз қалам сурди. Ҳадемай унинг келиб қолишини ўйлаган кўйи озроқ пахтага ғаладондаги гулобдан томизиб кўз остларига, ёноқларига пардоз бергач, сийнабандини тақиб, халатини қия бошлади.

Худди шу пайда гурп этиб, машина эшигининг ёпилгани эшитилди.

Ҳаял-замон ўтмай дарвоза очилди.

Севаргул чаққон ҳовлига чиқди.

Теша йўлакай кўйлагини ечиб, ювиниш учун тут томонга ўтмоқда эди.

— Хайрият-э! — деди Севаргул. — Келолдингизми, хўжайин?

— Келдим, — деди у кўйлагини юмалоқлаб отиб. — Ушла! Қалай, зўрмисан?

— Зўрга ўхшайманми?

— Зўрсан! — У жўмрақни буради. Муздай сувга яланғоч елкасини тутиб, жунжикиб пишқирди. — Ув-в, маза!..

Севаргул бору борлиғида беқарор бир ҳадик кезаётганини ҳис этиб, бетоқат ортига бурилди. Уйдан тоза

бир сочиқ олиб тағин изига қайтди. Гулзор ўртасидаги йўлкадан унга томон яқинлашаркан, ҳамон хаёлида биргина савол беқўним чарх урмоқда эди: эшитса нима деркин-а?

— Социқни узат! — Теша чала-чулпа артиниб, сочиқни кифтига ташлади. Сўнг шартта уни азот кўтариб, илдам уй томон юраркан, бўйнига лабларини босди. — Узимнинг шириним. Эй, ҳалиям ширинмисан-а?!

— Йўқ, аччиқман, аччиқ! — деб қиқирлаб кулди Севаргул. — Шошманг... Туширинг!

— Ҳозир ширингинам. Жим!.. — Теша уни авайлабгина уйга олиб кириб, каравотга ётқизди. — Жим ёт. Типирчиласанг!..

— Шошманг ахир, мен аввал қозонга бир қараб келай.

— Кейин қарайсан... Куйиб кетмас.

— Наҳалингиз оловдами, тўхтасангизчи-е! — Севаргул кескин юлқиниб, каравотдан пастга тушди. — Бўйимда бор, — деди. — Билдийизми?

Бирдан табассуми лабларида муздек қоғитиб:

— Йўғ-э?! — деди Теша. — Ҳазиллашяпсан?

Севаргул синиқ жилмайиб:

— Ҳазиллашаётганим йўқ, хўжайин, — деди. — Рост айтяпман.

Теша қош-қовоғини уйиб жим қолди.

Унинг хомуш тортганини кўриб Севаргулнинг баттар ваҳми зўрайди. Шарпадек юриб ҳовлига чиқди. Беҳуд кепатада ошхонага яқинлашаркан, тағин кўққис ўхчиқ тутиб, кўзлари жиққа ёшга тўлди. Хаёлчан ғудраниб, негадир ўз-ўзини койиди. Қовурдоқни катта чинни товоққа сузди. Чой дамлади. Кейин товоқ ҳамда чойнакни кўтариб секин уй томон юрди.

Теша кафтларига тиранганча ҳануз каравотда бошини куйи эгиб ўтирарди.

— Туринг, — деди Севаргул қўшни хонага ўтаётиб. — Овқат совиб қолмасин.

Теша кўйлаги тугмаларини ўтказган кўйи хонага кириб курсига ўтирди. Буғи чиқиб турган чойдан бир қулт хўллаб:

— Нега ўзинг овқат емаяпсан, — деди.

— Ейман, олаверинг, — деб Севаргул бир туюр гўштга санчки урди. — Коньягингизни келтирайми?

— Ичмайман, — деди Теша иштаҳасиз гўшт чайнаб. — Сенга бир гап айтмоқчиман, Севаргул, лекин хафа бўлмайсан!

Севаргул жавдираб:

— Айтинг, — деди.

— Ҳомилангни йўқот! — деди Теша. — Олдириб ташла.

Яна бирдан Севаргулнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Санчкини товоққа қайтиб қўйди. Ухчиқ хуруж қилаётганини сезиб, ўрнидан турди. Секин бурчакдаги пастак стол ёнига бориб, елпаракнинг тугмачасини босди.

— Биламан, кейин менинг майиб-мажруҳ бўлиб қолишим билан сизнинг ишингиз йўқ, — деди у овози титраб. — Ула-ўлгунимча ўйнашингиз бўлиб юришимни истайсиз.

— Тушунсанг-чи, бизга ҳозир шу ортиқча! — деди Теша. — Жиндай сабр қилиб туролмайсанми ахир?!

— Яна қанча сабр қилишим мумкин. Мени бахтиқаро қилиб қўйганингиздан бери орадан салкам ярим йил ўтди-ку! Агар хоҳласангиз, аллақачон хотинингиздан ажрашардингиз.

— Эсинг борми, қандай ажрашман ҳозир?! У бечора ўлолмай ётган бўлса... Менга ишончинг ортармикан деб мана шу ҳовлини номингга ўтказяпман-ку, яна нима керак сенга?!

— Ёлғон. Ҳамма гапларингиз ёлғон! — деди Севар-



гул сизиб оқаётган күзешларини артиб. — Менга уйингиз ҳам, жойингиз ҳам — ҳеч нарсага керак эмас. Кетаман бир ёқларга бош олиб. Қутуласиз.

— Билганингни қил-э! Менга деса чинор тагидаги идорага бориб ҳамма кўрган-билганингни сочиб-совурмайсанми! — Теша шарақлатиб санчқини товоққа ташладию ирғиб ўрнидан турди. — Ўзи аёлга ўралашган эркак аҳмоқ экан. Ўзим аҳмоқ, ўзим аблаҳман!..

— Қорнингизни тўйғазинг. Борарсиз ўша — ўлолмай ётган хотинчангизнинг ёнига.

Теша ғазаб билан тишларини ғижирлатганча:

— Ух-х!.. — деди ўқрайиб, сўнг отилиб даҳлизга чиқди, шартта туфлисини кийиб, айвонга ўтди, илдам супага тушди. Тўхтади. Ортига ўгирилиб: — Бугун қишлоққа кетиб қолма! — деди. — Эшитдингми?

— Кетаман! — деди Севаргул.

— Кетмайсан! — деди у. — Эрта пешинга палов пишириб қўй!

Теша дарвозадан чиқиши билан Севаргул диванга узала тушиб юм-юм йиғлай бошлади.

Севаргул хаёлпаршон кўйда чучвара букканча онасининг хангомасини узук-юлуқ тингларкан, ўтмиш хотирот кўнглида кўзғаётган изтироблардан бўғизга нимадир қадалгандек туюлди. Назарида, ниҳоят хўнграб йиғлаворадигандек эди.

Иккинчи марта ҳам ажал чангалидан омон қолганидан буён — денгизга чўкиб кетаёзган ўша тундан бери — мана, ўн уч кундирки, кўзларига қуйилиб ёш келди-ю, лекин негадир йиғлаёлмайди, баттар юракбағри зардобга тўлиб кетади. Кунора ҳолидан хабар олаётган доктор Хадича Бакировна эса, иложи борича йиғлашга уриниб кўринг, тўйиб-тўйиб йиғласангиз, асабларингиз юмшаб, балки тилингиз ҳам очилиб кетар, дейди.

Аммо на чора, одам ўзини зўрлаб йиғлаёлмас экан.

Ўша жума куни ҳам одатдагидек қишлоққа жўнаб, душанба эрталаб ишга етиб келмоқчи эди. Бироқ кетолмаган... Кечқурун эса у н и илҳақлик билан кутган, лекин у келмаган эди.

Мана, орадан шунча йиллар ўтиб кетди. Бирор марта ҳам у н и н г эрга ўхшаб ёнида бамайлихотир тунаб қолганини эслаёлмайди. Мабоодо ётиб қолган кечалари эса, тонг бўзраётган маҳалда, гўё кимдир туртгандек бирдан уйғониб, апил-тапил кийинарди-да, онасининг бадфеълигини рўқач қилиб, зумда ғойиб бўларди.

Ё... раҳматли хотинининг бировларга арз қилиб қўйишидан кўрқиб шундай беҳаловат юрганмикан?..

Ажаб, нима учун шунча йил ёлғизлик азобигаю бекадрлик аламига чидаган экан-а?! То қизи туғилгунга довура танҳолик алами, кадрсизлик алами... Қизчаси туғилгандан кейин ҳам... Йўқ, ҳатто ўша — жониға қасд қилган кунга қадар сўнгсиздек туюлган қийноқлардан қутулолмади.

Энди-чи?

Хўш, энди қутулолдимми?

Ҳа, энди бу аламлардан... жойростонига борганда қутулар.

Дарвоқе, кейин — ўша куннинг эртаси яна бир томоша рўй берган эди.

Севаргул тобора дилғашланиб, ўхчий-ўхчий, тушга яқин ошни дамлаган пайтда, ғичирлаб дарвоза очилди. Илкис дарвоза тарафга қарадию, бошига симобий салла ўраган, йўрма ёқали кўйлаги устидан шойи белбоғ бошлаб, эгнига кулранг макентош, оёғига қора маҳси-калиш кийган, кумушранг соқоли калта кузалган мулла... М и р б а й з о н и кўриб, беҳос чўғ босиб олгандек ти-

пирчилаб қолди: вой шарманда, нима учун мулла бобони бошлаб келяпти?! О худо, бир ками шу эди!..

Теша айвон эшигида қўл қовуштириб сермулозаматлик билан:

— Марҳамат, мулла бобо, — деди. — Уйга кирамиз.

— Айвон дуруст эмасми, мулло Теша? — деди мулла Мирбайзо, калишини ечаётиб. — Салқин, боҳаво экан.

— Уй янаям салқинроқ, мулла бобо.

— Шундойми?.. Маъқул, — деди мулла Мирбайзо ёнверига қараниб. — Бу муборак ҳовлича кимга қарашли, мулло Теша?

— Келинга қарашли, мулла бобо.

— Шундой денг. Билмас эканбиз. Бинойи, бисёр бинойи! Чўпкори иморатнинг қийшайгани қирқ йил тураду, деганла бобокалонларимиз, — деди мулла Мирбайзо, айвонга кираркан. — Акун келиннинг сиҳатлари тузукми, мулло Теша?

— Э, бирнави-да, мулла бобо! — деди Теша. — Қаратмаган духтиримиз, кўрсатмаган табибимиз қолмади. Паданалат суяк сили кўп оғир дард экан, ҳеч қайсидан фойда бўлмапти.

— Ношукрлик қилманг, мулло Теша! — деди Мулла Мирбайзо. — Феълингизни кенг қилинг, дард берган худо акун шифосини ҳам бераду.

— Илоё айтганингиз келсин, мулла бобо, — деди Теша. — Қани, ичкарига марҳамат...

Деразалар ланг очиқ эди. Уларнинг гангур-гунгур гап-сўзлари ҳовлига эшитилиб турарди.

Севаргул ҳамон ҳайрон эди: у нима учун мулла бобони бошлаб келдйкан?..

Мулла Мирбайзо узундан-узоқ фотиҳа қилиб:

— Омин! — деди. — Илоё толган-тутганингиз тўйларингизга буюрсин, мулло Теша!

— Оллоҳу акбар! — деди у. — Мулла бобо, энди шу ердан ўтганларнинг ёди хотири учун ҳам битта фотиҳа ўқиворсангиз?

— Маъқул, мулло Теша, — дея томоқ қириб, мулла Мирбайзо қироат билан тиловат бошлади. — Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим...

Севаргул ўйчанлик билан чўнқайиб, тиловатга соме ўтираркан, тағин беихтиёр таажжубланди: наҳотки шунинг учунгина мулла бобони бошлаб келган бўлса? Йўқ, бошқа бир шумликни ўйлаган бўлиши керак у!

Бир маҳал Теша шошилич ошхонага кираркан:

— Паловни тезлаштир, Севаргул! — деди кўзлари чақнаб. — Бўл, анграйма!

— Хўп! — деди Севаргул кўрс оҳангда. — Ана, дамга қўйибман. Чойни олиб бораверинг.

— Палов қачон пишади?

Унинг саволига жавоб бермай:

— Уйга меҳмон чақириш ниятингиз бор экан, аввал мева-чева келтириб қўйсангиз бўлмасмиди? — деди Севаргул тумшайиб.

— Ғам ема, ҳаммаси бор.

— Мени шарманда қилиш учун мулла бобони бошлаб келингизми?..

— Кейин биласан, — деди у айёрона кўз қисиб. — Мен ҳозир...

Теша чаққон чойнак-пиёлаларни олиб ошхонадан чиқди, илдам уй томонга юрди. Хиёл фурсатдан сўнг, шошилич дарвоза тарафга ўтиб, каттакон бир қоғоз қутини кўтарган кўйи ошхонага кирди:

— Мана, — деди. — Анжир, олма, анор, узум, нон, патир — ҳаммаси бор. Бозорга эртароқ кириб чиқмоқчи эдим, тўғри келмади. Алоҳида салафан халтачага беш кило гўшт ҳам солиб қўйганман, қишлоққа элтарсан. — Сўнг қути ичидан қалин муқовали иккита дафтарни олиб узатди. — Бу сенга!

Севаргул бурнини жийриб:

— Мен нима қиламан буни? — деди.

— Кўрмайсанми, хўжалик дафтари билан ҳовлининг плани-ку! — деди Теша.

— Кўряпман, — деди Севаргул, беписандлик билан.

— Эй, нодон, бугундан бошлаб ҳовлининг қонуний эгасисан! — деди Теша. — Паспортинг хўжалик дафтари-нинг ичида. Олиб қўй.

Севаргул кинояли кулимсиш билан:

— Яшанг сиз бир-э! — деди. — Менга сиз керак-сиз — қонуний эр керак! Билдийизми?..

Теша шавқсиз жилмайиб, белидан қучди, юзидан муччилаб:

— Худо хоҳласа бугундан бошлаб шаръий эринг бўламан, — деди уй томон ишора қилиб. — Ана, мулла бобо никоҳ ўқиб қўядилар!

— Иби, юзгинам куйсин! — Севаргул баравар иккала кафти билан юзларини тўсиб, лаб тишлаганча бош чайқади. — Ахир, мен қайси бет билан мулла бобого кўриниш бераман?!

— Э, бошинга рўмол ташлаб тураверасан, — деди Теша. — Бул, мева-чевалардан ювиб бер тезроқ! Паловни тезлаштир.

— Менга қаранг, ахир шунақа ниятингиз бор экан, бошқа мулла қуриб қолганмиди шаҳарда?

— Мулла Мирбайзо бобо — ўзимизнинг одам! — деди Теша. — Бошқасига ишониб бўлмайди. Ҳаммаси сотқин, ҳаммаси имонсиз!.. Тўғри бу ердан чиқади-да, чинор тагидаги идорага кириб, Шамсиев Тешанинг ҳовлиси иккита экан, хотиниям иккита экан, ҳозиргина никоҳлаб келяпман; ҳожатхонасида кўмиб қўйган тиласиям бўлса керак, деб қўшиб-чатиб айтиб беради. Ана кейин мен бошимни чангаллаб кетавераман, сен чирқиллаб қолаверасан. Тушундингми энди?.. Узат бу ёққа!

Теша баркашга батартиб ювиб солинган сархил меваларни, иссиқ нону патирни кўтариб ошхонадан чиқди.

Севаргул ошхонада хаёлчанлик билан куймаланаркан, негадир шу тобда суюнарини ҳам, куюнарини ҳам билолмас эди: одамзот умр бўйи бошимда бир яхшироқ бошпанам бўлсин деб тинмай елиб югуради. Мана, шундай ҳовли-ҳарамнинг қонуний эгаси бўлди. Аммо бу — давлатмандлик туйғуси — нима учундир қувонч бағишлаёлмади.

Йўқ...

Энди алам билан англаптики, одамзотга энг аввало кўнгли мулки керак экан.

Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилар, деганларидек, ҳадемай қорни дўмпайиб чиқади. Кейин... арзу додини кимга айтади. Олдириб ташлайин деса... Бир пайтлар олдириб ташлаб, энди оғзида ошию кўзида ёши билан зор-зор дилдираб юрганларни кўряпти-ку!..

Агар бугун никоҳ ўқилса, шу билан у хотиржамланади. Ва бошқа бир муҳим тадбир ўз-ўзидан орқага сурилиб кетади... Йўқ, нима қилиб бўлса ҳамки, бемарид никоҳга розилик бермай, тўйни тезлаштиришни талаб қилиш керак.

Ҳа-я, мулла бобо бу шармисорликдан хабардорми-кан?!

Севаргул қозон қопқоғини кўтарди, палов аллақачон дам еган эди. Гуп этиб димоғига таом ҳиди урилгани ҳамона тагин ўхчиқ тутди. Кейин бирдан қайт қилгиси келди... Аранг ўхчиғини босиб, катта бир зарҳалли чинни товоққа ош суза бошлади.

Теша қўлида чойнак билан, ошхона эшигида кўринди:

— О-о, яхши! — деди. — Ма, битта чой ҳам дамла. Аччиққина бўлсин!.. Паловдан ўзингга қолдирдингми?

— Ана, қозон тўла.

— Севаргул, овқатланиб, тайёр бўлиб тур.

Севаргул индамади.

— Сенга айтяпман, Севаргул! — деди Теша. — Дурустми?

— Йўқ, — деди Севаргул бош чайқаб. — Никоҳ ўқитмаймиз.

Теша бирдан олайиб:

— Ий-э! — деди. — Кеча ҳамма гапингиз ёлғон, деб қонимни қайнатувдинг. Бугун... Сен кўп жиғимга тега-верма лекин!

— Тўйсиз никоҳнинг нима кераги бор, — деди Севаргул бўғиқ овозда. — Бу билан мени шармандаликдан қутқазолмайсиз-ку?!

Теша бир қўлида чойнак, иккинчисида товоқ кўтарган кўйи бетоқатланмоқда эди:

— Мавриди билан тўйниям тезлаштирамиз, — деди ялинчоқ оҳангда. — Менинг жоним сенинг ичингда-ку, Севаргул. ЗАГСдан ўтиш ҳам қочмас... Ҳаммасини ўзинг яхши тушунасан-ку, энди тайсаллама лекин. Келишдикми?..

Севаргул хушлар-хушламас товоқчага бир капгир ош сузди, сўнг никоҳ ўқитса нима бўладию ўқитмаса нима бўларини ўйлаганча ошдан бир чўқим оғзига солди. Тагин ўхчиқ тутди... Товоқчадаги ошни қозонга ағдариб, қопқоғини ёпиб қўйди. Қутидаги нақш олмалардан бирини олиб, пўстини арчмай, карсиллатиб тишлади. Бирдан оғзи сув очди, олмага бош қоронғи бўлганлигини хаёлидан кечириб, ҳойнаҳой қиз туғажагини ўйлади.

Кейин ошхонадан чиқиб, секин тут тагига ўтди, жилдираб қўйилаётган муздай сувда қўл-бетини ювди. Сўнг айвон ўртасидаги очик деразадан ётоқ бўлмага кирди. Бирпас каравотда хомуш чўнқайиб ўтирди.

Қўшни хонадан уларнинг овози эшитилиб турарди.

Ахйри никоҳ ўқитса нимадир энгил кўчадигандек вазмин ўрнидан турди. Қачонлардир шодиёна никоҳ кунида кийишни орзиқиб тиктирган этаги, энглари узун, ёқаси каштали оппоқ шойи кўйлагини кийди. Ва бехос куйдиргувчи бир хўрлик аъзои баданига чиппа ёпишгандек бўлди, кўзлари ачишиб кетди, ютоқиб-ютоқиб нафас олганча, жияги зардўзи лозимини кийди, бошига зардўппи кўндирди, устидан оппоқ гажим рўмол ёпди. Кейин тошойнага қаради: лабларида шикаста табассум, кўзларида жиққа ёш билан келинчакнамо к и м д и р ғамгин термилмоқда эди... Баттар хўрлиги келди.

Севаргул курсичага мунғайиб ўтираркан, тасавурида бир манзара ёрқин нурлана бошлади: ҳайҳотдек ҳовли... Ҳаммаёқ чароғон... Атроф-теварак тўла болабақра, хотин-халаж... Уйларни тўлдириб ўтирган куёв-навкарларнинг шодон ўйин-қулгилари жаранглаб эшитилади... Куёвнавкарлар тандирга элтиб тиққан бир жуфт жар — машъал ловуллаб ёнмоқда. Бир-бирига тутташиб, гуруллаб ёнаётган қўшмашъалнинг ёлқини бот-бот ҳовли деворларини ёритиб юборади... У з и юз-кўзлари ҳайрату ҳавасдан яшаб, ёр-ёрга жўр бўлаётган қизлар оралаб, ҳаяжондан энтика-энтика ёр-ёр айтаётган дугоналару навжувон келинчаклар оралаб, янгалар қуршовида чимилдик тутилган нуралшон хона томон бормоқда...

Қизини тўю тантана билан турмушга узатаётганидан бениҳоя бахтиёр она эса бошидан ҳовуч-ҳовуч танга аралаш қанд-курс сочяпти: териб олинглар, болажонларим. Ҳаммангизни шундай мурод-бахш кунларга етказсин!..

Болалар қийқиришиб-чувлашиб, сочқиларни теришади...

Ана, тўкин дастурхон теварагида давра қурган куда хотинлар ўртасидан таъзим билан ўтиб, чимилдиққа

кирди... Кейин, хийла фурсатдан сўнг, мулла бобонинг дилгир хутбасию шундай ўғил ҳамда шундай қизни вояга етказган келин-куёвнинг ота-онаси шаънига, қавму қариндошлар шаънига ёғдираётган мадҳу санолари остида куёв чимилдиққа қуёшдек порлаб кириб келади... Ана, юлдуздек ёнаётган шамлар билан нурафшон чимилдиқда — жаннатмакон тахти бистарда... куёви билан ширин-шакар орзулар оғушида суҳбат қуряпти...

— Ий-э, сен бу ердаминг?..

Севаргул ногоҳ хаёли тўзғиб, эшик томон қаради. Ва Тешани кўриб дабдурустдан пешонаси тиришди.

— ...муборак бўлсин! — деди Теша унинг келин либосига ишора қилиб. — Жуда ярашипти. Яхши... Кутиб тур.

Севаргул индамади.

Теша уйга кирмай ортига қайтди.

Ҳаял-замон ўтмай қўшни хонадан Тешанинг ялинчоқ овози тўнғиллаб эшитилди:

— Мулла бобо?..

— Қулоғим сизга, мулло Теша, эшитаман?

— ...энди битта... никоҳча ўқиб қўясиз?

Беихтиёр Севаргул ўрнидан туриб кетди.

— Никоҳ?! — деди мулла Мирбайзо таажжубланиб: — Бахай?

— Энди шундоқ бўлиб қолди, мулла бобо.

— Мулло Теша акун бизни нимага меҳмон қилдилайкан, деб ҳайрон бўлиб ўтирувдим, — деди мулла Мирбайзо. — Жуфтингиз ким, мулло Теша?

— Шу ҳовличанинг эгаси, мулло бобо.

Бир муддат мулла Мирбайзодан садо чиқмади, сўнг инжингандек:

— Бу ёққа чоқиринг қани ҳай, — деди.

Теша тағин остонада пайдо бўлиб, шошқалоқлик билан:

— Кел.. — деди. — Бўл, имиллама!

Севаргул рўмолини янаям юзларига тушириброк, даҳлизга чиқди, қўшни хонанинг эшиги рўпарасида тўхтаб, мулла Мирбайзога таъзим аралаш салом берди, сўнг Тешанинг қулоғига шивирлади:

— Ичкарига кирмайман.

— Даҳлизда тураверсаям бўладими, мулла бобо? — деб сўради Теша.

Мулла Мирбайзо унинг саволини эшитмагандек, истар-истамас:

— Хўш, акун падар вакил ким бўлади? — деб сўради.

— Мулла бобожон!.. — деди Теша. — Падар вакил ҳам, модар вакил ҳам аввало худо, кейин ўзингиз, мулла бобо.

— Йўқ... йў-ўқ! — деди мулла Мирбайзо кескин бош чайқаб. — Бундай қилманг, мулло Теша. Ота рози — худо рози. Дарров битта падар вакил топинг!

— Мулла бобо, ўзингиздан қолар гап йўқ, кўча тўла мулла, лекин мен атай сизни бошлаб келганман, ота кадрдонимсиз, — деди Теша қўл қовуштириб. — Уйимизда неки маърака-мажолис бўлса, ҳаммасига ўзингиз бош-қош бўлгансиз. Энди... шунинг уволияям, савобиниям бўйнингизга олиб, никоҳимизни ўқиб қўйинг.

Мулла Мирбайзо негадир хиёл фурсат сукутга толди. Теша бетоқат томоқ қириб:

— Никоҳни сизга ўқитмоқчи бўлаётганлигимизнинг бошқа бир сабабиям бор, — деди. — Биз сизнинг кўмагингизга муҳтожмиз, мулло бобо.

Мулла Мирбайзо нохуш ниманидир ғира-шира англагандек сергак тортиб:

— Келин бўлмишнинг отлари кимдур? — деб сўради.

— Севаргул...

Бирдан қошлари чимирилиб:

— Ажаб! — деди мулла Мирбайзо. — Акун оталарининг номларини айтинг!

Севаргул беихтиёр девор панасига ўтмоқчи бўлди, лекин Теша қўлидан маҳкам ушлаб:

— Отасининг оти Шариф кўнадўз, мулла бобо, — деди.

— Ло ҳавло!.. — деб мулла Мирбайзо ёқасини ушлади. — Бизникида яшаган Севаргулми бу?

Севаргул дир-дир титраб, унсиз йиғламоқда эди, кескин ортига бурилиб ётоқ бўлмага кириб кетди. Шу аснода қулоғига мулла Мирбайзонинг тажанг овози эшитилди:

— Аттанг! Аттанг... мулла Теша, яхши иш қилмабсиз акун. Ман сиздан буни кутмовдим. Ҳай аттанг!

— Нимасини айтасиз, мулла бобо. Шайтон йўлдан оздирдими, шундай бўлиб қолди-да, — деди Теша аянчли оҳангда. — Хабарингиз бор, хотин касал. Худо шоҳид, ажрашиб ажрашолмайман... Никоҳимизни ўқиб, Севаргулнинг отасидан тўйга рухсат олиб беринг, мулла бобо? Мен ўзим сизни рози қиламан.

— Бас! Бас! — деди мулла Мирбайзо тутақиб. — Отасини рози қилинг! Мани эмас, бадбахт Шариф кўнадўзни рози қилинг! Агар раҳматлик шогирдимнинг зурёти бўлмаганимизда, ўзим ёқайиздан олайдим. — У тағин бирпас жим қолди. Хиёлдан сўнг: — Ман ўртада воситачилик қилолмайман, — деди озорланиб. — Локин... модомики аллақачон қовушган экансизлар, майли...

— Кўп раҳмат, мулла бобо, шунисигаям шуқр!..

— Манга раҳмат айтманг сиз! — деди мулла Мирбайзо койиниб. — Боринг, Севаргулни чоқиринг бу ёққа. Йўқ, шошманг! Аввал манави гилам устига битта кўрпача тўшанг, дастурхон ёзинг, бир коса шарбат келтиринг.

Севаргул мулла Мирбайзонинг гапларини эшитиб ўтирарди. Шарбатни ўзи тайёрлашни ўйлаб, аста уйдан чиқди. Ошхонага кириб, косага бир ҳовучдан мўлроқ шакар солди, устидан газўчоқда жиғиллаб қайнаб турган чойнакдаги сувни қуйди. Оловни ўчирди. Сўнг обдан шакарни суюлтиргач, косани кичкина мис баркашга қўйди.

Шу пайтда Теша ҳовлиқиб келиб:

— Шарбатни менга бер, — деди. — Юр тезроқ... Сен хафа бўлма, Севаргул, отангни тўйга ўзим кўндираман. Кўрасан!..

Севаргул даҳлизга кираётиб, гажим рўмолини юзига туширди, эшик рўпарасида тўхтади.

Кўрпача устида чордана қуриб ўтирган мулла Мирбайзо:

— Мана бу ерга келиб ўтиринг, — деди Севаргулга, сўнг Тешага буюрди. — Сиз ҳам!..

Теша шарбат қўйилган дастурхон олдида тиз чўқди. Севаргул оҳиста унинг ёнидан жой олди.

Мулла Мирбайзо бошини қуйи эгган қуйи овози титраниб:

— Бинни Шариф қизи Севаргул! — деди. — Бинни Шамси ўғли Тешага хотинликка розимисиз?

— ...

— Бинни Шариф қизи Севаргул! Бинни Шамси ўғли Тешанинг хотини бўлишга розимисиз?

— Рози, мулла бобо, — деди Теша. — Уқийверинг.

— Акун сиз жим ўтиринг!..

Мулла Мирбайзо саволини шу йўсин тағин икки-уч бор такрорлаганидан сўнг, Севаргул секин бош ирғади: иложим қанча, мулла бобожон?!.

Унинг сукутини аломати ризо билиб, Тешанинг жавобини олгач, мулла Мирбайзо бамисоли шоҳ Маш-

рабдан оташин бир ғазални хониш қилаётгандек, кўзларини хиёл юмган кўйи, никоҳ оятини ўқий бошлади.

Севаргул шу тобда бениҳоя ғам-ғуссага тўлиб орзиқайтгани учунми, беихтиёр хаёлида тагин бояги армонли манзара ёрқин намоён бўлаверди: ана, қизариб-бўзариб тонг отмоқда... Чимилдиқнинг икки чеккасида икки янға пишиллаб ухляпти... Кимдир ҳовлида даранглатиб дош қозонни юваётир... Ҳадемай ҳовлига жамоа тўпланади. Элга ош тарқатилади... Ана, чошгоҳ пайти... У з и оппоқ от устида. От жиловни укаси Акбарнинг кўлида. Отаси негадир кўзларида ёш милтираб, аллақандай ҳирқираган бир овозда фотиҳа беряпти: тушган жойингда тош бўл, қизим! Куёвинг билан қўша қариб, пиру бадавлат бўлгайсан, қизим! Омни!..

Бирдан чолу кампирларнинг, ёш-ялангларнинг овози гулдираб таралади: о м и н ! . .

Ана, карнай-сурнай садолари остида отда боряпти... Орқада куёвнавкарлар ёр-ёр айтишмоқда... Бахти ярлаққан куёв эса чақмоқдек отда бот-бот теварагидан парвонадек айланаяпти... Олдинда куёвнинг хонадони — иқбол манзили — тилсимли бир қасрдек нурланиб кўринадди. Дарвоза рўпарасидаги кенг майдонликда катта гулхан гуруллаб ёняпти. Ҳадемай куёв отдан кўтариб олади-да, гулхан атрофида уч маротаба айлантриб, тилсимли қасрга олиб кириб кетади...

Йўқ! — Йўқ, бир замонлар — онасининг қизлик даврларида шундай бўлган. Ҳозир... Энди бу орзуни ниятларининг ҳаммаси армонга айланди. Алам, дод-алам!.. Эрта бир кун отаси... отагинаси билиб қолса, не куйларга тушаркин-а?!.

Мулла Мирбайзо Севаргулнинг хаёлларини тўзитиб: — Омни! — дея фотиҳага қўл очди. — Илоё қўша қариб, серфарзанд бўлинглар!..

— Айтганингиз келсин, мулла бобо, — деди Теша ўрнидан тураётиб. — Раҳмат, мулло бобо!

Мулла Мирбайзо шарбатдан бир қулт хўплаб: — У, обжўш-ку бу! — деди. — Бундан бир қулт-бир қулт хўплаб, кўни-қўшнининг болаларига ҳам ичиринглар. Бола — қуръон... Шарбатдан ичган бола никоҳнинг гувоҳлигига ўтадур.

Теша косани олиб Севаргулга тутди: — Ма, бундан тўйиб ич, — деди ишшайиб. — Ол, уялма.

Севаргул қимтинибгина шарбатдан бир қултум хўплади, сўнг косани Тешага узатди.

— Бор энди, мулла бобога анани костюм-чолварлардан битта яхшироғини олиб чиқ! — деди Теша шарбатдан хўплагач, косани сервант устига қўяётиб.

— Йўқ, тўхтанг! — деди мулла Мирбайзо, негадир тезроқ жўнагани шошилиб. — Ман олмайман. Ҳеч нарса даркор эмас.

— Олмасангиз хафа бўламиз, мулла бобо, — деди Теша. — Оласиз!..

Севаргул чаққон қўшни хонага ўтди, шкафдаги қимматбаҳо костюмлардан бирини янги атлас белбоққа туги, даҳлизда Тешага узатди.

— Мана, мулла бобо, — деди Теша. — Камига қарздормиз.

— Агар сарпо олишимни истасангиз тўйни тезлаштиринг, Тешажон, бутам, — деди мулла Мирбайзо пешайвонда макентошини кияётиб. — Ушанда хуш-хурсандчилик билан сарпонгизни олабиз.

— Тўйда бундан ҳам яхшироғини берамиз, мулла бобожон, — деди Севаргул аста. — Ҳозир шугинани олиб туринг, мулла бобожон?

— Тўйда қизим, тўйда акун!.. — Ҳозир пахта пайти, мулла бобо, — деди Теша. — Терим тугасин... Ният шунча.

Севаргул ялт этиб, унга шоён бир ҳадик билан қаради: вой шарманда! Нималар деяпти бу!.. Унгача қорни... Ахир!..

— Мана, уй-жой тайин экан, пайсалга солманг, мулло Теша! — деди мулла Мирбайзо аттанганмо бош чайқаб. — Пахта ўз йўлига. Арзу ҳолингизни йиғлаб-сиқтаб, Шариф фақирга тушунтирсангиз, кўнар... Кўнса керак.

— Бир умидим сиздан эди, мулла бобо, — деди Теша.

— Йўқ-йўқ! — деди мулла Мирбайзо, пешайвон бўсағасида тўхтаб. — Илло ман никоҳ ўқиганимни Шариф фақирга айта кўрманг!

— Майли, айтмаймиз, мулла бобо, — деди Теша. — Шошманг, машинада элтиб қўяман.

— Йўқ, ўзим... Шаҳарда андак юмушларим бор.

— Хайр, мулла бобожон, — деди Севаргул аста. — Мулла бибимга салом айтиб қўйинг.

— Хайр!..  
Мулла Мирбайзо ҳовлидан илдам юриб чиқиб кетди.

Онасининг саволига жавобан Севаргул фаромуш бош ирғаб, нохуш чимирилиб қўйди: нима бало, онаси бугун бунча сергап бўлиб кетди. Боядан бери ўн минг оғиз гапиргандир-э! Қўли ишда-ю, оғзи сира тинмайди. Салкам икки ҳафтадан бери ёнида. Шунга зерикдимми ёки қишлоқни қўмсадимми?..

Севаргул тагин хаёлга толаркан, ўша куни никоҳ ўқилгандан сўнг у билан биринчи марта қишлоққа бирга кириб борганини эслаб, беихтиёр кулимсираб қўйди.

Аввалида Теша уввало кўнмади: эсинг борми, нима деб бораман? Мулла бобо умидимни чиппакка чиқарди. Энди отангнинг бирор сирдош оғайнисини топиб, икки ўртада ҳожатбарорликка кўндирмагунча бормайман.

Севаргул эса ҳадемай қорни бурнига теккудай бўлиб қишлоққа боролмай қолишдан, пировардида ҳар қандай шармандалиқдан ҳам баттароқ бир нимадир рўй бериб қўйиши эҳтимолидан таҳликаланмоқда эди. Димоқ-финоқ унга кор қилмагач, мен онам билан гаплашайтганимда ёнимда турсангиз бўлди, деди ёлвориб. Қўрқманг, отам кечгача дўкончаларидан қайтмайди. Мен бутун айбни бўйинимга олиб, ҳамма гапни онамга ўзим тушунтираман. Кейин онам бир амаллаб отамни тўйга кўндирадилар. Ноябрь байрамига ҳам нари-бериси билан бир ойча вақт қолди. Ундан уёғига чидаёлмайман. Узимни бир балога гирифтор қилиб қўйишим мумкин. Борайлик, Теша акажон, йўқ деманг? Менга раҳмингиз келсин, шугун борайлик?!

Хуллас, қишлоққа бир талай совға кўтариб кириб боришса, чиндан ҳам отаси ишда, онаси уйда ёлғиз экан.

Севаргул онаси билан ачомлашиб-ўпишиб кўришгач, у н и рўй-рост куёвингиз деб таништираверди.

Беихтиёр онанинг кўзларида совуқ бир учқун йилт этди. Гапидан чалғиди. Зўрма-зўраки жилмайброқ турган с у қ с у р д е к йигитга синчков тикиларкан, ниманидир пайкагандек бўлди. Сўнг негадир ичкарига таклиф қилмай, супадаги тарвақайлаб ўсган олма соясига бошлади:

— Шу ер салқинроқ, — деди. — Утинг, ука.

Севаргул ўртадаги дастурхонни ёзди. Унда бир товоқча узум, озроқ нон бўлақлари бор эди. Эскироқ сочиқ билан усти бостириб қўйилган хумчойнак ёнида иккита пиёла тўнтарилиб турарди.

Тобора онасининг авзойи нохушланаётганидан безовталаниб:

— Мен юмшоқ нон олиб чиқаман, — деди Севаргул ўрнидан туришга чоғланиб.



— Утир, — деди онаси. — Үзим... — Кейин йигитни унутгандек, бошини сарак-сарак қилиб: — Уқишни чиқаргангайм раҳмат-э! — деди. — Сани ўқитиб-ку, тавбамизга таянувдик. Мана, Акбар ҳам ўн беш кун ўқиб-ўқимай, Сирдарёда пахта теряпмиз, деб ёзгани. Уч ҳафтадан бери на хат бор, на бир хабар... Юрибман, калласига қалтак еган итдек чингсиб. Дарвоза тиқ этса, почтани хат ташлаб кетдимикан, деб кўчага югураман.

— Опамнинг қизларидан бирортасини олиб келинг, — деди Севаргул Тешага илиқ чой узатаётиб. — Салимаси чаққонроқ. Ишларингизгаям қарашиб юради.

— Шундай қилмасам бўлмайди чоғимда, — деди она хаёлчан бош ирғаб. — Уқиш баҳона қарийб беш йил кўзимдан йироқда санғиганинг етмагандек, сан ҳам қишлоққа келавермадинг. Кўп еб, кўп кийган ҳам ўтаркан, борига қаноат қилган ҳам.

Севаргул лаб тишлаган кўйи Тешага маънодор нигоҳ ташлаб, қош қоқиб қўйди: ана, эшитяпсизми?!.

— Ҳавоям роса куйдирди-да! — деди она уф тортиб. — Ука, олинг, узумдан, нондан...

Теша бетоқатланиб ўтирарди. Соатига ишора қилиб, илкис Севаргулга зимдан хўмрайди: гапирсанг-чи ахир. Вақт кетяпти-ку!

Севаргул афтини бужмайтириб, аста юзини тимдалади: қандай қилиб гапираман? Энди буёғини ўзингиз айтинг!

Ахийри, Теша гуноҳкорона мўлтираб:

— Хола... — деди, сўнг Севаргулга бир қараб олди. — Биз қизингиз билан оила қурмоқчимиз.

Она ҳайронсирогандек лабларини чўччайтириб, киноя оҳангида:

— Ха-а, — деди. Қовоғи уюлди. — Шунақа ниятингиз бор экан, бизни оёқости қилмай, совчи жўнатсангиз бўлмасмиди, ука?

— Сиз менинг бунақа келишимни... оёқости қилиш деб ўйламанг, хола, — деди Теша синиқ жилмайиб. — Совчи жўнатишнинг иложини тополмадик-да, хола.

Она аччиқ кулимсираб:

— Ий-э, бу гапингиз қизиқ-ку, ука?! — деди.

— Сизга нима десам экан, хола, — деб Теша яная аянчли мўлтиради. — Менинг... касалванд бир хотиним бор, болаларим бор.

Она қизига ялт этиб қаради:

— Ман тушунмаяпман, Севар?..

Севаргул лабларини асабий тишлаб, бошини қуйи эгди.

— Биз аллақачон никоҳ ўқитиб қўйганмиз, хола, — деди Теша бесабрлик билан арзини айтиб. — Севаргулга яхши бир ҳовли олиб берганман. Амакимни тўйга кўндирсангиз бўлгани. Ҳар қанча қалин тўлашгаям розиман. Тўйнинг бутун сарфу харажати ўзим кўтараман. Илтимос, холажон, ўзингиз балогардон бўлиб...

Бирдан она гувраниб:

— Хў-ў, ота-бобонгни гўрига ўт тушсин-э! — дея ирғиб жойидан турди. — Ҳовлини бўшат-э, гўрсўхта!.. Теша беихтиёр ранг-рўйи бўзариб четга қочди.

Севаргул шартта онасини қучоқлаб, ҳўнграб юборди:

— Куёвингизни қувманг, онажон, — деб ёлворди. — Адашган қизингизни кечиринг, онажон! Нима қилай, бўйимда бор ахир!..

Бу гапни эшитар-эшитмас, она яланг ерга бехуд ўтириб қолди.

Севаргул жонсараклик билан пиёлада онасига совуқ чой тутаркан, ҳам эланиб, ҳам бўзлаб, мақсад-муддаосини ўқтираверди:

— Онажон, нима қилиб бўлса ҳам, отамни тўйга кўндиринг. Агар отам тўйга рози бўлмасалар, қайтиб қишлоққа келолмайман, онажон!..

Онаси телбавор бош чайқаганча:

— Юзинг куйсин, қизим, — деб ер муштлади. — Юзгинанг куйсин, болам!.. Агар ҳозир отанг келиб қолсалар ё сани сўядилар, ёки ўзларини осиб қўядилар. Илоё топган ўйнашнинг билан қўшмозор бўл! Йўқол, тезроқ кўзимдан йўқол!!

Букилган чучвараларни баркашда ошхона томон кўтариб бораётган онаси ортидан қараб қоларкан, Севаргул ниҳоят бирпас тинчидигандек енгилгина энтикиб қўйди. Аммо ҳануз қулоғида сув остидаги майда тошларнинг қум аралаш суриниб шиғиллагани каби бўғиқ бир шовқин оҳиста эшитилаётгандек эди.

Энди бу зор қолгур шовқин эҳтимол, тилинг очилиб кетганда тинар, Севар... Ёки шунча кўргиликларга кўниккандек бунга ҳам кўникиб кетарсан. Ахир, бошингга ёпирилаётган барча кулфатларга чидаб кел-япсан-ку!..

Ўшанда... бамисоли жар ёқасида турганида, онаси — бир кечада кўзлари ич-ичига ботиб, ранг-рўйи заҳилланиб — бозор куни, чошгоҳ пайти карахт бир кепатада кириб келди. Маъшум хабарни эшитгандан бери ичини итдек нимадир тинмай таталаётганини айтиб, ёлворди: кеча сан мани алдадинг-а, Севар, тўғримми? Бари айтган гапларинг ёлғон эди-а, қизим? Айт, ёлғон эди дегин, жоним қизим?!.

Севаргул унсиз йиғлаган кўйи, бош чайқади: йўқ, онажон, ҳаммаси рост.

Онаси баттар жиғибийрон тутақиб кетди: авлоду аждодимиздан фар ўтмаган эди-ку! Сан ўзи қайси ер ютурга тортдинг-а? Юзгинанг куйгур, ахир бўй сани ҳеч қачон бирор бир нарсага муҳтож қилиб қўймаган эдик-ку?! Ҳаммамизни узиқаро қилдинг... Ман буни отангга қандай айтаман-а?! Уф-ф!.. Уйласам, ҳушим бошимдан учиб кетади. Чидаёлмаяпман, Севар!.. Кетаман, отанг бозордан қайтгунларигача уйда бўлишим керак. Эрта-индин яна хабар оларман. Ўзингни ўтга-чўққа урмай, мани кут, Севар!..

Наҳотки, ўша кунларда чиндан ҳам онасининг: ў т о л д и м г а т у ш !.. дейишини истаган бўлса-я?! Она-сига қарши отилмоққа шай турган дилидаги миннат-маломатларининг боиси шуми холос? Ахир, бу истак энди-энди кўксининг аллақарида калласи янчилган чалажон илондек аҳён-аҳён ғимирлаётган бўлса-да, барибир у кезлар онасига эргашиб кетолмас эди. Биринчидан, шарманда бўлишдан қўрқарди: иккинчидан, ўртада орияти лат кўтармас отаси бор эди. Ва ниҳоят, энг муҳими — жар ёқасида турганлигини англаб етганига қарамай, барибир эрта бир кун даврон суражагидан умидвор эди. Бинобарин, айбни аввало ўзидан, кейин бошқа бир теранроқ қатламдан излаши керак экан.

Ёдида, орадан уч кун ўтказиб, чоршанба куни эрта-лаб, онаси яна кўндек кириб келган эди.

Ишга жўнаётган эди, туйқус онасининг қоши, кўзи, юзи кўқариб-қавариб кетганлигини кўриб, қўлидан сумкачасини тушириб юбораёзди: ҳа, онажон, сизга нима бўлди?

Онаси аламнок бош чайқаб, уф тортди: отангнинг ғазаблари курсин, қизим. Аламларига чидаёлмай, жаҳл билан пиёлани отган эдилар, чап беролмай қолдим. Энди ўзингга эҳтиёт бўлиб юр, Севар!.. Манга бир пиёла муздай сув бер, юрагим куйиб кетди, томоғимни ҳўллаволай, яна йўлга тушишим керак...

Кейин тақдирга тан бергандек, сурати кулиб, сийрати

бўзлаб — ўйнайману куламан, ўйнаш болам ичимда — ишлаб юраверди.

Утгани чин бўлсин-э у кунларнинг, йилт этган нури йўқ эди-е! Ишхонасида қилаётган бемаъни ёзув-чи-зувлари, бетайин кўнгироқвозликлари дилига заррача завқ бағишлаёлмас, (Шавкат Исломович тўғри айтади: ...бизнинг идорамиз ҳам текинхўр ташкилотлардан биттаси, ҳеч ўйлаб ўтирмай, шартта тарқатиб юбориш керак!..) тунлари эса узундан узоқ эди. Одатдагидек, унинг келишидан кўра, рўё янглиғ ғойиб бўлиши осон кўчарди. Ана кейин, албатта тонгда бир яхшилик содир бўладигандек, нурсиз кунни бедор-беҳаловат кутар эди.

Бир куни... Инқилоб байрами арафаси эди, ишдан қайтаётса, онаси дилдирабгина остонада чунқайиб ўтирган экан. Узоқдан кўрган заҳоти пилдираб пешвоз чиқди:

— Кўзларим тешилиб кетди-ку, Севар! — деди. — Ишинг ҳам бор бўлсин-э, қизим!

Севаргул онасини бағрига босаркан, кўзларидан тизиллаб ёш чиқиб кетди:

— Айланай сиздан, онажон! — деб юзларидан ўпди. — Соғиндим сизларни, онажон!..

— Ман сани соғинганимни кимга айтай, қизим?! — деди она бошини сарак-сарак қилиб. — Йўлидан адашган бир санми?.. Отангнинг феъллари курсин. Қўй, мани кўп гапиртирма.

— Юринг, уйга қирайлик, онажон.

Она осмонга хавотирли назар ташлаб:

— Йўқ, қош қорайди, мани тезроқ кузатиб қўй, — деди. — Резин калишга ўт тушсин, махсини пайтавасиз кийган эканман, оёғимдан совуқ ўтиб кетди. Бўзчи белбоққа ёлчимагандек, отанг кўнадўз бўлсалар ҳам дурустроқ бир чарм кавушим йўғ-а!

— Оловга келдингизми ахир, онажон, — деди Севаргул хомуш тортиб. — Уйга қиринг мундай, сал исининг. Кетарсиз.

— Мани йўлдан қолдирма. Биласан, манзил олис. Зорманда пўшида лар ҳам пахта баҳона камқатнов бўлиб кетган. — Она нимадир ёдига тушгандек, бир муддат жим қолди, сўнг хавотирли оҳангда: — Севар, отангнинг аҳволлари оғир, қизим, — деди.

Беихтиёр кўксига ваҳм ўрлаб:

— Ҳа, отамга нима бўлди? — деб сўради Севаргул. — Тинчликми, она? Гапиринг ахир!

— Отанг бечора ғанимат бўлиб қолдилармикан, деб қўрқяпмиз, қизим, — деди онаси хўрсиниб. — Бугун пешинда базўр тўйга розилиklarини олдим. Саросар шуни санга айтиб қўйгани келган эдим. Ҳозироқ қайтмасам бўлмайди: ўтган куни отангнинг чап билакларига бигиз санчилик кетибди. Палакатти қара-я, худди йўғон томирга санчилганмиш! Эрталаб Носиров келиб кўрган эди, тирсақдан кесиш керак, деяпти. Бирдан дилдирагандек аъзои бадани жунжикиб:

— Вуй-эй, айтманг-э, онажон! — деди Севаргул.

— Узимиз ҳам қўрқяпмиз, қизим — деди онаси ўйчан бош чайқаб. — Отанг қўлларини кестиришга кўнмадилар. Ҳамма бармоқларининг учи қорайиб кетяпти.

Онасининг гапларини тингларкан, сўнгсиз гулхан ичра кечиб бораётгандек, кўз олдини ёлқинли бир парда тўсган эди: отам... чидаёлмаганлар. Шармандалик ёмон. Ёмон... Ҳаммага шарманда бўлгандан кўра обрў борида жойростонга равона бўлган маъқулроқ, деб ўйлаганлар. Кейин занглаб ётган бигизни томирга санчанлар. Ув-в!.. Ёки билмаймикан-а?..

Онаси толиққаниданми, хиёл чап оёғини судраб босган кўйи тинмай йўл-йўриқ кўрсатганча ёнида илдам одимларкан:

— Севар, энди анави қон қўсгур куёвингга айт, тўйга атагани бўлса пайшанбадан кечиктирмасин! — деди. — Байрам куни кечқурун базм... Ушангача пахта планиям бажарилиб қўлар.. Пешинда элга ош тарқатамиз. Отангни шунга кўндирдим. Куёвингга яхшилаб тайинла: тўй куни қавму қариндошларини элтолмасаям, лекин жура-жамоатини бирга олиб борсин!.. Обрунинг бозори йўқ, қизим. Оёқнинг ёмони — қичир, гапнинг ёмони — пичир. Ҳалитдан қишлоқда пичир-шивир оралаб қолди.

Бехос жаҳли кўзиб, Севаргул қўл силтади:

— Она.. онажон, қўйинг ўша одамларнинг бетамиз ғийбатини! — деди. — Ҳозир мен ҳам сиз билан кетаман. Отамни кўраман бориб.

— Йў-ўқ, Севар, сан шу тобда отангнинг кўзларига кўринмай турганинг авло, — деди онаси. — Ким билади, яна феъллари айнийдими, қизим. Пайшанба кечқурун ёки бир кун олдин борарсан... Опанг баҳоли қудрат юмушларимга кўмаклашяпти. Поччанг барака топгур ҳар намозшом ёвондан қайтаётганда бирров кириб, ҳолимиздан хабар олиб турибди... Айтганча, укангдан хат олдик, ҳалиям пахтада экан, байрамда келармиш. Яхши бўлди, тўйингни қўриб кетади... Сан энди ўзингни ўйла, қизим, оғироёқсан. Оч-наҳор юрма, оғир юк кўтарма!..

Во ажаб, онангдан тагин не истайсан, Севар, деб кўнглидан кечирди Севаргул, секин памидор тўғраётди: шу пайгача боёқишдан нимаики хоҳлаган бўлсанг, имкони қадар бажариб келяпти-ку!.. Ёки айби барча балоларга балогардон бўлиб, тўйингни ўтказиб берганими?

...Севаргул ниҳоят, чоршанба куни магазиннинг «УАЗ» машинасига ҳар хил юклар, қўша-қўша сарполар ортиб, уни ҳамроҳ қилганча кўксига беадад бир ҳадик билан хуфтон маҳали ҳовлига кириб борди.

Ва дарҳол уйга ўтди. Уй тўрида отасининг аянчли ихраниб ётганини кўрди. Кўрдию... қотди-қолди: отасининг юзлари бўғриқиб кетган, кўзлари эса, аллақандай даҳшатдан дарак бераётган каби таҳликали жавдирамоқда эди.

— Ота... — деди Севаргул, овози қалтираб. — Отажон!..

Ота янаям инграниб, бошини четга бурди.

Севаргул мунғайиб, отасининг ёнида тиз чўкди:

— Отажон, нима қилиб қўйдингиз? — деб, отасининг иситмай оташда ёнаётган қўлини оҳиста юзига босди. Кўзларидан ёш қуйилаверди. Дардингизни олай, отажон. Ахир, мени яхши кўрардингиз-ку, отажон!..

Ёдида: ўша куннинг эртаси Севаргул биринчи синфга бориши керак эди.

Муяссар дугонасига ироқи дўппи олиб беришганини кўриб, Севаргулнинг бениҳоя ҳаваси келди.

Онасига эланди:

— Ироқи каллапўш жудаям... жудаям чиройли экан. Ана, Муяссарчада бор. Менда йўқ. Онажон, менгаям олиб беринг, хайми?

— Иби, битта ироқи каллапўшнинг пулига бошоёқ сарпо беради-ку! — деди онаси шартта гапини кесиб. — Бор, бошимни қотирма кўп. Ман Муяссарчанинг онасига ўхшаган савдогар эмасман.

Пушида — автобус (шева).

Севаргул йиғлади.  
Кейин туш маҳали тумшайиб отасига овқат олиб борди.

— Ҳа, она қизим, — деди отаси бошини силаб. — Нега қовоқ-тумшуғинг осилган.

Севаргул беихтиёр кўзлари жиққа ёшга тўлиб арзу додини айта бошлади.

— И-и, йиғлама! Биласан-ку, йиғласанг — ёмон кўраман, — деди отаси чимирилиб. — Майли, хафа бўлма. Бирор чораси топилар.

Намозгар отаси уйга қайтиб Севаргулни четга имлаб чақирди.

— Мана, лоло-қизим! — деб қўйнидан шилдироқ қоғозга ўроғлиқ нимадир чиқарди. — Лекин опангга кўрсатмайсан, онанг билмасин!.. Яшириб қўй. Эрта мактабингга кийиб борасан.

Севаргул шодон ирғишлаганча отасининг бўйнидан кучоқлаб олди:

— Ўзимнинг отамсиз-да! — деди. — Яшанг, отажон!..

Отаси ҳеч қачон ўкинтирмаган, билакс ҳамиша кўнглига қараб иш тутган эди.

Аммо, мана энди ҳатто бирров қарагиси ҳам келма-япти.

Севаргул баттар титраб, ёлвориб:

— Жоним отам, ўзим ўргилай сиздан, — деди. — Кечиринг мени, отажон?

Ота, аъзои танини ўртаётган оғриқ изтиробиданми инграб, бемажол қўлини тортди. Бармоқлари ҳамда кафтининг орти кўнғиртоб тусда эди.

— Ота... отажон! — деди Севаргул хўнграб. — Майли, мени сўкин, қарғанг. Бирор оғиз гапиринг, отажон!

Отаси тағин аламнок ингради, лекин ҳеч нима демади.

Шу пайтда онаси ортидан келиб:

— Қўй, Севар, отангга озор берма, қизим. Носиров боягина укол қилиб кетган эди. Ухласинлар, — деди. — Отанг сани кечирмасалар, тўйингга руҳсат берармидилар... Бас, йиғлама, қизим.

Севаргул янаям хўрлиги тошиб, отасининг юзларидан, пешонасидан ўпди. Отаси эса ғингшиниб, чирт кўзларини юмди.

— Ут бу ёққа, Севар, — деди она қўлидан тортиб. — Поччанг билан куёвинг юкларни тушириб бўлди. Отанг бирпас ухласинлар, қизим. Сан меҳмонхонага дастурхон тузагин.

Ана шунда ота кўзлари шоқосасидан отилиб чиққудек бўлиб, бир ўкрайди, сўнг:

— Э, худо, ман ҳеч кимга ёмонлик раво кўрмаган эдим-ку! — деб ғамгин оҳ тортди. — Нима учун бандаларингга мани бунчалик босқилашиб қўйдинг ахир?! Кейин то тўй ўтганга қадар Севаргул отасининг хафагазаклигини жилла аритиш илинжида куну тун хизматда шай турди — отасининг шамдек ёниб адо бўлаётганлигини алам билан англаб, қўл-оёқларини илиқ сувада ювди, тирноқларини олди; отасининг дарғазаб тумшайишларидан асло ранжимаё вақти-вақтида қуюқ-суёқ дориларини ичириб, жароҳатига малҳам боғлади; тунлари мижжа қоқмай, қўл-оёқларини уқалади.

Кампир, қизингнинг уйқуси куйган экан.

Севаргул бу гапни кейин... тўйдан анча кейин онасидан эшитиб, дилида ажиб бир ҳисни туйган эди. Ёпирай, отасининг шафқатими ё адоқсиз меҳрининг сўнгги ийлт этган учқуни эдими — нима бу — уйласа, ҳали-

хануз кўкси бир қалқиб, беихтиёр кўзлари ачишиб кетади...

Байрам кечаси номдор созандаю хонандалар иштирокида гумбурлаган тўй бўлди.

Базм хийла кеч тарқади.

Аммо дод аламки — азиз хонадониде тахти бистарли чимилдиқ йўқ — кечасиёқ тул мисоли жўнаб кетиши керак эди.

Юрагида туганмас армон билан яна отасининг ёнида тиз чўкди.

Ота тобора забтига олаётган оғриқ азобига бардош беролмай ўкраб юборишдан базўр ўзини тийган каби қуруқшаган, этсиз лабларини қимтиб, инграниб ётарди.

Севаргул титроқ овозда:

— Отажон... онамнинг бахтига, илоё бизнинг бахтимизга тезроқ соғайинг, — деди юм-юм йиғлаб. — Отажон!..

Ота ногаҳоний оғриқданми, бўғриқиб кетган юзларини аянчли тириштирди. Индамади.

Онаси аста эланиб:

— Отаси, қизингизга фотиҳа беринг, — деди. — Севаргулингиз жўнаб кетяпти. Бахтинг ярлақасин, қизим, денг.

Бирдан отасининг киприклари намланди:

— Нима қилай, шўрпешона эканман, қизим, — деб лаблари асабий титраган кўйи қизининг манглайдан ўпди. — Сани ўқитиб, ман нодон тахтинг соясида яйрамоқчи эмас, ўзингга оту обрў олиб бермоқчи бўлган эдим... Мани чин дунёгаям шарманда қилиб жўнатяпсан... Майли, боравер... Розиман.

Э воҳ!.. Отаси ризолашган экан-у, лекин фотиҳа бермаган экан...

Кейин гавжум дарвозахонада ғала-ғовур ичра қавму қариндошлар билан бир-бир хайрлашаркан, онаи зори хиёл сархуш укани кўярда-қўймай олдинга ўтказди:

— Акбар, таомили шу, ўғлим, — деди кафтларини ёйиб. — Бўл, опангга фотиҳа бер!

Негадир Акбар қарғишнамо тўнғиллади:

— Омин, тушган жойингда тош бўл, қайтиб бу юртларга юзинг тушмасин, опа!..

Бироқ уч кундан кейин яна укаси ҳамда бошқа жигаргўшалари билан етим бўтадек бўзлашганча, ота-юртида юз кўришди: отагинаси оламдан ўтган эди.

Қозон қопқоғи даранглади.

Бир оздан сўнг онаси икки коса овқат кўтариб, ошхонадан чиқди.

Севаргул аччиқ-чучукни тўғраб бўлган эди, пичоқни хонтахта чеккасига қўяётиб, бармоқлари бедармон қалтираётганини кўрди, ўшанда тубсиз денгиз бутунлай тинка-мадорини сўриб олганлигини, энди ҳали-бери куч-қувват эниши осон эмаслигини ўйлаганча, қўлини сочиққа артиб, беҳол деворга суянди.

Онаси хонтахта нарисидан узалиб, косани унинг олдига қўяркан:

— Чарчадинг-а, қизим? — деди. — Ҳа, сал толиқдинг. Овқатингни егин-да, уйга кириб, пича мизғивол.

Севаргул «индамади», ухламоқчи эмас: ухласа... кечқурун тағин уйқудори ичишга тўғри келади. Кейин эрта кунбўйи яна қарахт юрадими?.. Ухламайди. Лекин ҳозир ухламаслик учун бирор эрмак билан машғул бўлиш керак. Ҳадеб шифтга тикилиб ётавериш ҳам жонга теғди... Ҳа, тушлиқдан сўнг анави китобни ўқийди. Қизик, қисса қаҳрамони гўзал Зайнабхоннинг қисмати нимаси биландир ўзининг тақдирига ўхшаш экан. Аммо, Зайнабхоннинг қизи йўқ, умуман боласи, қавму қариндоши — ҳеч кими йўқ. Эридан ажрашган. Ёши қирқ-



дан ўтган бир хуштори бор. Зайнабхон кечалари тунчи-роқни ёқиб қўйиб, севалаб ёғаётган ёмғирдан шашқатор ёш тўкаётгандек туюладиган деразага термилган кўйи хушторини илҳақ кутиб ётади... Бечорага жуда одамнинг раҳми келади.

Онаси хаёлини бўлиб:

— Магнитапунингни айлантириб чиқайми ё дилбурни қўяйми, Севар? — деди.

Севаргул иштаҳа билан овқатланаётган эди, онасига қараб сал афтини бужмайтирди: тинчгина овқатимизни ейлик, онажон?

— Ҳа, майли... ғижинма. Ғижинма ишқилиб.

Ҳадича Бакировна мумкин қадар кўпроқ манзур ғазаллардан тинглашни тайинлаган. Астойдил завқланиб эшитаверса, руҳияти тетиклашиб, ногоҳ тили очилиб кетиши мумкинмиш. Тили... бинойидек. Ҳаммаси ўшанда гоҳ чўкиб, гоҳ қалқиб, юрак-бағри тилка-пора бўлаёзганидан. Кейин... Эсласа, ҳалиям юраги шув этиб кетади-я!.. Сезяпти ўзи: бугун, бугун бўлмаса эртага яна бийрон-бийрон гапирадиган бўлади. Аммо... руҳият — чатоқ. Руҳият — чалажон. Бир эмас, икки маротаба ўлиб кўрди ахир. Биринчиси — ихтиёрий, иккинчиси — тасодифан. Оқибат... Наҳотки ўзи учун яшаб улгурган бўлса-я!!

— Қалай, овқат ширинми, Севар?

Севаргул хиёл қулимсираб, кўзларини юмиб очди: жуда!..

Онасининг гапиргиси, боғдан-тоғдан сўйлашгиси келиб турарди:

— Устига озроқ қўйиб келайми?

Севаргул сезиларсиз тажанглик билан бош чайқади: йўқ. Бас.

Хиёлдан сўнг она:

— Поччангни-ку билмадим-ов, кечга томон уканг бир хабар олса керак, — деди. — Бугун ман қишлоққа қайтмасам бўлмас, қизим. Бозор куну кечқурун ёки душанба эрталаб яна кириб келаман. Майлими?

Севаргул онасининг бугун жуда сергап бўлиб қолганлигидан қишлоқни қўмсаётганлигини англаган эди, онасига бир қараб қўйди. Ҳеч бир имо-ишора қилмади.

Ўттинчи август куну аэропортда онаси, поччаси, укаси, жиянлари, Ҳадича Бакировна, тагин бир ҳамшира қиз — ҳаммалари биргаликда кутиб олганларидан бери ёнида боёқиш. Мана, шунгаём ўн уч... ўн тўрт кун бўляпти. Салкам икки ҳафтада бу қутичадек ҳовлида роса сиқилди шекилли... Ҳали Акбар келса бирпас ўтирадим, йўқми — ҳуфтон бўлар-бўлмас туриб жўнайди. Кейин яна қизи билан уйда ёлғиз қолади. Онасини кўчириб келолмас экан. Йўқ, ҳеч қачон... Ўзини ёлғиз деса, дегудек эмас, лекин... Нима, кўникиши керакми энди шу... эзгин ҳаётга?

— Тушунасан-ку, қизим, — деди она давом этиб. — Келин ёш, қўлида гўдаги бор. Укангнинг бошига рўзгор тушган билан ташвиши тушганича йўқ. Бозор-ўчоримни ўзим қилмасам бўлмайди, қизим.

Севаргул аста бош ирғади: тўғри айтасиз, онажон.

Сўнг енгилгина энтикиб, косани нари суриб қўйди.

Онаси косага безовта назар ташлаб:

— Икки қошиққина қолибди-ку, ичиб қўй, қизим, — деди... Кейин негадир фикридан қайтгандек бўлди. — Ёки эрта азонда кетайми-а, Севар?

Севаргул парвосиздек, дарвоза томонни кўрсатиб, йўл сари бемалол ишора қилди: хотиржам жўнайверинг, онажон — э н д и п а ж м у р д а қ и з и н г и з н и «б ў р и» л а р б о ш и г а у р а р м и д и!

— Тўғри айтасан, қизим, бугун йўлга чиқаверганим дуруст, — деди онаси, косаларни бир-бирига кийиштириб хонтахта чеккасига қўяркан. — Ошхонада ярим

қозондан мўлроқ овқат бор. Эрта пешинда баракалироқ қилиб шовла пиширсанг, кечқурунга ҳам етади. Она-бола маза қилиб ейсизлар. Савзисини ўзим тўғраб бериб кетаман... Севар, тур энди, уйингга кир, қизим. Ман шу ерда бирпас чўзилай.

Шу пайт дарвоза ҳалқаси шикирлади.

Севаргул дарвоза томон ўгирилиб қаради: ким бўлдийкин? Холпош бийимикан?..

Онаси нохуш ғудранган кўйи:

— Очиқ, — деб қичқирди. — Кираверинг!

Дарвоза очилиб, Севаргулнинг ҳамкасабалари — Назира билан Мадина ҳовлига кирди.

Севаргул уларни кўриб, дафъатан суюнди, лекин шу баробари дилида мубҳам бир ўкинч ҳиссини туйди: дугонаси — Назира ғиждувонлик Ботир балиқпаз деган одамнинг бойвучча қизи. Художам бир берса беравераркан — эри шаҳардаги катта қурилиш идорасининг бошлиғи. Иккита ўғли бор. Кўп туғса тез қариб қолармиш. Кейинроқ битта қиз туғмоқчи... У Тошкентда бир ойлик ўқишда эди, кеча ё ўтган куну қайтган шекилли... Мадина эса туб шаҳарлик. Эри донғи кетган заргарлардан. Тўртта боласи бор. Болалари тез-тез дардга чалиниб тургани учунми, ишхонада уч-тўрт кун бир кўриниб-кўринмай, икки ҳафталаб уйда ўтирадиганлардан: ҳойнаҳой бугун ишга чиққан бўлса керак.

Севаргулнинг фаҳмича, булар ҳам бир-бир келиб, қайтиб дийдорини кўрсатмай қўйган бошқа ҳамкасабалардек астойдил дардкашлик учун эмас, азбаройи ҳангоматалаблик важдан келишгандек эди.

Севаргул туриб, жилмайган кўйи пешвоз юрди.

Назира чаққон яқинлашиб, қучоқлашиб кўришаркан: — Севаргул, дугонажон! — деди ўпишиб. — Ўзим ўргилай сендан, яхшимисан? Омон қолганингни эшитиб, шунақаям севиндимки, дугонажон!..

Мадина ҳам қучоқлашиб-ўпишиб:

— Ассалом. Соғ-саломатмисиз, опажон? — деди дилкаш оҳангда. — Қаранг-а, ташвишларга ўралашиб, мундай бир кўрганиям келолмадим. Узр, опажон!..

Улар кампир билан ҳам сертакаллуф омон-эсонлик сўрашгач, айвон томон юришди.

— Тошкентда бирдан шов-шув тарқалди: Қора денгизда кема чўкиб кетганмиш, кўп одам нобуд бўлганмиш!.. — Назира куйинчаклик билан гапирган кўйи, Севаргулнинг кифтидан қучиб қўйди. — Ваҳима босиб дарров ишхонага қўнғироқ қилдим, дугонажон. Сен ўша куну келган экансан, жуда хурсанд бўлдим эшитиб. Роса қўрққандирсан-а?

Севаргул ҳалигина кўнглидан кечган гумонидан хижолатангиз қизарди, лаблари ҳаяжонли пирпиради: раҳмат, дугонажон!..

Назира унинг сассиз-садосиз пичирлаётганидан беихтиёр таажжубланиб, бир зум анграйиб қолди. Ва ўша заҳоти ниманидир эслаб:

— Кўз тегмасин, кўринишинг бинойи, дугонажон, — деди. — Қаттиқ қўрққан экансан-да, ўтиб кетади. Парво қилма.

Севаргул миннатдор табассум билан бош ирғаб, осмон сари олисларга ишора қилди: ўзинг яхши ўқиб-ўйнаб қайтдингми, дугонажон?..

Севаргулнинг онаси олдинга ўтиб деди:

— Меҳмонхонага кира қолинглар, қизларим.

— Кўрмаяпсизми, холажон, Бухоро ёняпти-ку!.. — деди Назира. — Уйда ўтириб бўларканми, айвон яхши-е! Оёғимизни узатиб ўтирайлик-да, холажон.

— Шошманглар бўлмаса... — Кампир чаққон даҳлизга кириб, зумда бир нечта кўрпача кўтариб чиқди-да, хонтахтанинг ёнёғига қўшқат қилиб тўшади. — Ана энди ўтиринглар, қизларим.

— Сизни ташвишга солиб қўйдик-да, холажон, — деди Мадина.

— Нега ундай дейсиз. Пойи қадамларингиздан ўргилай, қизларим. Хуш келибсизлар. Қани эди ҳар куни шундай кириб келаверсангизлар.

— Бундан кейин ҳар куни келаверамиз, холажон, — деди Назира.

— Пойи қадамларингиз дийдамызга, қизим, — деди Севаргулнинг онаси фотиҳага қўл очиб. — Қани, омин, ҳаммангизнинг ҳовлингиз тўйхона бўлсин, шери худо жилводорингиз бўлсин!.. Хуш келибсизлар, қизларим!

— Хушвақт бўлинг, холажон! — деди Назира кафтларини юзига тортиб. Сўнг туришга чоғланаётган кампирга тегажоғланиб гап қотди. — Тўхтаг, хола, бизларни фотиҳа ўқитиб қўйиб, газетага ёзмайсизми ишқилиб, бугуннинг қизлари художўй бўлиб кетяптилар, демиб?

— Э, худони ким кўрипти, Назиражон. Ҳар кимнинг худоси кўнглида бўлсин. Илоё барака топинг, кўп ҳазилкашсиз-да, ўргилай!..

Кампир косаларни, чойнакни олиб пешайвондан чиқди.

Мадина сумкасидан ичиға нимадир солинган қоғоз халтача чиқариб хонтахта чеккасига қўйди, сўнг бир қути «Қорақум»ни Севаргулга узатиб:

— Мана, опагон, буни сизга Шавкат Исломович бериб юбордилар, — деди. — Мендан салом айтинг, тезроқ софайсин, жуда Севаргулнинг қадри ўтяпти, дедилар.

Бирдан Севаргулнинг кўнгли янаям ёришиб кетди. Ўтган гал қизлардан Шавкат Исломович тўрттагина апельсин бериб юборганлигини эсларкан, кўз ўнгида унинг улуғвор чехраси гавдалангандек бўлди. Мадинанинг қўлидан қутини олаётиб, мамнун бош ирғади: раҳмат, Мадинажон!.. Шавкат Исломович ажойиб одам. Гап — нарсада эмас, гап — эътиборда. Арзимасдек туюлган бир эътибор билан одамнинг гўрдек чўккан кўнглини тоғдек кўтарвориш мумкин... мумкин экан. Раҳмат!..

Кейин Назира Севаргулнинг кулимсираган кўзларига шўх-шодон боқиб, куни кеча ўқишдан қайтганини айтди. Тошкентнинг магазинлари негандир ҳувиллаб қолганлигидан нолиб:

— Ҳеч бало йўқ, — деди. — Лекин тошкентлик бир ҳамкасаба жувондан иккита сийнабанд олдим. Битта ўзимга, битта сенга. Қирсақлигидан, дугонажон! — деб унга совғани узатди. — Таққин, бир кўрайлик. Қирсағини боссанг, ширқ этиб очилиб кетади.

Севаргул шафақранг сийнабандни эғнидаги кўйлаги устидан кўкрагига тутиб кўрсатди, сўнг хушнуд жиламди: жудаям яхши экан. Раҳмат, дугонажон!..

— Бугун ишга чиқдим, — деди Назира ҳасрат оҳангида давом этиб. — Ишхона шунақаям файзсиз! Ҳамма пахтада. Сен йўқсан...

Севаргул тагин бадгумонлигидан пинҳона койиниб, ҳамкасабаларига ачинди: бечоралар пахтада экан-да!..

— Пахтага бормаган беш-олти киши қолибмиз, — деди Назира. — Мадина, мен, Шавкат Исломович, яна икки-уч одам.

— Қолган беш-олти киши ҳам эрта икки кунлик ҳашарга жўнаркан, — деди Мадина ғингиниб. — Улсин, бу жағ-жағ иссиқда жизғинагимиз чиқади.

Ҳамма бир муддат жим қолди.

Шу пайтда Севаргулнинг онаси бир чойнак чой, иккита нон келтириб, дастурхонга қўйди:

— Олинглар, қизларим, — деди манзират қилиб. — Еб-ичиб ўтиринглар. Ҳозир овқат олиб келаман.

— Пиширган-туширганингиз бўлса уялмай олиб келаверинг, холажо деди Назира қулиб.

— Ҳозир-да, қизим!.. — Кампир яна илдам ошхона томон кетди. Орадан ҳаял-замон ўтмай, икки коса таом кутариб, пешайвонга кирди. — Келганларингиз зап яхши бўлди-да, қизларим. Худди келишларингизни билгандай, ўсма узиб, сўлитиб қўйибман.

— Яшанг, холажон! — деди Назира суюниб. — Лекин ўсмани ўзингиз сиқиб берасиз-да, холажон. Сизнинг шарофатингиз билан яшарадиган бўлсак, бугун бир яшарайлик энди.

— Майли, ҳамиша яшариб юринг, қизим.

Кампир чойни шопириб, қизининг олдига қўйгач, бир оз юмушлари борлигини айтиб, ҳовлига чиқди.

— Севаргул, шу... денгиз саёҳатига бекор борган экансан-да, дугонажон, — деди Назира овқатланаётиб. — Ундан кўра, бирор курортда дам олиб қайтганинг яхши эди.

— Рост, — деди Мадина. — Бахтигулингизниям олиб кетсангиз бўларди, опагон. Майли, кўргилик-да, ўтган ишга саловот.

Севаргул чойдан ҳўпларкан, маъносина кулимсираб, кифтини қисиб қўйди: «кўнглидаги ўқинча аламларини энди буларга қандай тушунтирсайкин-а?..»

Аслида денгиз саёҳатига бормоқчи эмас, худкушлик борасидаги барча ўринишлари беҳуда кетгач, дунёга қўл силтаб, рўзгузаронлик қилиб юравермоқчи эди.

Эҳтимол, рўй бериб ўтган кўргиликка энди Шавкат Исломович қандайдир даражада ўзини айбдор ҳис қилаётган бўлса керак: менинг қистовим билан денгиз саёҳатига чиқдию, шу балога гирифтор бўлиб қайтди.

Балки, ҳамкасабаларга эргашиб келмаётганлигининг, келолмаётганлигининг сабабларидан бири ҳам шудир. Тағин ким билади.

Аммо, барибир Шавкат Исломович... аломат одам. Кўп йиллар шаҳар ижроқўми раисининг муовини бўлган. Кейин шаҳарда янги ташкил топган районлардан бирига райижроқўм раиси қилиб тайинланган. Бирок, орадан олти ой ўтар-ўтмас ишдан олишган. Раисликни топширишидан икки ойча олдин, ўзининг айтишича, яқинда отувга ҳукм қилинган арбобчалардан бири ҳузурига кириб, Каттакон учун ширинкома сўраган.

«Қанча беришим керак?» «Йигирма беш?!» «Кечирасиз, ўртоқ Фалончижонов, бунча пулни қаердан оламан?» «Куни кеча район ихтиёрига юзта квартира ажратилди-ку?..» «Ширинкоманинг қанчаси ўзингизга тегади?» «Энди буюғини Каттаконнинг ҳимматлари билди...» «Каттаконга ширинкома керак бўлса, ўзлари сўрасинлар. Боринг!..» «Беҳазил гапирясизми, Шавкат Исломович?» «Агар ҳозироқ чиқиб кетмасангиз, чинор тағидаги идорага кўнғироқ қилиб, одам чақираман. Жўнаг дарров!..»

Ўзингиз ўйлаб кўринг, Севаргул, умр бўйи соясидан кўрқиб яшаган одамда пул нима қилсин... Шу қадар кўрқоқларча яшаган эканмизки, қарийб жар ёқасига бориб қолганда хатомизни тушуниб етдик. Бу хатомиз учун Партия бизни сазойи қилдирса ҳам ҳақи кетади.

Ахир, каззоб арбобчалар замбуруғдек ердан кўкариб чиққани йўқ эди-ку!..

Давронни биласиз-а — менинг ўғлимни. Комсомолда бинойидек ишлаб юрган эди. Увалло қаршилиқ қилганимга қарамай, партиянинг топшириғи, деб шаҳарга туташ анави колхоз раислигига ўтди. Бор-йўғи икки йил ишлади. Ушанда яна ўша топшириққа биноан собиқ Каттаконнинг институтда ўқиётган эркатойига ҳашар пай-

тида машина билан фалон тонна пахта терди, деб битта «ГАЗ—24» ни «мукофотга берган экан. Мана, энди бир кавакда туйнукка тикилиб ётибди. Ҳали суди бўлгани йўқ.

Шунақа, қўрқоқлик билан умрни зое ўтказ-ворманимни кеч англадим, Севаргул, жуда кеч англадим, қизим. Агар вақтийи замонида кез-зобларнинг гирибонидан олганимизда, Даврон-га ўхшаганлар, сизга ўхшаганлар шу кўйга туш-масмидингизлар?..

Йигирма йил сурункасига хато ишлар билан машғул бўлибмиз. Йигирма йил-а!.. Ахир, бу йигирма йил сиз тенгилар умрининг айнаи ғун-чалаган, айнаи гуллаган фасли-ку!.. Биз йигирма йил кўр-кўрона қилган хатолару гуноҳлар жаб-рини ана энди сизлар умр бўйи тортасизлар: оталарининг гуноҳлари учун бо-лалари жавоб бергай!

Шавкат Исломович уч қизини узатган, икки ўғлини уйлантирган. Айтишга қараганда, бир ҳовли ширин-шакар неваралари бор. Ҳамма қизларидан шод, қувё-ларидан миннатдор, келинларидан хотиржам. Аммо, шаҳар молия маҳкамасида кичикроқ амалдор ўғли Алишердан ҳамиша хавфсираб юради: буям бир қаро ишни қилиб қўйиб, жувонмарг бўлиб кетмаса ёки акасини касри уриб, ишидан сурилиб кетмаса бўлгани!

Гарчи, катта ўғли Давроннинг ҳали суди қирилмаган эса-да, унинг омон қайтгунига довр ўзининг яшай олишидан умидини узган — қариган чоғида бу мусибат-га бардош беришига ишонулмайди. Умр бўйи худбин-ларча ўз тинчини ўйлаб яшаганидан энди бениҳоя пушаймон.

Бечорага одамнинг юраги ачишади.

Унга ҳар куни икки маҳал — эрталаб ҳамда пешин чоғи — аччиққина кўк чой дамлаб киради. Котибаси — нўғой жувоннинг дамлаган чойини негадир хушламай-ди. Баъзан иш юзасидан, баъзан чой дамлаб кирган кезлари, кўнгли тўлиб кетганиданми, дабдурустдан ҳасратини бошлаб қолади. Шунда Севаргул индамай, хомуш тинглаб ўтираверади.

Даврондан ҳалиям хат-хабар йўқ, Севаргул. Шакар холангизининг яна дамқисмаси зўрайиб боряпти. Дарди хуруж қилган кечалари бирдан ваҳима босиб уйғониб кетади. Юрагимни ҳовуч-лаб, қулоқ соламан: кампирим нафас оляптими, йўқми?..

Ишқилиб, тўнғичимизга бизнинг совуқ дийдо-римизни бўлса ҳам кўриш насиб қилсин-да!..

Жамиятимизнинг нима учун шу аҳволга тушиб қолганлигини биласизми, Севаргул?.. Биламан, шахсан мана шунинг учун деб айтолмайсиз. Чунки сабаблари кўп. У сабабларнинг ҳаммаси бир-биридан муҳимроқ.

Эллигинчи йилларда суд ишлари кам кўрилар-ди, лекин қарийб ҳаммаси корхоналарда очиқ ўтказиларди. Очиқ судни кўриб, жиноятнинг оғир жазосини ҳис қилган одамлар кейин ҳамиша ҳушёр тортиб юришарди. Ҳозир ҳар куни ҳар бир районда, ҳар бир шаҳарда уч-тўрттадан суд иши кўрилади, лекин улардан жамоа беҳабар. Одамлар лоқайд, беғам.

Айтсам куласиз, бундан йигирма йилча аввал авж олиб кетган ташвиқотларга лаққа учиб, сак-сонинчи йилларда коммунизмда яшашимизга чиппа-чин ишонганман. Бордию шу кунларда биров, яна юз йилдан кейин коммунизм қури-лади, деб жонини гаровга тикиб айтса ҳам, ўлай агар ишонмайман. Ҳаромдан ҳазар қилмайдиган

одамлар билан ҳеч қачон ҳалол-покиза жамият қуриб бўлмайди. Ишончим қолмади... Биз-ку, майли, ёшимизни яшаб қўйдик, лекин норасида ёшларимиз ҳам кимга ишониб, кимни ҳурмат қилишларига ҳайрон. Фожиа-ку, бу ахир! Улар мактабдалик чоғидаёқ кўнгили кўйига тушиб ке-тишяпти. Агар йил давомида ҳар бир мактаб-да камида учта суд иши кўрилса, ёшлар ҳаётга сергак назар билан қарашни ўрганиб, кўнгили қашшоқлигидек бедаво офатдан қутулиб қола-рмидилар. Ахир, ҳамма фава, ҳамма ғурбатлар одамларнинг кўнгили қашшоқлигидан келиб чиқ-япти-ку!..

Ёнаётган одамнинг кўзига еру осмон баравар ловул-лаб ёнаётгандек туюлармиш. Боёқиш Шавкат Исло-мович умр бўйи қуйиб қолишдан кўрқиб яшаган эди. Таассуфки, қўққис юрагига ўт кетди. Ана энди беқарор-бетоқат чора излайверади.

Дарвоқе, саёҳат масаласида Шавкат Исломовичнинг ўзи ҳузурига қақиртирган эди.

Касалхонадан чиққанига бирор ойма бўлган эса-да, ҳамон мискин хаёллардан, ўртагавчи карахтлик чан-галидан тамомила қутулиб кетолганича йўқ эди. Маъ-лул кириб борди.

— Сизнинг баевоилигингизни яхши кўраман-да, Се-варгул, — деб, кўзидан кўзойнагини олди Шавкат Исло-мович. — Жуда кўнгли очиқ жувонсиз. Лекин кейин-ги пайтларда анча ўзгариб қолдингиз. Чойнакни қўя-сизу, гапимни эшитмаганликка олиб, лип этиб чиқиб кетасиз. Нима бўлди, қизим, гапиринг қани бундай?

— Ҳеч нима бўлгани йўқ.

— Бўлган... бўлган! — деди Шавкат Исломович, пар-да ортидан тушиб турган қуёш нурида ялтираб кўрина-ётган бошини сийпалаб. — Биздан яширманг.

Севаргул ялт этиб қарадию, унинг синчковлик билан боқаётган кўзларига нигоҳи тушар-тушмас, беихтиёр қизариб, яна бошини қуйи эгди: ўз жонига қасд қил-гани овоза бўлиб кетишидан кўрқиб, докторларга элана-элана, касалхонадан уч кундаёқ чиққан эди, лекин барибир анави яшамагур, бу одамга айтипти-да!

— Қора денгиз бўйлаб саёҳатга чиқмайсизми, Севар-гул? — деб сўради дабдурустдан Шавкат Исломович. — Тешажон келган эди, тайёр путёвка бор, деди. Билиб қўйинг, бунақа путёвкани топиш осон эмас. Саёҳат баҳонасида ғам-ғуссалардан фориг бўлиб, бир яйраб қайтасиз, Севаргул.

— Йўқ, бормайман, Шавкат Исломович, иш кўп.

— Кўп ташвишланаверманг, Севаргул!..

Эшитган бўлсангиз керак, мен асли молиячиман. Лекин билма-дим, менинг мутахассислигимнинг бу идорага нима алоқаси бор. Сўраб-суриштирмай, бу ёққа кел-тириб қўйишган.

Мана, етти-саккиз йилдан бери ўзингиз ҳам шу идорада ишляп-сиз. Дейлик, шу давр мобайнида бирорта халқ театри, бирорта клуб ё бирорта спорт саройи ишидан жиддий нуқсон тополдингизми, ёки шулардан бирортаси бизнинг ёрдамимизга, бирор бир йўл-йўри-ғимизга муҳтож бўлиб қолдимиз — йўқ, албатта. Бир замонлар кимдир ўйлаб чиқарган бу қоғозбозлик, кўрмаяпсизми, янги раҳбарият пайтида ҳам ўз маромида боряпти.

Урушдан кейинги йилларда мам-

лакатдаги барча ишларни бор-йўғи тўқсонга яқин идора бошқарган экан. Ҳозир эса бунақа идоралар бир юзу қирқтага етиб қолганмиш. Ким билади, буларнинг қанчаси ортиқча даҳмаза!..

Сизга очигини айтсам, Севаргул, бизнинг идорамиз ҳам текинхўр ташкилотлардан биттаси, ҳеч ўйлаб ўтирмай, тарқатиб юбориб, маданият бошқармасига уч-тўртта штат кўшиб берилса, олам гулистон!

Бошлаб юқорига битта хат ёзай дейману, лекин ҳадемай пенсияга чиқишим кераклигини, кейин баттар куйиб қолишим мумкинлигини ўйлаб, шахтимдан қайтаман.

Агар бошқа бир дилхўш пайт бўлганида, Шавкат Исломович шу каби ҳасратини яна бир карра эҳтирос билан сўйлаган бўларди, деб ўйлади Севаргул: лекин ҳозир ҳушчақчақ суҳбатнинг мавриди эмас... Қизиқ, Теша билан бу одамнинг ўртасида қандай ўзаро яқинлик бўлиши мумкин? Ёки менга жонкуярлик қилаётгани чиндан ҳам астойдилмикан?

— ...бу даҳмаза ишларни ўзимиз бир амаллаб турамиз, — деди Шавкат Исломович, меҳрибон ва маънодор оҳангда. — Ахир, сиз ўзингизни деб шу ҳолга тушиб қолганингиз йўқ-ку?! Тешани яхши йигит демоқчи эмасман, лекин ҳозир у сизга яхшилик қилмоқчи. Путивкани олиб, саёҳат баҳонасида соғлигингизни сал яхшилаб қайтинг. Кейин у ёғи... яна ўзингизнинг ихтиёрингизда.

— Билмасам, Шавкат Исломович, бошим қотиб қолган...

— Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, Севаргул. Эрта паспортингизни келтириб беринг менга. Боринг, қизим, боринг.

Худкушлигининг эртаси — шанба куни, намозшом маҳали. У касалхонага кўргани борганида, палатадан қувиб чиқарган эди. Душанба куни уйга қайтганидан сўнг, кечқурун У яна мўлтиллабгина эшикдан кириб келганида эса, агар бундан кейин тинч қўймаса, тўғри тегишли жойга арз қилажагини айтиб, онт ичган эди: шундан сўнг ҳам соядек эргашиб юрадиган бўлсанг, ҳовлингга бориб, устимдан ерёғи тўкиб олов бермасам, онаминг қизи эмасман!

Бирдан жазаванг кўзиб кетганини кўриб, аввалида У чинакамига қўрққан эди, Севар, деб ўйлади Севаргул, «Қорақум» шоколадидан бирини олаётиб: илло, устингдан ерёғи тўкиб олов беришинг мумкинлигидан эмас, аллақачон собиқ Каттаконнинг қамоққа олинганлигидан; эски тартиблар емирилиб, корчалонлар пайтавасига қурт тушиб қолганлигидан ваҳимада эди У. Дарҳол «Лолазор»ни топшириб, савдо базасига экспедиторликка ўтволганлигининг боиси ҳам шунда! Кейин, барибир у яна қайтадан апоқ-чапоқлик илинжида баҳона излай-излай, ахирри аллақандай йўллар билан ундирган саёҳат йўлланмасиyo бир даста пулнинг шарофати билан, тагин муносабатларни асли ҳолига қайтариш умидида Шавкат Исломовичнинг кўмагидан фойдаланди.

Аммо, аксига олиб ҳаммаси, ҳатто соғлиқ ҳам, мана аввалгисидан бешбаттар бўлди.

Онаси иссиқданми ёки ҳориганиданми, хиёл ҳансираган кўйи, пешайвонга кирди, қўлидаги пиёлани хонтахта устига қўйди:

— Мана, ўсма, қизларим, — деди.

— Яшанг, холажон! — деди Назира, кўзлари севинчдан чақнаб.

— Ўзингиз бошлаб берасиз-да, хола, — деди Мадина. — Утиринг.

Кампир қўлини қоши устида соявон қилганча кулимсираб:

— Бошимда бир тола қора сочим йўғ-а, қизим! — деди. — Севаргул учун узиб қўйган эдим, қизларим. Ўзларингиз қўяверинглар. Ҳозир сизларга озроқ пахта, гугурт келтириб бераман.

Бир ордан сўнг, магнитофондан хонанда Комилжоннинг юракларни сел қилгувчи овози ғазалнинг айна авжида янграб-жаранглаб эшитила бошлади:

**Дунёнинг кори шундай экан — билдик, англадик:  
Гоҳо биров азизу гоҳо биров хору зор ўлур.  
Қай бир кўнгилга тушса агар ишқнинг шуъласи,  
Нафу зарарга боқмай, иши — оху зор ўлур...**

Ҳазрат Навоий гўё минг йиллар қаъридан туриб, шу тобда Комилжоннинг қалбларда титроқ бир аксу садо бераётган дардкаш овози билан оҳ чекаётгандек эди.

Аммо, негадир Севаргул безовталанмоқда эди, нохуш чимирилиб, уй томон юзланди.

Мангу навқирон Комилжоннинг мунглуғ куйга ҳамонанг хониши эса тобора забтига оларди:

**Афсусларким, қолмади-ё, на ёру на рафиқ,  
Эй, воя, до-да, ҳай ёра, адоингман-эй, эй жоно!..**

Ниҳоят, онаси уйдан чиқди. Унинг қўлида озроқ пахта, бир қути гугурт ҳамда ойна бор эди.

Севаргул онасига ўқрайиб қаради.

Онаси қўлидаги нарсаларни хонтахтага қўяётиб:

— Иби, санга ёқмадим, Севар? — деди.

Севаргул кескин бош чайқаб, уй томон ишора қилди: боринг, ўчириб чиқинг!

Дафъатан қизининг ишорасини тушунолмай:

— Нима, бошқасини қўйиб чиқайми ё? — деди онаси.

Севаргул лаблари асабий титраб, қўл силтади: йўқ, керак эмас!

— Хўп. Жиғибийрон бўлаверма. — Онаси ғудранганча ортига бурилди. — Астағфурилло, бунга нима ёқади ўзи!..

Ҳаял ўтмай, магнитофоннинг уни ўчди.

— Ҳа, нега ўчиртирдинг, дугона? — деди Назира.

Севаргул сал бурнини жийириб қўйди: ўзимиз бийонидеккина чақ-чақлашиб ўтирибмиз-ку, дугонажон. Назира ҳайронсираб елка қисди.

Мадина нилчўп ясамоқда эди.

Онаси тумшайиброқ уйдан чиқди, деворга суяниб ўтирди.

— Яхши айтаётган эди-я, холажон, — деди Назира.

— Кўрмаяпсизми, дугонангизга ёқмаяпти-ку, — деди кампир. — Дўхтир яхши ашулалардан кўпроқ эшитаверсинлар, албатта фойдаси тегади, девдилар. Билмасам, икки-уч кундан бери ашулага хуши бўлма-япти.

— Менда жуда яхшилари бор, дугонажон, — деди Назира. — Келтириб берайми, эшитиб ётасан.

Севаргул афтани буриштириб, ҳафсаласиз қўл силтади: ҳаммасидан тўйиб кетганман, дугонажон. Ҳеч қайсининг кераги йўқ.

Орага бир зум жимлик чўқди.

Мадина пахта ўралган гугуртдона — нилчўпларни ўсмали пиёлага солаётиб:

— Эшитдингизларми, собиқ Каттаконнинг хотини қамоқдан қайтганмиш, — деди.

— Иби-и! — деди кампир. — Бадбахтнинг хотиниям қамалганмиди, а?

Назира нилчўплардан бирини олаётиб:

— Баттар бўлсин! — деди. — Ойтўтимулломиз ўша ёқда ётиб, Каттаконнинг қилмишлари тўғрисида тергов берганлар. Демак, тергов тугапти-да!

Мадина ўсмага ботирилган нилчўпни оҳиста қошига суртиб:

— Бизнинг хўжайин айтаяптилаки, Каттакон отувга ҳукм қилинармиш, — деди.

— Албатта отилади! — деди Назира. — Унинг югурдаклари — Қодир Ҳазрат билан Арбобжонов отувга ҳукм қилинди-ку!

Кампир жувонларга анграйиб қараб:

— Бо худо, шунчалик ёмон ишлар қилганми улар? — деди.

— Э, ҳаммасини эшитгансиз, холажон, — деди Назира. — Қодир Ҳазратнинг уйдан аллақанчаям чет эл пуллари, кейин қўйма олтинлар чиққанмиш. Арбобжонов эса Каттаконнинг ўнг қўли бўлган экан. Каттаконнинг тўплаган бойлигини юз миллиондан ҳам кўп дейишяпти... Миллион сўм қанча бўлишини биласизми, хола?

— Сиз милённи айтасиз-а, ман шунча ёшга кириб, юз сўмлик қанақалигини биринчи марта Севаргулнинг тўйида кўрганман, қизим! — деди кампир. Ва ногоҳ қизининг кўзлари қизариб кетганлигини кўриб, жим бўлиб қолди.

Назира эса, шу тобда онаю қизнинг кўнглидан нелар кечаётганидан беҳабар, баттар нафрати кўзиб:

— У гўрсўхталарнинг бойлик тўплаганиям гўрга, лекин аллақанча қизларни жувонмарг қилворишганини айтмайсизми, хола! — деди.

Мадина секин хонтахта остидан унинг оёғига туртиб қўйди.

Назира беихтиёр Севаргулнинг битмас бир жароҳатини тирнаб юборганлигини англадию каловланиб:

— Севаргул, нега ўсма қўймаяпсан? — деб, ўсмали пиёлани ағдараёзди. — Ол, қошларинг бир яйрасин-э, дугонажон!

Севаргул маъюсгина жилмайиб, қўлига нилчўп олди, ойнага хомуш тикилиб қаради: кўзлари... қизарган, лўппи юзлари заҳилтоб, кўпдан бери ўсмаю сурма тегмаган қошлари эса сийраклашиб қолгандек.

Онаси ўрнидан турди, сўнг секин ҳовлига чиқди. Назира, нимадир ёдига тушгандек, жимликни бузиб:

— Севаргул! — деди. — Эшитдингми, боққа дорбозлар келипти. Юр, бирга борайлик.

— Ҳа-я, дорбозларни жуда мақташяпти, — деди Мадина, қошидан ўсма оқиб кетмасин учун бошини дам у ён-дам бу ён эгиб. — Бир дорбоз қиз чиғирикда зўр ўйинлар кўрсатаётганмиш.

Севаргул қизалоқлигида кўрган бир дорбозлар томошасини эслаб, кўзларини юмиб-очган қўйи, бош чайқади: йўқ, мен бормайман. Узларингиз бораверинглар.

— Чарчамайсан, дугон, таксида борамиз, — деди Назира. — Уйда димиқиб ётаверасанми, йўқ дема...

Чошгоҳ маҳали бирпасгина мизғиганда кўрган ғаройиб тушига қоришиб, тобора хотирида ўша — ўтмиш манзара аниқ-тиниқ намоёнланаркан, Севаргул яна парижон бош чайқади: йўқ, мен... б о р о л м а й м а н .

Якшанба. Туш пайти. Аллақачон савдо-сотик тугаган. Аммо, ҳайҳотдек бозор томошабинлар билан гавжум. Ҳаммининг ҳаяжонли нигоҳи майдон ўртасидаги б а л а н д дорга қадалган.

Дор устидан кумушранг булутлар шитоб сузиб ўтмоқда. Ҳавода аёзли шабада эсяпти.

Қизғиш шарвар, қизғиш жужунча кийиб, нозиккина белига тилларанг камар таққан қизалоқ узун лангарни қўлида маҳкам тутганча, дор адоғидан дадил юқориламоқда. Унинг зебу зийнатли жиғасидаги товус пари шабадада бетиним титрайди. У, қўшпоя — дор «бели»га яқинлашаркан, нозик овозда:

— Ё п и р и м ! — деди.

Қўшпоя оралиғида ўрнашиб тургач, ўнг қўлини кўксига босиб, томошабинларга шодон жилмайганча, энгил таъзим қилди.

Шу аснода дўмбиранинг тантанавор садолари таралди. Уни бошига дўппи, оёғига калиш-маҳси, эғнига оппоқ иштон-қўйлак кийиб, белига иккита шойи қийиқни устма-уст боғлаган эллик ёшлардаги хушбичим бир киши чалмоқда эди. У дор тағида турарди:

— Она қизим, Барчиной! — деди ноғорачўпни юқори кўтариб.

— Лаббай, дадажон! — деди дорбоз қиз.

Ота дорбоз ҳаяжон билан у ёқдан-бу ёққа юриб:

— Саккиздан тўққизга ўтгандай ёшинг! — деди.

— Бале! — деди дорбоз қиз.

— Қўлингдаги лангардан камдир тошинг!

— Бале!

— Асло ғам кўрмасин бошинг!..

Ҳамма тек қотган қўйи дорбоз қизчага тикилади. Жимжитлик. Баргихазонларнинг беқўним қисирлаб суриниши, дарахт шохларининг шитирлаши эшитилади.

— Она қизим, Барчиной!

— Лаббай, дадажон!

— Энди дадил ўрнингдан тур-да, қайнонасиникига илк қадам қўйган келинчақдай адаб-икром билан дор ўртасига юриб келиб, азиз томошабинларимизга яна бир карра таъзим қил!

Боягина дорда томоша кўрсатган ўн уч, ўн беш ёшлардаги ака-ука дорбозлар майдон чеккасидаги хуржун устида чордона куриб ўтиришарди. Барчиной ўрнидан туриши билан катта акаси сурнайда «Ёр-ёр» куйини чаларкан, кичкина акаси унга ноғорада жўр бўла бошлади.

Барчиной лангарни маҳкам ушлаб, оҳиста одим отган қўйи, тобора илгарилайверди. Одамлар унинг ҳар бир қадамини ҳадикли бир ҳайрат билан кузатишарди. Ниҳоят, у мусиқа садолари остида дор ўртасига етгач, секин тиззаларини букиб, майдон теварагида киприк қоқмай ўтирган халойиққа такрор-такрор таъзим қилди. Сўнг яна ўйноқи мусиқага ҳамоҳанг йўсин чаққон тисланиб, қўшпоя орасида тўхтади, қўлини юқори кўтариб:

— Дадажон! — деди.

— Жони дада! — деди ота дорбоз.

— Қирқ йилдан бери дорбозлик қиласиз. Улмас ҳунарингизни бизга ҳам ўргатдингиз. Дор шарофати билан сиз кезмаган юрт қолмади.

— Балле, она қизим!

— Ҳукуматимиз инсонпарвар, — деди Барчиной. — Биз ҳам меҳнатимиз билан ғамхўр ҳукуматимиз хазинасини бойитиб келямиз...

Ота дорбоз ноғорачўпни шарп-шарп маҳси қўнжига уриб, дор остида бетоқат юриб турарди:

— Бале! — деди.

— Дадажон, айтинг, азиз томошабинларимиз ҳиматларини биздан аямасинлар?

— У, она қизим, Барчиной! — деди ота дорбоз. — Саховатли биродарларимизга айтиш шарт эмас. Ана, кўряпсанми?!

Одамлар ҳар ёқдан майдон чеккасига турнақатор ёпирилиб, хуржун ёнидаги чоғроққина жомадон ичига пул ташлайверишди.

Севаргул ҳам онаси, опаси, укасига эргашиб, тобора чош бўлаётган пуллар устига аста бир сўмлик қўйди.

Шу пайтда қарғашойи рўмолини юзига тортиброқ ўраган бир аёл ичига нималардир солиб тугилган каттакон дастурхонни кўтариб, жомадон сари ўта бошлади.

Ана шунда ота дорбоз кўлларини фотиҳага очиб:

— У, биродарлар! — деди. — Кўпнинг дуоси қўл бўлур, эл берса, мўл бўлур. Келинлар, биродарлар, мана шу синглимизни дуо қилайлик. Агар фарзандталаб бўлсалар, бошлари фарзанд тўйларидан чиқмасин! Агар йироқдаги қадрдон бировларининг йўлига кўз тикаётган бўлсалар, тез орада омон-эсон дийдор кўришсинлар! Кўнгилларидаги муроду мақсадларига эришсинлар. Давлатлари бундан ҳам зиёда бўлсин. Омин!

Бирдан ҳайҳотдек майдон узра халойиқнинг гуруллаган овози янгради:

— Оомиин!..

Кейин, ота дорбоз қизига юзланиб:

— Она, қизим, Барчиной! — деди. — Энди ҳунарингни кўрсат, она қизим. Ҳозир қалдирғочдек учибуйнаб дор «кифти»га чиқасан. Ундан сўғин, чиғириқда чинни кабутардек чарх уришингни кўрамиз. Қани!..

Ота дорбоз шундай деб, дўмбирани гумбурлатиб чала бошлади. Ака-ука дорбозлар сурнаю ноғорада унга жўр бўлишди.

Барчиной энгил ҳаракатлар билан гоҳ сўл, гоҳ ўнг томонга соллона-соллона одимларкан, бот-бот юқорига сакраб, ҳавода оёқларини ўйнатар эди. У, айна ҳавога сакраган чоғида, ларзонланиб учаётган қалдирғочга нимаси биландир ўхшаб кетарди.

Тобора тик ўрлаган дорнинг қорамтир сими эса — пастдан, чўққи сари ўрмалаган илондек қорайиб кўринарди.

Барчиной дор «кифти»га етай-етай деганда, яна ўша майин бир титроқ овозда чўзиб:

— Ё - о п и р и м ! — деб қичқирди.

Севаргул онасининг билагидан маҳкам ушлаб, пинжиги тикилди, сўнг энгилгина энтикиб қўйди.

Дор «кифти»га минган Барчиной эса томошабинларга шодон қўл тўлғади.

Унинг тепасида алвон байроқчалар ҳилпираб турарди.

У лангарни секин пастга узатди. Кейин, чаққон юқорига тирмашиб, устки қисми қип-қизил бахмал билан безатилган чап томондаги чиғириққа ўтди. Осилиб турган чиғириқнинг ихчамгина темир поясида ўтириб, бир оёғини ип билан боғлай бошлади.

Ота дорбоз кулиб:

— Ҳў, Барчиной! — деди. — Оёғингдан боғлаб қўйиб, чиғириқда чарх урмоқчимисан, она қизим?

Барчиной бир зум отасига термилиб қаради. Сўнг шартта ипни чиғириқ тепасига илиб қўйди-да, чаққон ўрнидан тураётиб кескин тервониб кетди.

Ён ёқдан чолларнинг, кампирларнинг бетоқат тўнғиллагани эшитила бошлади:

— Ҳай, Латиф дорбоз бекор бола фақирнинг шаштини қайтарди-я!

— Бола-да, ҳали ўзига ишончи кам. Шунинг учун...

— Э, ҳавоям аёз ахир!..

Севаргул яна онасининг билагидан маҳкам ушлаб:

— Она, тушиб кетмайдими у қизча? — деб сўради.

— Жим! — деди онаси жеркиб. — Айтма у гапни, қизим.

Шу пайт майдон чеккасида курси қўйиб, келидек муштарини йўғон сонларига тираб ўтирган семиз бир аёл:

— Ҳой, Латиф дорбоз! — деб қичқирди. — Айт қизингга, оёғини боғласин!

Шартта ота дорбоз қўлини кўксига қўйиб:

— Раис бийи, сиз парво қилманг, — деди.

Аммо, негадир раис буви қаҳрланиб, вазмин ўрнидан турди:

— Ахир, мен бепарво ўтиролмаيمان-да! — деб ота дорбоз томон оғир жилди. — Кўрмайсанми, ҳавонинг аёзлигини?!

Бир чол ҳассасини дўқ-дўқ ерга уриб:

— Ув, Латифжон, манга қаранг! — деди. — Раис бийингиз тўғри айтптилар!..

— Уб-бо! — деди ота дорбоз, пешонаси тиришиб. — Ҳаво совуқ эмас, ота. Безавқ томоша қилавермайсизми?!

— Бўлмаса нима учун ўзинг ерда туриб қалтира-ясан? — деди раис буви қўлини шоп қилиб. — Мен билан ўйнашма, ука. Ўзи... юрагим нозик. Айт қизингга, оёғини боғласин!

Ота дорбоз тажанглик билан қўл силтаб, шитоб қўшпоя томон юрди. Тўхтади. Узоқдан қизига бир мударат ўйчан тикилиб турди. Сўнг ноғорачўпни ҳавога ниқтаб:

— Боғла! — деди.

Шундан сўнг раис буви гурс-гурс одим отганча, ортига қайтди.

Ниҳоят қизи оёғини боғлаб бўлгач, ота дорбоз:

— Бошла, Барчиной! — деб, асабий дўмбира чала кетди.

Ака-ука дорбозлар яна сурнаю ноғорада дўмбирага жўр бўла бошлади.

Ҳамманинг нигоҳи чиғириқда чирпирак бўлиб айланаётган дорбоз Барчинойга қадалган эди. У туйқус икки букилдию, темир пояда оёқ бармоқларини илмак қилиб, қўлларини қўйиб юборди.

Севаргул беихтиёр чинқириб, кўзларини чирт юмди. Бирдан қулоғига одамларнинг ғала-ғовур товуши гувиллаб урилган заҳоти яна ялт этиб қаради. Қарадию... яшин ургандек қотди-қолди: Барчиной ҳавода муаллақ билангланганча, қоматини тиклашга уринмоқда эди.

Севаргулнинг кўзларидан тизиллаб ёш чиқиб кетди.

Шу тобда Севаргул кўз ўнгида ўтмиш даҳшатли манзарани равшан тасаввур қилмоқда эди. Худди ўша кездагидек ҳўнграб йиғлаворгиси келаётганлигини ҳис этди. Кўзлари жиққа ёшга тўлгандек туюлиб, ойнага тикилди: ёпирай, ақалли киприкларида нам йўғ-а!.. Лекин негадир ранг-рўйи оқариб кетибди. Юраги эса, ана ҳозир ип узилиб Барчиной гурсиллаб ерга тушадигандек, бежо уряпти.

Назарида, ноғоҳ гапириб юборадигандек эди.

Назира айвонга қираётиб:

— Севаргул, рангинг сал оқаринқирабдимми? — деди. У тут тагида жилдираб оқаётган сувда қошларини чайиб қайтган эди. — Ё биз сени уринтириб қўйдикми-а, дугонажон?

Севаргул майин кулимсираб, секин ўрнидан турди, унга деворда осиглиқ турган сочиқни узатди. Сўнг унинг ўсма қуюқ инган қошларига ишора қилиб, кўзларида нозик бир ғамза билан, остки лабини тишлаб қўйди: «жудаям чиройли бўлиб кетибсан, дугона!»

Назира қиқирлаб кулганча, ойнага бир нигоҳ ташлаб:

— Яхши ўсма экан, — деди. — Бор, сен ҳам қошларингни чайиб кел, қуриб қолибди.

Севаргул ҳовлига чиқаркан, чиндан ҳам ҳали-замон бурро-бурро гапириб юборадигандек, руҳиятида алланечук хушхоллик билан аста ғўлдираб қўйди. Сўнг гиштпарчин йўлкадан хаёлчан одимлаганча, тут тагида

яқинлашиб, Мадинанинг рўпарасида чўнқайди. У, пуштиранг юзлари табассумдан ёришиб, енгил бош ирғаган кўйи, жойидан турди.

Севаргул муздек сувга ҳовучини тўлдириб, қошлари устидан қўяркан, дорбозлар томошасига бирга борсаммикан, деб ўйлади, лекин ўша заҳоти фикридан қайтди. Кейин, бугун Ҳадича Бакировнанинг келиши мумкинлиги хаёлидан кечди: соат неччи бўлдиёкан?.. Нима учун ҳанузгача Бахтигул қайтмаяпти-а?..

Тут шоҳидами, аллақерда бир мусича чўзиб-чўзиб ғуғулай бошлади.

Севаргул ўрнидан тураётиб, тут тепасига қарамоқчи бўлган эди, бирдан боши айланиб, кўз олди жимирлашди: йўқ, бу яқин орада дармонсизлик дардидан қутулолмайди, шекилли. Ана, тагин қулоғи шаңғиллапти.

Севаргул пешайвонга кираётиб, уларнинг йўлга шайланишганлигини кўрдию таажжублангандек қош учирди: «ҳа, энди жўнамоқчимисизлар?»

Назира сочиқни узатаркан, унинг кифтидан қучиб:

— Биз энди қайтамиз, дугонажон, — деди.

Мадина эса ийманибгина:

— Усма баҳонасида сизни анча ҳордириб қўйдик, опажон! — деди. — Чарчадингиз-а?

Севаргул жилмайиб, бош чайқади: «йўқ... Қайтага роса яйраб чақчақлашдик-ку!..»

— Утир, битта фотиҳа ўқийлик, — деди Назира тиз чўкиб. — Нега куласан, буям ўзимизнинг одат-да!.. Кейин, улар кўзғалишди.

Ҳовлидан хайр-маъзур овозлар эшитилиб, кампир ошхонадан чиқди:

— Э, ман савзи кертаятувдим-ку, қизларим, — деди. — Утирсангизлар бўларди-я!..

— Раҳмат, холажон!..

Кампир улар билан дарвозада қуюқ хайрлашиб қолди.

Севаргул кўчага чиқди, ҳамкасабаларининг монелик қилишганига қарамай, секин нишабликдан тушиб, муюлишгача кузатиб борди. Муюлишга етганда, ногоҳ таниш «Жигули»ни кўриб, беихтиёр юрагида зирқираган бир оғриқ билан, тўхтаб қолди: У ш а ... ўшанинг ўзи! — У машинани кенг майдонда кескин чапга буриб, маҳобатли гиштин бино олдидаги гулзор этагида қатор тизилиб турган оппоқ «Волга»лар ёнидан учуриб ўтиб кетди. Булар ҳам У қонқусгурни пайқашдимикан? Кўрмай-чи!.. Нима учун келдйкан яна? Ахир!..

Тиззалари қалтираётганини сезиб, Севаргул аста Назиранинг билагидан ушлади, иккинчи қўли билан Мадинанинг кифтига қоқиб, кўзларида сабрсиз изғиётган безовталиқни сездирмасликка уринган кўйи, иштиёқсиз жилмайганча, бош ирғади: «хайр... Келиб турунглар».

Назира ўпишиб хўшлашаркан:

— Онангга айтиб қўй, паловни душанба куни пешинда келиб еймиз, — деди. — Майли, омон бўл, дугонажон!

— Хайр, опажон, — деди Мадина ҳам ўпишиб. — Тезроқ соғайинг, опажон!..

Сўнг ортига қайтаркан, Севаргул уларнинг кифти оша маҳобатли бино томонга тагин бир қур безовта назар ташлади: тавба, нима учун келдйкан яна?!

Самолёт пиллапоясидан ҳамшира кўмагида тушаётди, одамлар орасидан негадир аввало у ни кўз қири билан излади. Аммо, У... кўринмади.

Гўё қутулиш учун атай денгиз саёҳатига жўнатгандек туюлиб, баттар кўнгли дарз еди.

Хуллас, ундан кўрган хусуматлари, у туфайли чеккан

амаллари шунчалар беҳудудки, у дунё-бу дунё унутол-маса керак. Йўқ, унутолмайди.

Дарвоқе, кейин... ўша куни намозшом маҳали ҳаммалари — онаси, опаси, укаси, поччаси — жамулжам бўлиб, пешайвонда ўтирганларида, У каттақон бир қоғоз қути кўтариб, ҳовлига кирди.

У ни кўргани ҳамоно, Севаргул хўмрайиб ўрнидан турди.

— Севар! — деди онаси, дабдурустдан таҳликалаланиб. — Қизим!..

Бирдан укаси Акбар бўғиқ, хиёл таҳдидкор оҳангда:

— Индаманг! — деди онасига. — Жим ўтиринг!

— Акбар! — деди опаси овози титраниб. — Уят-а!..

— Учир! — деди Акбар опасини жеркиб. — Сен аралашма!

Севаргул гап бўронига бепарво, Бахтигулни етаклаб, уйга кириб кетди.

Укасидан бошқа ҳамма у н г а илиқ-иссиқ мулозамат билдирди.

Хона ичига пешайвон чироғидан нимтатир ёруғлик тушиб турарди.

Қизини бағрига босиб, базўр имо-ишоралар билан тушунтирди: «бор, анави бўйнигинанг узилгурни жўнат! Тушундингми?..»

Бахтигул зипиллаб уйдан чиқди, даҳлиз остонасида тўхтаб:

— Сиз... кетинг эмиш, — деди дадасига. — Кетинг! Қайтиб бизларникига келманг.

— Бахтигул! Даданг-ку, ахир!.. — деди бувиси жавраб. — Куёв, парво қилманг, бола-да, тушунмайди.

— Бийи, сиз ҳам кетинг! — деди Бахтигул, бу фармойишни ўздан қўшиб. Сўнг боягина овози титраниб «уят-а» дегани учун бўлса керак, холасига ҳам рухсат берди. — Хола, сизгаям жавоб.

— Ҳаҳ, тилгинанг кесилмасан-а! — деди холаси. — Шошмай тур ҳали, бошлаб таъзирингни бераман.

— Бахтигул, бир ачомлашайлик, қизим, — деди дадаси. — Майли... кейин кетаман.

— Катта йўл, кетаверинг!..

Бахтигул чопқиллаб уйга кирди.

Бир оздан сўнг, онаси мутеёна ғудранганча, у ни кузатиб қўйди.

Қизик, бугун нимадир рўй берадигандек, юрагида беқарор бир... ҳадикми, ҳаяжонми зўрайиб боряпти. Нима бўлиши мумкин — анави яшамагур билан боғлиқмикан ё?..

Севаргул уйга кирди. Шифонер тепасидаги электр соатга қаради: уч ярим бўляпти. Ҳадемай Бахтигул келиб қолади.

Кўйлагини ечиб, тошойна ёнидаги пастак курсича устига буклаб қўйди. Сўзанани суриб ташлаб, тўшакка чўзилди. Қути устидан китобни олди. Сатрларга кўз югуртира бошлади. Аммо, ҳаял ўтмай ҳарфлар уйкашаётгандек туюлаверди. Китобни ёнбошига қўяркан, У нима учун келдйкан, деб ўйлади тагин: демак, ўтган куни ҳам яширинча келиб кетган бўлиши керак — сархил мева-чеваю аллақанча егуликлар кўпайиб қолган эди.

Кейин, онаси айтиб қўйган бўлса керак: жума куни қишлоққа жўнамоқчиман, куёв. Аҳволдан ўзингиз бохабар бўлиб турунглари?.. Ёки, жума куни фалон пайда келиб, мани қишлоққа элтиб қўйинг, деб тайинлаганмикан?..

Наҳотки, онаси энди ҳамма сайъи ҳаракатлар беҳудалигини англамас-я?.. У-чи? У н и н г мудароиси не ўзи — аввалгидек иккинчи хотин, йўқ... кўнгил эрмаги қилиб қўймоқчимиз?

Ногоҳ кўчадан бир машинанинг бабаплаётгани эшитилди. Назарида, У дарвозага яқин йўлаёлмай, ҳовли рўпарасида «Жигули»сини тинимсиз бабаплатаётгандек эди. Гўё ҳализамон дарвоза шарақлаб очилиб, У кириб келади-гандек, Севаргул дераза оша ташқарига хаёлчан назар ташларкан, хотиридаги можароли манзаралар тагин кўз ўнгидан бир-бир ўтаверди: ў, югурик дунё!.. Ана-мана дегунча орадан сал кам бир ярим йил ўтиб кетибди.

Ҳа, у н и н г биринчи хотини қазо қилганига бир ярим йил бўляпти.

Бозор куни, тушдан кейинги пайт эди. Бахтигул кўшни Холпош кампирнинг невараси билан ўйнагани чиқиб кетган. Уйда иккови гурунглашиб ўтирарди.

Келаси яқшабба марҳуманинг маъракаси ўтказилиши керак эди.

Севаргул ўсмоқчилаб:

— Қирқи куни мен ҳам борсам майлими? — деб сўради.

Агар маъракада қатнашолса, кейинроқ у н и к и г а кўчиб ўтиши осон кечишидан умид қиларди.

Аммо Теша:

— Йўқ, — деди. — Калта ўйлама... Маъракани киши билмас ўтказвормоқчимиз.

Севаргул қаҳрчан чимирилиб:

— Бунча?! — деб кесатди. — Давлатингиз камайиб қолмас.

— Кўрмаяпсанми, газеталарда уриб чиқишяпти-ку, суннат тўйлари, маърака йиғинлари — эскилик сарқити эмиш!.. — деди Теша сўкиниб. — Агар сен шу кунларда у ҳовлига Бахтигулни етаклаб кириб борсанг, юмалоқ хатда ёзилган маълумотларни тегишли одамларга ишботлаб берган бўласан.

— Нима, мен юзикаролигимча юраверишим керакми? — деди Севаргул алами кўзиб. — Юмалоқ-думалоқ хатлар билан ишим йўқ. Мени тезроқ уйингизга кўчириб борасиз. Майли, ЗАГСдан кейин ўтсак ҳам бўлаверади.

— Йўқ, Севаргул. Халқ контролидан кимлардир бориб, бўлмағур гапларни онамдан сўраб-суриштиришганини сенга айтиб берганман-ку!.. — деди Теша. — Ҳали камида бир ярим йилча сабр қилишингга тўғри келади. Унга довур раҳматлининг йил ошиям ўтиб кетади.

Беихтиёр Севаргул бир мuddат анграйиб қолди, сўнг ўз-ўзига гапирётгандек паст овозда:

— Вой шўрим! — деди. — Яна шунча кутишим керакми?!

— Э, нега бунча ваҳима қиласан! — деди Теша қўл силтаб. — Сени ташлаб қўйганим йўқ-ку, ахир?!

— Ташлаб қўймаганингиз билан, барибир ўйнашингиздек кун кечириш жонимга теккан, — деди Севаргул йиғламосираб. — Тўйиб кетганман. Билдингизми? — Кейин, тагин бир ярим йил адоқсиз азоб ичра кун санабини ўйлаб, йиғлаб юборди. — Дастингиздан ўйнаб-кулиб қишлоққа кириб боролмайман. Кўча-кўйда бошимни кўтариб юролмайман. Ишхонада юзим йўқ. Тўртта хотин бир жойга йиғилса, худди менинг ғийбатимни қилишаётгандек юрагим безиллайди. Ҳатто боламнинг олдида ҳам муттаҳамдекман. Айтинг, қачонгача чидашим керак ахир?!

Теша ғудраниб, ўрнидан турди. Телевизорни ўчирди. Сўнг гангигандекми, пешайвон ўртасида тек қотди.

Севаргул эса унсиз йиғламоқда эди.

Теша вазмин жойига чўқаркан:

— Сен ўзи қанақа нодон хотинсан-а! — деди. — Шунча кутдинг, нега яна бирор йил кутолмайсан?

Ахир, барибир раҳматлининг йил оши маъракаси ўтмагунча, сени у ҳовлига олиб боролмайман-ку?!

— Йил оши узоғи билан саккиз-тўққиз ойда берилади-ку! — деб, Севаргул лабларига оқиб тушаётган кўзёшларини ялади. — Нима учун мен бир ярим йил кутишим керак экан?

Теша аччиқ кулимсираб:

— Товуқ билан аёлнинг ўртасида нима фарқ бор? — деди. — Биласанми?

Унинг таққиромуз саволидан баттар ғазаби кўзиб:

— Билмайман! — деб бақирди Севаргул. — Билиш-ниям истамайман!

Теша кинояли кулиб:

— Аёл туққанча войвойларкан, товуқ туғиб бўлганидан тунгунча, — деди. — Худо хайрингни бергур, яна бирпас сабр қил. Кейин уёғи бир гап бўлар. Ҳозирдан бехосият йиғининг нима кераги бор. — Сўнг дабдуруст ялинчоқ оҳангда: — Бундай каллангни ишлатсанг-чи, Севаргул, — деди. — Давр ўзгариб кетди, одамлар ғайри бўлиб боряпти, ҳамма ваҳимада... Сен бўлсанг, фақат ўзингни ўйлайсан.

Севаргул уҳ тортиб:

— Бировлар билан менинг нима ишим бор, — деди. — Агар менинг бу зикна турмушимни ўзгартиролмасан — минг лаънат бунақа ўзгараётган даврга.

— Ув, нодон, ваҳимага тушганларнинг биттаси менман-ку! — деб, Теша кўкрагига нуқиди. — Гапга тушуняпсанми ўзи?..

Севаргул ҳушёр тортиб, унга ҳўмрайиб тикилди: демак, шунинг учун экан-да, марҳуманинг маъракасини энг учиде ўтказмоқчи бўлаётгани!..

— Қайси аҳмоқ мўмай даромаддан юз ўгиради? Қорним тўйиб кетганлигидан савдо базасига югурдак бўлиб ишга ўтганим йўқ-ку, ахир!.. — Теша тагин бўралаб сўкиниб, пиёлада совиб қолган чойни сепиб юборди. — Ғурида тимтик тургур Қодир Ҳазрат у ёқда ётганида, кўп яхши йигитларимизни ёнига торган эди. Яқинда яна бир яхши оғайнимиз увол кетди... Яхшиямки, ақлимга иш буюриб, вақтида «Волга»ни пуллаворганим. Бўлмаса ҳозир уям бир дардисар бўларди... Бу бостибостилар сал босилгунча, сени одамни қийнамай тур? Кўпи кетиб, ози қолди. Манави ваҳималардан ҳам кутиволайлик. Кейин...

— ...бу ҳовлини сотамизми?

— Йўқ, ҳовли ҳам бир ватан — сотмаймиз, — деди Теша.

Беихтиёр Севаргул кўзларини олайтириб:

— Ҳо-о, сиз яна битта анқовни бу ерда жувонмарг қилмоқчимисиз? — деди.

Теша кулиб:

— Узимда боридан безор бўлиб юрибман-э!.. — деди. — Сени у ҳовлига кўчириб элтганимдан кейин, мабодо онам билан муросам чиқишолмай қолса, бу ёққа келиб яшамоқчиман.

Унинг тагдор ҳазилидан юрагига ғулу ўрлаб:

— Ҳали онангиз менинг кўчиб боришимга кўнмасликлариям мумкинми? — деб сўради Севаргул.

Теша паришон бош чайқади:

— Неча марта сенга айтганман-ку, онам жуда... қайсар аёл.

— Нима учун одамни ҳамиша хавотирга солиб гапирасиз-а?! — Севаргул қайнонасини беш-тўрт йил аввал атиги бир марта кўрган. Ушанда Теша билан зардўзлик фабрикаси ёнидан ўтиб кетаётган эдилар. Йўлда пилдираб бораётган онасини кўриб, Теша машинада ҳовлига элтиб қўйган эди. Уша пайтда қайнонаси ширинсухан, хушфеъл аёл каби туюлган эди. — Онангизни кўрганман-ку ахир!



— Ишинг тушганда биласан, — деди Теша, маънодор ишшайиб. Сўнг яна унинг авзойи бузилаётганини кўриб, асабий қўл силтади. — Бўлди, бас қил, қайтадан бошламайлик. Энди кўп кутмассан.

Аммо, жуда узоқ кутган эди. Марҳуманинг йил оши маърақасидан кейин ҳам қарийб уч ой ўтиб кетди. Бу орада бир неча бор унга ялиниб-ёлворди. Бирок, У ҳар гал тажанглик билан турфа баҳоналарни рўқач қилиб, пайсалга солаверди.

Ахийри тоқати тоқ бўлиб, бир жума куни, намозгардан эртароқ кимдир бетўхтов елкасидан нуқийтгандек, кимдир эса бетиним кўкрагидан итараётгандек — ҳардамхаёллик билан уникага кириб борган эди.

Узун сочлари майда ўрилган, бўйчангина Муҳаббат, лозимини болдирларигана кўтариб қўйиб, шакароб қилиб сув сепилган ҳовлини супираётган экан.

Юзлари дадасиникидек лўппи, кокили пешонаси устида тўзиган Шавкат эса сўпа чеккасида чўнқайиб, бир тахтачага миҳ қоқмоқда эди.

Қошлари тажанг чимирилган, жигарранг юзлари се-  
ражин, ёши олтмишни оралаган, муштдек бир кампир—  
унига онаси ишком остида пиёз тўғраб ўтирарди.  
Уларни биринчи бўлиб Муҳаббат кўрди. Алланима-  
лардан хабардор янглиғ, дафъатан ағрайиб қолди.  
Шавкат эса, кўрган заҳоти миҳ қоқишдан тўхтаб, тум-  
шайиб ўрнидан турди.

Кампир, қўққис нигоҳи тушаркан, нохуш оҳангда:  
— Келинлар, — деди аста.

Севаргул секин ишком остига яқинлашаётиб, хоки-  
соргина жилмайган қўйи:

— Ассалом, — деди. — Мана... ўзимиз келдик.

Кампир саломга алик олмай, хушлар-хушламас:  
— Бинойи, — деди.

Севаргул оҳиста қизининг елкасидан туртиб:

— Бахтигул, бор, бийинг билан кўриш, қизим, —  
деди.

Бахтигул онасига маломатли қараб қўйди, сўнг се-  
кин бувиси томон яқинлаша бошлади.

— Ё пири-эй! — дея кампир ихраниб, ўрнидан тур-  
ди. Бахтигулнинг елкасига қоқиб, юзларидан ўпди. —  
Яхшимисан, бачам? Кап-катта қиз бўлиб қолибсан-ку,  
а?.. — Кампир Севаргулга хушламайгина тикилиб: —  
Қизингизни қолдириб кетмоқчимисиз? — деб сўради.

Гўё бувиси қўйиб юбормайдигандек, Бахтигул бето-  
қат изига қайтди, шартта онасининг қўлидан маҳкам  
ушлаб:

— Нанажон, ман бу ерда қолмайман, — деди йиғ-  
ламсираб. — Сиз билан кетаман. Юринг, кетамиз.

Муҳаббат ҳамон қўлида узун супурги билан серрайиб  
турарди, Бахтигулнинг гапига жавобан нимадир деб  
гудранди.

Шавкат эса чирт этказиб тупурди.

Севаргул хиёл овози титраб:

— Агар рухсат берсангизлар, биз ҳам энди шу ерда  
яшаймиз, — деди кампирнинг ёвқур кўзларига терми-  
либ.

Бирдан Муҳаббат супургини четга улоқтириб:

— Бийижон, айтинг, чиқиб кетсинлар! — деди ўжар  
овозда.

— Ана, эшитдингизми? — деди кампир, эсинг бо-  
рида этагингни ёп, дегандек. — Бу ҳовлининг хўжайини  
шулар. Рухсатни шу болагиналардан сўранг, қизим...  
Шавкатжон, сан нима дейсан — қолсинлами, кетсин-  
лами? Бахтигул санга синглик бўлади.

— Манга синглик керак эмас! — деб Шавкат қўлидаги  
болғачани тарақлатиб тахтага урди. — Жўнасин!

— Ана, кўрдингизми, қизим. — Кампир кўрпачага  
чўкиб, яна пиёз тўғрайверди. — Бу мотамзада бола-  
гиналар сизларга кун бермайди. Бекор иссиқ жойла-  
рингизни совитиб келибсизлар. Бу ҳовлида сизларга  
кун бермаймиз.

Негадир Севаргулга Тешанинг ўзи болаларини ҳам,  
онасини ҳам қайраб қўйгандек туюлди. Хаёлидан шу  
фикр кечиши билан, кўнглидаги аламу изтироблар ўр-  
нини адоватли бир интиқом ҳисси эгаллаб олгандек  
бўлди. Кейин, энди қароридан чекинмасликни ўйлаб,  
қизининг қўлидан тутган қўйи, ишком сўрисига ўтаркан:

— Мен ўғлингизнинг никоҳидаги шаръий хотини-  
ман, — деб катга ўтирди. — Қизим сизнинг неварангиз.  
Қувсангизлар ҳам, ҳовлидан чиқмаймиз.

Кампир чурқ этмади. Лекин унинг қоқсуяк қўллари-  
даги кўкимтир томирлари бўртиб-бўртиб, важоҳати  
тобора совуқ тус олмоқда эди.

Шавкат тасир-тусур тахталарни йиғиштириб, девор  
бурчагига элиб ташлади. Сўнг янаям тумшайганча,  
бояги жойига қайтиб, қўлига болғачани олди, опасига  
қаради.

Муҳаббат югуриб укаси ёнига борди. Унинг қўлидаги  
болғачани юлқиб, девор томон ирғитди-да, эғнидаги  
майкаси, калта иштонини асабий қоқиб, билагидан суд-  
раганча, уйга кириб кетди.

Орадан лаҳза кечиб-кечмай, ичкаридан нолавор бир  
фарёд отилиб чиқа бошлади:

— Ойижон, бизларни кимларга ташлаб кетдингиз,  
ойижон?! Сиз ўлгунча биз ўлсак бўлмасмиди, ойижон?!  
Қандай кунларга қолдик биз, Шавкатжон? Ойижонимиз  
ўлгунларича биз ўлсак бўлмасмиди, укажон?!

Фарёд борган сари авжига чиқарди.

Бахтигул безовта мўлтираб:

— Нанажон, кетайлик? — деди.

— Йўк, — деди Севаргул қизининг кифтидан қу-  
чиб. — Ҳеч қаёққа кетмаймиз.

Кампир тўғралган сабзи-пиёзларни тоғорачага солиб,  
туришга чоғланаркан:

— Кетманг, кетиб нима қиласиз, — деди кесатиб. —  
Биз мотамсароларни бирин-бирин ўлдириб, кенг ҳов-  
лида яйраб яшайверасиз.

— Азроил эмасман, — деб Севаргул бўғиқ оҳангда  
давом этди. — Мен фақат қадрни учун, обрўси учун  
риёзат чекиб юрган бир муштипарман.

Кампир ялт юзланиб:

— Обрўю қадрингизни вақтида оёқости қилдирманг  
эди, жоним қизим, — деди.

Севаргул келаётиб, йиғлаб-сиқтаб бўлса ҳамки, қай-  
нонасини муросага келтира олишдан умид қилган эди.  
Энди унинг бу тахлит муомаласидан кейин, зору тавал-  
лоси беҳудалигини англаб:

— Оёқости қилган ўғлингиз-ку, ахир! — деди ала-  
мидан бўзариб.

— Бақирманг. Уруш-жанжалга тобу тоқатим йўк. —  
Кампир кафтини юзи узра тутиб, асабий тўлғади. —  
Уғлим айбдорлиги учун ҳовли олиб бериб қўйган экан-  
ку, яшайвермайсизми қаноат қилиб.

Севаргул бўғиқ овозда:

— Шу ерда... сизлар билан яшаймиз, — деди аста.

Кампир ортига бурилаётиб, тентакка калтак не ҳожат,  
дегандек тўнғиллади:

— Кўраимиз...

Уйдан эса ҳамон ўртагувчи йиғи товуши бетўхтов  
отилиб чиқаётган эди:

— ...бу хўрликдан қутқаринг, ойижон?! Бизларни  
бағрингизга олинг, ойижон?!

Аммо, негадир Шавкат кўринмас, овози ҳам эшитил-  
мас эди.

Кампир ошхона томон ўтаётди, очик дераза рўпара-сида тўхтади:

— Ҳой, Муҳаб, йиғлама, бачам, — деди. — Сизлар ўлгунча ман ўлай. Биз ўлганча ноинсофларга қирон келсин!.. — У жиғибийрон гувраниб, ошхона сари жилди. — Эрта бир кун рўшнолик кўрарманми, деб имонсиз қотгур учун ёш умримдан кечган эдим, қариган чоғимдаям кун кўрсатмади-я! Унинг дастидан гулда келиним кулдай бўлиб кетди. Энди норасида болагиналарниям чирқиллатиб, ажалимдан беш кун бурун жойростонимга жўнатмоқчи. Йў-ў-ўқ, тушингни сувга айт, Тешажон!..

Тобора авж олаётган бу ҳасратгўйликка чидаёлмай, Бахтигул кўзларида ёш милтираб зорланди:

— Нанажон, маниям йиғлагим келопти. Кетайлик?

Севаргул қайнонасининг ғалати феълу атворидан, Муҳаббатнинг она-хотиндек айтиб-айтиб, тинмай ув тортаётганидан гангиб-гарангсиз ўтирган эди. Қизининг илтижосидан янаям эзилиб, унга қандай таскин берарини билолмай:

— Йиғлама, қизим, — деди. — Даданг келсинлар...

Қоронғилик қуюқлаша бошлади. Ишқомдаги шиғилшиғил халили узум шингиллари қўнғирланиб кўринарди.

Ниҳоят, Муҳаббат чарчадими, уни ўчди.

Ҳайҳотдек ҳовлига қорамтир бир сукунат чўкди.

Севаргул қизини ёнига олиб, картда мунғайиб ўтираркан, ҳамон беқарорлик билан ўйламоқда эди: барибир... яхши бўлди. Эртами, индинми — қачон бўлмасин, келиши керак эди. Келди... Ахир, токайгача у ҳовличада ўйнаш... йўқ, мохов хотиндек ёлғиз яшайди?! У ёқда аввалгидек ўзи тураверса, бу ёқда у н и н г яна уйланиши турган гап. Шунинг учун булар билан апоқ-чапоқ яшаб қолиш ҳақида бош қотириш керак. Лекин... қийин-ов! — Йўқ, ё от ўлар, ё арава синар. Аммо-лекин, бу мотамхонадагиларнинг пичоксиз сўйишларига Бахтигулгина чидармикан-а?.. Агар у чинакам жонқуярлик қилса!.. Аммо, у н г а ишониш қийин. Қизиқ, ҳали келса, нима деркин-а?

Нохос оёғи остига бир ола мушук тўп этиб тушдию, товуши нақ юракка санчилгудек миёвлаганча, ўзини карт остига урди.

Бахтигул чинқириб, бўйнига ёпишди.

Севаргул қаттиқ кўрқди.

Шу аснода Шавкат деразадан бошини чиқариб:

— Ҳушт! — деди дарвоза томонни кўрсатиб. — Жўнанглар!

Севаргулнинг бирдан жазаваси кўзиди, ғиппа уни бўғиб олгиси келди. Аммо лоақал сўкиб-саннаёлмаслигини ўйлаб, баттар тутоқди. Ғазабини аранг босиб, ўрнидан турди, супа лабидаги обтовадан ҳовучига сув қуйиб, қизининг юзига сепди:

— Кўрқма, Бахтижон, — деди. Аммо, негадир ўзи кўрқувданми, аламданми қалт-қалт титраётган эди. — Аканг-да... Аканг сенга ҳазиллашди, қизим.

— Ман унга ака эмас. — деб тўнғиллади Шавкат. — Ҳазиллашганим йўқ. Давай, жўнанглар!

Севаргул чидаёлмай:

— Чакагингни ўчир-э! — деб қўл силтади.

Шу пайт кампир чўмич кўтариб, даҳлиздан чиқаётган эди:

— Ҳай, етимчани койиманг, — деди. — У норасидаларни худойимнинг уриб қўйгани камми!

— Бўлмаса етимчаларингизни йиғиштиринг-да! — деди Севаргул бўғиқ овозда.

— Бас... бас! — Кампир яна асабий қўл тўлғади. — Ҳамсоияларимнинг олдиде ўзимга яраша обрў-этиборим бор. Сизга қўшилиб, шарманда бозорига тушмоқчи

эмасман, қизим. Билмасангиз билиб қўйинг: туққан боламнинг миннатини кўтармайин, деб умр бўйи қаро меҳнат билан яшаб келяпман. Олаётган пенсиям бир рўзгорнинг қозонини қайнатишга етиб ортади. Уз номини ёб, ўзганинг таънасини кўтаролмайман. Йўқ!.. Агар ҳаромхўрликка ўрганганимда, тийиқсизимнинг топган пулларини тийинма-тийин тортволиб, туфлаб туғиб кўярдим. Шунда хотинбозликка сариқ чақасиям қолмасди. Лекин бунинг учун ҳеч ким мани муттаҳам қилолмайди. Ҳеч ким!.. Кучала еган жойингизга бориб кучанинг, қизим. Бизга озор берманг!

Кампирнинг ўринлидек туюлаётган маломатларидан Севаргул донг қотиб турарди. Унинг кейинги гаплари ногаҳоний қамчи зарбидек ўртаб юборди. Аламли бир ҳайрат билан ёқасини ушлаб:

— Мен сизга нима ёмонлик қилдим, — деди. — Ахир, ўзларингизку!..

— Ҳо-о, ана бузамлик! — деди кампир қойил мақомида бош лиқиллатиб. — Ё ман, ё раҳматлик келиним устингизга додгўйлик-самангўйлик қилиб бордикми — бормадик. Шаҳар эгасини танимасаям, келгинди оёқ-яланглар бизни танийди. Обрўмиз тўкилишидан кўрқиб бормадик. Чидадик. Мана, сиз босқилаб келиб ўтирибсиз. Лекин айтиб қўяй: бу ҳовлида кун кўролмайсиз!

Севаргул тобора ғазаби жўш ураётган бўлса-да, босиқлик билан:

— Барибир ҳеч қаёққа кетмайман, — деди. — Шу ерда яшаймиз.

Кампир илқис ҳовли қуйисидаги деразалари гумгурс ёпиқ уйлар томон қўл чўзиб:

— Ана, уй кўп! — деди. — Хоҳлаганингизни эгаллаб олинг. Лекин ман тирик эканман, у хотинбоз сизга бу ҳовлида эрлик қилолмайди.

Шавкат даҳанаки жангга қулоқ солиб турган эди:

— Йўқ! — деди қичқириб. — Эй, бийи, айтинг, икк-висиям чиқиб кетсин!

— Қўявер, ўзи келган ёр-ёр, ўзи кетар ёр-ёр... Қўларингизни ювингла. Овқат сузаман. — Кампир ошхона томон юраркан, неварасига буюрди. — Ойингнинг уйидаги чироқни ёқиб қўй. Гўри нурга тўлгурнинг арвоҳгинаси бир бурчакда чирқиллаб тургандир...

Шу тобда пичоқ урилса, юрагидан қон сирқимас жижанак бир алфозда эди Севаргул. Кампирнинг бу қадар шафқатсизлиги боисини ҳеч тушунолмасди: ахир, айби не, гуноҳи не — шу кампирнинг, шу... ёсуманнинг бевурд ўғлини деб йўлидан алдашганими? Ёки қадр тилаб, хор бўлиб келганими? Наҳотки, бунга шунчалар қийноқ раво бўлса?! Анави ёсуман кўкрагидан итармай, жиндай марҳамат кўрсатса, охирати қуймас ахир! Бу хонадонга фақат яхши ният билан келди-ку: тўғри, аввало ўзини ҳамда қизини ўйлагани рост: кейин, мана-ви етимчаларни ҳам ўз боласидек бағрига олмоқчи, шу хонадонда қўлини касов, сочини супурги қилмоқчи. Ахир!..

Чирқ этиб, уйда чироқ ёнди. Супага заъфарон нур тўкилди.

Негадир Бахтигул ғужанакланиб:

— Нанажон, уйимизга кетайлик? — деди эланиб. — Ичим оғриёпти.

Севаргул жонсаракланиб, қизининг қорнини сийпаларкан:

— Мактабда бирор ёқмас нарса едингми, Бахтижон? — деди.

— Билмасам, — деди Бахтигул. — Совуқ...

Аммо, ҳаво дим эди.

— Оч қолдингми?

— Йўқ, — деди у пинжига тиқилиб. — Буларнинг ҳовлиси ёмон экан.

Севаргул қизининг алланимадан қўрқаётганини англаб, қандай юпатарини билолмай безовталанди: нима қилсайкин-а? Икки орада ёлғизгинаси касалланиб қолмаса бўлгани... Наҳотки, бу ноинсофларни инсофга келтириб бўлмаса-я?!

Муҳаббат булутдек бўлиб уйдан чиқди. Ошхона эшиги рўпарасидаги бурчак ёнига бориб, қўл-бетини ювди, сўнг бувисининг, манга кўмаклашмайсанми, бачам, деганига парво қилмай, ортига қайтди, уйга қираётиб, ишқом тарафга палч этиб тупурди.

Салдан сўнг Шавкат ҳам қўл-бетини ювиб қайтаётганда, Севаргул пинҳона хавотирланиб унга қараб турди. Йўқ, ҳарқалай, у тупурмади, лекин кўзлари нохуш чақнардди.

Кейин, Севаргул ўзининг ҳам алланечук жунжикаётганини сезди, қизини қанотига олди.

Бир маҳал, кампир икки коса шўрва келтирди, ўртада ўроғлиқ турган нимдошроқ дастурхонни ёзиб:

— Тўрға чиқ, бачам, — деди Бахтигулга. — Оч қолгандирсан.

Бахтигул индамади.

— Ҳозир гўшт олиб келаман, — деб кампир ўсмоқчилади. — Сан бизлар билан қолавер, бачам.

— Йўқ, уйимизга кетамиз, — деди Бахтигул. — Дадам келсинла...

— Имонсиз қотгурлар саниям сарғайтиришган-а, бачам! — кампир изига қайтаётиб, беихтиёр нолинди. — Э, парвардигор, болагиналарда не гуноҳ!.. — хиёлдан сўнг, у бир товоқ гўшт ҳамда бир чойнак чой келтирди. — Олинглар, ош бўлсин.

Бир оз фурсат ўтиб, кампир уйга ҳам катта товоққа чош қилиб солинган гўшт кўтариб кириб кетди.

Ниҳоят, ҳовлига ўлик бир сукунат чўккандек бўлди. Том ортидан ой бўзариб мўралади. Ҳовли саҳни сал ёришди.

Бахтигул буғи чиқиб турган шўрвали косани секин ёнига тортиб, онасига саволчан қаради.

Севаргул сергакляниб:

— Ол... ол, — деди. — Нон ботириб ейвер, қизим.

— Сиз-чи, нана? Сиз ҳам енг.

— Сал кейинроқ ейман, қизим, — деб Севаргул шавқсиз кулимсиреди. — Бу бийинг пиширган шўрвадан ҳам ичиб кўр қани, ширинмикан?

Севаргул у н и н г ҳанузга қадар нима учун қайтаётганлигини дилғашланиб ўйлай бошлади. Гўё, у тезроқ кириб келса, бари мотамсаролик барҳам топиб, мушқули осон кўчадигандек туюларди. Ногоҳ кўнглидан бир фикр кечди: У— хотинбоз, тагин бошқа бирорта қизми, жувонга илакишиб юрган бўлса-я?! Ҳозир ким кўп — эрсираб изғиётган кўп. Юради-да!.. Узи эса муте... муттахамдек яшашга мажбур. М а ж б у р. Бир ғазалда айтилганидек, чорасизлик чорасизга чорадир.

Ошхонага туташ унинг ланг очиқ деразаларидан супага сарғиш ёруғлик тушиб турарди. Беридаги хона нимқоронғи эди. Даҳлизда оёқ товуши эшитилгандек бўлди, лекин ташқарига ҳеч ким чиқмади, чамаси нимқоронғи хонага ҳам биров кирмади.

Севаргул хаёли паришонланиб, айни косага қўл узатган пайтда, тўп этиб оёғи остига муштдек суяк тушди. Севаргул сапчиб ўрнидан турдию, беихтиёр титраб:

— У-ух-х!.. — деди тишларини фикрлатиб.

Шавкат дераза ортида яшириниб:

— Йўқол ҳовлимиздан! — деди.

Нариги хонадан кампирнинг овози эшитилди:

— Ҳой, Шавкатжон, нима қиляпсан?

— Пишагимга суяк ташладим.

Севаргулнинг назарида кампир болани шу ишга

ундагандек туюлди. Ва унинг, биз сизга бу ҳовлида кун бермаймиз, деганини эслаб:

— Имонсиз қотгур! — деб сўкинди. — Ноинсофлар...

Шавкат даҳлиз томон шарпадек ўтаётди:

— ...ебсан! — деди.

Бахтигул мўлтираб:

— Нанажон, уйимизга кетайлик? — деди тагин журъатсизгина.

Севаргул ғамгин бош чайқади:

— Кетсак, дадасиз қоласан, Бахтижон.

Кейин, Бахтигул косани нари суриб, унсиз йиғлай бошлади.

Севаргул қизини бағрига тортиб:

— Узим сенга садқа бўлай, Бахтижон, йиғлама? — деди юпанч оҳангида. — Уларгаям осон эмас ахир, қизим. У етимчалар онасидан айрилган... Ҳозир уларнинг сендан ичи куяяпти. Даданг келсинлар, бари қилмишларини айтиб берамиз. Эртадан бошлаб ҳаммаси бинойидек бўлиб қолади. Ушангача чидаймиз, Бахтижон...

Чидамоқчи эдинг-а, Севар, деб Севаргул кўнглида қайд этди: энди тезроқ соғайишни йўла. Бошқаси бекор...

Сен ўшанда охиригача бардош бериб, пировардида рўшноликка эришмоқчи эдинг. Аммо... ёсуман кўз очиргани қўймади. На чора, кўрнинг ҳам, қарнинг ҳам ўз ҳақиқати бор, деганлари рост экан.

Бинобарин, ёсуман ҳам ўзича ҳақ.

...Тун алламаҳал пайти. Теша ширакайф ҳолда кириб келди. Севаргулнинг картда тиззаларини кучоқлаб ўтирганини кўриб, аввал таажжубланди, кейин тобора аччиқ-аччиқ сўкиб-саннайверди: моғор босиб кетсаям, уйингда ўтираверишинг керак эди, қанжик!..

Ажаб, қачонгача — ўлганчами?

Бахтигул қулала бўлиб ухлаб ётган эди, уйғониб кетиб, дир-дир титраганча, изиллаб йиғлаб юборди.

Кампир эса, ногаҳоний можарони қўни-қўшнилари эшитиб қолишидан андиша қилибми, бўғиқ овозда койиниб-нолинди, аямай ўғлини қарғади: «сан кун кўрмагур, мусибатли кунимда, норасида етимчаларни чирқиллатиб, бошимга яна бир мусибат солдинг. Илоё!..»

Муҳаббат эса уйдан чиқмай, тагин айтиб-айтиб, ув тортиб йиғлайверди: ойижон, бошимизга қаро кунлар тушди, ойижон!..

Шавкат эса, қоронғида кўзлари янаям совуқ чақнаганча хўмрайиб, дераза ёндорига суяниб тураверди.

Ниҳоят, Теша онасига қарши лом-мим деёлмай, хиёл гандираклаган кўйи, ишқом биқинидаги қорайиб кўринаётган нимқоронғи хонага кириб кетди.

Кейин, кампир Севаргул билан Бахтигулни ҳовли қуйсидаги деразалари гумгурс ёпиқ хоналардан бирига бошлаб кирди. Хона ҳавоси димиқиб кетган экан. Деразаларни ланг очиб қўйди. Сўнг чиқиб кетаётиб, дам таҳдид, дам таъкид оҳангида тўнғиллади: эрталаб қорангизни кўрмайин, қизим. Хабарингиз бор чиқар, Тешанинг устидан икки марта ёзишди. Биласиз, яна замон нозик бўлиб кетди, йигирма йиллик котибларни, ўттиз йиллик раисларни элтиб тиқиб қўйишяпти-эшитяпти-эшитяпти. Уйингизда қаноат қилиб яшайверинг. Бурунгидек бориб-келиб, ҳолингиздан хабар олиб туради... Яширмайман, кейинроқ уйлантираман... Агар ажрашгингиз келса, майли баҳридан кечинг. Уша ҳовли-жой неварамнинг бошу кўзидан садаға.



Шумтаканинг ҳамма кирдикорларида кампирнинг иштироки бордек туюлиб, Севаргулнинг баттар алами кўзиди:

— Илоё бийижонинг билан кўшмозор бўл!..

Бахтигул эса алланимадан ҳадиксираётгандек:

— Кўйинг, нанажон? — деди. — Яна ичим оғриётти.

Севаргул безовталик билан қизининг қаршисига тиз чўкиб:

— Кўрқма, қаро кўзим, — деди.

— Кетайлик, нанажон? — деб Бахтигул аянчли оҳангда нолинди. — Барибир дадам бизлани яхши кўрмайдилар... Дадам керак эмаслар.

Севаргул қизининг иштончасини кийгазаркан, кўзларига алланечук тикилиб қарадию:

— Бахтий... Бахтигул! — деб, беихтиёр орқасига шарп этказиб урди.

Дафъатан Бахтигулнинг кўзлари каттариб кетди. Кейин тизиллаб ёш куйилди.

Севаргул остки лабини қаттиқ ташлаб, қизини бағрига босди. Кўксидан эзгин бир хўрлик тошиб чиқаётган каби энтикиб-энтикиб нафас олганча, беором чайқаларкан, кўнглида аччиқ пушаймон ҳиссини туйди: ахир, ёлғизгина қувончини нима учун урди? Кечадан бери жигарпорасининг қон ютаётгани етмасмиди ахир?!

— Нанажон, майли, кўйинг...

Севаргул янаям лабини қаттиқ тишлади. Қизини тиззасидан кўрпачага кўйиб, сумкасидан рўмолчасини олди, ўрнидан тураётти:

— Ҳозир келаман, — деди овози хирқираб.

Ташқарига чиқди.

Шавкат зипиллаб уйга кириб кетди.

Уйдан эса Мухаббатнинг мотамзада йиғи товуши секин эшитилиб турарди.

Мабодо яшаб қолган тақдирда ҳам, бу хонадонда эркин нафас олиши душворлигини Севаргул қалбан ҳис этганча, кимнидир бесабр излаётган янглиғ ёнверига қараниб, ошхона рўпарасига борди.

Кампир қозон ёнида куймаланмоқда эди. Нохуш ғудраниб кўйди.

Севаргул ундан ҳайиқибгина тилларанг жўмракни буради. Жилдираб сув куйилди. Муздек сувда қўлбетини ювди, юраги куйиб бораётган каби ютоқиб сувдан ичди. Рўмолчани сувга тутиб, обдан ишқалади, сўнг кўҳна мис човгунни тўлатиб, жўмракни маҳкамлади. Изига қайтди.

Уйга кираётти:

— Сув ичасанми, Бахтижон? — деди.

Бахтигул бош ирғаб, аста сўради:

— Нана... келмаптилами?

Бахтигулнинг уни дада дейишга орланаётганидан беихтиёр кўкси бир ғижимланиб:

— Ким? — деди Севаргул.

— Дадам, — деди Бахтигул хушламайгина.

— Йўқ...

Кейин, Севаргул ўзининг бу қадар беқадр ҳамда бениҳоят забунлиги қизига ошкор бўлганидан ўксиниб, жиққа ҳўл рўмолча билан унинг юзларини, қўлларини, болдирларидан юқорисини артди. Човгунда қолган сувга, тагин деразадан энгашиб, рўмолчани ювди. Сўнг рўмолчани икки буклаб, қизиган мисдек чатнаётган пешонасига босиб, кўрпачага хомуш чўзилди.

Бахтигул беҳуд ўтираркан, ихтиёрсиз равишда:

— Нана, шу... дадамга тегмасангиз бўларкан, — деди.

Нохос ширин жонига аччиқ бир қамчи егандек, Севаргул безовта тўлғаниб:

— Бахтигул!.. — деди кўзларини очмай. — Мени кўп қийнама, жоним қизим. Хайми?

— Хай...

Вақт сувилондек чўзилиб ўтиб борарди.

Негадир ҳамон ундан дарак йўқ эди.

Қош қорайди.

...Бир пайт, кампир дераза раҳига дастурхон, бир чойнак чой кўйиб:

— Ол, бачам, — деди Бахтигулга, — Ҳозир қовурдоқ олиб келаман.

Бахтигул дастурхонни ўртага ёзиб:

— Нана, турмайсизми? — деди.

Она-қиз тушда овқатланмаган эди.

Севаргул индамади. Кўзларини очмади ҳам.

— Нана, бошингиз оғриётими?..

Шу пайт кампир деразадан Бахтигулга қовурдоқ солинган товоқни узатиб:

— Олинглар, ош бўлсин, бачам, — деди. — Чироқни ёқиб кўй!..

Бахтигул товоқда буғи чиқиб турган таомни дастурхонга кўяётти:

— Нана, светти ёқайми? — деб сўради.

— Керак эмас, — деди Севаргул.

Хона ой нуридан ғира-шира ёруғ эди.

Аммо, Севаргулнинг баҳри дилини қорамтир бир ҳасрат чулғаб олган эди, кўнглига йилт этган нур сиймасди. Узининг бу қадар бечоралигини, тагин ҳадемай муҳим бир нимадир ҳал бўлажagini ўйлаб тобора ўртанмоқда эди. Қизининг худди кечагидек дастурхон ёнида жимгина тиз чўкиб ўтирганини кўриб, хўрлиги келди:

— Бахтижон, нега овқат емаяпсан, қизим? — деди. — Ол, ейвер.

— Келинг, бирга еймиз.

Севаргулнинг иштаҳаси йўқ эди:

— Майли, менга озроқ чой кўйиб узат, — деди. —

Қайтармай беравер.

Бахтигул чой узатаётти:

— Ана... келдила! — деди.

Шу асно темир дарвоза даранглаб очилди.

Севаргул шошқалоқлик билан қайноқ чойдан хўплади — чой тилини, томоғини куйдириб ўтди. Оғзи куйишаётганига парвосиз, ҳозироқ узил-кесил гаплашиб олиш зарурлигини ўйларкан, қайтадан кўксига жўш ура бошлаган аламидан қўли титраб, пиёлани дастурхон чеккасига кўйди.

Яна дарвоза даранглаб ёпилди.

Хиёлдан сўнг ҳовлида вазмин қадам товушлари эшитила бошлади.

Севаргул юрагида зирқирган бир жизиллаш билан тек қотиб ўтирарди, шитоб ўрнидан турди.

Бахтигул илкис этагидан ушлаб:

— Нанажон, уришманг, хайми? — деди эланиб. — Ман кўрқаман.

Севаргул енгилгина бош ирғаркан:

— Кўрқма, Бахтижон, — дея чаққон ҳовлига чиқди.

— Э! — деди Теша ҳайронсираб. — Сен ҳалиям кетганинг йўқми?

Онаси, болалари чароғон ишқом остида унинг гапсўзига интиқ қулоқ тутиб, юрак ҳовучлаган каби жимжит ўтиришарди.

Севаргул босиқ овозда:

— Мен кетиш учун келганим йўқ, — деди. — Бу ёққа кириш. Гаплашиб олишимиз керак.

Теша ишқом тарафга безовта назар ташлади, сўнг кўкси бир қалқиб:

— Уйингда гаплашайлик? — деди.

Севаргул унинг кўзларига тик қараб:

— Бундан кейин гаплашамизми, йўқми, — ҳозир ҳал қилиб олишимиз керак, — деди. — Утинг!

Шу пайтда кампир атай томоқ қириб, қўлидан нимадир шарақлатиб тушириб юборди.

Унинг иложсиз иккиланаётганлигини кўриб:

— Утинг! — деди Севаргул ҳам ялинч, ҳам қандайдир таҳдид оҳангида. — Бахтигул кўрқмасин.

Теша ночор бош чайқаб, секин уй томон жилди.

Севаргул эса, кўнглида мубҳам бир умид билан, айни чоғда анавиларнинг ҳализамон қий-чув, сурон солиши мумкинлигидан хавотирланиб, унга соядек эргашди.

Теша даҳлиздан ўтаётиб:

— Нима учун қорангида ўтирибсизлар, — деб чироқ тугмасини буради. Бирдан хона ёришиб кетди. Қизининг мўлтирабгина ўтирганини кўриб: — Бахтий!.. — деди. — Овқатингни емабсан-ку, қизим?

Бахтигул чимирилиб, киприкларини пирпиратди. Индамади.

Севаргул, гўё қулаб тушадигандек, каравот куббасидан ушлаб:

— Томоғимиздан овқат ўтарканми, — деди. — Мақсадингизни очиқ айтинг, бизни қачонгача бундай хўрламоқчисиз?

Теша бўзариб-бўзрайиб:

— Онамга ҳеч гап тушунтирилмаяпман ахир! — деди бўғиқ овозда. — Нима қилай?..

— Бўлмаса биргалашиб тушунтирайлик ахир?!

— Йўқ... фойдаси йўқ.

Ногоҳ яна рўпарадаги уйдан шамол увиллашидек йиғи товуши эшитилди: «ойижон, бошимизга қаро кунлар тушгани рост экан, ойижон!..»

Севаргул тишларини ғич қилиб:

— Уф-ф! — деди — Жонимдан тўйғазди шу...

— Ана, кўряпсан-ку?! — деди Теша. — Болаларниям кўндириб бўлмайди.

Қўққис юз-кўзларидан қаҳру ғазаби тирқираб отилгудек важоҳатда:

— Теша! — деди кампир деразадан бош суқиб. — Ут қани бу ёққа!

— Ҳозир... Гаплашиб олай.

— Кимга айтяпман?!

— Она!.. — деди Теша бирдан жиғибийрони чиқиб. — Она дейман?

— Онанг ўлсин, болам! — деди кампир қуруқшаган лаблари асабий титраб. — Онанг ўлиб, онасиз қол, болам! Гулдай келинимни кул қилдинг. Энди норасида етимчаларниям куйдирмоқчимисан. Ут яхшиликча лекин!..

Теша ғижиниб-ғудраниб сўкинганча, ортига қайтаётган эди, Севаргул шартта унинг билагига ёпишди. У кескин қўл силтади. Севаргул жонсарақ жавдираб:

— Ойбийи... ойбийижон?! — деди.

Кампир ёвқур оларкан, асабий қўл силтади:

— Ман сизнинг ойбийинингиз эмасман. Ойбийи деманг мани!

— Ахир, буям сизнинг неварангиз-ку! — дея Севаргул қизини кўрсатди. Бахтигул кўзлари жиққа ёшга тўлиб, негадир йиғлаёлмай ўтирарди. — Айтинг, ахир нима учун қизимни ота дийдоридан бенасиб қилмоқчисиз?!

— Ҳеч ким қизингизни ота дийдоридан бенасиб қилмоқчи эмас. Неварамдан тонаётганим ҳам йўқ. Узингиз гап уқмас аёл экансиз, — деди кампир тағин қўл силтаб. — Етим боқиб ўрганганман. Майли, болани ташлаб кетаверинг.

— Нима?! — деди Севаргул, кўзлари бирдан катта-риб. — Кетмайман! Кетиш учун келганим йўқ.

Аллақачон Теша уйдан чиққан эди.

Кампир шартта даҳлизга кириб, хона бўсағасида тўхтади:

— Кеча айтувдим, бугун яна айтаман, — деди таъкидлаб. — Билиб қўйинг, ман тирик эканман, бу ҳовлида Теша сизга эрлик қилолмайди. Келинимга қасам ичиб, сўз берганман. Раҳматлик қўлимда жон бераётиб, васият қилган: ойбийижон, у дунёда мантинч ётсин десангиз, ўғлингизни йўлдан урган ўйнашини ҳовлига қиритмайсиз, деган. Ана, болаларигаям шуни васият қилган.

Ҳамон рўпарадаги уйдан юракка тигдек қадалгувчи йиғи товуши эшитилмоқда эди.

Чиндан ҳам, бу ҳовлида кун кўролмаслигига Севаргул кўнглида ночор-ноилож иқрор бўларкан, Шавкатчанинг кирдикорларини эслади, сўнг ундан ҳам баттарроқларига дучор бўлиши, оқибат ёлғизгина қизининг бирор ўсал топиши эҳтимолини ўйлаб, ўз-ўзига гапирётгандек:

— Ахир, гўринг олов олгурга мен нима ёмонлик қилган эканман? — деди.

Кампир бирдан ўкрайиб:

— Раҳматликка тил тегизманг! — деди. Сўнг лабларини чўччайтирди. — Узингизни кўп анойиликка солманг, қизим. Сизнинг дастингиздан келиним бечора куя-куя, ажалидан беш кун бурун ўлиб кетдику?!

Севаргул лом-ним деёлмай, бошини қуйи эгиб, жим қолди: йўқ... йўқ! Бу ёсуманни мурсогага келтириб бўлмайди.

Шу пайтда Бахтигул аста қўлидан тортиб:

— Кетайлик, нанажон?! — деди.

— А?! — деди Севаргул қизига юзланиб. — Ҳа, кетамиз, қизим, кетамиз. — Кейин, гангигандек сандиқ биқинида турган сумкасини олди. Кўзларида жиққа ёш билан кампирга тикилиб қаради. — Майли, кетаман ойбийижон. Лекин мен фақат яхши ниятда келган эдим. Агар сизларга зиғирча ёмонлик соғинган бўлсам, муродимга етмайин!

Кампир беихтиёр чимирилиб:

— Қасам ичманг! — деди. — Қасамхўр худонинг душмани...

Севаргул қизини етаклаб даҳлизга ўтаркан, туйқус хўнграб юборишдан базўр ўзини тийди.

Кампир ортидан эргашиб, ҳовлига чиқди:

— Эрта саҳарлаб кетасиз, — деди тўнғиллаб. — Бола кўрқиб-учиниб қолмасин.

Севаргул кескин кампир томон ўгирилди... Аммо, тишларини ғич қилиб, индамай, бош чайқади.

Теша балад супа бўйидаги тарвақайлаган олма тагида тиззаларига тирсақларини тираб, бошини чангаллаб ўтирарди.

Севаргул қизини етаклаганча, дарвоза сари илдам бораётиб, тўхтади, — унинг миқ этмай ўтиргани баттар ўртаб юборган эди, — шитоб ортига бурилиб:

— Мана, кетяпмиз, — деди овози қалтираб. — Хўрланганимиз етар. Энди мендан яхшилиқ кутманг!..

Севаргул беш ойча аввал эмас, худди шу тобда қувилгандек кўкси куйишиб огриркан, аста хўрсиниб қўйди: сен ўшанда, зора улар инсофга келишармикан, деган бир илинжда пўписа қилган эдинг; лекин на У, на онаси чурқ этган эди. Уларнинг бирор бир суянган тоғи борми ёки сенинг бечоралигингни билишарми-ди-а, Севар?..

Кейин... тўлиной ҳаммаёқни ойдин нурга чулфган оқшом эди, Чорминор ёнидаги овлоқ кўнадан қизинг билан ўтиб бораётиб, ихтиёрсиз тўхтаб қолдинг: қулоғингга оҳиста бир... сас чалина бошлади — нола бўлиб нолага ўхшамайди, наво бўлиб навога... Кимдир — аёлми, эракми — биров мунглуғ оҳангда бетиним...

ув тортаётгандек эди. Ногоҳ руҳиятингда ажаб бир титроқни ҳис этдинг. Наздингда: еру осмон таърифга сиғмас бир... маънос оҳангга дўниб кетгандек эди, гўё бирдан қалбингни раҳм-шафқат туйғулари чирмаб, кўксингдаги адоват барҳам топгандек бўлди...

Аммо, мана тобора юрагинг кемирилаётгани ҳақида ҳеч кимга, ҳатто шаҳриёрлар орасидаги ҳамқишлоғинг Назирага ҳам бир сўз деёлмайсан. Десанг... биласанки, яна ўзингга оғир.

Йўқ, гарчи бу тахлит яшаб бўлмаслигини алам билан — жисму жонингда симиллаган бир оғриқ билан тан олсанг-да, ҳасратингни ичга ютавер, Севар.

Боя бехос у ни кўрдинг... Қизиқ, кўрсанг — ороминг йўқ; кўрмасанг — қароринг йўқ. Бу не дард ўзи — аламми, нафратми ёки... муҳаббатми?

Ана, шарақлаб дарвоза очилди.

Севаргул ҳушёр тортиб, ташқарига қулоқ солди: ҳайрият, қизи экан... Ҳаёлчан жилмайди — ёлғизгинаси ҳозир қулиб-яшнаб уйга киради, уй қувончга тўлиб кетади.

Бахтигулнинг овози ҳовлидан жаранглаб эшитилди:

— Бийи, нанам қанила?

— Қўлтиғимда...

— Бийижон, ман бугун иккита «5» олдим.

— Ў, зўрсан-ку, бачам! Овқат ейсанми?

— Нима пиширдингиз?

— Боравер, оч эмас экансан...

Бахтигулнинг чаққон яқинлашаётганлигини қадам товушлари сездириб турарди. Ана, лип этиб пешайвонда кўринди. Даҳлизга ўтди, кўзларида табассум чақнаб, хонага кираркан:

— Ўҳ-ҳў, ўсма қўйибсиз-ку, нанажон! — деб, авайлабгина онасини қучоқлади, юзларидан ўпди. — Ётибсиз?... Яхшимисиз?

Севаргул қизини бағридан чиқармай, сочларини силади, пешонасидаги терларини артди, юраги куйишгудек бўлиб, кўзларидан ўпди...

— Нана, бугун «Ўқиш» билан «Русский язык»дан «5» олдим!

Севаргул қизининг елкасига қоқиб қўйди, сўнг лунжларини шишириб, ишора билан сўради: «овқат ейсанми?»

— Қорним тўқ, — деди Бахтигул. — Мактабда ширгуруч едик, тарвуз едик... Эртага «5» олиб келаман, нана.

Севаргул хушҳол кулимсираб, яна қизининг юзларидан ўпди.

Кейин, Бахтигул каравотдан туриб, оппоқ пешбандини еча бошлади.

Қизининг дуркунгина қоматига ўйчан тикиларкан, Севаргул тагин ўша — ойдин оқшомни эслади, Бахтигулнинг ўшанда айтган бир гапи ёдига тушди: нанажон, кимдир Чорминор тепасига ўтирволиб, най чолоптими?... Йўқ, гарчи у — сирли сас — найнинг мунгли нола-сига чолим берган эса-да, наво эмас эди. Бу — аниқ, лекин жуда ғаройиб эди... Ушандан бери қизи дадасини неча марта кўрдийкан?... Бир ё икки мартадир. Охирги марта у ни уйдан ўзи қувиб чиқарган эди. Бахтигул энди дадасизликка... кўникди. Кўникмай не илож!.. Лекин ёмон... жуда ёмон бўлди: билиб-билмай қилиб қўйган хатоси учун энди умр бўйи қизи ҳам жафо чекади — арқоғини кўр, бўзини ол; она сини кўр, қизини ол! Наҳотки, ёлғизгина қизини бахтиёр қилол-маса-я?!

Шу чоғ онаси даҳлизга кириб, эшикдан бош суқаркан:

— Озроқ кир йиғилиб қолган экан, ювиб-чайиб

осдим, — деди. — Кечқурунгина курур... Бахтигул, кирлар қуригандан кейин ўзинг олиб қўярсан, бачам.

— Кетмоқчимисиз, бийи?

— Ҳовлимдан бир хабар олай бориб, бачам, — деди бувиси, қўшни хонага ўтаётиб. — Онангни уринтирмай, иш-пишларига қарашиб тургин, хайми?..

Севаргул ўрнидан туриб, қўйлагини кийди, тошойнага қараб, дуррасини боғлагач, ҳовлига чиқди. Тут сояси супани эгаллаган, осмонда эртанги куннинг янаям жазирама бўлишидан дарак бераётгандек қонталаш булутлар муаллақ кезар эди. Дорга ювиб осилган кирларга паришон назар ташлаб, маҳзунлик билан, энди кўникиш керак, деб ўйлади: ажаб, нимага кўникиш керак — ёлғизликками, бахтсизликками, соқовликками?... Йўқ, соқовликка кўниқолмайди. Мутлақ!.. Лекин бадбахтлик... Нима ўзи у?... Бадбахтлик — шармандали ёлғизлик; яъни, рўёбга чиқолмаган орзуманд — ўзиникилар орасида ҳам бегона одам, деганими?... Йўқ, ёлғиз эмас, ёнида дунёга бергисиз қизи бор. Аммо, нотавон кўнгил билан қизини бахтиёр этмоққа ёлғизлик қилмасмикан?... Ишқилиб, ўйлай-ўйлай, эсари бўлиб қолмаса яхши эди.

Онаси ҳақ гапни айтади: уйда оёқни узатиб ётавермасдан, ишга чиқиш керак. Ишхона яқин. Кейин, ҳарқалай, одам тафтини одам кўтаради. Хадича Бакировна негадир бугун келмади. Эртага келар. Рухсат берса, душанбадан ишга чиқса ҳам бўларди. Мана, бугун ҳам-касабалар билан бирпас дийдорлашганигами, хийла тетиклашди. Уйда ётаверса, битмас дарду доғини ўйлайверади. Уйламасликнинг эса иложи йўқ экан.

— Нана, юринг, бийимни кузатиб қўямиз, — деди Бахтигул пешайвондан тушаётиб.

Онаси эгнига янги қўйлак, камзул кийиб, бошига шойи рўмолини ўраб олган эди:

— Мани кузатиб қўйишнинг кераги йўқ, — деб ошхонага кириб кетди, салдан сўнг эскироқ бир қора сумка кўтариб чиқди. — Ўзим кетавераман.

— Сумкангизга нима солволдингиз, бийи?

— Ҳасратингни, бачам... Севар, қизининг пухталлигини кўряпсанми?

Севаргул кулимсираб қўйди.

Кўчага чиқдилар.

Беш-ўн қадам юрганларидан сўнг онаси тўхтади:

— Бўлди, қайтинглар, — деб Бахтигулнинг юзларидан ўпди, сўнг кўзларида ёш милтираётгандек бўлиб, Севаргул билан хўшлашаркан, тайинлади. — Болангни оч қолдирма, қизим. Ўзингни уринтириб қўйма... Хайр, сизларни худога топширдим. Яхши қолинглар.

— Манга қурут олиб келинг, бийи?... Яхши боринг, бийижон!..

Севаргул то онаси овлоқ кўчанинг муюлишида кўздан пана бўлгунча қараб турди. Кейин ортига бурилди, лекин ҳовлига киргиси келмади, негадир маҳобатли ғиштин бино олдидаги майдон тарафга ўтгиси келаётган эди. Оҳиста қизининг кифтига туртиб, дарвозага ишора қилди: «қулфла!»

Бахтигул бармоқларини қулфга калит солиб айлантираётгандек ҳаракатлантириб:

— Дарвозани қулфлайми? — деб сўради. — Қаёққа борамиз, нана?

Севаргул майдон томонни кўрсатиб, бош ирғади: «бирпас айланамиз».

Бахтигул зипиллаб бориб, дарвоза орқасидан қулфни олди, ҳалқага ўтказиб қулфлади, сўнг калитни онасига берди-да, нишаблик сари ўйноқлаб йўл бошлади.

Ғиштин бино рўпарасида орқа ойнасига парда тутилган бир нечта оқ «Волга» қатор турарди. Шоферлар дарахт соясидаги ўриндиқда гурунглашиб ўтиришибди. Майдон ўртасини эгаллаган, пастак дарахтлару пула-

ноқ гужумлар билан қуршалган гулзорда эса одам кўринмайди.

Севаргул қизининг қўлидан тутган кўйи, майдонни кесиб ўтаркан, гулзор биқинидаги йўлқадан хотини билан бамайлихотир суҳбатлашиб келаётган маҳалладош телпақдўзни кўриб, беихтиёр кўнглида бир ҳавас уйғонди: шуларга маза! Ҳозир уйга боргач, болалари даврасида яйраб, телевизор томоша қилишади. Уларнинг бир-бирларига айтадиган ширин-шакар гаплари бор.

Севаргул қизини олдинга ўтказиб, пўпаноқ гужумлар орасидаги тор йўлқадан гулзорга кирди. Ён-берига хаёлчан назар ташлаб, таажужблангандек бўлди: муаттар ҳидлар анқиётган гулзорда... ҳеч ким, ҳеч нима йўқдек; ҳаммаёқда қизил, пушти, оқ... атиргуллар. Мажнунтол тагидаги ўриндиқда эса чиройли бир қиз билан кўзлари шодумон чақнаётган бир йигит ўтирарди.

Бу осойишта, бу дилхуш гўшага Севаргул шунчаки сайр қилиш учун эмас, анави... қонқусмагур бояёқ машинасида аллақайёққа гумдон бўлганини кўриб қўйиш учун келгандек ҳис этди ўзини... Кейин, толиққанини сезиб, секин чеккадаги ўриндиққа ўтирди.

Бахтигул чопқиллаб талайгина сувўти ҳамда аллақанча ажриқнинг «пошшо-вазир»ини келтирди:

— Сочпопук ясаб беринг, нана? — деди. — Жудаям чиройли бўлсин! Хайми?

Севаргул индамай, кўм-кўк ўтларни ёнига қўйди.

Бахтигул:

— Энди печакгул териб келаман, — деб, тағин гулзор оралаб кетди.

Гулзор бўйидаги катта йўлдан маҳобатли бино томон уч-тўртта «Волга» олдинма-кейин физиллаб ўтди.

Шабада эсмоқда эди.

Севаргул бирин-бирин сувўтлардан олиб, сочпопук ўришга тутинди. Бир пайт, қулоғига қиз билан йигитнинг шодон кулгиси чалиниб, беихтиёр кўз ўнгида ўтмиш... ишқий саргузашти хирагина гавдаланди: пахтазор... Пешин маҳали... Анваржон жавдираган кўйи тиз чўккан... Севаргулжон, сиз менинг маҳбубам бўлинг!?

Севаргул унинг илтижосига жавобан меровсирагандек кулганини эслаб, бир зум хаёлчан тек қотди.

...Бахтигул бир ҳовуч бинафшасимон гуллар келтириб, онасига тутди:

— Нана, буларни сочпопукка қадаб берасиз, хайми? — деди.

Севаргул қизига ўйчан жилмайиб қаради: Бахтигул улғаймоқда. Ҳадемай, мўйлаби сабза урган бир йигитча билан... Во ажаб, дунёнинг ишлари яккаш бандасини ўртамоқми-а?! Ишқилиб, ёлғизгина қувончини бахт ярлақаса бўлгани.

Ниҳоят, сочпопук битди.

Бахтигул суюниб:

— Чиройлими, нана? — деди уни бошига қўндириб. — А, айтинг, чиройлими?

Севаргул табассум билан кўзларини юмиб-очди: «жудаям чиройлик!»

Бахтигул дабдурустдан бетоқатланиб, сочпопуги бошида қандай кўркам турганлигини тезроқ ойнада кўргиси келаётгандек:

— Нана, энди кетамиз! — деди.

Севаргулнинг пешонаси тиришди: яна ўша... ҳувиллаган уйга бориб кириш керак... Боради. Бўзрайган тўрт девор... Она-қиз жимгина ўтириб овқатланади. Телевизор... Томошага ҳуши йўқ. Баридан тўйиб кетган... Ҳўш, кейин нима қилади — яна шифтга тикилиб ётадими?.. Бугун ўликдай қотиб ухлар-э, кун бўйи киприк қоққани йўқ-ку.

— Нана, қорним очади. Кетайлик?

Аллақанчон қош қорайган, рўпарадаги хиёбон узра олисдан кўриниб турган шаҳардаги энг баланд бино — «Интурист» пештоқидаги камалакранг чироқлар порлаб нур таратмоқда эди.

Севаргул аста ўрнидан турди.

Бахтигул эса чаққон йўл бошлади.

Гулзор оралаб, йўлка сари яқинлашаётганларида, тепа шохлари қуриган мажнунтол тагидаги ўриндиқда бир-бирининг пинжига тикилиб ўтирган қиз билан йигитни кўриб, Бахтигул онасига маънодор кулимсираб қаради. Севаргул койиганнамо чимирилди: анграйма, юр тезроқ.

Шаҳарликлар пахта ҳашарига жўнаб кетганлари учунми, гулзор жуда осойишта, атроф-теварақ сокин эди.

Йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам шу тобда бениҳоя бахтиёрлигини ҳавасланиб ўйларкан, Севаргулнинг ёдига яна ўша... да ҳ ш а т л и к е м а ҳ а л о к а т и тушдию, бирдан қулоқлари остида саёҳатчиларнинг жон талвасасидаги сурони узук-юлуқ эшитилаётгандек туюлиб, кўнглидан бир савол кечди: агар шу йигит ўшанда шу қиз билан кемада бирга бўлганида, қиз учун жонбозлик қилармиди?.. Ай, гумано-ов!..

Фира-шира ойдин палубада сайр қилиб юрган саёҳатчилар кўп эмас. Чекка-чеккада жуфт-жуфт бўлиб ошиқона кезаётганлар кўзга аллақандай шарпадек кўринадилар. Палубанинг адоқ тарафи хийла ёруғ эди. Уша томондан ёш-ялангларнинг шодон ўйин-кулгилари, шўх-шан мусиқа садолари баралла эшитилиб турарди. Серюлдуз осмон бамисоли Қора денгиз бағрида шитоб сузиб бораётган кема устида кўтарилган муаззам сояонга ўхшаб кўринадди.

Намхуш шабада эсмоқда эди.

Саида Мирзаевна секин Севаргулнинг тирсагидан тутти:

— Қаранг, ҳавоси қандай майин, мусаффо! — деди. — Лекин салқин экан. Сезяпсизми?

Севаргул бениҳоя қизини қўмсаган эди, Саида Мирзаевнага паришон бош ирғаб қўйди. Индамади... Ҳали сайрдан қайтгач, Севаргул катта-катта ҳарфлар билан Бахтигулга битта хат ёзмоқчи. Кейин эрта Сочи бандаргоҳига кириб борганларида, албатта хатни жўнатади.

Унинг хаёлларини тўзитиб:

— Сиз совуқшмаяпсизми, Севаржон? — деб сўради Саида Мирзаевна. — Совуқ-ку, а?

— Жемперингизни келтириб берайми?

Саида Мирзаевна узрона кулимсираб:

— Агар малол келмаса, Севаржон... — деди.

— Иби, қизиқмисиз, опажон!

— Мен шу ерда кутиб тураман, Севаржон.

Севаргул ортига қайтди. Темир зинапоядан пастга тушаётиб рўпарадан чироғини порлатиб келаётган бир кемани кўрди, ҳамон қизи хаёлини банд этган эди, эътибор бермади.

Кейин, каютага яқинлашаётганда, бехос кема чайқалдимиди, палуба томон малласоч бир жувон билан ўтиб бораётган самарқандлик хушмўйлов йигитга урилиб кетди:

— Кечирасиз, — деди хижолат чекиб.

Самарқандлик йигит:

— Сиз кечирасиз-да, землячка! — деб, малласоч жувон изидан шошилинч эргашди.

Севаргул каютага кириб, аввал ўзининг жемперини кийди, сўнг Саида Мирзаевнанинг жемперини олди. Шу пайтда негадир кема кескин бир чайқалди. Севаргул



қалқиб кетди. Орадан ҳаял ўтмай кема бўғиқ чинқирди. Ва туйқус чироқлар ўчиб каютани қуюқ қоронғилик чулғади.

Севаргул саросималаниб илюминатордан ташқарига тикилиб қаради: рўпарада тоғдек ҳайбатли нимадир қорайиб кўринарди. Ҳаммаёқ қўп-қоронғи.

Ногоҳ йўлақда тапир-тупур оёқ товушлари ҳамда таҳликали овозлар эшитила бошлади.

Севаргул чироқнинг ёнишини кутганча ўртада хавотирланиб тураркан, нохуш бир гумон кўнглидан кечиб баттар ваҳимага тушди: кема чўкиб кетса-я!..

Худди шу пайтда чироқлар лип этиб ёнди, лекин орадан сал фурсат ўтар-ўтмас тагин ўчди.

Аллақачон юракка беадад бир ваҳима солгувчи ғалағовур бошланган, энди лаҳза сайин кучайиб бормоқда эди.

Севаргул муқаррар бир фалокатни сезган каби саросар жемпери устидан гул солиб тикилган нимчани кийдию шартта Саида Мирзаевнанинг ҳавобанд нимчасини қўлтиғига қисиб, шитоб эшикни очди. Эшик очилгани ҳамона нечундир бир аёл отилиб ичкари кирди. Севаргул эса ўзини йўлакка урди.

Йўлак тирбанд эди.

Одамлар исканжасида оёғи ерга тегиб-тегмай олдинга талпинаркан, Севаргулнинг ҳаёлидан ўтди: нима бало, бу оломон оқими ғор оёғига тикилиб қолган бўрилар галасига ўхшамаса-я!!

Ҳаммаёқдан гувиллаган бир ваҳимали товуш эшитилар, аёллару болалар чинқираб фарёд чекишар, бировлар бақириб сўкинишар эди. Қўп-қоронғи йўлак адоғидаги каюталардан бирининг эшиги қулфланиб қолган шекилли, устма-уст тарақлаётган товуш баробарида бир эркакнинг йиғламсираётган овози бўғиқ эшитилмоқда эди:

— Лаура, доченька!.. Сейчас открою, сейчас... Лару!..

Қўқикс кимдир Севаргулнинг кўлидан жемпер билан ҳавобанд нимчани юлқиб олди. Бирдан Севаргул энди Саида Мирзаевнанинг ҳоли не кечарини ўйлаб, жонҳоври қичқириб юборди, лекин қий-чув ичида овози кўмилиб кетди.

Шу пайт тагин бир аёл хўнграб дод солди:

— Отдай мая жилета! Жилета отпусти! Мая жилета!..

Севаргул оломон орасидан ситилиб, палубага кўтарилаётганда, кимдир эғнидаги нимчасига човут солди. Севаргул мункиб кетиб қичқирганча четга қочаркан, одамларнинг нега бу қадар ёвузлашиб бораётганидан даҳшатга тушган кўйи, атрофида рўй бераётган ҳодисотга ишониб-ишонолмай, ён-берига олазарақ аланглади: ҳеч қаерда Саида Мирзаевна кўринмасди. Ҳар ёқдан отилиб чиқаётган одамлар негадир бир томонга қараб югуришмоқда эди.

Севаргул улар изидан бешуур елиб бораётиб, таққа тўхтади: мачтадан сал нарида бир аёлнинг ҳавобанд нимчасига бирдан икки йигит чанг солган эди... Севаргул туйқус йигитларнинг новчароғини таниди: у йигит қуни кеча Ялтадаги бир дўконда хижолатангиз эланиб, қайлиғи учун ҳалигидақа тункўйлак олдирган эди. Мана, энди эса!..

Палубага рўпарада тоғдек қорайиб турган кема чироғидан увада нур тушиб турарди.

Севаргул овози хирқираб:

— Саида опа! — деб қичқирди. Йиғлагиси келди. — Саида опа!! Қаердасиз, Саида опа!!

Саида Мирзаевна кўринмас, овози ҳам эшитилмас эди.

Нима учундир кўпчилик кема оғаётган тарафга қочмоқда эди.

Аллақачон одамларнинг денгизда ночор сузиб, аянчли бақириб-чақирившаётгани эшитила бошлаган эди.

Севаргул бир зум ёнёнқа аланг-жаланг термилган кўйи тагин такрор-такрор Саида Мирзаевнани сўроқлаб қичқирди. Сўнг, агар кема тўнтарилса устида жон сақлаб қоладигандек, кўтарилаётган томон шитоб югурди. Палуба чеккасига етиб чамбаракдан маҳкам ушлади.

Чамбарак ёнида жон сақламоқчи бўлиб тизилган бечоралар кўп эди. Кимдир ўз бошига муштраб хўн-хўн йиғлар, кимлардир пастга энгашиб, нималардир дея видолашаётган каби фарёд чекар эдилар.

Одамзотнинг бу қаро қиёматга чидаши душвор эди... Севаргул чамбарак ёнидан чорасиз дир-дир титраб тураркан, нима учун юраги ёрилиб кетмаётганига ёхуд ақлдан озмаётганига ҳайрон бўларди.

Кема эса секинлик билан тобора ёнбетига чўкиб бормоқда эди.

Шу аснода Севаргулнинг қулоғига кема ичидан таралаётган бетартиб тарақлаётган товушлар, бўғиқ овозлар урилиб, бирдан кўзлари каттариб кетди. Беихтиёр остки лабини қаттиқ тишлаб, энди у боёқишлар... тамом, деб ўйлади: тамом!.. Ичкарида қолиб кетганларнинг ҳаммаси тамом!.. Бечорагина Саида опа ҳозир қаердайкин-а, сувга отдими ўзини ёки?!.

Ҳамон кема қиялаб чўкиб борарди.

Бир маҳал одамлар жонҳоври чамбарак устига тирмашиб чиқа бошлашди.

Севаргул ҳам жонсараклик билан сапчиб чамбарак устига чикди. Бир муддат бемажол осилиб турди. Сўнг ёнидагилар каби тақдирга тан бергандек, секин пастга сирғала бошлади. Иллюминатор ёнига етганда кўзларидан беадад бир даҳшат билан қорайиб кўринаётган каюта ичига термилди: ҳеч ким... ҳеч нима кўринмас, аммо нолага ҳам, фарёдга ҳам ўхшамайдиган бўғиқ, бениҳоя... аянчли овозлар эшитилмоқда эди. Севаргулнинг бирдан юраги бўғизга тикилгандек бўлиб, кўзларидан тизиллаб ёш чиқиб кетди. Шу пайт аъзойи баданини муздек сув ялади. Сесканди: тамом!.. Бечорагиналар!.. Ана, иллюминатор устини аллақандай мой аралаш қорамтир сув қоплади.

Палуба... Ўртада бала-анд д о р... Чиғириқ устида ў з и.

Дор тагида Т е ш а. Бўйига каттакон дўмбира осиб олган. Қўлида иккита ноғорачўп.

Чеккароқда о н а с и... Негадир ясениб-безаниб олган. Қўлида доира. Чордана қуриб ўтирибди. Ёнида А н в а р ж о н. Унинг қўлида сурнай. Иккаласи дўмбирага жўр бўлишмоқчи.

Атрофда самарқандлик хушмўйлов йигит, малласоч жувон, тагин аллақанча танишу нотаниш томошабинлар. Теша шитоб ноғорачўпларни юқори кўтариб:

— Узимнинг шириним, Севаргул! — деб наъра тортади. — Қани, осмону фалакда туриб, азиз томошабинларимизга алвон каптар ҳавода қандай чаппор уриб ўйнашини бир кўрсатиб қўй!

Шу пайт... елкасига шол рўмол ташлаб олган С а и д а М и р з а е в н а гулхандек ловуллаб, оломон орасидан югуриб чиқади. Тешанинг қаршисида тўхтаб:

— Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ! — дейди ғазаб билан. — Севаргул аввал оёғидан илга ўзини боғлаб қўйиши керак. Ана ундан кейин томошасини кўрсатсин. Айтинг, боғласин!

— Опажон, дорбозлик — жонбозлик, деб қўйибдилар. Дорбозликда ҳийлакорлик кетмайди... Ҳа, қани, ўзимнинг шириним!

Бирдан дўмбира, доира ҳамда сурнайнинг айқаш-уйқаш садоси гумбурлаб эшитила бошлайди.

— Ё-о-о пи-ири-им!..

...А-а-а-а! — Севаргул уйғониб кетди. Назарида, ҳамон тубсиз, қоп-қоронғи бир жар сари учиб бораётгандек эди. Бетоқат гурсиллаб ураётган юраги устига кафтини босиб, ён-берига қаради.

Бахтигул, сочлари елкалари узра ёйилиб, тўшақда кўзларини уқалаб ўтирарди, уйқули овозда йиғламсираб ёнгишиди:

— Нанажон... ман кўрқдим.

Севаргул нимагадир ҳайрон бўлаётгандек:

— Бахтижон... — деди. Ва ўз овозидан ҳаяжонга тушиб, шодон жилмайди: вой, художон! Хайрият-э!.. — Сениям уйғотвордимми? — У қарийб айнан бир хил тушни негадир икки бор кўрганга ажабланган кўйи, овозига қулоқ солаётгандек, дон-дона гапирарди. — Кел қучоғимга, кела қол, жоним қизим.

Бахтигул шартта кўлини тушириб, кўзлари севинчдан чақнаганча, онаси қучоғига талинаркан:

— Нанажон, гапирдийизми?! — деди. — Ана, гапирдийиз-ку! Яна гапиринг!

Севаргул ширали овозда:

— Гапирдим, қизим, гапирдим! — дея Бахтигулни бағрига олиб, юзини юзига босди. — Нанам энди соқов бўлиб қоладила, деб ўйлаганмидинг, Бахтижон?

— Иби, йиғлаяпсиз-ку, нанажон?!

— Йиғлаётганим йўқ, қизим.

— Ана, юзимга томаёпти-ку кўзешларийиз.

— Узи...

Севаргул жилмайган кўйи кўзларини кафти билан сийирди.

Тун... Алламаҳал. Хонага пешайвон тарафдаги ланг очик деразалардан қумушранг ёғду тушиб турибди. Ҳовлидаги шохтут тепасида осмоннинг бир парчаси оқариб кўринади. Сийрак юлдузлар равшан чақнамоқда. Ҳаммаёқ жимжит. Аҳён-аҳён олисларда ғувиллаб елаётган машиналар товуши элас-элас эшитилади.

— Нанажон, нима учун жим бўлиб қолдингиз? — деди Бахтигул эркаланиб. — Гапиринг ахир!

— Нимани гапирай, қизим?

— Денгизда кема қандай чўкиб кетганини гапириб беринг?

— Бахтигул!.. — деди Севаргул қизининг кифтига аста қоқиб. — Қўй, эслатма ўшани, қизим.

— Ҳай гапиринг-да, овозингизни соғинганман ахир, нанажон!

— Гапиришни ўзим ҳам соғинганман, Бахтижон. Лекин ухлашинг керак. Эрталаб туролмайсан.

— Ахир, сиз билан гаплашиб ётгим келяпти, нанажон. Уйқум қочиб кетди.

— Майли, жойингга ўтиб ёт, алла айтаман, ухлаб қоласан.

Бахтигул бирпас онаси қучоғида тантиқланди, сўнг хушлар-хушламас тўшагига ўтиб:

— Алла айтманг, нана, — деди. — Алла айтсангиз, дарров ухлаб қоламан. Эртақ айтинг?

— Эртақ?..

— Ҳа, эртақ айтиб беринг!

Севаргул қизининг раъйини қайтаришни истамасди — ахир, неча кунлардан бери яйраб гаплашгани... гаплашолгани йўқ; ўйчан кулимсираб, оҳиста унинг елкасини силаб-сийпалай бошлади: қайси эртақни айтса экан?.. Бу оламда ўзининг кечмишидан кўра эртақбоп, ўзининг кечмишидан кўра афсонаворроқ кечмиш бўлмас. Лекин...

— Айтинг ахир, нана?

— Майли, қулоқ сол, — деб Севаргул эртақ тўқий бошлади. — Бир бор экан, бир йўқ экан... Яқин

замонларда, Бухоро томонларда бир она-қиз яшар экан. Лекин она-қиз иккаласиям бадбахт бўлиб бадбахт эмас, бахтли бўлиб бахтли эмас экан.

— Нана, тушунмадим, бадбахт деганийиз нима?

— Емоққа нони, яшамоққа жойи йўқ кишиларни бадбахт дейдилар. Тушундингми?

— Бахт-чи, бахт нима?

— Бахтми?.. — Севаргул беихтиёр хўрсиниб, бир зум сукутга толди. — Бахт... бахт... Мана, ҳозир икковимиз ўйнаб-кулиб ётибмиз. Шунинг ўзи бир бахт-да, қизим! Кейин, ўзинг учун муҳим ниманидир англаб етолсанг — буям бир бахт. Энди кўзингни юмиб, жимгина қулоқ солиб ёт... Онасининг оти Чамангул, қизининг оти Ойгул экан.

— Э, нана, сиз ўзимизни айтаёписизми?

— Йўқ, — деди Севаргул унинг елкасига қоқиб. — Бахтигул, кўзингни юмиб ёт, қизим. Гапимни бўлсанг, айтмайман... Ойгул ойдай юзли, кундай кўзли, ақлли қиз экан. Онаси қизини жудаям яхши кўраркан...

Ҳозиргина кўрган туши фикру ёдини банд этган кўйи, Севаргул дилгир оҳангда эртақ сўйларкан, хаёлида чарх ура бошлаган кажбахс саволлар жавобини ўйлаётиб, яна кўзлари жиққа ёшга тўлди, овози хиёл титранди: тўхта! Агар қизини бениҳоя яхши кўрса, нима учун қизининг қисматини ўйламай, ўша куни ўз жонига қасд қилди? Агар ўшанда ўлиб кетса, кейин Бахтигулгинасининг ҳоли не кечар эди? Хўш, ўшанда нималарни ўйлаган эди?..

— ...Ойгул ҳам онасини жуда яхши кўрар экан, — дея Севаргул унсизгина энтиқиб, эртақ сўйлашда давом этди. — Онаси буюрган ҳамма ишларни Ойгул ҳаммиша бекаму кўст бажараркан. Кунлардан бир куни...

Вожаб, ғалваю ғурбатлар ҳам бир ёпирилса худди тоғдан кўчган тошдай ёпирилар экан-да!

Ўша куни... тушдан сўнг кўнглида ғалоғул бир хавотир билан поликлиникага борган эди.

Бармоқлари узун, қўллари нозиккина, кўмкўк кўзлари чақноқ, сарғиш сочли акушер-гинеколог жувон анча серзарда экан. Арзу додини тинглар-тингламас шартта жойига ўтдию ўрта ёшлардаги ҳамширага чимирилиб:

— Марзия, чиба вай интў минғир-минғир мекунат! — деди тожикча ҳамда ўрисчаю ўзбекчани аралаш гапириб. — Ты сама только объясни ей, что она может не беспокоиться... Тавба кардам<sup>1</sup>, аёл ҳам шунчалик ваҳимачи бўладими-я!..

Севаргул аламнок бўғриққан кўйи ҳамшира томон мутеёна юзланиб, негадир тагин ўқтин-ўқтин ўхчиқ тутаётганлигини айтди, сўнг:

— Шунгами, кўнглим айнийверади, сира оромим йўқ, опажон, — деб нолиди. — Дардимни сизларга айтмай кимга айтаман ахир, опажон?

Ҳамшира майингина жилмайиб:

— Қўрққанга кўша кўринар, ойука, — деди. — Бехуда хавотирланаверманг кўп. Ҳа, хавотир ёмон!.. Ун кунлардан сўгин яна бир келиб кўринарсиз. Ҳозирча хотиржам кетаверинг.

...Кейин, пешин маҳалидан эртароқ пайт эди. Севаргул, қизи тезроқ кела қолса, қишлоққа бориш фикрини хаёлидан кечириб, тошойна қаршисида сўлғин чехрасига тикилганча, боягина доя-духтир ҳузуридан эзилиб қайтганини ғамгин ўйларкан, нечундир дабурустан кўнглига ўртагучи бир ғулу ўрлади; назарида, ниҳоят интиқом дақиқалари келиб етгандек, кимдир қулоғига тинмай пичирлаётгандек туюлаверди: аллақа-

<sup>1</sup> У нега бунча минғир-минғир қилади (тож.)

<sup>2</sup> Қилдим (тож.)

чон У уйланган! Ётибди уйда хотинчасини бағрига босиб. Бориш керак. Ҳозир кириб борсанг кўрасан!..

Гарчи, тобора рашкми, аламми — нимадир ўртаётган бўлса-да, Севаргул ҳардамхаёллик билан йўлга тушди: хўш, боргач нима дейди — уйланган ёки уйланмаганлигини билгани келдим, дейдими?.. Утган куни эрталаб чиқиб кетаётганида илмоқли бир гап қилган эди У. Шу тобда алами ақлу ҳушини олиб қўйдими, унинг ўшанда нималар деганини аниқ эслаёлмаяпти. Агар уйлангани рост бўлса аяб ўтирмайди.

Аслида анави... дажжол кампирнинг у дунёю бу дунё юзини кўрмас бўлиб қайтганидан кейин уни асло кечирмаслиги керак эди-ку, лекин У ўша кечасиёқ ўғри мушукдек кириб келиб, тилёғламалик қилганидан сўнг, аёл экан-да, кечирган эди. Аммо, модомики онасидан кўрқиб... — Фақат онасидан эмасдиро-ов!.. — рўшнолик кўрсатолмадими, энди ўзиям бир умр рўшнолик кўролмаслигини билиб қўйсин.

...Овлоқ кўча кимсасиз эди. Қайсидир бир хонадондаги радиодан таралаётган ашула варанглаб эшитилмоқда. Лойсувоқ деворлар жазирама қуёш нурида бўзариб кўринади. Заранг ердан ҳовур кўтариляпти.

Севаргул қандайдир тилсимотдек туюлаётган Чорминор сари яқинлашаётиб, синчков тикилиб қаради: нақшли гумбазлар устида тўртта нуруний чол чордана қуриб, сукутга толгандек... Гумбазлардан тепада — тиниқ осмон бағрида бир гала каптар чарх уриб учаяпти... Пастдаги гулкори, энсизгина гужум эшикка япалоқ қулф урилган... Жимжитлик.

Ажаб, ўша ойдин оқшомда қулоғига чалинган аллақандай мунгли саснинг боиси не эди — билолмайди. Аммо, шуниси аниқки, ўшанда кўнгли мушфиқ туйғуларга тўлиб-тошгани чин эди. Энди эса, аламми, ғазабми — аччиқ нимадир юрагини куйиштиряпти.

Бироқ, ҳовлига беш-ўн қадам қолганда одими сусаяверди. Орқага қайтмоқчи ҳам бўлди... Қайтолмади. Кейин дарвоза тирқишидан мўралаб, бостирма остида машинани кўрмагач, тагин иккиланди, лекин беихтиёр дарвоза зулфинини шиқирлатворди. Бирдан ҳаммаёқни темир дарвозанинг даранглаган товуши тугиб кетгандек бўлди. Ва шу баробарида ҳовлидан нозикнаа бир овоз эшитилди:

— Ки-и-им!!

Танишдек туюлган овоз қулоғига чалинар-чалинмас, Севаргулнинг пешонаси тиришди: қизи-ку! Қачон мактабдан қайта қолибди у йиғлоқи? Яна бирдан ув тортса-я!..

Дарвозанинг ўрта эшиги очилиб, рўпарада қизил помбарх кўйлак, атлас лозим кийган, бет суяклари туртиб чиққан, қаримсиқ бир жувон кўринди. У қошу киприкларига қуюқ қилиб ўсма қўйган эди.

Жувон нохушгина жилмайди:

— Ассалом, — деди. — Келинг.

Севаргул жувоннинг ўз кундоши эканлигига шубҳа қилмай яна жўш ура бошлаган ғазабини базўр босиб:

— Хўжайинингиз уйдадилар? — деб сўради.

Жувон унинг ваяҳотидан саросимага тушган каби безовталиқ билан:

— Йўқ... йўқла, — деди киприкларини пирпира-тиб. — Узингиз кимсиз охи?

Туйқус миясига қон тепгандек бир зум Севаргулнинг кўз олди қоронғилашди, сўнг ихтиёрсиз ўдағайлаб:

— Узинг кимсан, эрсак?! — дея шитоб бостирмага кираётганда сумкаси эшик зулфинига илиниб, гандираклар кетди. Сумка тўп этиб ерга тушди. — Илоё хўжайининг билан қўшмозор бўл. Тўхта!..

— Вой-дод! — Жувон чинқираб ҳовлига қочди. — Ойбийижон, ман мурдам! Вой-до-о-од!..

Севаргул ғазаб билан унинг орқасидан ўқрайиб қоларкан, ҳовлига отилиб кириб сочига чанг солганча, остига босиб олгиси келди. Биғиллатиб босиб олса-дә, шу пайтга довурун д а н кўриб келган барча изтиробларнинг хусуматини беармон чиқармоқ қасдида юзларини ерга ишқаб, дуч келган жойига мушт ураверса. Ҳар мушт урганда, мен бу ҳовлида яшаёлмадим, сениям яшагани қўймайман, деб оғзи-бурнини ола қонига бўяса... Жувон эса жон аччиғида типирчилаб, ойбийижон, ман мурдам, деб ўкираверса... Бундан баттар жазаваси қўзиб, менинг қизим бор, бизни чирқиллатиб, сен эрсак бу ҳовлида кун кўролмайсан, дея...

Севаргул оташин уф тортиб, аммо бундан не фойда, деб ўйлади: шу билан бирор нима ўзгариб қоладими? Барибир У... манави эрсагидан воз кечмайди-ку! Ёки унинг ёсуман онаси аҳдидан қайтармиди — йўқ, албатта. Энди ҳаммаси бесамар... беҳуда! Яхшиси — унинг ўзидан ўч олиш керак. Бошқача йўл билан бошлаб ўч олиш керак.

Ногоҳ ҳовли ичкарасида аллақайси бир эшикнинг тарақлаб ёпилгани эшитилди. Жувоннинг уни ўчди.

Шу пайт кампир бостирма рўпарасига қаёқдандир қуюндек елиб келди. Унинг этсиз лаблари асабий пирпираб, пешонабоғи елкасига осилиб тушган, қоқшоқ оёқлари яланг эди. У Севаргулга нигоҳи тушгани ҳамона қўлини қоши устида соявон қилиб:

— У, ҳаёсиз! — деди аттангнамо бош чайқаб. — Яна келдйизми?.. Худо хайрингизни берсин, қизим, энди бизни тинч қўйинг?

Севаргул бирдан изиллаб йиғлаганча, бир шўришу савдони бошлайдигандек, беихтиёр кампирга хезланди. Кампир эса кўзлари совуқ чақнаган кўйи:

— Уринг, ўлдилинг, — деди элангандек. — Худо хайрингизни берсин, қизим, уринг. Минг лаънат бу турмушга! Жонимдан тўйиб кетганман...

Севаргул нафратангиз қўл сермаб, кескин ортига бурилди. Ерда боғичи узилиб ётган сумкачасини олди, қўлтиғига қисди. Кейин кампирга қарамай, шитоб кўчага чиқди. Тўп-тўп бўлиб мактабдан қайтаётган шўх-шодон болакайлари, қизалоқлари кўриб, ранг-рўйининг абгорлигидан уялгандек чаққон одимларкан, қизининг маъюс чеҳраси хаёлидан кечди: Бахтигул энди е т и м, ёлғизгинаси энди бадбахт — ташландиқ аёл қизининг қадр-қиммати не бўлар эди! Эс борида этакни ёпиб, қизини бу бадбахтликдан, ўзини эса бу таҳқирлардан қутқариши керак. Аммо қандай қилиб, қайси йўл билан?.. Чўкаётган одам хору хасни ҳам илинж билар экан. Борми бирор илинж?..

Севаргул илдам юриб бораркан, энди бу тарзда яшаб бўлмайди, деб ўйлади: яна бекадр ўйнашдек умргузаронлик қилиш... Бу ҳақоратларга чидаш... Йўқ! У ярамасни шу пайтгача кечириб келгани етар. Етар!..

Лабларига сизиб томаётган шўртаъм ёшларни ялаб, кўзларини артди... Ҳозироқ бориб Бахтигулнинг ўзини қишлоққа жўнатади. Ана кейин пайсалга солмай... Бахтигул мактабдан қайтганмикан-а?..

Бахтигул уйда — дарвоза қия очиқ эди.

Севаргул ҳовлига кириб, тўғри тут тагига ўтди. Қувур жўмрагини буради. Шовуллаб оқа бошлаган муздек сувда юзларини, бўйинини, куйишиб оғриётган кўксини ювди. Оёқларини чайди. Кейин гулзорча ўртасидаги ёлғизоёқ йўлқадан пешайвон томон юрди.

Қизи уйдан шодон югуриб чиқди:

— Нанажон, бугундан бошлаб каникул! — деди.

Севаргул ғамгин жилмайиб, қизини бағрига босди.

Улдим (тож.)

Ҳадемай қизидан... ёруғ оламдан... кечиб, ундан беомон ўч оларини ўйларкан, қизининг юзларидан, пешонасидан ўпди, сочларини силади: қандай яхши, қизи бугун иккинчини битирди. Учинчига ўтди.

— Нана, сизга нима бўлди?

— Ҳеч нима, қизим.

— Йиғлаёпсиз-ку?

— Юзимни ювганман-ку, Бахтижон,

— Қишлоққа борамизми, нана?

— Ҳа. Дарров янги кўйлагингни, танкеткангни кийиб чиқ, — деди Севаргул қизининг кифтига қоқиб. — Сумкачангга пичина билан бир шиша сув солиб қўй.

— Эгнимдаги кўйлагим-чи!..

— Уни ечиб, сумкачангга сол. Қишлоқда киярсан.

Севаргул уйга кирди, кўйлагини ечиб, каравот устига отди. Нимадир бот-бот санчилаётган каби зирқираётган биқинига қаради: моматалоқ бўлибди. Дарвозага урилган шекилли... Майли, уларгаям боққан бало бордир. Йўқ, ҳаммасидан... ҳаммасидан ўч олиши керак!

Атлас кўйлагини кияётиб, тошойнага яқин борди: юзлари бўғриқиб, қовоқлари шешинқирабди, кўзлари қизариб кетган... Тўзгин сочларини ўримига қўшиб, қайтадан турмаклади. Сўнг жонсарақ бир шошқалоқлик билан боғичи узилган сумкасидан ҳамёни, тароғи... рўмолчасини олиб, кўнғирранг сумкачага сола бошлади.

Шу пайтда Бахтигул қўшни хонадан чиқиб:

— Нана, кетдик! — деди. — Ман таёрман.

— Ҳозир, қизим, ҳозир...

— Ман сизни кўчада кутиб тураман, нана, — деди Бахтигул. — Хайми?..

Ниҳоят, Севаргул ҳовлига чиқди. Ана шунда чораси топилган янглиг бахмал пардалари ёпиб қўйилган хоналарга хомуш тикилди: бу сағана гуруллаб ёнмоғи учун камида бир бидон ерёғи керак. Ерёғини қаердан топади?

— Нана!..

Севаргул дарвозани қулфлаб, калитни сумкага солди. Овлақ кўча оралаб бир оз юрганларидан сўнг:

— Ҳеч нарса ёдингиздан чиқмадимми, нана? — деб сўради Бахтигул.

— Қишлоққа ўзинг борасан, қизим.

— Иби, ана гап! — деди Бахтигул. — Эртага шанбаку, нана, ишламайсиз. Уйда бир ўзингиз ўтирасизми?

— Бийингга нанамнинг зарур ишлари бор экан, дейсан. Балки эртага борарман.

— Бўлмаса эртага икков бирга кетамиз.

Қизининг соддадиллигидан ҳамда айни чоғдаги меҳрсинорлигидан мутаассирланиб:

— Бахтижон, мени яхши кўрасанми, қизим? — деб сўради. — Яхши кўрасан-а?

Бахтигул шартта онасининг қўлидан қайта-қайта ўпиб: — Жудаям, жудаям, жудаям яхши кўраман, нанажон! — деди.

Севаргул қизининг сочларини силаб, елкасига қоқиб қўйди, сўнг:

— Агар мени яхши кўрсанг, одамларга ишонма, — деди. — Энди катта қиз бўлиб қолдинг, бўйинг чўзилди. Бундан кейин ҳамиша ўзингга эҳтиёт бўлиб юр, қизим.

Бахтигул негадир ўсмоқчилаб:

— Дадамга-чи? — деди.

— Дадангни илоё итлар есин, кўзларини қузғунлар чўқисин, қизим! — деди Севаргул. — Дадангни узоқдан кўрсанг, икки тош нарига қоч.

Бахтигул хомушланиб, онасининг қўлидан ушлади. Индамади.

Анча фурсат жим кетишди.

Йўлни ўрталаб, шаҳар марказига чиқдилар. Бекатда йўловчилар кўп эди.

Ногоҳ Бекат орқасидаги тор кўча оғзида таниш машина кўринди. Севаргул унга нигоҳи тушгани ҳамон тиззаларидан мадор қочиб, ҳайкалдек қотди-қолди: орқа ўриндиқда қошу киприкларига қуюқ сурма сурган, ҳурилиқодек бир кулча юз жувон шўх-шан жилмайиб ўтирарди.

Севаргул беихтиёр аламзадалик билан шивирлади: илоё бўйнигинанг узилсин-а! Беармон куйдирдинг. Куйдириш қанақа бўлишини кўрсатиб қўймасам!..

Бахтигул илкис қўлидан тортиб:

— Нана, юрмайсизми ахир! — деди.

Севаргул, жим дегандек, қизининг бармоқларини сиқиб қўйди. Ва улардан кўз қирини узиб-узолмай, гангиган алфозда секин жойидан жилди.

Машина хиёлдан сўнг йўлка ёнидан ғизиллаб ўтиб кетаётганда эса Бахтигул бехос ҳаяжонланиб:

— Ана, дадам! — деди.

Севаргул чаққон одимларкан:

— Даданг эмас у! — деди.

— Дадам-ку, ўзим кўзим билан кўрдим, — деди Бахтигул. — Кулиб бороптила. Орқада битта хотин ҳам бор эди. Сиз кўрмадингизми, нана?

Севаргул индамади — хаёлида бояги мижароли манзара гавдаланиб, қулоғига кампирнинг нафратангиз овози эшитилаётгандек эди: ў, хаёсиз! Яна келдийсизми?.. Йўқ, энди қайтиб бормади. Асло! Уларнинг ҳаммасини ҳали шундай куйдирсинки!..

Шу асно доя-духтирнинг ҳам қурама дашноми қулоқлари остида вишиллаб эшитилаётгандек туюлди: ...чиба вай интў минғир-минғир мекунат! Тавба кардам, аёл ҳам шунчалик ваҳимачи бўладими-я!.. Йўқ, илло бундан кейин қақшатғич ваҳималар исқанжасида ўртаниб-эзилиб юрмади. Бас, шунча хўрлангани етар!

Севаргул қарори янаям қатъийлашаётганини ҳис этаркан, ҳозиргина машинада аналари учратганлигини алланечук мамнунлик билан кўнглидан кечириб, нимагадир шошилаётган каби илдам одимлади.

Шаҳар хийла гавжум, сўлим хиёбонларда одамлар салқинлаб юришипти. Лабиҳовуз теварагидаги кўрпача тўшалган картларда эса қари-қартанглар, ёш-яланглар давра қуриб, қуёш яккаш ўзлари учун нур сочаётгандек, мириқиб чойхўрлик қилишяпти.

Севаргулнинг одамларга ҳаваси келди: ҳамма шод, ҳамма бахтиёр. Фақат... фақат... Бас, бу бахтиқароликка барҳам бериш керак.

— Морозний олиб берайми, Бахтижон?

— Емайман, — деди Бахтигул.

— Йўқ дема, Бахтижон: Юр...

Мармар зиналардан бир-бир босиб, Лабиҳовуз бўйига тушишди. Севаргул шохлари тарвақайлаган, тепасига Лайлак уя қурган қари тут соясидаги бўш стол курсиларидан бирига қизини ўтқазиб, икки тақсимча музқаймоқ олиб борди. Ҳовучидаги битта уч сўмлик ҳамда талайгина тангаларни қизига узатди:

— Буни сумкачангга солиб қўй, Бахтижон.

— Пулни нима қиламан, — деди Бахтигул.

— Майли... олиб қўявер, қизим.

Кейин Севаргул хаёлан четдан ўзларига назар солди: ана, бахтиёр она-қиз ҳушқол суҳбатлашиб, музқаймоқ еяпти. Улар шу қадар бахтиёрки, одамнинг ҳаваси келади... Ў, бу бахтиёрлик замирида қанчалар бадбахтлик ниҳон-а! Жони метин, бардоши тоғ эканки, чидаб келяпти. Тавба, нима учун шу пайтгача чидадийкин-а! —

— Бахтигул! — деди Севаргул қизининг кўзларига

жавдираб термилиб. — Агар мен бирор кун ўлиб қолсам, бовонгнинг гўрлари ёнига элиб кўмасизлар. Хайми, қизим?

— Э, қанақасиз ўзи! Боринг-э!.. — деди Бахтигул тумшайиб. — Нима учун айтяпсиз бунақа гапларни?!

— Сен энди катта қиз бўлиб қолдинг, Бахтижон. — Севаргул шикаста кулимсираган кўйи, тақсимчасидаги музқаймоқни унинг тақсимчасига ағдарди. — Сендан бошқа кимим бор менинг. Айтаман-да, қизим.

— Йўқ, айтманг! Керак эмас.

— Хўп, — деди Севаргул жилмайиб.

Шундан сўнг бир-икки қошиқ музқаймоқ егач, Бахтигул тақсимчани нари суриб:

— Кетдикми? — деди.

Севаргул ўрнидан туриб, қизининг кифтидан қучганча, Лабиҳовузнинг кунботар тарафидаги баланд зинапоя томон юраркан, бундан кейин ёлғизгинасини қайтиб кўролмаслигини ўйлаб, бирдан бўғзига нимадир қадалгандек, нафаси бўғилди: майли, қайтага шуниси яхши — бувисининг кўз остида, тоғасининг қарамоғида ўсиб-улғаяди — бир тоға етти отага баробар. Агар онақиз шу тахлит бирга яшайверсалар Бахтигул руҳан майиб, маънан мажруҳ бўлиб қолиши мумкин...

Лабиҳовузнинг юқори йўлагидаги яна бир тик зинапоядан кўтарилиб, катта йўл бўйига чиқишди. Йўлнинг нариги бети такси бекати эди.

— Нана, таксида кетаманми? — деди Бахтигул.

— Ҳа, — деди Севаргул.

— Бирга кетаверайлик, нана, — деди Бахтигул. — Ишиз бўлса, эрта яна бирга келамиз.

Севаргул индамади.

Йўлни кесиб ўтишди.

Такси бекатида йўловчилар сийрак эди.

Бир такси йўлга шай турарди.

Майдон ўртасидаги гужумлар соясида қўнқайтирилган пастак ёғоч уйчадан соқоли ўсган, калта енгли кўйлагининг кўкрак тугмалари очик, ранги униққан дўпписини қийшайтириб кийган ҳайдовчи йигит чиқиб, такси ёнига яқинлашаркан:

— Гиждувонга кетадиган мард борми? — деб қичқирди.

Таксининг олдинги ўриндиғида каттакон саллалари бир чол, орқада эса шол рўмол ўраган икки аёл ўтирарди.

Севаргул ҳайдовчига:

— Менинг қизимни Галасиёгача олиб кетинг, — деди.

— Жоним билан, опажон! — деди ҳайдовчи йигит.

Севаргул шофёрга кира ҳақини тўлади, машинанинг орқа эшигини очиб, қизини ичкарига кирғизди, сўнг ўпишиб қайрлашаркан:

— Эртага ўзим борарман, — деди. — Агар боролмасам, душанба кун албатта бийинг билан бирга келингин! Тушундингми?

Бахтигул ўриндиққа ўрнашиб:

— Тушундим, — деди. — Хайр!..

Севаргул чамаси яна ниманидир кутган эди, қизи хайрлашганидан сўнг, бехос овози титраниб:

— Ҳаммаларига салом айт, мен учун бийингни ўпиб қўй, Бахтижон, — деди. — Йўлларда эҳтиёт бўл, кўзингга қара!

— Хўп. Хайр, нанажон!..

— Хайр, Бахтижон!..

Эшик қарсиллаб ёпилди.

Ана, қизи жўнаб кетди.

Севаргул мунграйиб, такси кўздан пана бўлгунча қараб турди. Кейин бирдан дару дунёси ҳувиллаб қолгандек бўлди, гўё сурати бору, сийрати йўқдек... Аммо шу аснода тагин кўнглидаги кажбаҳс фикр хаёлини чир-

маб олди: ана энди уйни олов бериб юборадими, сувга чўктирадими... ўзини осадими — бемалол билганини қилавериши мумкин. Бу ёлғончи дунёга омонат боғлаб турган охири илинжи билан хайрлашди — қизи к е т д и.

Севаргул хомуш йўлни кесиб ўтди. Бир-бир босиб, зинапоядан йўлкага тушди. Девонбеги хонақоҳси олдида бир гуруҳ ярим яланғоч хорижий сайёҳлар ўймаллашиб юришарди. Уларга парвосиз ўтаркан, қачонлардир қулоғига чалинган бир гап ёдига тушиб, маънос кулимсиради: охири замон бўлади. Охири замонда яланғоч аёлу эркак аралаш-қуралаш юраверади.

Ховур уфураётган мармар майдон адоғида Севаргул бирдан тўхтади. Тобора қизи ҳақидаги, ўч олиш ҳақидаги турфа фикрлар шуурида гўжғон ўйнаганча, кўксиде куйдиргувчи бир оғриқни сезган кўйи рўпарадаги дорихонага ўйчан тикилди. Шунда ногоҳ кўнглидан бошқа бир фикр кечдио беихтиёр дорихона томон юрди: дори олади — уйқудори!.. Беғалва... беиснод — ҳеч кимса эрта бир кун қизига таъна тошини отолмайди. Е пирай, шу пайтгача шунини ўйлаб кўрмаган-а!.. Доригар жувон таниш — Назиранинг ҳамшаҳар дугонеси. Агар... онаси учун зарур бўлиб қолганлигини айтса, йўқ дегар, қайтага зўрроғидан топиб берар.

Хиёл фурсатдан сўнг Севаргул ботиний мамнунлик билан дорихонадан чиқди: яхши бўлди. Энди ҳеч ким, ҳеч нима қароридан қайтаролмайди. Асли ўша қаро тонгдаёқ ўлиши... ўзини ўлдириши керак экан!

Севаргул қачонлардир кечирилмас бир гуноҳ қилиб қўйганлигини туйқус англаб, ниҳоят ундан фориг бўлаётган каби енгилгина энтикиб қўйди: ажаб, ўшанда ору номуси, орзую ҳаваслари буткул поймол бўлганлигини фаҳмлаган-у, лекин илло юракда доғу ҳасрат билан яшаёлмаслигига ақли етмаган-а! Аттанг, ўшандаёқ бу ёруғ оламдан, бу ширин ҳаётдан кўз юмиши лозим экан. Шундай қилганида отаси албатта ҳали-ҳануз яшаган бўларди. Эсиз отагинаси-я!.. Ҳаммасига — шармандаларча алданганига ҳам, отасининг бевақт ўлимига ҳам ўзи... фақат ўзи айбдор. Ана энди кеч бўлса ҳамки, айбини ювиши — юракдаги доғу ҳасратдан тозариши даркор. Бунинг учун бошидан ереғи тўкиб, товонидан олов бериши — жасади ўтда гуруллаб ёнмоғи керак-у, лекин начора!.. Беиснод кетгани маъқулга ўхшайпти. Ҳозир ўйга борадио биратўласи уйқудорининг ўналасини ҳам ичиб... у х л а б қ о л а д и.

Бахтигул эртақ тинглаётиб, аллақачон ухлаб қолган эди, гўё кўкрак эмаётгандек тамшаниб, уйқусида қичқираб кулди.

Севаргул қизига майин жилмайиб қараб қўйди.

Жимжит хона ичра сутранг бир сукунат кезаётгандек эди.

Севаргул ниҳоят соқовлик азобидан қутулиб, бурро-бурро гапириб юборганиданми ёки эртанги кунни бугундан янаям яхшироқ бўлажағига кўнглида умид нишоналари учқунланаётганигами... хийла хушхол эди. Узала тушиб ётаркан, уйқудори — заҳри қотилнинг устма-уст ўнтасини ичганидан кейин, хийла фурсат ўтгач, тобора жисму жонини таҳликали бир қарахтлик ўз домига тарта-торта, қовоқлари лаҳза сайин оғирлаша-оғирлаша, ахийри шамдек қотиб қолганлигини эслади. Ва негадир боягина тушида дор чигириғидан қулаб тушаётганида қўрққанидагидек юраги шув этиб кетди: агар ўлим уйқусидан уйғонмаганида, нималар бўларини тасаввурига сиғдиролмай маҳзун назар билан қизига қараб қўяркан, ўшанда — беомон интиқом туйғуси сўқирну басир қилиб қўйганда — лоақал нуридийдаси эрта бир кун иснодга қолиши мумкинлигини ўйлаб

кўрмаганига дилида афсус-надомат ҳиссини туйди: ўзини бадбахтликдан қутқаришнинг ночор усулини ўйлаб топибди-ю, аммо қизгинасини бир умр бахтиқароликка маҳкум этмоқчи бўлаётганлигини ҳатто хаёлига ҳам келтиролмабди. Ҳаҳ, хом сут эмган нодон бандая!

Тағин кўнглини бўзранг бир ҳасрат чулғаб, касалхонанинг чоғроққина палатасида алаҳлаб ётганини эслади: ё тавба, ўлолмай қолганига қанчалар пушаймон чеккан эди ўшанда!.. Тинмай уйқу босиб келаверар, лекин хиёл мудрар-мудрамас, ўз тобути устида ўзи уввос солиб бўзлаётгандек, чўчиб уйғониб кетар эди... Бир оқшом чоғи иситмаси оташ исқанжасида ўртаниб ётганида, У мўлтирабгина кириб борган, Севаргул эса, йўқол кўзимдан, деб қувган эди: агар эндиям тинч бўлмасанг, ҳаммасини судга бориб айтаман!..

Ҳўш, судга нимани айтади — ўзининг алданганлигини ёки ҳаром-ҳариш йўллар билан топилган пулга унинг ҳовли олиб бериб қўйганлигини? Ахир, бу ҳовли ўзининг бадном қилинганлиги эвазига берилган инъомдан бошқа ҳеч нарса эмас-ку?! Агар шуни айтса, оққина товукнинг ҳолига тушиб, баттар ўзи шармисор бўлади... Ҳамма бало шундаки, арзу додини бировга айтолмайди.

Аммо жуда нодон экани, шунча можаро, шунча кулфатдан кейин ҳам унинг марҳаматига учди — текин йўлланмаю мўмайгина пулни олиб, денгиз саёҳатига жўнади.

Ахир, нима учун яна унинг тузоғига бўйини суқди — чилпарчин муносабатларни қайтадан тиклаш учунми?.. У-ку шуни истаган, шу илинжда марҳамат кўрсатган эди. Наҳотки, унинг ҳийласини тушунмаган бўлса-я?! Тушунган... тушунган эди-ю, лекин барибир тан олиши керак, — аввал-бошдан заифона таъмининг қурбони бўлиб қеляпти, — у гал эса таъмагириликдан ташқари кўнгилчанлиги ҳам панд берди: Шавкат Исломовичнинг оталарча хайрихоҳлигига нисбатан ношукрлик қилгиси келмади. Кейин, ўшанда Шавкат Исломович тағин бир яхши гап айтган эди: ўтирган — бўйра, юрган — дарё. Менинг маслаҳатимга кўнсангиз, саёҳатга чиққанингиз дуруст, Севаргул. Ана кейин мени айтди дерсиз, саёҳат баҳонасида кўзингиз очилиб, кўнгилни бадавлат қилиб қайтасиз...

Туйқус Севаргулнинг хаёлларини тўзитиб, бедор бир қуш ҳовли устидан потирлаган кўйи учиб ўтди.

Салқин шабада эди. Тут барглари оҳиста шитирлади.

Бахтигул сутга қонган гўдак каби пишиллаб ухламоқда эди.

Севаргул қизининг устини енгилгина ёпиб қўйди. Сўнг, рост, деб ўйлади: саёҳатдан кўнгили кўзи очилиб қайтгани рост. Одамларни кўрди, билди, англади... Назарида, — айни чоғда буни янаям теранроқ ҳис қилаяпти, — бир эмас, нақ икки марта ажал чангалидан омон қолгани учунми, ҳаётга ташна... ташнадек. Қолаверса, бу ёғида аввало қизи учун яшаши, қизининг келажаги учун қайғуриши керак... Эҳтимол, қишлоққа кўчишга тўғри келар: анави ярамас, исқоти тағин ҳовли теварағида ўралашяпти, пайт пойлаб яна ўғри мушукдек кириб келса!.. Билмади-да, асли ўшандаёқ Шавкат Исломовичга узр-маъзур айтиб, унинг марҳаматига тупуриш керак экан...

Кўққис маҳобатли ёштин бино тарафдаги майдондан тапир-тупур оёқ товушлари эшитилди — кимдир жонҳоври кўрқиб қочмоқда эди шекилли. Хиёл фурсат ўтар-ўтмас бир қизнинг:

— Ва-а-ай! Ойижо-он! — деб чинқиргани тун сукунати тилкалаб юборди. — Ёрдам беринглар!

Севаргул бирдан кўчага отилиб чиққудек қоматини тиклади, лекин юрагида бир уюшиқни сезиб, тек қотди: хотин боши билан қўлидан нимаям келарди? Боз устига нимжон бўлса.

— Одамла-а-ар! Ўлди-и-им!!..

Кейин, ноҳос қудуққа тушиб кегандек, қизнинг уни ўчди.

Тобора бир хавотир кўнглида зўрайиб бораётганини ҳис этиб, Севаргул қизга ўгирилиб қаради: Бахтигул уйқулиб кўрққанми — ғужанаклиниб ётарди.

Севаргул чойшабни қизининг кифтига довул тортиб қўйди.

Шу аснода муюлишдан жинкўча сари елиб ўтаётган оёқ товушлари ҳамда бир қизнинг аянчли изиллаб йиғлаётгани қулоғига чалиниб, ҳойнаҳой бечорани шилиб қўйворинди, деб ўйлади: оқшом маҳали йигити билан гулзордаги мажнунтол тагида ўтирган қизми-кан-а? Йўғ-э, у эмасдир...

Бир оз фурсат ўтар-ўтмас, оёқ товушининг аксу садоси сусая-сусая тун бағрига сингиб кетди.

Севаргул тағин тўшакка чўзилиб, пешонасию юзларини ўйчан сийпаларкан, ҳамон бемаҳалда илтижоли чинқирган боёқиш хаёлини тарқ этмаган эди. Шу боисми, қулоқлари остида... раҳматли Саида Мирзаевнанинг дардаш овози оҳиста эшитилаётгандек туюлди: ҳали гулдек жувонсиз. Қизингизга қўриқвон, ўзингизга меҳрибон бир эркак жудаям лозим, Севаржон!..

Бехос чўғ босилгандек кўкси куйишиб, Саида Мирзаевнанинг чўкиб кетганлигига ишонгиси келмай, Севаргул ғамгин уф тортиди: бечорагина ўшанда жемпери билан ҳавобанд нимчасини бесабр кутиб, ғалағовур палубада зир титраб югургандир. Кейин... чўкаётган маҳалида нималарни ўйлаган бўлсайкин-а?..

Узи эса яқкаш Бахтигулни ўйлаган эди.

Беихтиёр Севаргулнинг кўз ўнгида яна даҳшатли манзара аниқ-тиниқ намоён бўлди: ана, гўё учиб бораётиб сувга бемажол қулаб тушган қушлардек одамлар денгизда жонҳоври тапирлаб сузишяпти... Сув сатҳини қопқора мойдек нимадир қоплаб олган. Кимдир боласини бўзлаб қақирмоқда... Тоғдек қорайиб турган кема чиққарининг нурлари бир-бири билан кесишиб, сув юзиде бетиним изғишади... Ҳув нарида бир кампир қўлларини ҳавода мадорсиз тўлғаган кўйи, фарёд чекаяпти... Севаргул сузишни билмас, қўл-оёқларини бетиним типирлатавериб, ҳолдан тоя бошлаган эди. Ана, ёнида бир эркак пайдо бўлди. У негадир пишқиряпти... Беихтиёр Севаргул эркак томон суза бошлади. Аммо, нечундир ваҳимага тушиб, эркак нима биландир бошига урди. Севаргул ҳушдан кетаркан, бир зум кўзларига қизининг нигоҳлари қақнаб кўрингандек бўлди. Кейин...

...Кейин, «Соҳил» меҳмонхонасида кўзларини очди: ҳаммаёқ ёп-ёруғ, одамларнинг узук-юлуқ овозлари, кимларнингдир инграётгани эшитилади. Назарида, боши хумдек шишиб, ичига... алланимадир жойлаб қўйилгандек эди. Кўзлари тиниб, қулоғи тинимсиз шанғиллаганча, секин қоматини тиклади. Ён-берига беҳол кўз югуртирди: атроф-теварақда каравотлар... Одамлар оппоқ чойшабларга ўраниб ётишибди... Қўллари оппоқ дока билан танғилган бир аёл каравотда ўтириб йиғлаяпти... Оппоқ қалпоқчали ҳамширалар у ёқдан-бу ёққа зир югуришмоқда... Ойнабанд эшик олдидаги кенг майдончада оқ халатли аёллар, кишилар айқашиб-уйқашиб кўзга чалинадилар.

Севаргул зирқираб оғриётган чап қулоғи орқасига аста қўлини узатди: озроқ пахта қўйиб, елимшак боғич билан ёпиштирилган экан. Секин босиб кўрган эди бирдан кўз олди хиралашиб, қулоқлари остида тағин

сувнинг ваҳшатли шалоплаши, одамларнинг қий-чув сурони эшитилаётгандек бўлдию ҳушдан кетаётган мисоли мажолсиз каравотга чўзилди...

Уша пайтда Севаргул нималар рўй бераётганини дурустроқ англаб-англаёлмаган, буларнинг ҳаммасини кеча... йўқ, уч-тўрт кундан бери лаҳзама-лаҳза эслаб, энди гоҳ таассуфга, гоҳо даҳшатга тушиб ўртанаяпти.

...Бир пайт Севаргулнинг ёнига кўзойнак таққан, ўрта ёшлардаги дўмбоққина аёл келиб алланималар дея узоқ гапирди. Лекин Севаргул унинг гапларини англаёлмади. Унга нимадир демоқчи бўлган эди, оғзидан ғалати хишиллаган товуш чиқди. Бундан баттар ваҳимага тушиб, янаям мунғайди. Кейин гапирмай қўйди.

Дўмбоққина доктор аёл ортига бурилиб, шарпадек узоқлашди. Хиёлдан сўнг у қирқ беш ёшлардаги басавлат бир кишини бошлаб келди. Унинг кўзлари мотамсаро қизарган, юзлари сўлғин, соқоли кумушранг, сочлари эса оппоқ оқариб кетган эди.

Мана, Севаргул ўша гап-сўзларни энди эсларкан, беихтиёр юраги сирқираб оғрияпти: салобатли кишининг яқиндагина ўрта мактабни битирган ўғли ёнида экан, денгизга чўкиб кетибди. Ғам еманг, синглим, деб таскин берган эди салобатли киши: доктор опангиз айтаяптиларки, тез орада тузалиб кетармишсиз. Сизни обдан текширишганмиш... Қаттиқ кўрққанингиз учун тилингиз тутилиб, овозингиз чиқмаётганмиш. Кейинчалик албатта яна аввалгидек гапирадиган бўлармишсиз... Сингилжон, мен ўғлимдан айрилдим. Бундан кўра қўл-оёғимдан айрилсам бўлмасмиди! Ғам еманг, сингилжон!..

Эртаси эди шекилли, Севаргул бир парча қоғозга исми шарифио турар жойини амал-тақал ёзиб бергач, талайгина кийим-кечак келтиришди: шиппак, чиройли туфли, ажойиб этикча... Ҳар хил қўйлақлар, плаш, пальто... ҳамда қўлга аллақанча пул тутқазишди.

Кейин, тушга яқин махсус самолётда сайёҳларга қўшиб, Тошкентга кузатиб қўйишди. У ёқдан эса дарҳол бир ҳамшира ҳамроҳлигида Бухорога учган эди...

Ажаб, кўзи очилди, лекин жуда кеч очилди. Шу пайтга довер ҳаётнинг қилич тиғидек дор симида сўқир кўз билан юрган экан. Чиғириғидан эса устма-уст бир неча бор ёмон қулади.

Аммо бирдан кўзи очилган одамнинг чопқиллаб юриб кетмоғи кўп мушкул экан: боши айланаётгандек, кўзлари тинаётгандек...

Дарвоқе, ўйлаб қараса, раҳматли Саида Мирзаевнанинг маслаҳати чакки эмас, қизига бир қўриқвон лозим. Шубҳасиз...

Бироқ отаси қилолмаган қўриқвонликни етти ёт одам — бегона э р к а к ... Йў-ў-ўқ, қизи бўй етиб келаяпти. Ҳар жиҳатдан қишлоққа кўчгани маъқул шекилли. Укаси тирсакламас. Ахир бир қориндан талашиб тушган жигари-ку!..

Ишқилиб, ҳаётда ўзи кўрмаган... кўролмаган роҳат-фароғатларни нуридийдаси кўрса бўлгани.

Қаердадир бир ит мудроқлашиб вовуллади. Бир оздан сўнг яна жимиб қолди.

Намхушгина куз шабадаси эсмоқда эди.

Севаргул жунжиккандек бўлиб, устига чойшабини тортиди.

Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ, деб ўйлади сўнг Севаргул беихтиёр орзиқиш билан энтиқиб: ёруғ кунларинг ҳали олдинда, Севар.

Олам оп-ойдин — фалакнинг аллақайси буржига етган тўлиной борлиққа мўл-кўл нур сочар, юлдузлар эса янаям чақнаб, бағрига чорлаётган каби сирли жавдирамоқда эди.

1987 йил.



Абдуҳамид  
Жалилов



## Қишлоқ оқшоми

Кўкси қалқон, мағрур тераклар  
Олисларга ташласа соя  
Офтоб сочин этганча чамбар,  
Оқшом бошлар ажиб ҳикоя.

Бу кун ўтди, ўтмади бекор,  
Кундуз қайтар ҳорғин ва чарчоқ.  
Кўча бўйлаб сафланган қатор  
Дарвозалар очади кучоқ.

Қийқирганча чиқади пешвоз  
Чопқиллаган ялангтўш шодлик.  
Бошланади меҳнатга ҳамроз  
Ҳар гўшада бахтиёр «шоҳлик».

Гулзор ичра юзлари ёниб  
Кимдир сара гуллардан узар.  
Бир сесканар, кетар уйғониб  
Намозшомгул — мудраган гўзал.

Сокингина қўнғироқ чалар  
Шаббодада чайқалган узум.  
Кун тиғида пинакка кетган  
Симёғочлар очади кўзин.

Учиб-қўниб шодон челақлар  
Чўмилгани чиқарлар бир-бир.  
Сув бўйида кечар эртақлар,  
Хўрсинади зангори шивир.

Тун дилором, шу қадар дилбар,  
Тўхтаб қолар сайёра ҳилол.  
Олис тоғлар яқинроқ келар,  
Олисларга етаклар хаёл.

\* \* \*

Оппоқ қор. Оппоқ қор. Эзилиб ёғар.  
Осмон кўринмайди,  
Зарралар вазмин.  
Фалакдан тўзғиган хаёллар тушар,  
Бир оғир сезгидан  
Силкинар замин.

Заминдан жой излар музлаган туйғу,  
Маконин тарк этиб, айтинг нетади?  
Осмон «оқ» қилгандай кўпдан сарсон у,  
Сал меҳр бўлса бас, эриб кетади.







Амина Бинту ўрнидан туриб, куйлай бошлади:

**Жон Мос-ка-вам — пойтахтим,  
Салом сенга Хоразмдан.  
Қувончимсан, ўзинг бахтим,  
Салом сенга Хо-ра-змдан.**

Хитой, Бирма, Цейлон, Туркия, Эрон, Афғонистон... Бутун Шарқ Комилжон акани таниди. Санъатига қойил қолди ва тан берди.

Комилжон ака Туркиянинг Истамбул шаҳрида Ҳазрати Али масжиди жомеъ саҳнида қўшиқ куйлаганида йигирма минг одам йиғилган эди. Концерт тугагач, Ҳазрати Али масжиди бош муаззини бошчилигида махсус ҳайъат тузилиб, Комилжон ака ёнига келадилар ва ундан оғзини очиб томоғи ва халқумини кўрсатишни илтимос қиладилар... Ғайриоддий бу таклифдан Комилжон ака дастлаб ҳайратга тушади, кейинроқ эса бу талабнинг мақсади ойдинлашади. Маълум бўлишича, қўшиқ тингланганлар «бу янглиғ овоз одам — бандга насиб ўлмас, балки томоғида бирорта мослама бордир» деган фикрга келган эканлар. Комилжон ака ним табассум билан уларнинг таклифига рози бўлади ва ҳайъат аъзолари машҳур санъаткор томоғида «ҳеч қандай мослама йўқлигини» эътироф этади. Аслида, турк тингловчиларини ҳайратга солган нарса Комилжон ака овозидаги бемисл қудрат бўлган экан. Узунасига бир неча тақрибга чўзилган йигирма минг номоҳзон тез чўкиб, суждалиқ ҳолатига сомеъ бўлиб ўлтирар экан, ҳеч қандай овоз кучайтиргичлари бўлмаган саҳнадан туриб куйланган қўшиқ барча тингловчиларга бутун мазмундорлиги ва ширардорлиги сақлаган ҳолда етиб бориши мўъжизадай эди-да.

Эртаси кун Туркия газеталарида «ўзбек диёриннан галган нағма ва ошиқ (қўшиқ) пири» ҳақида шов-шувга тўла мақолалар пайдо бўлади.

Хитойнинг Манжур вилоятида салкам эллик даража совуқда қўшиқ куйлаганида ҳам овозининг тархи бузилмаган бу мўъжизавий санъат соҳибининг хорихда шўҳрати зўр эди.

## Иккинчи афсона

«Шаҳзода Жалолиддин оғир қайғудан эзилган гавдасини адл кўтариб, ёш тўла кўзлари билан йиғилганларга назар солди. Унинг ўтли нигоҳидан даҳшатга тушган аёнлар ва лашкарлар орқага тисарилдилар...

Жалолиддин хиёл эгилиб, тиззасига ёпишган қумларни қокди, қирғоққа кўпикланиб урилаётган мовий тўлқинларга бир зум сассиз тикилиб турди, сўнг бўғиқ овоз билан деди:

— Бу одам ўз шавкатли қўшини билан нафақат Чингизхонни, билъакс, бутун дунёни забт этишга қодир эди. Аммо, ҳозир боши узра қўнган қузғунни қувғали ҳам ҳоли-мадори йўқ... Е фалак! — Унинг бўғиздан ўтли бир нидо отилиб чиқди. Йиғилганлар овоз чиқармасдан йиғлар эдилар.

Жалолиддин бир неча қадам босди. У қайноқ күзешларини тўкканича, қиличини қинидан чиқарди. Қаршисига пешвоз чиққан Темур Маликка бир қараб қўйди-да, қиличини икки букиб, синдирди. Бунни кўрган аҳли аламон оху нола кўтариб фарёд урдилар. Жалолиддин қилич дастасини сўл томон, тигини ўнг томондаги қумга кўмиб, Темур Маликка деди:

— Машшоқларни чорлангиз!

Жалолиддин ўз қўшини билан бирга олиб юргувчи, чанг, уд, барбод, даф, арғанун ва ногора кўтарган, оғир изтиробда эзилган машшоқлар бир-бир босиб шаҳзодага яқинлашдилар. У эса бошини хил эгиб, жонсиз ётган Хоразмшоҳ Мухаммад тарафига тикилиб турар, марҳумнинг бошида ўтириб, пичирлаб дуо ўқийётган Қозикалондан нигоҳини узмас эди. Ниҳоят, кўзларига қўйилиб келаётган ёшларни куч билан тўхтатди-да машшоқларга амр этди:

— Сизким, бир куй ижод қилингиз... Ул куй «Соҳили Султон» дея аталсун! Бу куй Хоразмшоҳ Мухаммад салтанати етиб келган ул забун соҳил ҳақида, султоннинг рихлат тоғон кимсасиз соҳили, ул Буюк Хоразм инқирози соҳили ҳақида бўлсунким, то абад бу куй чалинса, Ватанини отасидан ҳам азиз деб севгувчи, тарикати Кубравиянинг фидойи бир ўғлонининг синган қиличининг саси келгай...

У жонсиз, кафансиз, жанозасиз ётган Хоразмшоҳ тарафига бир қараб қўйди.

— Ул куй «Соҳили Султон» аталсун! — деб яна бир қарра амрона оҳангда таъкидлади-да, индамай чордона қуриб ўтириб олди. Машшоқлар оғир бир куйни чала бошладилар...

Чиндан ҳам бу куйни илк бора эшитган кимса ҳайрат-ҳаяжонга тушмасдан иложи йўқ. Куй сокин, ҳазин бошланади. Аста-секин авжига чиқиб, сўнг бирдан пасая бошлайди, пировардида тингловчини қандайдир мубҳам ҳисларга ошно этади...

Камина бундай кайфиятга кўп бора тушганман. Бу ҳақда Комилжон акага гапирганимда, у юқоридаги афсонани айтиб берди. Уз элининг тарихини Комилжон акадай теран биладиган одам кам топилса керак. Айниқса, эски ўзбек имлосини яхши билишлиги, қадимий кўлэзма асарларни топиб мутолаа қилишлиги ҳали кўпчилик билмаган маълумотларни ўзлаштириш имконини берарди. У аниқса классик адабиётимизни жуда яхши биларди. Шеърят назарияси билан жуда яхши таниш эди. Комилжон ака машҳур классик шоирларимизнинг тазкираларини асл нусхада мутолаа қилар, форс, туркман, озарбойжон тилини мукамал билар эди.

Туркманистон Фанлар академиясида Махтумқули ижодий меросини ўрганиш бўйича кенг кўламли илмий ишлар бошланганида, туркманистонлик олимлар ундан жуда катта ёрдам ва мадад олганликларини ҳали-ҳали гапириб юрадилар. Чунки у Махтумқули девонини бошдан-оёқ ёд билган, шоирнинг қарашлари ва фалсафий олами ҳақида мукамал тушунчага эга эди.

Фанда сўфизм назарияси деб ном олган ва ислом ортодоксал схоластикасига қарши оппозицион кайфиятда кечган тасаввуф ҳаракати қонун-қоидаларини, чалқаш масалалари ва мақсад-вазифаларини кенг шарҳлай оларди. Тасаввуф тўғрисида машҳур олимлар Е. Бертельс ва С. Толстовлар билан мубоҳаса қилишиб, айрим мунозарали масалаларда яқдилликка келишганлари ҳақида сўзлагувчи эди.

У ҳазрат Навоийни яхши тушунар, севар эди. Рухига Машрабни жуда яқин кўрарди. Машраб ғазалларини машрабона жўшиб куйларди. Бир кун «Аросина» радиопрограммасида ғазалини шарҳлаётиб, бундай деган эди:

— Машраб ёр васлига етишган лаҳзани шундай қойилмақом таърифлаганки, ҳеч бир шоирда бу янглиғ ўхшатишни кўрмадим. Чунончи, унинг: «Зарра қачон сизгар, билгинг, васли санам аросина» деган сатри бор. Санам васлига етганимда орага ҳатто атом (зарра) ҳам сизмайди, дегани бу!

## Учинчи афсона

«Лазги» — хоразмнинг энг қадимги куйидир. Хоразмда бу куйдан қадимийроқ куй йўқдир. Бу куйни на эронийлар, на юнонийлар, на араблар йўқота олдилар. Фақат улар бу куйнинг қўшиғини йўқотдилар, куй эса мангуликка дахлдор бўлиб қолаверди.

Хоразм «Лазги»сини ҳозирги даражага кўтаришда Комилжон аканинг беқиёс хизмати бор.

Дарвоқе, Жалолиддин Мангуберди бошлиқ Хоразм лашкарлари Озарбойжонни истило қилганларида, ғалаба шарафига «Лазги» куйи чалинган экан. Ерли аҳоли «Келгиндилар кимлар экан?» дея бир-бирдан сўраганларида: «Аллақандай лазгинлар келишибди!», дея жавоб берган эканлар. («Лазгин» сўзининг этимологияси «лазги»дан олинган деган қарашларда, дарҳақиқат, жон бор.)

«Лазги» қўшиқ тексти йўқолган учун асрлар давомида фақат куй сифатида ижро этиб келинган. Хоразмда тўққиз хил «лазги» бўлган экан: сурнай, буламон, қайроқ лазгиси, масхарабоз лазгиси ва ҳоказо... Шу лазгилар оҳанглари умуллаштириб, унга мос сўз боғлаб куйлаш илк бора Комилжон акага насиб этди. У устози Мадраҳим Екубов-Шерозий кўмагида «Лазги» куйига Комил Хоразмий мухаммаси билан қўшиқ тайёрлади ва беқиёс ижро этди. «Лазги» куйи шу тарихи қўшиққа айланиб, ажойиб маънавий мулкимиз бўлиб қолди.

Комилжон ака билан бўлган мулоқотларимиздан бирида «Лазги» ҳақида гап очдим. Мусиқанинг инсонга эстетик таъсири, шавқ-завқи ҳақида одатдаги гаплардан гапириб, сўзимни чўзиб юбордим.

— «Лазги» — илоҳий, муқаддас куй, — деди у гапимни бўлиб. — Мен унга дастлаб сўз боғлаб айтганим ҳам рост. Худди шунинг учун ўзимни даҳрийдек сезаман... — У кўзимга маънос тикилди. — Йўқ, мени мутаассиб деб ўйлама. Менинг

худойим — табиатдир! Нечунким «Лазги» — инсоннинг яратилиши, пайдо бўлиши ҳақидаги куйдир! Шундай афсона бор: инсон танаси ва жони дастлаб алоҳида-алоҳида экан. Жонга «Жасадга кир!» дедилар. Жон жасадга кирмади. «Нечун жасадга кирмайсан!» деб жондан сўрадилар. У «қўрқаман» деб жавоб айтди. Шунда, ғойибдан бўлдим, «Лазги» куйи чалинибди. Куйга мафтун бўлган жон жасадга кирганини ўзи ҳам сезмасдан қолибди... Узинг биласан, — дея сўзида давом этди машҳур санъаткор, — куй бошида «рез» билан чалинадиган пауза мавжуд. Раққоса ана шу «рез» монанд қўлларини ҳавода муаллақ силкитиб туради. Ва куй бир нафасга тўхтайдди. Қўллар ҳам муаллақ қотиб қолади. Соз бир нола беради. Қўллар бир титраб тушади. Яна бир нола... яна бир титраш. Яна бир марта... уч карра нола... Ниҳоят жўшқин куй бошланади. Аста-секин бармоқларга жон югуради. Бармоқлардан ҳаракат панжаларга, кейин билакларга, кейин сийнага ўтади. Жасад «тирилади». «Лазги»нинг жонбахш, ҳузурбахшлигининг сири ҳам ана шунда. Утмиш устозларим бу куйни илоҳий деб санаб, унга сўз бойлашга журъат этолмаганлар. Мен эса, — дея ғамгин жилмайди у, — шаккоклик қилдим: «Лазги»га сўз бойлаб ижро қилдим.

Буюк яратувчидан яралиб, унга сайқал бериш бахтига ноил бўлган одамнинг қўрқуви ҳам бежиз эмас. Чунки унинг ёмон сайқал беришга, мукаммал тилсимотни ёмон мавҳумотга айлантиришга ҳаққи йўқ. «Лазги» ҳам шундай мукаммал тилсимотлардан бири эдики, қўшиқнинг қандай яралиши Комилжон Отаниёзов учун тақдир эди. Муваффақият ёки мағлубият. Ё у ёқлик бўласан, ёки бу ёқлик...

— «Лазги»ни ижро қиладиган раққосаларга эътирозим бор. Бу куйга рақс бир жойда, қўзғалмасдан ижро этилади. Бир жойда бир минг юз хил усул билан ижро этилиши керак. Умуман, рақслардаги палапартишликни, бекорга елиб-югуришларни хоразм санъати кўтармайди. Биздаги энг енгил ва

шўх мусиқаларга ҳам раққосаларимиз вазмин рақс тушганлар. Худди шундай — бир жойда туриб рақс ижро қилишни ҳинд раққосаларида учратган эдим. Улар ҳар бир ҳаракатни бир жойда туриб, мутаносиб ва сокин бажаришга ҳаракат қиладилар.

Санъат ҳақидаги Комилжон аканинг кўплаб фикрларини ёзиб олмаганимдан ўкинаман. Афсус, қаршимиздаги одам бир куни келиб бўлиб қолишни гоҳо пайқаймаймиз!

## Тўртинчи афсона

Мен ўша кампирнинг ҳолатини кўз олдимга келтиришга уринар эканман, бунинг уддасидан чиқа олмаслигимни сезиб турардим. Уша дамда қандай аҳволга тушган экан у?! Қани энди рассом бўлсаму унинг ҳолатини рангларда тасвирласам...

Кампирнинг ягона илинжи бемаҳал бу дунёдан кетган ўғлининг васиятини бажариш эди, холос. У раис ва бригадирни ҳоли топиб, уларга маслаҳат солди: «Болаларим, раҳматли ўғлим, Комилжон деган артист йигит бор, ўшани тўйга олиб келсанлар, гўримда тинч ётар эдим, дея васият қилган эди, — дея кўзларида ёш билан раис ва бригадирга илтижо билан боқди. — Неварамнинг тўйига Комилжонни олдириб берсангизлар...» Раис билан бригадир ўзаро кўз уриштириб олишди. Орага жимлик чўкди. Ойназор улардан жавоб кутар, раис билан бригадир ҳадеганда жавоб беравермас эдилар. Ниҳоят, раис бир йўталиб олиб, гап бошлади: «Энди, она, гап бундай... Узингиз яхши биласиз... нима десам экан... Комилжон унча-мунчанинг тўйига келмайди. Ҳалиги... нимади...» Раиснинг сўзини бригадир кучлаб тушди: «Тўғри, раис бува. У сизнинг тўйингизга келармиди. У, ахир, Комилжон...» Эсанкираб қол-

**Комилжон Отаниёзов ва унинг сафардошлари  
Радж Капур оиласи даврасида**



ган кампир раиснинг хонасидан бир алпозда чиқиб кетди. Орқадан бригадирнинг истеҳзоли «нотавон кўнгилга қўтир жамашов» деганини эшитиб, аъзойи-баданига титроқ турди; йиқилиб тушишига сал қолди. «Бораман, ўзининг ёнига бораман!»

...Дарвоза ёнида бош эгиб турган кампирнинг хаёллари алағда эди. Дарвоза очилиб, қорачадан келган, келишган бир йигит чиқиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Онаизор йигитга дарду ҳасратини тўкиб солди.

— Мен Комилжоннинг ўз оғзидан эшитмоқчи бўлиб келдим. Майли, болам, унинг ўзи менга айтақолсин... Тўғри, мен сал камҳаржроқман. Аммо-лекин фарзандларимга ҳаром пулнинг нонини едирганим йўқ... — Онаизор жимиб қолди.

— Она, юринг, менга уйингизни кўрсатинг. — Йигит шундай дея йўлга отланди. Урганчдан то Хевага етгунга қадар кампир мубҳам ҳислар оғушида келди. Кейинги воқеалар кампир кўз ўнгида ғоят тез бўлиб ўтгандай бўлди. Айниқса, у Комилжоннинг бригадирга айтган сўзларидан ғоят таъсирланди: «Эй, сен, — деган эди Комилжон, — эҳтимол мен сенинг тўйингга келмасман. Лекин бу онаизор... Одам ажратишни сенга чиқарган, мен бўлсам мана шундай табарруқ инсонларга хизмат қилиб ўрганганман. Зеро, санъаткорчилик матлаби шундан иборат! Шундай фаровон замонамизда сен нималарни ташвиқот қилаётганинги биласанми?»

Комилжон ака онаизор тўйига кетган барча харажатни ўз гарданига олди. Яна тўйда беминнат хизмат қилиб берди.

Ҳа, ҳа, мен кампирнинг айнан ўша ҳолатини сира кўз олдимга келтира олмайман...

## Сўнги афсона

Комилжон ака ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Имкон даражасида мен бу ёзилганларни ўқиб бораман. Улар бадий жиҳатдан ҳар хил — юксак савиядагилари ҳам, ўртамиёналари ҳам бор. Бироқ, уларнинг барчаси бир хил қолипдан чиққанга ўхшайди. Гўё Комилжон ака талант бўлиб дунёга келгану қаршисида барча эшиклар «ланг» очилиб, санъат қасрининг улкан шохсупасига тўғридан-тўғри, ҳеч бир машаққатсиз, қийинчиликсиз чиқиб олгандай тасвирланади, бу бадиларда унинг умри гўё худди саҳифаларда тасвирланаётгандай силлиққина кечган. У ҳеч ҳам ҳаёт ташвишлари ва машаққатларини бошидан кечирмагандай. Агар шундай бўлганида Комилжон ака 58 ёшида ҳаётдан кўз юмган бўлар эди. Агар шундай бўлганида ижодининг айна гуллаган пайти, ўнг қўли ва ўнг оёғи фалаж бўлиб қолмаган бўлар эди. Агар шундай бўлганида, у ҳали ҳам биз билан бирга умр кечириб, мўъжизалар яратган бўлар эди.

Таъқиблар, иғво, ҳасад, хўрлаш ва камситишлар Комилжон акани ҳам четлаб ўтган эмасдир. Шердай бўлиб, шер кучини санъатдаги яратувчиликка эмас, таъқиб, иғво, ичи қоралик, ёвузликнинг атрибутлари билан курашга сарфлашга мажбур бўлди. Вақтинию асабини тухмат ва бўҳтонларга қарши кураш учун сарфлашга мажбур бўлди.

Комилжон ака оғир дардга чалинишидан сал олдинроқ, у ҳақида ярим соатлик фильм-концерт суратга олинган эди. Фильм режиссёри Т. Акрамов шундай ҳикоя қилади:

— Мен «Комилжон Отаниёзов кўйлайди» фильмини ҳозирги даражасидан ҳам бир неча баробар аълороқ қилиб суратга олишим мумкин эди. Бироқ мен бу фильمنى шошиб татом қилдим. Чунки, шундай қилмасам фильм чала қолишига кўзим етган эди... Сёмка бошланибдики, Комилжон ака ўз-ўзидан тез-тез асабийлашадиган одат чиқарди. Уни аввалдан таниганим учун бундай одати йўқлигини яхши билардим. Аста-секин нега бундай бўлаётганининг сабаби ҳам аён бўла борди. Комилжон ака қандли диабет касалига чалинган, қон босими ҳам бор эди. Яна, ўн йиллар олдин операция қилиниб, ўт халтачаси ҳам олиб ташланган эди. Қандли диабет касаллиги билан қон босими бир келса, одам қачондир инсулт бўлиши, миясига қон қуйилиб, шол бўлиб қолиши медицинадаги қонуният эканлиги ҳам менга аён эди. Бу бераҳм дарднинг дестлабки белгилари асабийлашиш билан бошланишини билганим учун Комилжон акани иложи борича асабийлаштирмакликка ҳаракат қилдик... Фильм бошланишида шундай манзара бор: камера бино гумбазига «саёҳат» қилиб, аста-секин умумий планга ўтади. Кадрда улкан гумбаз, қасдимий кошин нақшлари намоён бўлади. Хевада бўлган ҳар бир сайёҳ бу Паҳлавон

Маҳмуд мақбараси эканини таниб олади. Кейин Комилжон ака ва устози намоён бўлади ва «Хоразм сеғоҳи» қўшиғи ижроси бошланади... Киночилар тилида импровизация деб аталадиган бу усул туфайли, Комилжон ака гўё мақбара ичиде қўшиқ айтаётгандай бўлиб гавдаланади. Бу, албатта, кинонинг ўзига хос имкониятидир... Фильм жуда катта шўҳрат қозонди. Комилжон акадан ягона ёдгорлик бўлиб, санъатимиз олтин фондидан жой олди. Фильмни ниҳоядагиду сал ўтгач машъум дард Комилжон акани йиқитгани ҳақидаги совуқ хабарни эшитдим. Машъум қонуният амалга ошган, Ўзбекистон булбули шол бўлиб қолган эди. Комилжон ака дард билан олишиб ётар экан, эл орасида мудҳиш бир иғво тарқалди: эмишки, Комилжон ака Паҳлавон Маҳмуд мақбарасида ашула айтгани учун авлиё ғазабига учраб, шол бўлиб қолган эмиш... Бу мишмишни тарқатган кимлар, денг? Тўй-ҳашамларда Комилжон акадан инъом олиб юргувчи чала мулларлар! Улар шу тарзда Комилжон аканинг шўҳратидан ўзларининг ғаразли ниятларида фойдаланиб қолишга уриндилар. Ваҳоланки, диёнат ва имон нималигини Комилжон ака яхши тушунар эди. То машъум дард оёғидан олгунича, Шовот районидаги қабристон ободончилиги учун қанчадан-қанча маблағ сарфлаган, Бўйрачи қишлоғида ўз маблағи ҳисобига ўрта мактаб қурдирган, Урганч шаҳрида ўз даромадидан болалар боғчаси қурдириб берган инсоннинг бу ишлари наҳотки савобга арзимаса?!

Хайриятки, у санъатга қайтди. Бироқ ўнг қўл ва ўнг оёғи яхши ишламай қолди.

Комилжон ака ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Эҳтимол, менинг ёзганларим улар даражасида бўлмас... Мен афсоналар ҳақида ёзмокдаман. Афсона — афсона-да, у ВАҚТ уйининг қайсидир бурчакларида қолиб кетар ҳам. Бироқ, бу сўнги афсонани юрагимда чидаб бўлмас бир дард, оғриқ билан ёзмокдаман.

...Бир куни Комилжон ака, Тошкентдаги уйда айвончада чой ичиб ўтирганимизда (доирачи Отаназар ака Обдолниёзов ҳам бор эди), гапдан гап чиқиб бундай деган эди:

— Мен кетсам, билмадим, қаерга қўйишар экан?... Урганчгами ёки Тошкентга? Аммо мен отам ёнига кетаман, отам ёнида ётаман... мени отам ёнига дафн этасизлар!

Орадан бир ярим йил ўтиб... қазои муаллақ содир бўлди. Уша куни тушдан кейин қор ёғиб бошлади. Келиб кетувчиларнинг охири йўқдек... Ҳеч кимнинг бунга ишонгиси келмайди.

Кичрайиб, боладай бўлиб қолган ул улуг зотни тонги соат учларда тобутга жойладик. Икки соатдан кейин Хоразмга учамиз. Устоз васиятини бажаришимиз — уни отаси ёнига ерга топширишимиз, охириги тилагини ўринлатишимиз даркор.

...Урганч аэропорти бунёд бўлиб бу тахлит кўп одамни кўрган эмасдир. Одамлар қўниш майдончасига қараб югурадилар ва ҳозиргина тўхтаган Ил—18 самолётини ўраб олиб, ненидир илҳақ кутгандай, мутеъ бўлиб турадилар.

Йиглайвериб қовоқлари шишиб кетган Имсима опа трапда пайдо бўлади. Пайдо бўладию, йиғилган халқни кўриб, овозлари титраганча: «Хоразмликлар, булбулигўёнғиздан айрилиб қолдингизлар, жудо бўлдингизлар», дея ўкраб юборади. Йиғи-сиғи, доду фарёд бошланиб кетади... Халқ сурон солиб нола чекар, фарёд урар эди.

Уша куни Амударё сувлари кирғоғидан бир тошиб чиқди-ёв...

Уша куни Хева минораларининг бели бир букилиб олди-ёв...

Уша куни гужумларнинг шохлари синди...

Уша куни қушлар бир лаҳзалик тошга айланди...

Уша куни Хоразмда етти яшардан етмиш яшаргача йиғлагани рости...

Комилжон ака отасининг ёнига дафн этишларини сўраган эди. Унинг истаги амалга ошди — уни отаси ёнига дафн этдилар. Нега у шундай бўлишини истади?! «Отам» деганида, шу азиз тупроқни, қўлига соз, тилига овоз берган заминни назарда тутмадимкин? Киндик қони тўкилган шу тупроқдан бир садо чиқиб, юрагига ўт бўлиб боғланмаганмикан? Шу ўт қудратли муҳаббатга, муҳаббати эса санъатга айланиб, мўъжизалар яратмаганмикан?! Ёки ул зот юрагидеги ана шу ўт яна Шовотга келиб, мангу ором топганмикан?

Майли, бу ёғи энди менинг, сизнинг афсонангиз бўлиб қолсин. Афсоналар — одамларнинг ўзидир!

Эй йўловчи! Шовотга келсанг, авайлаб қадам қўй! Бу заминда бир ўт ётибди. Тугалланмаган бир қўшиқ ётибди. Утни топташ қадимдан гуноҳ саналган.







# Тил ҳақида баҳс



«Ҳурматли редакция!

Мен Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида мастер бўлиб ишлайман.

«Ёшлик» журнаlining шу йил 4-сонида Маҳмуджон Нурматовнинг «Анжуманлар ҳаётий бўлсин» деган мақоласи босиб чиқарилган эди. Бу мақола бизга шунинг учун ёқдики, мухбир ўқишда, ишда, ижодда иккитиллилик қондасига оғишмай амал қилиш зарур деган фикрни олға сурибди.

Бундай адолатли, демократик фикр учун сизлардан миннат-дормиз.

Биз иккитиллилик деганда, ҳам ўзбек тилимизни, ҳам рус тилини ҳурматлашни тушунамиз. Ҳозирда баъзи раҳбарлар рус тилини улуғлаш шиорини ниқоб қилиб олиб, ўқишдан, йиғилиш ва мажлислардан ўзбек тилини сиқиб чиқармаяптиларми?!

Рости, ошкоралик даврдан аввалги пайтларда матбуоти-мизда ўзбек тилини ҳам ҳурматлаш зарур (СССР Конституцияси асосида!), мажлисларда, кенгашларда она тилида ҳам гапираверайлик, деган фикрни ёқловчи мақолаларни учратган эмасмиз.

Бу хатни сизларга ёзиш нияти менда 1987 йил 16 июлда туғилди. Шу куни Тошкент телевидениесида, «Ёшлик» студиясида урта министр билан савол-жавоб ўтказилди. Унда Ўзбекистон Олий таълим министри, Маориф министри ва Соғлиқни сақлаш министри Баҳромов қатнашган эди. Мухбир бир ишчидан келган саволни ўқиб эшиттирди: ишчи ТошМИда ўқитиш рус тилида олиб борилишининг сабаб ва мақсадларини сўрабди. Қишлоқ мактабларидан келадиган ва рус тилини чала-чулпа биладиган ёш йигит-қизларга медицинага доир оғир фанларни рус тилида ўқитилаётгани учун дарс сифати ёмонлигидан ишчи безовта бўлибди. Ахир, домла рус тилини ва ўз фанини нечоғлик яхши билмасин, ёш талабалар рус тилини чала билгани оқибатида дарсни ўзлаштириш сифати паст бўлади-да! Бу хил дарс самарасиз ўтишини наҳотки ТошМИ раҳбарлари англашмас?! Сифатсиз ва самарасиз дарслар бўлғуси врачларнинг малакасига ҳам салбий таъсир этишини англаш учун олий маълумотли бўлиш шарт эмас деб ҳисоблайман. Коммунистик партиямиз ва Совет давлатимиз бизларга шунинг учун она тилида гапириш ва ўқиш ҳуқуқини бериб қўйганки, ўз она тилингда сўзлашсанг камроқ хато қилсан, қийналмай, азоб чекмай гапирасан, ишининг унуми юқори бўлади; рус тилида ҳам ҳар икки сўзинг бирини бузиб, қийналмайсан! Ўз она тилингда ўқисанг, китобни, ўқитувчи ўтган дарсни яхши, тўла тушунасан. Билиминг, ақлинг бутун бўлади. Рус тилини чала билган ҳолда рус тилида ўқисанг, ўн дарсда бир дарсчалик билим олишинг мумкин бўлса, ўз она тилингда ўқитилган ўн соат дарсдан тўлиқ баҳраманд бўласан киши. Бунда ўқитувчининг ҳам, талабаниннг ҳам меҳнати зое кетмайди!

Хўш, бу нарсаларни Соғлиқни сақлаш министрими ўртоқ Баҳромов тушунмайдими?! Менимча, яхши тушунади. У ҳолда нега ишчининг ТошМИда дарсларни ўзбек тилида ўқитиш зарурлигини талаб қилиб берган саволига ўртоқ Баҳромов аниқ ва тўғри жавоб бериш ўрнига гапни айлантиради?!

Министр Баҳромов, биз рус тилини ўрганишимиз керак, бу халқлар ва қардош дўстлар ўртасидаги алоқа тилидир, шунинг учун дарсларни рус тилида ўқитаямиз ва ўқитаверамиз, ҳатто эндиликда тайёрлов бўлимида ҳам русча ўқита бошлаймиз, бунинг устига, ўзбек тилида дарсликлар оз, дея жавоб берди. КПСС XXVII съезди тасдиқлаган ошкоралик ва демократия қондаларига амал қилиб, шуни айтаман: министр Баҳромовнинг ишчи саволига берган жавоби на СССР Конституциясига, на қайта қуриш талабларига ва на шифокор кадрлар сифатини яхшилаш вазифасига тўғри келади.

Чунки СССР ва Ўзбекистон Конституцияси ўзбек студентларига ҳам она тилида ўқиш ҳуқуқини беради. Қайта қуриш эса ўзбек тилида ўқиш ҳуқуқини бузиш соҳасида аввалги пайтларда йўл қўйилган хатоликларни тузатишни талаб қилади.

Рус тилини биз севамиз ва ўрганамиз. Аммо ТошМИ рус тилини ўргатадиган, рус тилидан мутахассислар тайёрлайдиган институт эмас-ку?! Рус тилини чуқур билиш бу тилда ўқиш ва ўқитиш иккитиллилик асосида ТошМИнинг рус группаларида олиб борилса, шунинг ўзи кифоя эмасми?! Рус тилида ўқишни истайдиган турли қардошларимиз, баъзи ўзбек йигит-қизлари ҳам шу рус группаларида ўқишлари мумкин-ку?!

Шундан келиб чиқиб, ўзбек тилида ўқишни истайдиган ТошМИ студентларига ўзбек тилида сабоқ беришининг наҳот иложи бўлмас?! Агар Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейини ўтказётган давримизда ҳам ТошМИ талабалари учун ўзбек тилида дарсликлар етишмасе, бу ҳол (алоҳида «Медицина» нашриёти бўлатуриб) аввало тиббий олимларимизнинг айби.


Олимларимиз учун рус тилида мавжуд дарсликларни таржима қилиб, нашр этиш қийин эмасдир! Ёки рус тилини яхши билган ТошМИ ўқитувчилари русча дарсликлардан фойдаланиб ўз дарсларини ўзбек тилида ўқисалар, тилини кам билганларни, ёшларни қийнамаган бўлар эдилар. Шунингдек, ТошМИ халқаро ёки миллатлараро алоқалар институти ҳам эмас. Бунда рус тилини деб ўзбек тилини бир четга суриб қўйишга, камситишга министр Баҳромовнинг ҳуқуқи бормикми? Нега министр ўртоқ М. С. Горбачёв ўргатган демократияга амал қилишни ўйлаб кўрмаётир?!

Агар бу кўрсатмага ростдан амал қилинса, аввало, тайёрлов бўлимида ҳам, қуйи ва юқорида ҳам (ёшларнинг исми шарифини суриштириб ўтирмасдан буруқвозлик қилиш ўрнига) талабаларнинг талаб ва имкониятларини ўрганиш зарур! Кўпчилик қайси тилини хоҳласа ўша тилда ўқитиш зарур!

Баҳромовнинг телевидениедаги гапларидан кейин менда шундай фикр туғилди: «Ешлик» журнали ёки бирор ўзбек тили учун қонуан койинадиган ёзувчи ТошМИда, СамПИда, фармацевтика институтида студентларни қайси тилда, қайси қонун, қайси демократия асосида ўқитилаётгани ҳақида биз учун батафсил мақола ёзиб, эълон қилса яхши бўларди. Шу хатнинг маъносини министр Баҳромовга етказиб, ундан тегишли жавоб олиб, уни ҳам босиб чиқаришингизни сўрайман.

Салом билан, **Бобир ЭРГАШЕВ.**

1987 йил 25 июль».



«Ешлик» журнали  
редакциясига

Бу хатга жавоб беришдан аввал айтиш керакки, муаллиф масалага бирёқлама, атрофлича ўйламай ёндашган. Шифокорликка ўқиётган ҳар қандай совет студентига рус тили нақадар зарурлигини кўрсатадиган қатор омилларни ҳисобга олмаган.

Бизнинг республикамиз кўпмиллатлидир, бинобарин, ёшларни интернационал руҳда тарбиялашда рус тилининг аҳамияти катта.

Хат муаллифи мана бундай қатор шарт-шароитларни бир тасаввур қилиб кўрсин:

1. Бизнинг Олий ўқув юртларимиз кўпмиллатли. Уларда ўзбеклар ва руслар, қozoқлар ва татарлар, туркманлар, еврейлар ва бошқалар таҳсил кўради. Ва уларнинг барини битта рус тили бирлаштириб турибди! Бир кафедранинг ўзида ҳар бир миллат вакиллари учун алоҳида-алоҳида дарс беришни йўлга қўёлмаймиз — буни муаллиф сезаётгандир.

2. Муаллифнинг шифокор эмаслиги кўриниб турибди, лекин ўйлаймизки, бир неча марта медицина ҳужжатларига иши тушган. Ахир, медицинада ҳамма ҳужжат фақат рус тили ва лотин тилларида юритилади-ку.

3. Студент рус тилини билса нафақат медицинага оид, балки ижтимоий фанларга оид ҳам ҳар қандай манбалардан фойдаланиш имконига эга бўлади.

4. Табиий офат ҳодисасини ва шундан чиқиб келадиган кутилмаган вазиятларни кўз олдингизга келтиринг. Бундай пайтлари ёрдамга турли миллат вакиллари етиб келади-ку.

Шуларни ҳисобга олиб, республикамизнинг барча медицина олий ўқув юртларида, гарчи ўқув планида кўрсатилмаган бўлса-да, рус тили кафедралари ташкил қилинган. Мақсад — узоқдан келганларнинг рус тилини ўрганишларига ёрдам бериш.

Афтидан, хат муаллифи менинг жавобларимга (телевидениедаги сўхбатда. — ред.) тушунмабди шекилли. Унда ўзбек тили бир четга сиқиб қўйилмаган, камситилмаган ҳам, фақат, турли миллат ёшларининг ўзаро мулоқотидаги, шифокорлик касбини тўлиқ эгаллашдаги рус тилининг аҳамияти таъкидланган эди, холос.

Министр **БАҲРОМОВ С. М.**

«Ешлик» журнали редакциясига  
Иккинчи нусхаси ўртоқ **Б. К. ЭРГАШЕВ**га

Ҳурматли ўртоқ Б. К. Эргашевнинг «Ешлик» журналига муурожаат қилиб ёзган хати Қизил Байроқ орденли Тошкент медицина институтининг ректоратида муҳокама қилинди. Уртоқ Эргашевнинг хатида медицина институтларида биринчи курсдан бошлаб ҳамма фанлар рус тилида ўтилатганлиги туфайли бир хил рус тилини билмайдиган ўзбек ва бошқа маҳаллий миллат вакиллари фанларни ўзлаштиришда қийнаётгани ва паст баҳолар олаётгани... қайд қилинган.

Ректоратда бўлган муҳокама бу фактлар деярли тўғрилигини кўрсатди. ТошМИ 1—2-курсларида рус тилини айрим маҳаллий миллат вакиллари мукамал билмаслигини ҳисобга олиб, ректорат ва партком 1986/87 ва 1987/88 ўқув йилларида уч фанни, яъни КПСС тарихи, фалсафа ва илмий атеизм, этика-эстетика фанларини ўзбек ва рус тилларида ўта бошлади.

Эндиликда яна айрим мураккаб фанларни 1—2-курсларда ўзбек ва рус тилларида олиб бориша масаласи муҳокама қилинмоқда.

ТошМИ ўқув ишлари бўйича проректори  
профессор **ҲАМРОЕВ Ш. Ш.**

**Бобир Эргашевнинг хати юзасидан мутасадди ўртоқлар билан қисқа сўхбатлар**

«Медицина» нашриётининг директори **У. Т. Соипов**

**Савол.** Агар республикамиздаги медицина олий ўқув юртларида миллий группалар бўйича ўқитиш ўзбек тилида олиб бориладиган бўлса, «Медицина» нашриёти уларни етарли ўқув қўлланмалари ва дарсликлар билан таъминлай оладими?

**Жавоб.** Таъминлай олади.

**Савол.** Унда нима учун шу пайтгача ўзбек тилида медицинадан етарли ўқув қўлланмалари чиқарилмади?

**Жавоб.** Чунки биз Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги ўқув-методик кабинет ишлаб чиққан план асосида рус ва ўзбек тилларида медицинага оид китобларни нашрдан чиқарамиз.

**Савол.** Кейинги йилларда медицина институтлари студентлари учун ўзбек тилида бирорта ўқув қўлланмаси чоп этилди-ми?

**Жавоб.** Агар фақат медицина институтлари студентлари учун чиқарилган китобларни назарга олсак, кейинги беш йилда ўзбек тилида фақат бир номда Логиновнинг «Одам анатомияси асослари» китоби чиқарилган. Менинг фикримча, медицина институтларининг биринчи ва иккинчи курс студентлари учун рус тилида чиқарилаётган дарслик-қўлланмалари ўзбек тилида ҳам параллел тарзда чиқариб турсак, бўлажак мутахассисларимизнинг янада иқтидорли бўлиб етиштиришларига ёрдам берган бўлар эдик.



## «Ўқитувчи» наشريётининг бош муҳаррири И. Ф. Аҳмаджонов

**Савол.** «Ўқитувчи» наشريёти медицина институтлари учун ўзбек тилида қандай дарсликлар чиқармоқда?

**Жавоб.** Республикада «Медицина» наشريёти мавжуд. У медицина институтлари учун дарслик-қўлланмалар чиқаради. Бизнинг «Ўқитувчи» наشريётимиз медицина олий ўқув юртлари учун ҳеч қандай дарслик чиқармайди.

\* \* \*

«Медицина» наشريёти беш йил давомида (1983—1987 йиллар) медицина олий ва ўрта махсус билим юртлари учун қуйидаги ҳажмда дарслик ва қўлланмалар чоп этган:

I. 1983 йил. Медицина институтлари учун иккита ўқув қўлланма (рус тилида) ва медицина билим юртлари учун саккизта ўқув қўлланма (ўзбек тилида).

II. 1984 йил. Медицина институтлари учун иккита (рус тилида), билим юртлари учун тўққизта (ўзбек тилида).

III. 1985 йил. Медицина институтлари учун битта (ўзбек тилида), билим юртлари учун еттита (ўзбек тилида).

IV. 1986 йил. Медицина институтлари учун битта (рус тилида), билим юртлари учун саккизта (ўзбек тилида).

V. 1987 йил. Медицина институтлари учун битта (рус тилида), билим юртлари учун саккизта (ўзбек тилида).

\* \* \*

## СЎНГСЎЗ ЎРНИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Биз РЕАЛИСТлармиз. Бизнинг идеалистлардан фарқимиз шуки (жайдаригина қилиб тушунтирганда), биз ҳеч қачон йўқ нарсаларга асосланиб фикрламаймиз, ҳулосаларимиз ҳаётда мавжуд ва фақат мавжуд фактларга суянган бўлади. Орзу-истакларимиз ҳам осмоний эмас, заминдан униб чиқади. Реализмдан озгина чекинилан жойда нималар рўй бериши мумкинлигини жамиятимиз тараққиётининг турғунлик даври деб баҳоланган кейинги йигирма йил яққол кўрсатди. Бу давр бизга унутилмас сабоқ бўлди. Биз энди реал фактларга очиқ кўз билан қарашни қайтадан ўрганишимиз керак. Утириб қолган ҳўжаликларимизни, иш юритиш принципларимизни тубдан қайта қуришимиз, бунинг учун энг аввало эски ўзимиздан, эскича фикрлаш йўсинимиздан, воқеликка эскича муносабатимиздан воз кечишимиз лозим. Қанчалик тез воз кечсак, шунчалик яхши. Бугун халқнинг ҳам, партияимизнинг ҳам талаби шундай.

Энди журналхон Б. Эргашевнинг хатида кўтарилган масалалар доирасида фикр юритсак, кундалик ҳаётимизда реализмга асосланган соғлом тафаккурнинг нақадар зарурлигига янада иқдор бўламиз.

Шубҳасиз, рус тилини ўрганиш, билишнинг фойдаси беқиёс. Бугунги кунимизни рус тилисиз тасаввур этиб бўлмайди. Умуман, жамиятнинг ҳар бир илғор фарзанди ўз она тилидан ташқари яна икки-уч тилни билса, қандай яхши! Тил билган ҳеч ерда қоқинмайди. Афсуски, бу ҳозирча бизнинг орзуимиз, холос. Қишлоқни-ку қўятурайлик, ҳатто шаҳар мактабларини битираётган ёшларнинг ҳаммаси ҳам рус тилини мукамал билади, дея олмаймиш. Бу реалликми! Реаллик. Масалала ёндошганда худди шу реалликдан келиб чиқиш зарур, бизнингча. Бундай олиб қараганда, министр С. М. Баҳромовнинг жавоб хатидаги фикрлар ҳаммаси тўғри, эътирозга ўрин йўқ. Бироқ фактлар ниҳоятда ўқар, улар билан ҳисоблашмаслик мумкинмас. Шунинг учун ҳам хатнинг ҳар бир пункти бўйича министр билан мунозара қилгимиз келди. Чунки Б. Эргашев «ёш талабалар рус тилини чала билгани оқибатида дарс сифатининг паст бўлаётгани», «сифатсиз ва самарасиз дарслар» бўлгуси врачларнинг малакасига ҳам салбий таъсир этаётгани» тўғрисидаги долзарб муаммони кўтарган. Ахир, медицинада чидаб бўлмас аҳвол юзага келганига, меҳнаткашлардан шикоятлар тобора кўпайиб бораётганига чаламулла врачларнинг ўрчиб кетгани ҳам сабаб эмасмикан!! Жавоб хат-

да эса, масаланинг бу томонига мутлақо эътибор берилмаган; ҳаммага маълум гаплар такрорланган, холос. Ростини, хатини министрликка жўнабетаётганимизда, у ердан конструктив мулоҳазали, ишчан жавоб кутган эдик...

Қани, бир бошдан кўриб чиқайлик-чи:

1. «Олий ўқув юртларимизнинг кўпмиллатли» экани муаммони илҳомий ҳал этишга сира монелик қилмайди, бизнингча. Республикаимиздаги кўпгина илм даргоҳлари [лоқақал учала дорулфунунни эсланг!] мисолида шундай ҳулоса чиқаришга ҳақлимиз. Эки улар кўпмиллатли эмасми!! Бундан ташқари, гап ТошМИДа таҳсил олаётган «ҳар бир миллат вакиллари алоҳида-алоҳида дарс ўтиш» устида эмас [бунинг иложи йўқлигини биз ҳам биламиз, чунки республикаимизда 100 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди! Бунга ҳожат ҳам йўқ, чунки Ўзбекистонда ўрта таълим асосан икки тилда олиб борилади, холос], балки рус тили қатори ўзбек тилида ҳам ўқитишни йўлга қўйиш тўғрисида бормоқда. Зораики шунда кадрларимиз янада малакали бўлиб етишсалар, деган эзгу ниятда айтилмоқда.

2. Тўғри, медицинада барча ҳўжжат фақат рус ва лотин тилларида юргизилади. Энди тасаввур қилинг: рус тилини чала билган, демакки ТошМИДа чала ариим билим олган врач иш жойига боргач касаллик тарихини, касаллик варақаларини, ҳуллас, барча ҳўжжатларни рус тилида ҳам эмас, лотин тилида ҳам эмас, инсон зоти тушуниб етмайдиган қандайдир чулчул тилида тўлдирса, бундан кимга фойда!! Қайси тилда саводли бўлса, шу тилда муомала юритгани маъқул эмасми!

3. Фикр тўғри, эътирозга ўрин йўқ. Бироқ... яна-тагин манитиқ бузиляпти-да. Чунки бу фикр ўқиш буткул ўзбек тилида бўладиган илм даргоҳларидаги талабаларга ҳам бирдай тааллуқли-ку. Қолаверса, яна қайтарамиз, бу ерда гап озгина хатоси ҳам катта фожияларга олиб келадиган ниҳоятда масъулиятли соҳа кишиларини — инсон саломатлиги ҳимоячиларини тайёрлайдиган ўқув юртларида дарсларнинг илҳомий борица барчага баравар этиб бориши тўғрисида бормоқда.

4. Жавоб хатда бу гап нега айтилган — ҳайронмиз. Чунки Б. Эргашевнинг мактубида интернационализмнинг юксак идеалларига ҳеч қандай шубҳа билдирилмаган. Бинобарин, «табиий офат» атрофидаги гапларни ўқитириб кўрсатишга ҳеч қандай ҳожат йўқ эди.

Ва ҳоказо...

ТошМИ проректори профессор Ш. Ш. Ҳамроевнинг жавоби бизда, гарчи унда асосий фанларнинг қайси тилда ўтилиши ҳозирча ҳал этилмаган эса-да, журналхон кўтарган масалалар тўғрисида ҳеч бўлмаса ўйлаб кўриш мумкин экан-ку, деган илҳомий ўйғотди.

Медицина ва табобат атрофида бўлаётган гап-сўзларини анчадан буён кузатиб юрибман. Марказий матбуотда, ўзимизнинг матбуот органларимизда ҳам фавқулодда қобилиятли халқ табиблари, биотокли экстрасенслар тўғрисида унча-мунча материаллар чиқди. Бундай хабарларга профессионал шифокорларнинг муносабати қандай бўляпти — ҳар сафар шунга алоҳида эътибор бераман. Табобатда хурофотнинг яшовчанлиги ҳодисаси ҳам ўрганса арзийдиган, фойдали ҳулосалар чиқарса бўладиган ҳолдир. Мен шахсан экстрасенснинг имкониятлари ҳусусида жуда оз тушунчага эгаман, шунинг учун уларни медицинадан устун қўйишга маънавий ҳаққим йўқ. Хурофотга ҳам муносабатим салбий. Лекин шундай акс ҳақиқатни англадимки, уларнинг пайдо бўлишига ва аҳоли орасига яшин тезлигида ёйилишига кишиларнинг ҳар хил ирим-сиримларга ишониши эмас, кўпроқ айнан шу медицинаимиз, яна ҳам тўғрироғи, шифокор кадрларимиз айбли. Ахир, ўзингиз ўйланг: агар бизда даволаш маданияти юксак бўлса, фақат марказларда эмас, балки ҳар бир поликлиникаю ҳар бир касалхонада ишлаётган врачларнинг ҳам савияси банд бўлса, сувтекинга даволашни мумкин бўлган муассасани ташлаб ким ҳам қаёқдаги табиб ё биотокли қизни излаб юзлаб километр узоқларга қатнар эди!! Шунинг учун, ўртоқ медиклар, гап Муяссар Шариповада эмас, медицинаимизда эканини очиқ тан олайлик! Албатта, матбуотчиларимизнинг сабутсизлиги ҳам баъзан масалани бутун мураккаблиги билан кўтариб чиқишга ҳалақит беради. Айниқса, телевидение ва радио бу соҳада алоҳида «жонбозлик» кўрсатаётир: хурофотга қарши курашиш баҳонасида битта кўф-сўвчинни топиб олиб бошига ҳар кун гурзи ўқталиш билан овора, лекин шифокорлар тайёрлаш системаимизни бутунлай қайта қуришимиз лозимлиги тўғрисида кам бош қотирмоқда...

<sup>1</sup> Бу ерда ўқитувчиларнинг дарс ўтиш сифати эмас, ўзлаштиришнинг сифати тушунилинсин. — Н. О.

Биоток билан даволашга қарши турувчи олимларимизнинг бир фикрлари тўғри: ҳозирги замонда медицина илми ниҳоятда юксалган ва ҳеч қандай экстрасенсларга, хурофотга ҳожат йўқ! Бироқ ҳамма гап шундаки, медицина илми бошқа, шифокор кадрлар бошқа. Иккаласининг савияси ҳаммиша ҳам бир-бирига мувофиқ келавермайди. Ҳар бир конкрет ҳолда ирсонининг тақдирини умуман медицина илми эмас, балки конкрет бир шахс (дейлик, ТошМини чала-чулла битказган врач) ҳал қилади. Медицина илми минг тараққий этган бўлмасин, унинг амалда қўлланиши муҳим-ку биз реалистлар учун!

Урни келиб қолди, бир янги фактни айтай. 1987 йилги кўриш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган, врач бўлишни астойдил истаган ТошМИ талабаларидан иккитаси ўқишлар бошланди ўн кун ўтмасидан институтни ташлаб кетиш пайига тушиб қолди. Ҳайрон бўлдик. Ахир, ўқишга кириш осонми! Минглаб йигит-қиз кўксига армон билан қайтиб кетгани ҳолда студентликка мушарраф бўлган икки йигит институтни ташлашдан деб турса! Е адашиб... «Йўқ, адашганим йўқ, — деди улардан бири. — Дўхтирликни хоҳлаб, қатъий ният билан кирганман ТошМИга. Лекин... фанлар ҳаммаси рус тилида ўтиларкан. «Тудавой-судавой» дейишдан бошқани билмасак... Мактабда ўтганимиз билан... кўп умримиз далада ўтган-да, ака. Энди, домла гапираверади, биз оғзимизни очиб ўтираверамиз. Бундай ҳолда мендан қандай дўхтир чиқарди...» Урганасиз-кўникасиз деб насиҳат қила-қила зўрга бу ниятидан қайтардик. Ҳозир ўқияпти, лекин барибир «янги ўқув йилдан бошқа бирор ўзбекча ўқитиладиган ўқишга» ўтиб кетмоқчи. Эҳтимол, тўғри қилар ҳам. Кундаги олти жуфт сабоқдан бир чимдиминигина тушуниб, қолганига тиши ўтмай юраверса (ёмон ўқишидан эмас, азбаройи тил билмаслигидан!), оқибатда қорин оғриққа йод ичириб юрадиган «врач» бўлиб етишишдан ким фойда кўрарди! Касалми, медицина-ми ё ўзимми! Алқисса, боланинг куйинишида жон бор. Ҳозирги паллада реал аҳвол шундай экан, бу билан ҳисоблашмаслик мумкинми, ахир!! Бу билан ҳисоблашмаслик, бизнингча, идеализм ботқоғига ботиш билан баробардир.

Биз ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТлармиз! Етмиш йил бурун таркиб топган ва шу йиллар ичи турли синовларга бардош берган миллатлараро дўстлик туйғуларимизга гоёвий муҳолифларимиздан ташқари ҳеч ким шубҳа қилолмайди. Ва биз шу жиҳатимиз билан ҳаммиша фахрланаверамиз! Чунки интернационализм байроғига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган қондалар ўзбекининг ҳам, қозоқнинг ҳам, қирғизнинг ҳам, украиннинг литваликнинг ҳам юрагидаги сўзлардир. «БИЗНИНГ ЖАМИЯТДА ҲЕЧ БИР МИЛЛАТГА АЛОҲИДА ИМТИЁЗ БЕРИЛМАГАН!» Мана, ўшандай қондалардан бири. Нафақат ТошМИда, балки барча техника институтларида ҳам дарсларнинг фақат рус тилида ўтилиши эса, айрим миллат вакилларига сунъий равишда алоҳида имтиёз яратиб қўяётибди. Бу бизнинг том маънодаги интернационалистик принципларимизга тамомила зиддир. Ундай институтларнинг талабалари ўз-ўзидан икки табақага бўлиниб қолган: имтиёзлилар ва имтиёзсизлар. Рус тилини мукаммал билган «ўзбек ва рус, татар ва қозоқ, туркман, еврей ва бошқалар» шунинг учун имтиёзлики, улар ўқитувчининг дарсидан максимал даражада сабоқ олади (албатта, агар у ўз кучи билан кирган бўлса!), илмга чуқурроқ кириб боради, қолаверса, стипендиядан маҳрум бўлмайди, домлаларидан ҳадеб дакки эшитавермайди, энг муҳими — улар ЯХШИ, МАЛАКАЛИ мутахассис бўлиб етишади. «Имтиёзсизлар»га алам қилаётган жойи ҳам шу — мактаб программаси бўйича илмлари етарли, медицинага (ёки техникага) қизиқиш ҳам кучли, лекин ниҳоятги тил билмаганлари тўғрисида ёнларидаги ҳамкурслари эришаётган муваффақиятдан бебаҳрадилар. Тўғри, бундай зиддиятлар кўзга яққол ташланиб турмайди, лекин улар мавжуддир ва бу зиддиятлар билан ҳисоблашишга мажбурмиз.

Мулоҳазаларимизни яқунлашдан аввал айтиш керакки, Б. Эргашевни «масалага бирёқлама, атрофлича ўйламай ёндашган»ликда айблаётган министрлик ҳам масалага бирёқлама, атрофлича ўйламай, яъни ТошМининг фаолиятдан кўзланган бош мақсад юксак малакали, ишончли врачлар тайёрлашдан иборат эканини унутган ҳолда ёндашибди.

Албатта, йиллар давомида шаклланган, хато бўлса ҳам ўзига темир қонунлардан «хитой девори» ясаб олган таълим системасини бирданга ўзгартириш оғир. Лекин бу оғирликдан чўчимаслик керак. Модомики, мақсадимиз ҳар бир соҳа бўйича юксак малакали кадрларни тайёрлашдан иборат экан,

бу ишда қандай йўл энг самарали бўлса, ўшани тутган маъқул. Бундан ҳеч ким ютқазмайди, ҳамма ютади — барча миллат вакиллари бирдай ютади! Озгина хоҳиш, озгина иштиёқ бўлса — бас.

Ҳўш, биз нимани таклиф қиламиз!

1. Дарсларнинг қайси тилда ўтилишини талабаларнинг ўзлари танлашлар.

2. Врачлар, инженерлар кундалик ҳаётда рус тилига тез-тез мурожаат қилиб турадилар. Талабалардан етук мутахассис бўлиш, айни чоқда, рус тилини ҳам теран билиш талаб қилинар экан, бунинг учун мазкур олий ўқув юртида рус тили кафедраларининг ишини янада жонлантириш зарур. Токи улар «эга, кесим, тўлдирувчи» қонун-қондалари билан ўралашиб қолмай, кўпроқ амалий машғулотларга эътибор берсинлар, яъни бевосита институтдаги дарсларга мос программалар тузиб, шу соҳа терминлари, муомала йўсини устида кўпроқ шуғуллансинлар.

3. Дарслик масаласини ҳам ижобий ҳал қилса бўлади. Дарслар рус тилида ўтиладиган олий ўқув юртларида йигирма-ўттиз йиллик иш тажрибасига эга кўплаб ўзбек ўқитувчилар бор. Улар йиллар давомида ўқиган лекцияларини тўпласалар ҳам анча-мунча брошюралар пайдо бўлади. Бу брошюралар токи мукаммал дарсликлар яратилгунча талабаларга қўлланма вазифасини ўтаб туриши мумкин.

Мулоҳазаларимизни шу ерда тўхтатиб турайлик-да, кўплашиб ўйлаб кўрайлик, тортишайлик, таклифлар киритайлик ва энг мақбул, адолатли йўлни танлайлик.

Демак, ИШЧИ, АКАДЕМИК, ДЕҲҚОН, ТАЛАБА, ИНЖЕНЕР, ВРАЧ, ЖУРНАЛИСТ, РАҲБАР, МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ — ХУЛЛАС, АЗИЗ ЖУРНАЛИСТ, СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ!

Нурullo ОТАХОНОВ



Барно Сирожиiddинова

# Яна «характеристика» ҳақида



Сизларни яна безовта қилаётганим учун узр. «Ёшлик»нинг 8-сонида босилиб чиққан жавобларни ўқиб ушбу мактубни ёзишга мажбур бўлдим. Очиги, ўзим «таълим олган» мактабнинг хатим юзасидан фикр билдирган, савол берган қизларига жавоб ёзишга қарор қилдим. Уларга жавоб ёзмасам бўлмасди: бир умр уларнинг саволларига жавоб бермаганим учун қийналиб, афсус-надомат чекиб юришим мумкин эди. Мен бу мактубим орқали фақат 30-ўрта мактабнинг собиқ 10-синф қизларига эмас, балки республикамиз мактаб ўқувчиларига, ҳурматли педагогларга шахсий мулоҳазаларим билан мурожаат этмоқчиман.

«Ёшлик» журналида (1987 й. 1-сонида) мактубим босилиб чиққанидан сўнг район мактабларида анча шов-шув бўлди. Тўғриси яна айтиш керак, битта хат шунчалик шов-шувга сабаб бўлади деб сира ўйламаган эдим. Аслида, мен ўзимни қийнаган муаммоларни, дилимдаги дардини очиб ёзиб, журналхонлар билан маслаҳатлашиш ниятида ўша мактубни ёзган эдим. Лекин ниятим мен ўйлаганчалик амалга ошмади; аксинча, ҳамма нарса тескарисига айланиб кетди — мактубимни ҳар ким ўзича тушунди. Бировлар: «тўғри», бировлар «нотўғри» дейишди. Кимлардир «раҳмат», кимлардир «лаънат» айтди. Менимча, «раҳмат» айтганлар кўпроқ бўлди. Тўғрида, шу вақтгача қайси бир мактаб ўқувчиси ўз ўқитувчиларини журналга «айблаб» ёзган?! Қайси бир ўқувчи қадрдон мактабидан, ҳурматли ўқитувчиларидан нолиган эди?! Янглиш-

масам, ўқувчиларнинг ўз ўқитувчиларига қарши «исёни»ни биринчи бўлиб камина бошлади шекилли. Энди бу ишни ҳам менинг ўзим охирига етказишим керак. Бир тасаввур қилинг-а, иккинчи ота-онангиздек бўлиб қолган азиз ўқитувчиларингизга қарши чиқиш нақадар оғир?! Яширмайман, ўша мактубим босилиб чиққанидан сўнг шу нарсани ёзганим учун оз бўлса-да афсусландим. Кейинчалик эса бу бекор эканини, дилимдагини очиб ёзиб, журналхонлар билан ўртоқлашганим хато эмаслигини тушундим. Нега бошида афсусландим деб сўрарсиз балки. Мактубим босилиб чиққанидан сўнг, кўп ўтмасдан мени ўша ўзим ўқиган мактабга чақиришди. Борсам, райОНОдан 2 киши келибди. Бири аёл, бири эркак киши. Қўлларида мактубим босилиб чиққан «Ёшлик» журнали. Улар менга бир-иккита савол беришди, очиб-ойдин жавоб бердим. Гапларидан шуни фаҳмладимки, қилган ишим нотўғри эканлигини бўйнимга олишим ва тавбамга таянишим керак экан. Улар бу ишимнинг оқибати ёмон бўлиши ҳақида ҳам қистириб ўтишди. Мен индамай ўтиравердим — ўша «оқибати» нима бўлишини кутдим.

Лекин ҳеч нима бўлгани йўқ. Эски ҳаммом, эски тос. Шундан сўнг деярли ҳамма ўқитувчилар мени йўлда кўришса ҳам ўзларини кўрмасликка соладиган, саломимга эса зўрға алик оладиган бўлиб қолишди. Шундай ўқитувчилар ҳам бўлдики, мен ҳақимда «Барно нотўғри иш қилган» деган мавзуда 8-синф ўқувчиларига иншо ёздиришди. Ҳар бир ўқувчидан мен қилган иш нотўғри эканлиги ҳақидаги хатга қўл қўйдириб олиштибди. Мен ҳаммасига чидадим. Лекин бир неча савол кўнглимни хижил қилди: нима мақсадда улар шу ишни қилишди? Бу билан улар нимага эришмоқчи?... Бошида менинг мактубимни қўллаб-қувватлаётган ўқувчилар ўқитувчиларнинг мана шунча қилиқларидан кейин мен қилган ишни нотўғри деб топишди. Тўғри, ҳозир ҳам менинг тарафдорларим бор албатта, лекин борлари ҳам «у тўғри ёзган» деб айтишолмайди. Айтишмайди ҳам, чунки уларнинг ҳам ўзларига яраша орзулари бор. Улар ҳам шу мактабни тинчгина, ғалвасиз, ўқитувчилар кўзига ёмон кўринмасдан битириб кетишни хоҳлашади. Лекин вақти келиб, улар ҳам менинг ҳолимга тушиб қолишларини ўйлашармикан? Йўқ, ўйлашмайди, менга ўхшаб пешонаси деворга бориб текканидан кейингина эс-ҳушлари жойига келиши мумкин.

Афсусланарли томони шундаки, ўша мактубим босилиб чиққанидан сўнг, қадрдон мактабим кўчасидан ўтишга ҳам, ўқитувчиларимнинг совуқ, таънаомуз боқишларидан ҳам юрагим безиллаб қолган эди. Узингиз бир ўйлаб кўринг: мен учун азиз бўлган, 10 йил ўтириб таълим-тарбия олган партамни соғинганимда, ўқувчилик давримни қўмсаганимда ўша қадрдон мактабимни бориб кўришдан маҳрумман, ҳамма собиқ ўқувчилар каби бизни ўқитган ўқитувчилар билан мен энди дилдан суҳбатлаша олмайман. Ўқитувчиларимизнинг қарашларидан «тузумни еб, тузлиғимга тупурган, ноинсоф!» деган маънони уқаман. Бу мен учун нақадар оғирлигини билсангиз эди! Ўқитувчилар мени тушунмишди, аччиқ ҳақиқатни тан олишни исташмади. Мени ҳеч ким тушунмаса-да, аммо синф раҳбарим тушунар деб ўйлаган эдим. Йўқ, хато ўйлаган эканман. Уша воқеадан сўнг раҳбаримизни биринчи марта учратганимдаёқ унинг кўзларидеги совуқликни кўриб, юрагим музлаб кетди. Шундан кейин раҳбаримиз билан узоқлашиб кетдим. Олдинлари қуюқ сўрашиб юрадиган одамлар эндиликда бир-биримизга етти ёт бегонадек бўлиб қолдик. У билан сўрашишга юрагим безиллайди. Мени қийнаган нарса шунки, мен унга ишонар эдим, у бўлса мени тушунмади. Балки тушунганини истамагандир. Тўғри-да, менинг мактубим туфайли ҳайфсан олсин-у, яна мени тушунганимни хоҳласинми?! «Ёшлик»нинг 1-сонида босилиб чиққан мактубим туфайли синф раҳбаримга ва мактабимиз директорига ҳайфсан берилди. Бироқ мен мактубимни ўқитувчиларимга ҳайфсан олиб бериш учун ёзганмидим?!

Ҳўш, ҳайфсан берилгани билан нима ўзгарди? Менимча, ҳеч нима ўзгаргани йўқ, ўша-ўша дарс ўтиш усули, ўша-ўша баҳо қўйишлар. Баъзи ўқитувчилар борки, дарсда ўқувчи нима қилиб ўтирибди, дарсни тинглаяптими, йўқми, унис билан иши йўқ. Фақат 20-25 минут ичида янги темани гапириб беришга улгурса бўлгани. Бизнинг мактабда кўп дарслар қизиқарли ўтмайди ҳисоб. Бутун бир дарс жараёнида биримиз бадиий китоб ўқи эдик, бошқамиз шевр ёзар эдик. Ишқилиб, 45 минут қандай ўтиб кетди, билмас эдик. Ҳамма ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан кейин, қайси бир ўқувчининг дарсга қулоқ

солгиси келади? Дарсга қулоқ соладиганлар бўларди, албатта. Лекин улар ҳам кўпчиликка қўшилиб кетишади. Маълумки, ҳар қандай жойда кўпчиликнинг таъсири кучли бўлади. Агар дарслар қизиқарли, жонли, ҳаётий воқеалар орқали ўтилса, қайси бир ўқувчи дарсга қулоқ солмайди дейсиз? Ҳатто ёмон хулқли ўқувчи ҳам яхши дарсга қулоқ солиши аниқ. Мен бунга аминман. Масалан, бизнинг ўша синф раҳбаримиз химия фанидан сабоқ беради эди. Дарсни жуда қизиқарли, жонли ўтарди. Ҳаммамиз худди сеҳрлаб қўйилгандек ўтирар эдик. Умуман, раҳбаримизнинг дарс ўтиши фақатгина бизга эмас, бошқа синфларнинг ўқувчиларига ҳам ёқар эди. Қани энди шундай ўқитувчилар кўпроқ бўлганда эди, балки менга ўхшаган ўқувчилар аллақачон бир институт ёки техникум даргоҳида таҳсил олиб, талабалик гаштини суриб юрган бўлармиди! Афсуски, номингана дарс ўтиб кетаётган ўқитувчилар на фақат бизда, балки бошқа район, шаҳар ва областларда ҳам кўп учрайди.

Биз қайта қуришни авваламбор пахтадан, Ўзбекистоннинг фахри бўлиши «оқ олтин»дан бошладик. Менимча, қайта қуришни биринчи бўлиб илм даргоҳларидан, олий ўқув юртларидан, ёш авлодни тарбиялаб етиштираётган мактаблардан бошлаш керак эди. Пахта — бу ўсимлик-ку, лекин инсон-чи?! Тўғри, пахта — бизнинг ифтихоримиз, бойлигимиз. Лекин мана шу бойлиқни ҳам инсон яратади-ку?! Қайта қуришни ёш авлодни тарбиялашдан, ҳурматли устозлар ўз шогирдларига тўғри таълим беришнинг-йўқми, мана шунини аниқлашдан бошлаш керак эди! Чунки эртаниндин бизнинг ифтихоримиз бўлган пахта барибир ёш авлоднинг қўлига тушади. У-ўзидан равшанки, пахта масаласида жуда тўғри, ҳаққоний ишлар қилинди. Жуда кўп нарсалар кўз ўнгимизда ўзгарди. Лекин ёш авлод ичидан келгусида, мамлакатимизни яна шу қўйга соладиган инсонлар чиқмасмикан ишқилиб? Булар ҳам ўша руҳда тарбияланиб қолмадилармикан? Менимча, қайта қуриш ишлари айрим соҳаларда умуман суст боряпти. Мен одамлар билан бу ҳақида гаплашиб қолсам, жуда кўпчилик: «Қайта қуриш ҳам бир гап-да, бу ҳам қоғоздаги бир нарса», дейишади. Бундай гапларга ишонгим келмайди. Биламан, қайта қуриш учун ҳали жуда кўп йиллар керак бўлади. Лекин барибир бизнинг орзуларимиз рўёбга чиқишига бутун вужудим билан ишонаман. Шундай кунлар келадики, ҳозир бўлаётган ишлар тарихга айланиб қолса ажаб эмас. Лекин ўша кунлар қачон келаркан, деб биз қўл қовуштириб ўтиришимиз керакми?! Йўқ, биз ҳам қайта қуришга ўз хиссамизни қўшишимиз керак. Мен ўз тенгдошларимга қарата: «Ахир биз ёшлар ўз келажагимизни, ёрқин истиқболимизни ўзимиз яратимиз лозим-ку! Ҳар кимнинг тақдири ўз қўлида, ҳар ким ўз тақдирини ўзи яратади. Шундай экан, ўз тақдирига бефарқ қарамайлик», дегим келади.

Энди менга берилган саволларга очиқ-ойдин, чин дилдан жавоб қайтаришга ҳаракат қиламан. Бу саволларга мен ўша (ҳозирги собиқ) ўқувчи қизларнинг ўзларига ҳам юзма-юз туриб жавоб беришим мумкин эди. Лекин нега улар мен билан юзма-юз келишганда шу саволларни сўрашмади? Улар журнал орқали менга савол беришни маъқул кўришибди, ўз навбатида мен ҳам уларга журнал орқали жавоб қайтаришни лозим топдим.

Сўнгги пушаймон — ўзингга душман. Пешонам деворга бориб текканидан кейин кўзим очилди, десам бўлади. Мен ўша мактубимни, авваламбор, ўқитувчимга «Характеристика ёзиб бермайман» дея олмаганим учун, аттестатни қўлимга олганимдан сўнг билимим бу қўйилган баҳоларга лойиқ эмаслигини билганимдан кейин, виждонсизликка йўл қўйганимни англаганимдан сўнг ёзганман. Мен ўша «яхши», «аъло» баҳо-лар билан тўлғазилган аттестатни, «Мақтов ёрлиғини» ўз орзу-имга, ўз севга касбимга эришиш учун ҳужжатларга қўшиб топширишим керакмиди ё йўқми? Ҳар қандай жойда ҳам ўша нарсалар ҳужжатга қўшиб топширилиши шарт-ку?! Бу нарсалар ҳозирги шароитда ҳеч қандай ёрдам бермайди. Уқишга аттестат билан «ёрлиқ» фақат ҳужжат сифатида қабул қилинади-ку?! Абитуриент ҳеч қачон шу нарсалардаги баҳо-ларга, мақтовларга қараб ўқишга қабул қилинмайди. Синво-лардан асл билимига яраша баҳосини олиб, ўқишга киради. Мен ҳам ўз навбатида имтиҳонлардан ўз билимимга яраша баҳоимни олардим. Биринчи имтиҳондан муносиб баҳонини олдим ҳам, иккинчи имтиҳон арафасида эса мен ўзимни ўзим баҳолаб кўриб, бу имтиҳонга киришимнинг ҳождати йўқлигини тушундим. Мени бир нарса қийнайди, 10 йил ўқиб олган аттестатимдаги баҳоларнинг мен учун эндиликда ҳеч бир нафи

йўқ. «Мақтов ёрлиғи», афсуски, фахрланишга арзимайди. 10 йил ўқиб таълим-тарбия олибман-у, лекин асл билим олмабман. Мен буларнинг ҳаммасини жонажон мактабимни битир-гандан сўнг, мустақил ҳаётга қадам қўйиб, ҳаётда ўз ўрнимни топишга ҳаракат қилаётганимдагина англадим. Лекин энди кеч бўлган эди. Мен аттестатимдаги юзак баҳоларни ҳақиқий билимимга яраша баҳоларга айлантириш учун бошқадан имтиҳон топширишим керак, «ёрлиқ» учун астойдил ҳаракат қилишим керак. Майли, шундай ҳам қилдим дейлик, лекин бу билан фақатгина менинг асл билимим баҳоланади, аммо бошқа ўқувчиларники-чи? Улар ҳам худди мен каби «таълим» олишган-ку! Бу билан нима ўзгаради? Фақат менинг асл били-мим ўзгаради, холос. Бундан кимга фойда-ю, кимга зарар? Журналда мактубим босилиб чиққанидан сўнг ўқувчилардан юзга яқин хат олдим. Менга журналхонларнинг фикр-муло-ҳазалари, менинг мактубимга билдирган муносабатлари, маслаҳатлари керак эди. Мен ана шу хатлардан ўзимга яраша хулоса чиқардим, маълум, даражада ҳаётга йўлланма олдим. Бунинг учун мактуб эгалеридан миннатдорман. Чунки улар менга маслаҳат, ёрдам беришди, ҳаётда тўғри йўлга тушиб олишимга кўмаклашишди. Мен жуда кўп хатларда: «Барно, сиз билан менинг бошимиздан кечган воқеалар даярлик бир хил экан», деган сўзларни ўқидим. Демак, бундай воқеаларга фақат менгина эмас, балки бошқа шаҳар, областлардаги тенг-дошларим ҳам дучор бўлишган.

Мен ўша мактубни ўзимни виждонли қилиб кўрсатиш, ўқитувчиларимга ҳайфсан олиб бериш учун эмас, балки мен-дан кейинги ўқувчилар менинг ҳолимга тушиб қолмасликлари учун, бўрттириб қўйилган баҳоларга ишониб, асл билим олмас-дан алданиб қолмасликлари, эртаниндин техникум ёки институт даргоҳларида бекорга сарсон бўлиб юрмасликлари учун, олган баҳоларига лойиқ билимлари билан фахрланиб юрсинлари учун ёзган эдим. Кейинчалик бир-иккита ўқитувчи-лар: «Шу ишни қилишдан олдин биронтамиз билан масла-ҳатлашсанг бўлар эди», дейишди. Биринчидан, инсон қандай қилиб ўз виждонни буюрган ишни ўзгалар билан маслаҳатлашиб келаради?! Иккинчидан, агар мен ўқитувчиларим билан мас-лаҳатлашганимда, ўша мактуб умуман ёзилмаган бўларди. Чунки қайси ўқитувчи ўз ўқувчисига «шундай қилиб ёз» деб айтади. Мен абитуриентларнинг шпаргалкадан фойдаланаёт-ганини кўрганимдан эмас, балки шу нарсаларни домлага очиқ айтмаганимдан уялдим. Нима, мен энди журналга ўз кўнглимдагини очиқ ёзиб, маслаҳат сўраб, чин ҳақиқатни рўй-рост айтганим учун қадрдон мактабимдан, ўқитувчи-ларимдан уялишим керакми? Мени яна бир нарса қизиқти-рапти: нега ўзим ўқиган мактабимни битирувчи қизлари «Ёш-лик»га мен ҳақимда мактуб йўллашибди? Ахир биз бир-бири-миз билан кунора учрашиб турамиз-ку? Шу саволларни нега мен билан юзма-юз дуч келганда сўрамадиларинг? Ахир мен сизларга очиқ-ойдин жавоб берган бўлар эдим-ку! Ҳайронман, нега энди бошқа область ўқувчилари шу саволларни менга беришмади-ю, фақат 30-ўрта мактабнинг 10-синф қизлари беришди?! Ниҳоят, менга саволлар билан мурожаат қилган қизлар ҳам бу йил мактабни битиришди. Жами бўлиб 30 нафар атрофидаги ўқувчи 10-синфини тугатди. Менимча, шундан 6-7 таси ўқишга кирди. Хўш, қолганлари-чи? Биздан кейин макта-бимиз «машъаллари» бўлиб юрган ўқувчиларнинг кўпчилиги ўқишга киролмади. Қани, шу қизлар айтсин-чи, аттестатлари-даги баҳолар асл билимларига муносибми?..

Аттестатдаги баҳоларга эмас, ўз билимимизга ишониб, олий ўқув юртига қадам босишимиз керак. Энди сизларнинг сўнгги саволигизга жавоб бераман. Агар шу воқеалар ўқиш-га кирганимдан кейин ҳам мени қийнаганида, албатта, ҳа, ал-батта редакцияга ёзган бўлар эдим. Агар мабодо ўқишга ки-риб кетиб, ўз баҳтим билан қувониб юриб, ўша вақтда бу воқеаларни унутаяётганимда, балки ёзмаган бўларимиди?.. Менимча, бундай бўлиши мумкин эмас эди: чунки мен ўша мактубни ёзмаганлигим учун, дилимдаги дардимни яшириб, бировга очиқ айтмаганлигим учун бир умр ўзимни кечирол-май юрган бўлар эдим. Негаки, мустақил ҳаётнинг остонала-ридаёқ мана шу воқеаларни бошимдан кечирганлигим ту-файли бу нарсалар менинг қалбимда абадий муҳрланиб қо-лганди. Лекин, мана ўзингиз гувоҳ бўлиб тургандек, бошга туш-ганини кўз кўрар экан.

Айрим ўқувчилар борки, сумкасидаги китобларни эрталаб мактабга кетаётганда алмаштиришади. Ҳайрон қолсан киши;

ўқувчилар шунга ўрганиб қолишган, чунки улар билишадими, «2» баҳо қўйишмайди: (Бундан бир-икки йил бурунги ҳол), мумкин эмас. Ҳуқуқчилар тили билан айтганда, «садақа «3» олишларига ишонишади, ҳа бу аниқ. Эндиликда эса «2» баҳо қўйиш мумкин, лекин барибир ўқитувчилар «сийлашади», кечиришади. Натижада ўша «садақа «3» билан мактабни ҳам битиришади. Оқибатда эса баъзи ўқувчилар на ўқишни, на ёзишни билмай ўтиб кетишади.

Мен фақат ўзим битирган мактабни назарда тутаётганим йўқ, балки жуда кўп мактабларни кўзда тутишман. Ахир бу бизнинг жамиятимиздаги энг хунук воқеа-ку!

Балки менинг бу фикрларим нотўғридир?! Азиз журнал-хонлар, менинг азиз ўқувчиларим, ҳурматли тенгдошларим мени тўғри тушунарсишлар деб ўйлайман. Бу мактабни ёзиш билан умуман ўзимни оқламоқчи эмасман, бундай ниятим ҳам йўқ. Мен кўнглимдаги сўзларни сизларга очик айтгим келди.

Хатим жуда чўзилиб кетганлиги учун сизлардан узр сўрайман. Лекин дилингдаги гапларни қозоғга тушираман десанг беш-олти варақ ҳам камлик қилар экан. Бу мактабни ёзмаслигим мумкин эмасди. Чунки ўша саволлар, бўлиб ўтган воқеалар мени кечаю-кундуз тинч қўймади. Атрофимда эса менинг қалбимга қулоқ соладиган, тушунадиган одамнинг ўзи йўқ. Мен ҳам кимгадир дилимни очишим керак-ку, ахир! Бу борада мен яна журналга мурожаат этишни маъқул кўрдим. Балки сизлар мактабимни ўқиб кўриб, уни азиз журналхонларга етказишни лозим топмасизлар. Унда на чора, сизлар нимани маъқул кўрсаларинг мен розиман. Балки бу мактабим туфайли ўз тақдирларига, ўзгалар келажагига бепарқ, лоқайд қарайдиганлар бир қадар камайса не ажаб?..

## Редакциядан:

Маълумки, журнализмнинг шу йилги 1-сониди («Мактабдан мактаблар» рубрикаси остида) оққўрғонлик Барно Сирожиддинованинг хатини эълон қилган эдик. Шу билан бир қаторда ҳамма-ҳаммани мактаб ислоҳотида актив қатнашишга чақиргандик. Кутганимиздек, «Ёшлик» почтасига республикамиз мактабларидаги ҳақиқий аҳволни рўй-рост кўрсатувчи кўплаб хат-хабарлар келди. Қизиғи шундаки, мактаб ҳаётига алоқадор камчиликларни, жиний ишларни фож қилган муаллифларимизнинг салмоқли қисмини юқори синф ўқувчилари билан ёш педагог кадрлар ташкил этади. Комсомол-ёшларнинг ҳаётимиздаги салбий ҳодисаларга нисбатан муросасизлиги қувонарли ҳол, албатта. Лекин қувонишга ҳали эрта: масаланинг иккинчи бир хижолатли томони ҳам борки, ундан асло кўз юмиб бўлмайди. Бу — рус адабиётида XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ кўтариб чиқилган ва И. С. Тургеневнинг ажойиб романида ўзининг батафсил ифодасини топган «оталар ва болалар» можаросидир. Редакциямиз почтасига келган хатлар асосида фикр юритадиган бўлсак, вазият пишиб етилган кўринади — «катталар янгича бошқара олмай қолганлар», ёшлар эса эскича яшашни истамайдилар. Бир сўз билан айтганда, мактаб инқилобий ўзгаришларга, ИНҚИЛОБга муҳтож. Ислоҳот эса фақат «ярим» инқилобдир. (Қавс ичида бўлса ҳам, қайта қуриш ўз моҳиятига кўра Инқилоб эканини таъкидлаб қўймоқчимиз.) Ҳеч кимга сир эмаски, инқилоб ҳамжиҳатликни талаб этади — «оталар ва болалар» можароси кутлуғ ишга ҳалакат бермаслиги даркор. Буюк манфаатлар йўлида бачкана шахсий манфаатлардан воз кечишга тўғри келади. Ҳар доим шундай бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Бамаъни инсон шахсий ғаразларини дастурхон қилиб кўтариб юрмайди: мард бўлса, айбини бўйнига олади ёки жилла курс, ўз хатосини тушунишга ва уни тузатишга ҳаракат қилади. Шу тариқа кўпчиликнинг манфаати-га қарама-қарши бормайди. Ҳеч бўлмаса, ёмонликдан ўзини тияди.

Шундай қилиб, журнализмда мактаб мавзусига бағишланган мақола эълон қилишдан кўзлаган мақсадимиз — бирорта синф раҳбарига ёки мактаб директорига «ҳайфсан» олиб бериш эмас эди. Шунинг учун Б. Сирожиддинова ўқиган мактабнинг директори билан ўша мактабнинг химия фани ўқитувчисига — Барнонинг собиқ синф раҳбарига ҳайфсан берил-

ганини эшитиб... ростини айтсак, бу ишга қандай баҳо беришни ҳам билмай қолдик. Агар мактаб олдида турган долзарб масалалар кимгадир битта ҳайфсан беришу кимдир ишдан олиш билан ҳал бўлади деб ўйласак, жуда катта хато қиларимиз. Бу ҳол партия-ҳукуматимиз бошлаб берган қайта қуриш ишларига юзаки, қўл учида ёндоқиш нишонасидир. Яна неча марта такрорлаш керак, ахир: қайта қуриш — мавсумий, ўткинчи кампания эмас, балки — яшариш, янгиланиш, покла-ниш демакдир! Жамиятимиздаги қора доғларни оқ рангга бўяб қўйган билан ҳеч нарсага эришолмаймиз. Туб моҳият ўзгариши керак, воқеаликка бизнинг муносабатимиз ўзгариши керак. Токи биз теварак-атрофимизда рўй бераётган ҳодисаларни томошабин сифатида қўл қовуштириб кузатиб ўтирмайлик, ижтимоий ҳаётга актив аралашайлик. Худди шу нуқтаи назардан қаралса, Оққўрғон район, С. Сегизбоев номидаги совхоз территориясида жойлашган 30-ўрта мактаб ўқитувчиларига берилган «ҳайфсан»лар ўз моҳият-эътибори билан ошқоралик принципига ҳам, демократия талабига ҳам зиддир. Хўш, ошқоралик нима ўзи? Ошқоралик — камчиликларни очик-ойдин айтиш ва мавжуд имкониятларни ишга солиб, ўша камчиликларни тугатиш демакдир. Ошқоралик — шафқатсизлик деган гап эмас. Дохиймиз В. И. Ленин берган таъриф бўйича, «демократия тенглик демакдир» (Бу ҳақда В. И. Лениннинг, «Давлат ва революция» номли асарига қаралсин). Шундоқ экан, демак, биз ҳаммамиз жамиятимиздаги муайян салбий ҳолатлар (хоҳ у мактаб ҳаётида бўлсин!) учун теппа-тенг жавобгармиз. Негаки, демократия ҳеч кимга ҳеч қандай илтиф бермайди. Хусусан, маъсулият олдида ҳам ҳамма бирдек жавобгардир: «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!» Қолаверса, мактабларимиздаги салбий ҳолатларни эскича усул билан («Текширилди. Чора кўрилди!» каби) — бюрократик усул билан тугатиб бўлмайди. Чунки иллатлар бир-икки кишининг айби туфайли содир бўлмаган, улар маориф соҳасидаги турғунликнинг, фаолиятсизликнинг, куруқ ижрочиликнинг, ишга ижодий ёндошмасликнинг оқибатидир. Зеро, бу йўлдаги кураш ҳам осон кечмайди.

Бундан ташқари, 30-ўрта мактаб ўқитувчиларига берилган «ҳайфсан»лар маориф соҳасини ислоҳ қилишдан — қайта қуришдан кўзланган пировард мақсадга ҳам зиддир. Чунки қайта қуриш барча тармоқларда унуллироқ ишлашни, жамиятимиздаги ижтимоий аҳволни янада яхшилаш учун ҳар бир совет гражданининг ижодий имкониятларини тўлароқ рўёбга чиқаришни талаб этмоқда. Хўш, шундай эзгу ниятлар йўлида мактаблар қандай хизмат қилиши мумкин? Таъбир жоиз бўлса, мактабларнинг жамиятимизга етказиб берадиган «сифатли махсулот» мустақил ҳаётга тайёр инсонлардир. Демак, ўқувчи биринчи галда мустақил фикрлашни ўрганмоғи даркор. Маориф соҳасига озми-кўпми дахлдор бўлган ҳар қандай киши мактабда муайян фанларни ўзлаштириш ҳам муҳим эканини инкор этмагани ҳолда ёш совет гражданининг мустақилликка ўргатиш янада муҳимроқ эканини унутмаслиги лозим. Чунки мактаб — кўпчилик озчиликка сўзсиз итоат этиши шарт бўлган аллақандай идора эмас (афсуски, ҳозиргача худди шундай бўлиб келди!), балки номзод-гражданиларнинг тенг ҳуқуқли, айни чоқда, мустақил «Шкид республикаси»дир!

Мана, энди равшан бўлгандирки, Барно Сирожиддинова сингари ўқувчиларни тарбиялаган — мустақил фикрлай оладиган гражданининг вояга етказган мактаб маъмуриятига чин дилдан ташаккур айтиш вақти ҳам келди. Бизнингча, Оққўрғон районОНОсидаги мутасадди ўртоқлар 30-ўрта мактаб коллективи олдида узр сўраб, мактаб директори билан синф раҳбарига берилган «ҳайфсан»ларини қайтариб олишлари лозим. Айни пайтда, мактаб ўзининг мустақил фикрлайдиган гражданиларни тарбиялашдек муҳим вазифини унутганини таъкидлаган ҳолда, масаланинг бошқа бир муҳим томонида — ўқувчиларга ҳақиқий билим бериш соҳасида оқсаётганини-да кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлув эди. Акс ҳолда, биз бу мавзуга яна қайтиб, Оққўрғон район халқ маорифи бўлимида мактаб ислоҳотига юзаки ёндошилаётганини қайд этишга мажбур-миз. Чунки факт қайсар бўлади.

Хуллас, «Мактабдан мактаблар» рубрикамиз ўз ўқувчиларини топди. Эндиги навбат сизларга, азиз журналхон дўстлар!



Иброҳим Ҳаққулов

# Сўз дарди — сўзларни енгмоқ



Шодлик дўнар кадардан, не демакдир!  
Бу дард учун не озик керакдир!

Аббосгул оға Бакихонов

«Шоирларга буюртма кўп Дунёдан». Дунё «Бахт ва Умид, Очлик ва Уруш» тўғрисида қўшиқлар ортиқ битилишини истайди. Кўпчилик шоирлар «буюртмалар узра» тер тўкадилар. Лекин шундай шоирлар ҳам борки, улар кўпроқ ўзларига ҳақда шеърлар битади. Булар ўзлигини фавқулодда эрта таниган, дунёнинг бош Сўзи ўз қалбларида пинҳон ётганини ҳис қилган ижодкорлардир. Навқирон шеърятимизнинг истеъдодли вакили Муҳаммад Солиҳ ана шу характердаги шоир. Унинг «Яшайман, Токи бу табият Менга қараб, сезсин доимо Узининг нақадар буюклигини», дейиши ҳам бежизмас. Муҳаммад Солиҳ шеърларининг ички ҳақиқатини белгиловчи етакчи пафос — Шахс ўзлиги. У ўзлик фалсафаси, тарих, замон, жамият, келажак ва Шахс муносабати ҳамда такомил муаммолари билан изчил қизиқиб келаётир. Балким бу ғоявий, ахлоқий ва фалсафий йўналиш унинг учун ўзни тутишдан бошлангандир:

Узингни тут, қийин бўлмоқчи...  
Узингни тут, кўз — нурли ҳалқа,  
Узингни тут, бугун сен ахир,  
Боқмоқчисан буюк бир халққа.

Шоирнинг поэтик талқинларида ўзни англаш, халқ ўтмиши ва келажакка қараш, она юртин таниш тушунчалари билан уйғунлик оҳанглирига эга. Унингча, «буюк бир халққа» қараш учун одамнинг ўзида буюк бир яхлитлик, «фақат Узининг ўлими юзига» тик қарайдиган жасорат, мардлик керак. Буни у бир Юрак, алоҳида бир вужуднинг «улкан лашкар» мавқеига эришиши деб таърифлайди:

Одам жамлаб олса ўзини,  
Ўзини катта бир майдонга йиғса,  
У улкан лашкардир.

Чиройли сўзлар битиш М. Солиҳга умрнинг тушга дўниши билан тенг: «Чиройли сўз учун яшай олмайман. Истамайман бу умрнинг туш бўлишини...» Сўз дарди, шоирлик санъати унга «Қорни тўқ, Боши бўш» «Мешчан сўзларни» енгмоқдир. У илк тажрибалариданоқ, «ғўзалликни севган инсонни» «шеър — севги» деб алдамасликка куч топа олган ва «қаламни синдириш»ни энг катта имкон билган ўзига хос истеъдод эканини кўрсатди.

«Тилимизда шундай сўзлар борки, уларни айтиб бўлмайди — фақат тиш орасидан ситиб чиқариш мумкин», дейди Муҳаммад Солиҳ. Унинг деярли кўпчилик шеърлари тиш орасидан дард билан ситиб чиқарилган, Эркин Воҳидов қўшимча қилиб айтганидай, «қон аралаш ситиб чиқараётган дардли бир шоирнинг» юрак сўзларидан таркиб топган ижод намуналаридир.

Одатда, шеърни кўпроқ гулга қиёслашади. Муҳаммад Солиҳ шеърларига бундай ташбиҳ тўғри келмайди. Унинг шеърларини мен, ўз сўзлари билан, ингроқ илдиз — «ажойиб ер ости гуллари» деб таърифлагим келади. Балки шунинг учун уларни ҳамма ҳам тушунавермас. Балки шунинг учун биз беҳуда талаб ва даъволарга ҳам йўл қўйгандирмиз. Лекин бир ҳақиқат аёнки, бу шоир сўз меҳнатининг осон, кўпчилик юрган равон йўлларини танлагани йўқ. Шу маънода унинг қуйидаги сўзларини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас:

Бир сўзнинг устида  
Тун бўйи йиғлаб,  
Чиқара олмасанг уни бўғзингдан,  
Ҳирқирасанг,  
Бўғилсанг,  
Епиб қўйса нафас йўлларингни у сўз,  
Шунда ҳеч ким тушунмаса сени,  
Сен эса жилмайсанг,  
Кўзингдаги ёшни ҳам артмай,  
Жилмайсанг, уларга бир соқов каби...  
...Ва шулар Бахт бўлса,  
Мен — бахтлиман!

Муҳаммад Солиҳ учун сўз ва фикр, ушбу шеърда кўрсатилган ҳолатдаги сингари, дард қўзғайдиган, ҳатто йиғлатадиган, ҳирқиратадиган реал нарса. У сўзлар галасини энгиб яшайди: «Ишим шундай — сўзларни енгмоқ...» У яратган шеърлар эса ғолиб сўзлардан таркиб топган: «Бу сўзлар — мени енгган сўзлар, Илож йўқ...»

\* \* \*

«Муҳаммад Солиҳнинг шаклий изланишларига, тажрибаларига келсак, дейди Рауф Парфи, — фақат европаизм таъсири деб қараш унчалик тўғри эмас, унинг таъсир манбаларини Ватанимизнинг энг қадимий эзма тарихий ёдгорликлари — тошга ўйилган ёзувлардан, Шарқ адабиётидан, минг йиллик ўзбек шеърятидан ахтарган маъқул». Ҳақ гап ва тўғри кўрсатма. Муҳаммад Солиҳ Ғарб шеърятини ютуқларидан пўхта хабардор, унинг фикр тарзи, ифода усули ва образ яратиш санъатида европаизм таъсири у ёки бу шаклларда кўзга ташланиши шубҳасиз. Бироқ буни ёлғиз эътироф этишмас, шу таъсир йўллари ва самараларини далиллар тилида очиш, кўрсатиш керак. Муҳаммад Со-

лиҳда Ғарб поэзиясига юз буриш тамойили устунроқ экан ёки у Лотин Америкаси ва испан шеърияти анъаналарига жиддий эътибор берган бўлса, бунда унинг суянган ғоявий-эстетик манбалари қандай, ижодкорлари кимлар, улардан нималарни ўрганиб, нималарни ўзлаштирган — буларга тадқиқ ва таҳлил услубларида жавоблар бериш шарт. Ҳолбуки, бу йўналишда на бирор мунаққид, на бирор шоир далил-исбот бўларли фикрни ўртага ташлай олгани йўқ. Айтилган ва эълон қилинган мулоҳазаларнинг аксарияти умумий, ҳатто, асоси бўш қарашлардан тузилгандир.

Энди масаланинг иккинчи қирраси: хўш, Шарқ таъсири нима, бунда нималарни эътиборда тутиб, қандай хусусият ва жиҳатларни ёқлаш лозим? Афсуски, Шарқ шеъриятининг қадимий анъаналарига тарафдорлик қилмоқчи бўлган ёзувчи ва танқидчиларнинг кўпчилиги ўша адабий-эстетик анъаналарнинг жуда олис асрлар қаъридан келиб чиқадиган илдирилари, истиқбол йўлларини деярли билмайдилар ёки юзаки тасаввур этадилар. Ва анъана тарихи — энг аввало, Руҳ тарихи, Тил фалсафаси ва унинг бошқарувчилик қудрати эканини ҳисобга олмайдилар.

Мен бир пайтлар Мухаммад Солиҳга Шарқ шеърияти анъаналарига бефарқлик, улардан узоқлашиш муаммолари хусусида сўзлаб, саволлар берганимда, у бу масалада она тилимиз ягона таянчлигини таъкидлаб, бундай деган эди: «Тил кўп нарсани ҳал қилади: тил — табиат, тил — ўзлик, тил — томиримизда оқаётган қон. Мен тилга, она тилимизга ишонаман. Тил стихияси бизни ўзига бўйсундиради ва ҳар қандай тақлид чангалидан кўтқариб қолади. Лекин «Ғарб таъсири» деган гап кўнглингиздан кечган бўлса, у сиз ўйлаганчалик ёмон эмас. Ғарб шеърияти ўзининг илғор қирраларини шарқ адабиётида чархлагани барчага маълум» («Ёшлик» жур. 1982 йил, 9-сон). Шоир худди шу кейинги фикрини, баъзи шеършуносларда «Шарқни улуғлаш учун Ғарбни камситиш совет кишиларнинг интернационалистик туйғуларига қарама-қарши келади», дегандай тайинсиз мулоҳазалар туғдирган ҳақиқатни «Аниқловчи» шеърида шундай акс эттирган:

**Қофиялар бўлса ер каби мангу,  
Қочарга жой топмай юрса биздан ой,  
Ҳеч кимга кулгили кўринмаса бу,  
Демак, бу Ғарб эмас, ўзимизнинг Шарқ!..**

Тил — асосий миллий замин. Мухаммад Солиҳ шу заминга таяниб, она тилимизнинг теранлиги, ифода қуввати, таъсир жозибаси учун ҳалол заҳмат чекаётган шоирларимиздан. У сўздаги сохта пафос, ёлғон чечанлик ва ташқи безакдорликларга қарши. Унинг ажойиб ақидаси бор. Сўз — «бир пуф десанг, учиб кетадиган чумоли. Бир силкисанг, дув тўкиладиган олма. Бир торсанг, томири билан чиқадиган дарахт... Бир бомбадан ағдар-тўнтар бўладиган шаҳар. Бир сўз билан... Дарвоқе, бир сўз билан буларнинг ҳаммасини қилса бўлади». Демак, шоирни Сўзнинг маъно, ранг, оҳанг ва ифода томонларигинамас, тарих, давр ва жамиятдаги мавқеи, сўз зарурияти ва жасорат масалалари ҳам қаттиқ қизиқтиради.

Ҳар бир истеъодли шоир ижодида адабий анъаналар ўзича янгиланади ва уларда давомийлик, ворисийлик излари янги шаклларда кўзга ташланиб туради. Мухаммад Солиҳ тажрибаларида ҳам шундай. Баҳс ва тортишувларга сабаб бўлган унинг шеърларидан бирида бундай дейилган:

**Отхонада...  
От ухлар тикка.  
Ухлар унинг бўйнида бўрон.  
Дунёда жонзот йўқ,  
Ухлаётган отдан ғамгинроқ!  
Уни силаш учун,  
Ачиниш учун  
Юзта сулув қизнинг қўллари керак,  
Юзта!  
Отхонада от ухлар тикка,  
Маяс бўрон бўйнида ухлар.**

юқоридаги сўзларнинг сира жумбоқлиги йўқ. Навоий ғурбатда — ғариб, олтин қафасда — булбул қандоқ аҳволга тушишини сўзлаган бўлса, ўшандай йўлдан бориб Мухаммад Солиҳ ҳам отхонадаги, яъни тутқунликдаги от ҳолатини тасвирлаган. «Шоир бу шеър орқали нима демоқчи? Бу шеърдаги отхона билан гўзаллик, от билан қизлар ўртасида қандай ҳамоҳанглик мавжуд?» каби саволларнинг туғилиши, ростки, мени ажаблантиради.

Шоир мазкур шеърида эркисизлик фожиасини ёритмоқчи. Наҳотки уни ўқиганда «отхона» ҳам ўзига хос машъум қафас деган тушунча кўнглидан кечмаса? Ахир, «отхонада»ги ўша от табиат фарзанди сифатидаги эрки, ҳур эҳтиросларидан маҳрум этилган-ку! Унинг мавжудлиги энди олдинги ҳаётига нисбатан гўёки туш. Шунинг учун у тикка ухлайди. Чунки бу ақлли жониворнинг хотираси унга бемалол оёқ чўзилтириб ётишга имкон бермайди. У қўзлари юмилганда ҳам барибир табиат қўйнида кечган озод дамларига чопади. Унинг бўйнида ухлаётган «бўрон» олис ва шиддатли таассуротлар руҳи.

Эргаш Жуманбулбул куйлаган «Далли» достонида Ҳасанхон Ғиротга қарата:

**«Неча тушиб париларнинг қўлига  
Парилар тарбият этган бедовсан.  
Париларман, неча тоза қизларман,  
От ҳам бўлсанг, суҳбат қурган бедовсан»,**

дейди. «От билан қизлар ўртасида қандай ҳамоҳанглик мавжудлигини бугунги шоирдан эмас, туркий шеъриятнинг қадимий намуналари ва халқимизнинг оғзаки ижодиётидаги асарлардан ахтариб, суриштириш керак. Уларда от ва гўзал қизлар орасидаги муносабатлар хусусида, Ҳасанхон айтгани сингари, қанча фикру мулоҳазалар билдирилган. Лекин Мухаммад Солиҳ тилга олгани «юзта сулув қизнинг қўллари» поэтик образ моҳиятига эга. Унинг бошқа шеърида шом пайти «Сағрилари ялтиллаб отларнинг қўрага киряётгани айтилган. Отхонадаги от эса «сағриларининг ялтиллаши» бахтидан жудо бўлган. Бошқа ҳеч пайт энди унинг «олов тилларидан» «майсалар» куймайди. Бу ёғи балки ҳеч пайт ишқ ва эҳтирос унинг бағрини ёқмайди. Шунинг учун бундай отлардан ғамгинроқ жонзот йўқлигига инонса бўлади. Мухаммад Солиҳ тасвиридаги шу от билан Чингиз Айтматовнинг отхонага тиқилган, исёнкорлиги туфайли охири бичилган Гулсариси ўртасида қандайдир қисматдошлик кўраман ва унинг тақдир азоби-ни кенгроқ ҳис қилмоқ учун «Алвидо, Гулсаридеги айрим ўринларни тасаввурда жонлантирмоқ лозим деб ўйлайман.

**«Ажиб хотининг бор-да, Хуан, —  
Деди Эльдородо. — Эгил!  
Ҳидла! Гул келтирибди бизга у,  
Атиргул!  
Қувон, Антонио —  
Бу гулга идиш бўлгусидир  
Кофе сархуминг!..»**

Бу ҳам тутқунликдаги ҳодиса, турмадаги суҳбат, Шоир анъанавий бир поэтик образ воситасида хушнуд, маълум фурсат бўлса-да, дилзадаликни қувадиган туйғуни акс эттирмоқчи. Шу маънода Эльдоронинг «Атиргул! Қувон, Антонио...» сўзлари фикрий таъкид, қувонч даъвати бўлиб эшитилади. Бугина эмас. Қайси томонлардандир асраб-авайлаб турмага гул кўтариб келган аёл маънавиёти ва юрак ҳисларига ким ҳам бефарқ қола олади? Бироқ шеърдаги бош ният булармас. Шоир «Мақсад» шеърида ёзади:

**Бир парча осмон бор осмонда,  
Бу осмон сеники бўлғувси:  
Деразадан унинг азонда  
Эшитасан мовий кулгусин.  
Деразадан келар мовий сас,  
Қани унга мангу боқсайдинг!  
Бу осмонни устунлар эмас,  
Тутиб турар сенинг Мақсадинг...**

Тасаввур қилинги, Хуан билан Эльдородо эрта азонда

Алишер Навоийнинг «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» рубоийсини ўқиб, мағзини чақа олган шеърхон учун

мовий саслар янграйдиган шу бир парча осмонини деб ҳибса-га тушишган. Балки улар ҳозирча шу бир парча осмонга турма дарчасидан назар ташлашар. Балки уларнинг ҳеч қанақа қамок сиғдира олмайдиган мақсадлари Ватанлари осмонига тирак бўлгандир.

Шундай қилиб, Хуаннинг хотини олиб келган гул маҳбусларни хурсанд қилади. Ун икки киши гулга қўлтуллаб сув қўйишади — ун икки қўлтум сув. Гул дарчанинг олдига қўйилганда кутилмаган воқеа содир бўлади. Ҳамма бирдан хомуш тортиб, жимгина тарқайди. Нега? Нимадан пайдо бўлди бу оғир хомушлик? Гулдан, ўша гул туфайли. Чунки «кофе сархуми»га солинган у гул иттифоқо «ун икки кишининг осмонини» тўсиб қўйган эди. Маҳбуслар шунини сезиб қоладилар. Хўш, кейин-чи? Сўнгра нима қилишади. Албатта, шўрлик Хуанга ноқулай бўлади. У аниқ биладики,

**«Энди улар тонг отгунча  
Гулнинг сўлишини тилайди».**

Гулни дарча олдиғамас, бошқа жойга ҳам қўявериш мумкин-ку, дерсиз. Йўқ, унда «гул»нинг поэтик образ шаклидаги моҳияти бир пул бўларди.

Инсон ҳурликка чанқоқлиги ва ҳар қандай эрксизлик шарпаларига муросасизлиги билан улуғ. Агар шахс буни тушунса, у — озод; жаҳонгир Искандар соясига ҳам тоқат қила олмаган Диоген қадар ҳур ва донишманд. «Турмадаги гулдан чиқадиган маъно шундай: одам эркига гул монелик қилиб қолса, у ўша гулнинг — гўзалликнинг ҳам заволини тиламоғи табиий ва бунга ҳақлидир. Шеърнинг ғоявий таъсирчанлиги, образнинг янгича бадиий талқини ҳам шунда. Урни келганда таъкидлаб ўтайликки, Мухаммад Солиҳ тенгдошлари орасида Эрк оҳанглари, ҳурлик фалсафаси билан теран ва изчил машғул бўлаётган ижодкор. Уни маънавий ҳурлик, фалсафаси қоқоқ ақидаларга қарши Рух овози, босқичма-босқич Жасоратини камол топтираётган Юрак ҳолати ва сувратлари қизиқтиради. У ҳар нарсадан кўпроқ одамнинг қалб ҳурлигини муҳофиза этади, шу тўғрисида даъватномалар битади:

**Қўлингни қўлига берма,  
у қулса, бўлмагин хурсанд.  
бу гуллар захарли — терма,  
унутма, фақат сен хурсан!**

У эрк ҳақида «байроқ кўтариб олган сўзлар» галасини олисларда қолдириб, дилни нурлантирувчи сўзлардан сатрлар тизади.

**Эрк — унинг ягона уйи,  
деворлари шишадан тикланган бир уй.  
Дунёни кўра у уйда туриб  
ташқаридан уни кўради дунё...**

Бу шаффоф уй унинг «шахсий инимас, оламдан сеҳрли оҳанглар ёғиладиган муқаддас даргоҳ. У бунда «Овқат кам ейди, чунки дарахтлар унга қарагандай бўлаверади». «У бўйдоқ, чунки хотин билан яшамоқ ноқулай бу шаффоф уйда...» Шунинг учун бу лирик қаҳрамон ҳар ёққа лангар ташлаб юрмайди. Сотиб оладиган нарсаси бўлмаганидек, у ўзини ҳам сотмайди. Яъни таъма, хушомад, ҳар турли манфаатпарастлик ҳислари унинг табиатига ёт. Мабодо у мағлуб бўлгудай бўлса ҳам «инграмоқ, ғингшув» туйғуларини кўнгилга йўлатмайди:

**Сен ғолибсан мағлубликда ҳам.  
Сенга ётдир инграмоқ, ғингшув,  
Уғримассан ёки муттаҳам,  
сен озодсан — бор-йўғи шу...**

Аслида, бундай фикр ҳар бир совет кишининг дил шоири бўлмоғи керак. Улуғ Инқилоб ҳақиқатларига содиқликнинг юксак бир шакли ҳисобланади бу оҳанг.

Мухаммад Солиҳ шеърини образлар яратишда тенгдошларига нисбатан халқ тилидаги фразеологик ибора, учқур сўзларга кўпроқ таянаётган шоир. «Табиб маслаҳати» шеърида бундай сатрларни ўқиймиз:

**Ортиқча семириб кетмайин десанг,  
Еб қўйилган сўзлар,  
Изма-из ютилган ҳақиқат  
Семиртириб юборар одамни.  
Семизликни қўй кўтарсин,  
Беабон, мўмин қўй кўтарсин.**

«Еб қўйилган сўзлар, Изма-из ютилган ҳақиқат»дан «семириш» кўпинча мўминлик оқибатидир. Мўминлик — ўзича қўймижозлик. Шеър мўминликни дастур қилиб яшайдиганларга қарши ёзилган. Ғоя талқини эса, «Семизликни қўй кўтарар» халқ иборасига таяниб амалга оширилган.

Афсонага биноан Сулаймон пайғамбарнинг шоҳлик кунинда бутун жонлилар унга ҳадялар берадилар. Сулаймондан кимнинг тўхфаси қимматлироқ экани сўралганда, ҷумолини кўрсатган: у ўзидан анча оғир чигиртка оёғини кўтариб келган эди. Атоқли шоирамиз Нодирабегим ушбу воқеага ишорат қилиб:

**«Бу барча ажз ила исботи нотавонлиғдур,  
Ки мўр қилди Сулаймонга тўхфа пойи малах»,**

деб ёзган. Мухаммад Солиҳнинг «Ҷумоли» деган тўртлиги бор. Унда тасвирланган ҷумоли ҳам нимаси биландир шоҳлик кунинда Сулаймонга чигиртка оёғини кўтариб келган доно ва заҳматқаш ҷумолига ўхшаб кетади.

**Ниманидир сўдрар у ёлғиз,  
Бу галгиси дон эмас... Лекин  
Сўдраб борар сассиз — йиғисиз,  
Бошқа ҷумолининг ўлигин.**

Бу шеър баъзилар учун шунчаки гапдир эҳтимол. «Хўш, бир ҷумоли иккинчисининг ўлигини тортса, тортибди-да, нима бўлибди шунга?» дейдиганлар бўлар. «Қизик, бунинг нимаси шеър?» деган эътирозларни шеърят муҳокамасига бағишланган катта йиғинларда кўпчилик эшитган. Инсоф билан айтганда, ушбу тўртлик ўзига хос яхши шеър. Фикр ялтироқлиги, бўм-бўш оҳангдорлик йўқ унда, маъно образга жойланган. Бир ҷумолининг бошқа ҷумоли ўлигини тортиши сиртдан айтишга ҳам арзимайдиган воқеа туюлади. Шеърга холис, образли фикрлаш маҳсулидай қаралса, бу манзара бекорга чизилмаганлиги дарров ойдинлашади.

Кимдир бу тўртликни ўқиб инсоний оқибат тўғрисида ўйга толиши мумкинми? Бошқа биров тирмашиб ўлик судраётган ҷумолининг садоқатига тасаннолар айтиб, ҳаётдан муқоясали воқеа толар. Кимгадир у бир манзара сифатида мароқлидир. Масалан, менга у мўъжаз бир суврат — сўзсиз шунг тарзида кўпроқ ёқади. Майли, буларни қўятурайлик. Шоирнинг асосий мудаоси нима? У инсон қисматдаги мусибатларни шовқин кўтармасдан, «сассиз-йиғисиз» ҳам бошдан ўтказса, бемалол енгса бўлади, демоқчи. Шу маънода Ҷумолидаги ҳаракат ва ҳолат ўқувчига ибрат қилиб кўрсатилаётир. Мухаммад Солиҳнинг «Ҷумоли»да сир тутилган хулосасига унинг «Айрилиқ» шеъридаги қуйидаги сўзлар шарҳ бўлади деб ўйлаймиз:

**Кўтармоқ учун ҳам жудоликни  
Шарт эмас девларга хос ирода —  
оддий одам бўлса етади, яъни  
бошига жудолик тушган бир одам.**

Тўртликдаги Ҷумоли худди шу «бошга жудолик тушган» «оддий одам» тимсоли ҳисобланади. Кўряпсизки, анъанавий поэтик образ моҳиятига даҳл қилмасдан, шеърхон ҳукмига оригинал маъно ҳавола этилган. Шоир шеърятдан бундай мисолларни кўплаб келтиравериш мумкин.

\* \* \*

Маълумки, ҳар қандай ҳаёт ҳодисаси, инсон қалбига доир ҳар қанақа фикру туйғу шеърятда образ ёрдамида бевосита образли тилда аксини топади. Поэтик образ — таассуротларга бой, мураккаб ҳаёт ичиди тўқнаш келган шоир «Мен»и билан мавжуд воқелик муносабатидан юзага келган Сўз сувратидир. У бизни ташқи дунё ўзгаришлари, турмушининг зиддиятли тўлқинлари билангинамас, шоир-



нинг Рух тарихи, ички олами билан ҳам изчил таништира боради.

Дейлики, поэзияда ўзига хослик, аввало, образлар тилида сўзлашда кўринадиган бўлса, Муҳаммад Солиҳ чиндан ўзига хос истеъдод. Тўғри, у яратган поэтик образлар гоҳо мураккаб, англашилиши қийин. Айрим пайтларда у жўн тушунча ва фикрларнинг оёғини осмонга чиқариб, уларни образлиликка дахлдор санайди. Унинг топишмоқни эслатадиган машқлари ҳам бор.

**Ҳамма  
ийғлар  
марҳумдан  
бошқа...**

Бу сўзларнинг устида «Маросимда» деган сарлавҳа турибди. Ҳамма йиғлайдими, дунё кўзёш тўқадими, марҳумга барибир: у ғавғолардан халос, демоқчи шоир. Лекин бу шеърини сиёғини топган фикрмас-да! Айни шундай гапни куйидаги сатрлар хусусида ҳам айтса бўлади:

**Кулгим чегарадан чиқиб кетдим!  
Бу юз,  
Бу башара меники,  
Шу менга қараши ёлғиз мамлакат  
Ўзим ўрнатаман чегарани ҳам.**

Ўрни келганда ўжарлик ҳам фазилат, ҳаттоки куч. Лекин бунда самимият мавқени атайинлик эгалламаслиги керак. Муҳаммад Солиҳ яратган бир қатор поэтик образларда атайин ўжарликка берилиш, ошқора саркашликни завоқ деб англаш майллари шундоқ сезилиб туради. Бироқ шоир ижодида булар характерли ҳодисалар эмас. У табиат унсурлари, борлик манзаралари, дунёнинг ашъвий ўзгаришлари орқали рангин образлар яратиб, бизга ҳаёт, Ватан, келажақ, ўлим ва тириклик, ишқ, ҳижрон, эзгулик ва ёвузлик тортишувлари каби қатор ғояларни шеър зиёсида ёритиб беради.

**Гарчи қуш эмас, у лекин унинг ҳам  
узоқ-узоқларга учгиси келар.  
гарчи у ит эмас, лекин унинг ҳам  
баъзан улагиси келар осмонга.**

Ким у, қуш бўлмаса ҳам узоқ-узоқларга парвоз этиб, баъзан итга ўхшаб осмонга улагиси келадиган жонзот? У — Одам. У қуёш эмас. Шунга қарамай, «мангу яшагиси келади унинг». Инсон табиатнинг улўғ фарзанди. Бу тушунча қуруқ ақида бўлиб қолмаслиги учун инсоннинг қалб ҳаётини бутун мураккабликлари ва рангин ҳолатлари билан англаш керак бўлади. Муҳаммад Солиҳ танлаган қиёсий образлар — қуш, ит, қуёш — одамдаги дорд ва кайфият кўринишларини чуқур ҳис қилишга хизмат қилади.

Классик шеърятимизнинг йирик вакилларида бири шоир Атоий «Дилороме, ки нозу шева билмас, Дарахтедур, ки ҳеч баргу бари йўқ» байтида назокатдан маҳрум аҳвол-руҳиясини баргсиз Дарахт тимсолида характерлаган. Муҳаммад Солиҳга эса баргсиз дарахт, яъни дарахт барглари-нинг тўкилиши умр интихосини тавсифлашга керак бўлган:

**гарчи дарахт эмас, лекин унинг ҳам  
тўкилажак бир кун барглари.**

Дарахт — Муҳаммад Солиҳнинг энг севимли поэтик образлари қаторида туради. Чунки дарахт ҳам унга ўхшаб шоир:

**Сен ҳам менга ўхшайсан, дарахт.  
Сен ҳам — мен.  
Фақат сен мақтанчоқ эмассан мендай  
Нега шеърларингни бирор марта ҳам  
Ўқимадинг овоз чиқариб!**

«Дарахт шоир бўлса» шеъри юқоридаги гапларнинг мантиқий давомидай ўқилади:

**Дарахт шоир бўлса,  
Нима ҳақида ёзган бўларди!**

**Озгина қушлар ҳақда,**

**Осмон,**

**Қуёш,**

**Кейин саёҳат ҳақида.**

**Сиёҳат, саёҳат, саёҳат**

**Ҳақда тинмай ёзган бўларди.**

Мунаққидлардан бири мазкур шеърни «нечоғлик уринмай, тушуна олмадим», дея мавҳумлиқда айблайди. Гап фақат тушуниш устида борадиган бўлса, шеърда уриниб-суриниб билан англанадиган сирли маъно йўқ. Фикр ҳам, ифода ҳам аниқ ва содда.

«Шоирлар армондан тўғиладилар», дейди Усмон Азимов. Айтайлик, Дарахт армондан шоирга айланган бўлсин. Уни ўртаган қайғули армон нима бўларди? Биринчи галда — турғунлик. Демак, шеърни Муҳаммад Солиҳ қисмат баҳсига бағишлаган. Утроқлик, турғунлик ҳислари тош бўлиб руҳни босганда гоҳо: «Оҳ, агар мен қуш бўлсайдим...», «Қушга айлана қолсайдим...» дейишади-ку! Дарахт шўрликнинг тили бўлганида у ҳам шубҳасиз, «Бундоқ, олам кезиш, дунёни таниш ҳақ-ҳуқуқим борми?» демасмиди. Меъёрсиз муқимлик, ноилож кўникма — ҳамиша маънавий ҳаракатсизлик. Сўнги фарёддай эшитилса-да, Самад Вурғун айтмоқчи, «Бу ерларда юпанчим йўқ, илинчим бир саёҳатдир...» каби сўзлар гўзал. «Дарахт шоир бўлса»ни ўқиб биз мана шулар тўғрисида ўйлаймиз. Агар, Дарахт — шоирнинг «саёҳат, саёҳат, саёҳат» ҳақида ёзиши барибир ҳазм қилинмайдиган бўлса, унда Абдулла Ориповнинг «Қуз манзараси» шеърини эсга солмоқчимиз.

Кеч кузак. Изғирин нина санчади. Қадрдон дала-қирни деҳқон ҳам тарк этган. Боғлар, боғчалар хувиллайди. Қушлар «яшил элларга томон» учиб кетишган. Табиат бўшаб ётибди. Совуқ далада фақат ўлик мезонлар кезади. Биз ташлаб кетганимиз, шу бўм-бушлик ва совуқ изғирин кучоғида қолган дарахтларнинг аҳволи нима кечганини ҳеч ўйлаганмисиз? Улар азбаройи ноиложликдан «кахрабо кўзёш тўкиб» йиғлашади. Балким энг ўксик кўзёш ўша дарахтларнинг йиғисидир? Билсангиз, қанотсизлик қисмати ҳам бир пайта — фожиа. Қаранг, Абдулла Орипов шеър сўнгида нима дейди:

**Кяхрабо кўзёш тўкиб турар фақат дарахтлар,  
Не қилсин, учай деса, уларда йўқ қанотлар...**

Муҳаммад Солиҳ дарахт образидан хилма-хил маъно ва турли қиёфадаги характерларни акс эттирмак учун фойдаланади. Бошқа бир шеърини Муҳаммад Солиҳ «Мен дарахтни ҳайдаб юбордим!» деб тугатади. Нега? Дарахтни ҳам қувлаб бўладими? Чунки у Дарахт мунғайган, ғариблик рамзи. У — нафрат ва қувғинга маҳкум одам.

**Бунча мунғаймасанг, бунча титрамасанг,  
Бунча ғариб боқмасанг, Дарахт?  
Нима, менда қасдинг борми ё —  
Деразамга қарайсан бебахт?**

Юрак ҳали йўлдоши бўлган, ғазабланиш ва кўзёш тўкиш толеидан ажралмаган кишига сўник қараш қандоқ ёмон таъсир этишини биласизми?

«Бўйнингни қайрсалар, қаддингни буксалар михни буккандай, қўлингни синдирсалар бир чўп сингари, ва шу шаклсизлик ичиде — ичингда бир тўғри чизик» қолса, тушкун бўлмоққа сенинг ҳаққинг йўқ. Демак, сен голиб, сен бахтли. Деразанг ёнидан ҳар қандай ноумид ва афтода Дарахтни ҳайдашинг мумкин. Ҳамма гап, «Ҳали менда юрак бор, ахир, Ҳали йиғламоққа кучим етади» демоқ имконини бой бермаслик, шу имкон кучига муносиб тура олишда. Қолгани, жумладан, мунғайган, тушкун, демакки, руҳи чиркин дарахтларга қарата, «Кет қўзим олдидан, кет, дейман...» шаклидаги сўзларни айтиш ҳам осон кечадиган ҳодисадир.

\* \* \*

Шеър — қисмат сўзи, Шоир — қисматнавис. Бу гап Муҳаммад Солиҳга ҳам тегишли. «Бешинчи фасл» тўпламидаги бир саккизлик «Нечун йўқлигингни сўрайин десам, Сен йўқсан...» сўзлари билан бошланади. Менимча, бу

ҳолат — йўқлики йўқликдан сўраш дардининг бошланмаси.

Танимга бош суқиб кўраман — бўм-бўш,  
Тушимга оҳиста кираман — бўм-бўш.

«Тушимга оҳиста кираман» да кўрқинч тушлар кўришдан ҳам оғирроқ ҳис қалқиб ётибди. Қани эди шу бўм-бўшликнинг ўзи тушга айланса. Ҳувиллаган юрак билан судралиб юриш нечоғлик андух. «Миямда — севгига қайтиш иложи» дейди шеър қаҳрамони. Қайтиш иложи бўлармикан? Алишер Навоий «Чорасизлик менга чора бўлмиш», дегани каби Муҳаммад Солиҳ ҳам шеър охирида шунга ўхшаб кетадиган, бироқ янада ҳасратли моҳиятни ифода этади:

Бўм-бўшлик фикрлай олса, эҳ, ёмон,  
Бўм-бўшлик севгини истаса — фожиа.

Бўм-бўшлик ҳам севгини истайди. Мана, лирик қаҳрамон танига бош суқиб кўрди — бўм-бўш. Йўқотганини тушларида ахтарди, яна бўшлиқ. У «Азоб оқим тагида» қанақа «гул»лар ўсиб-унганлигини кўриб, билиб турибди. Улар Айрилик — мангу жудолик гуллари. Бу гуллари ёлғиз ўзинг кўриб, ўзинг ўрганишинг, ёнишинг мумкин. Лекин умид бошқа туйғу. У «Мана, кузатмоқ ҳам мен учун лаззат» деркан, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Негадир кузатувчининг қўли титрайди. У титроқни тан олмоқчимас: «Мен уни билмайман. Меники эмас». Хаёлда эса илинж: «Балким, оғрик бордир, ҳаётдир балким». Оғрик бор, у узоқда оғрийдди. Иккала қалбда ҳам оғриқни кўрмоқ иштиёқи сўнган. Ҳар ким ўз юраги ёнидан мағрур ўтиб боради.

«Мана, кузатмоқ ҳам мен учун лаззат» сатрига қайтайлик. Лаззат шу бўладики, «Ипақдай жимликда бир сўз демасдан...» Йўқ, аввал бунга қулоқ солинг:

Бу — мен эмасдирман. Бу — сен эмас,  
Ийгласанг, фарёдлар чексанг ҳам ҳатто!

«Қизик, унда булар ким? «Ипақдай жимлик» қаърига қараб юдимлаётган «иккита палто...» Мана, Сизга «Бўм-бўшлик севгини истаса — фожиа» деган ҳақиқатнинг ҳаракат манзараси.

Севгисиз ҳаёт — азобли ҳаёт. Аммо шундай кишилар бўладими, ўртадаги бахтсизликнинг овозини ўчириш учун ҳамма ишга ўзларини кўниктирадилар, тайёр бўладилар. Лекин бахтсизликнинг сукути ҳеч пайт бахт бўлолмаслигини, шу сукут таъминлаган хотиржамлик ҳам аянч нарса эканини улар идрок қила олмайдилар.

Лабларингни очганинг ҳамон  
Кўксингдан у чиқар «оҳ» бўлиб...

Шу даражада ҳам содиқлик бўладими? Аёл лабини очгани ҳамон, эркак унинг кўксидан «оҳ» бўлиб чиқса, мабодо, аёл бирор томонга кўзларини тиккудай бўлса, «у нигоҳ бўлиб» отилса. Омад дегани шудир-да, кимларнингдир эътиборида бу ишқ ва садоқат туюлиши ҳам мумкин.

Мен бир пайтлар гўзаллик кўрган  
Кўзларингда топар У амр,  
У барига бераверар тан,  
У менчалик эмас бесабр.

«Муҳаббатга қуллик яшасин!» деган шиор — зўр шиор. Бироқ муҳаббатга қуллик — гўзалликка муносабатдан йироқлик эмас. Амр истаб, кўр-кўрона ҳукм кутиш, ҳамма ҳаммасига тан беравериш — бу бўлак туйғу. Уни силлиқлик фожиаси атаса ҳам бўлади. Юқоридаги сатрларни Муҳаммад Солиҳ шу масалага бағишлаган. Шеър давоми бундай:

Пойинда У бўлади гилам —  
Гиламда сен текис юрасан.

Гилам — метафорик образ. У «оҳ» ва «нигоҳ»га айланган

эркак қиёфасини яхши очади. Гиламда «текис» юраверинг зеркикиш ёки бешиш ҳиссиётларини туғдирмаслигига ҳеч ким қанолат беролмайди. Текис юриш «бахти» шунинг билан тугай қолса-ку, майли. Жонли гиламлардан бола дунёга келади.

Фақат менга қилади алам:  
Сен гиламдан бола кўрасан!

Шеър тугади. Сизнинг тасаввурингизда эса ҳал бўлган тақдирлар баҳси давом этади. Гиламлардан туғилдиган норасида гўдаклар табияти, ёлғон севинч, тутуриқсиз меҳрибонлик манзаралари кўз ўнгингизда пайдо бўлаверади. Ва ҳеч қутилмаганда шоирнинг:

«Мен сени алдадим. Бу гуллар ҳидсиздир,  
Овора бўлмагин ҳидлаб уларни»,

сингари сўзлардаги тўғрилиқ, очиклик файзи, ҳар қанақа ҳисни ўз номи билан аташ салоҳиятидан кўнгил ёришиб кетади.

Ўзни алдамаслик — ҳаётдаги бош масала. Одам ўзини алдашга кўникдими, шуни одат билдими, демак у ҳаммани алдашга тайёр. Сиз, умуман, «умрида бирор марта йиғламаган», «бирор марта оч қолмаган» кимсаларни билсангиз керак. Лекин ботинда улар ким, дунёда нима қилиб, нималарнинг илинжида юришади — булар тўғрисида жиддийроқ мушоҳада юритмагандирсиз. Ушалардан бири «ўттизга кирдим» деганида, «хотинини кўриб», «болаларини кўриб» бошқалар қатори Сиз ҳам унга инонгандирсиз. Аммо у ҳаммани алдаган. Айтинг-чи, «умрида бирор марта енгмаган, бирор марта мағлуб бўлмаган» кимса — ким? Шахслиги ёлғон, алдамчи. Афсуски, бундай зотлар ўзларини яшаётгандай кўрсатиб, ҳатто омадли ҳисоблашади. Лекин улар бошқаларнимас, ўзларини алдайдилар.

Умрида бирор марта енгмаган,  
Бирор марта мағлуб бўлмаган одам,  
Бир йил ўтсин,  
Ўттиз бирдаман, деб алдайсан ҳали!

Хуллас, бу «ҳали» умр сўнгигача такрорланавериши мумкин. Шоир бизга мақсади мақсадсизликка тенг, умр мазмуни сароб кимсаларнинг бир вакилини танитган.

Чинакам шеър ўқувчи назарини жонсиз китоб саҳифаларига боғлаб қўймайди, кенг ҳаёт ва одамлар тақдирига қаратади, ақлий ва ҳиссий юксакликларга кўтаради. Муҳаммад Солиҳ тўпламларида бундай шеърлар сони озмас.

\* \* \*

Муҳаммад Солиҳнинг айрим шеърлари билан тасвирий санъат асарлари ўртасида мен кескин фарқ кўрмайман. Мусаввир ранг ва бўёқларда амалга оширган ишларни у Сўз зиммасига юклайди. Шоир айрим шеърларида тўғридан-тўғри манзара ва сувратлар чизади. Бироқ манзара шунчаки манзара, суврат шунчаки сувратлигича қолиб кетмайди; фикр, ҳолат ва инсоний кайфиятлар марказлашди уларда. Бу жиҳатдан «Чарчаган чўпондай...» «Айвон оддий...», «Тонг олди. Қоронғи...» ва яна бошқа бир қатор шеърларни тилга олиш мумкин. Унинг ўзга бир туркум шеърлари поэтик новелла — шеърый ҳикоятлар моҳиятига эга. Улардаги воқеа-ҳодисалар тасвири эпик услубга яқин. Шундай шеърый ҳикоялардан бирининг номи «Елғиз аёл».

Сокин хона. Аёл. Елғизлик. Аёл ўз хаёллари билан банд. Қутилмаганда «эшик теппасидаги қўнғироқ» «чириллаб» юборди. Ҳа, қўнғироқ жарангламади. Чириллади. Зум ўтмай «аёл оғир сочларини йиғиштирди». «Бир амаллаб турмаклаган бўлди». Эшикнинг ёнига келди. «Ким бўлди экан?...» Сокин кўл юзини дафъатан тўлқинлар қоплагани каби, аёл хотираси ҳам чайқалиб кетди. «Аммо икки томонни ҳам кўриб турган эшик миқ» этмайди. Қаққайиб турибди. Соқов. Аёл нима қилишини билмайди. Вужудда қандайдир титроқ. Шундай асноларда нима қиларини билмай титроққа тушган аёлга нечоғлик оғир. Ва бундай аёл қалби нақадар гўзал.

Аёл «бошидаги оғир чамбарак бўшашиб бораётганини»

аниқ пайқади. Наҳотки?.. «Шу пайт яна ишга тушар қўнғироқ, чирилдоқ учиб киради яна». Бу қўнғироқ — танҳолик бағрига санчилаётган, ёлғизликни ҳайдаётган қўнғироқ. Хуллас, аёлнинг «шунча меҳнат билан турмаклаган оғир сочлари» сочилиб кетди. Йўқ, соч сочилганмас. Ёлғиз, танҳоликда илҳақ ва интизор Аёлнинг сабру тоқатлари сочилди. Узоқ муддатлардан буён унинг борлигини тўлдирган ҳислар шундоқ эшик орасида тўкилиб ётибди-ку! Ахир, бу Аёл севади. Айрилиқ ва ҳижрон ўтлари унинг умидларини кулга айлантира олгани йўқ. Қалб эҳтирослари қанчалик покиза унинг? Бундай Аёл кўзларига боқиб, тахминан,

«Хайрият, юзингни босдинг-ку юзимга,  
хайрият, кўксимни илитдинг, малагим —  
«Йиғлади» демагил, қараб сен кўзимга,  
юрак эриётир, менинг муз юрагим»,

мазмунларида шивирлаган одам нақадар бахтиёр!

Яна бир воқеа тасвири. «Узу-узу йигини эшитиб» «нотаниш эшик» олдида бир киши тўхтаб турибди. Тўғриси, у одам иложсиз тўхтаб қолган. Иттифоқо, дилда қувонч тўхтаса. Орзулар тош қотса. Режалар ҳайкалга айланса. Қандай илгарилаш мумкин? Бир қадам ҳам жилиб бўлмай қолади. Лекин сенинг ичингдаги зилзила даҳшати бошқаларга қайдан аён бўлсин! Ҳалиги тўхтаб қолган одамни ҳам биров туртади:

«Бунча сerratимасанг,  
Нотаниш эшикнинг олдида...»  
«Дарвоқе...»

Нотаниш эшик. Юракнинг энг таниш эшиги шу эшик эканини у қандай тушунтирсин? «Одам давом этар йўлида». У қайнгадир кетар. Балки бирор ҳасратдош топар.

Лекин тўхтаб қолган шодлик,  
Қотган орзулар,  
Ҳайкал режаларни  
Бир қадам ҳам жилдириб бўлмас...

Тахминингизча, шу Одам энди бу ёри қандай яшайди? Қорачиқни мунг эгаллаб, қўзғаш ўрнига сув оқизганда ҳам у ўзини қўлга олар. Ҳақиқатдан «юрагининг ягрини тош» бўлар. «Энди катта-кичик қайгулар Бир-бирига заҳар ичирсин. Еки менга чидасин улар — Мени бошларидан кечирсин», деган фикру қарорларига у ҳали анча собит турар. Нима бўлмасин, у энди умрининг кейинги қисмини изтиробда ёниб ўтказди. У ортик даражаларда тўлғанади. Энди «Вужуд йўқ, аммо бир Тўлғаниш бордир. Қўзғаш нигоҳ, тилсиз шивирлаш атрофда айланиб юрибди». Бироқ, бу — «одамсиз уй каби бўм-бўш Тўлғаниш». Шу Тўлғанишга кўчиб ўтишдан ўзга чора йўқ. Айни пайтда Тўлғаниш — маънавий-руҳий ҳаракат. Тўлғаниш — ишққа, жасратга интилмак демак:

Биласанки, юрагинг чуқурроқ,  
Сен ўйлагандан:  
яъни, сен чуқурроқ севишинг мумкин,  
ва йиғлай олмайман деганинг ёлгон...

\* \* \*

Инсон умри фоний, Ватан боқий. Ватан — мангулик. Ватан ишқи — бедорлик. Фавқулодда уйғоқ яшаш керак. Руҳан бедор одам Ватанини топади. Шундай кишиларгина юрт интилишларини чуқур англайди. Шундай кишиларгина юрти тарихи ва келажаги олдида ўзларини ғоятда масъул сезишади. Ватан тўғрисида очик-яланғоч сўзлаш — бўм-бўшликнинг ёмон шакли. Лекин кўп шоирларнинг шеърларини ўқиб улар сийратида Ватанини эмас, бўм-бўшликни кўриш афсусланарли, албатта.

Ватан нима? Бу саволга умумий жавоб такрор ва сийқа фикрларга олиб боради. Ҳамма ҳам Ватанини она, сингил, ёр атайвериши шартмас.

Гўё мени топмишдир унут бўлган илдишлар,  
Олис болалигим-ла қўлдан учган Ватаним.

Буюк Пабло Неруданинг шу биргина байтида юрт ишқи, Ватан ва фарзанд ўртасидаги жондошлик алоқаси юксак ва ўзича тугал бир ифодасини топган. Ватан мавзуида фикрлар билдиришнинг ғоявий-бадийи қирралари беҳад, ҳамма гап уларни топиш ва маҳорат билан кўрсата олишда. Шу нуқтаи назардан ҳам Муҳаммад Солиҳ тажрибалари ибратли.

Жанубгами?.. Хайр, эй қушча!..  
Учгил, ўзга юртлар боғига,  
осиб кетгил, қалбингни фақат  
ватанингни баланд шохига...

Ватан — улуг ДАРАХТ. Қушча унинг «баланд шохига» қалбини оса билармикан? Балким. Лекин шеър «ватанингни баланд шохига» инсонлар қалби «япроқ каби қилпираб» туриши ҳақида теран ўйлар қўзғайди.

«Йиғлайсан — кўз ёшга ажабланмайсан. Куласан — овозинг эшитилмас. Севасан, лекин хат ёзмайсан Унга. Вужудингда оғрик. Оролга ўхшаган бир оғрик». Муҳаммад Солиҳнинг лирик қаҳрамони учун мана шу орол — Ватан! Унга Ватан — таянч эҳтиёж:

Айниқса, қайгадир жўнаётган бўлсанг.  
Хайрлашиб,  
Хўрсинишга керакдир Ватан.  
У керак бўлади  
Ненидир ўртаниб соғингинг келса...

Унингча, «Узоқда Ватанингни бўлса йиғлайсан». Қайтмоқ учун ҳам Ватан керак. «Улишинга керак, ҳеч бўлмаганда». Сўра уни, топ Ватанингни! Мана бу — лирик қаҳрамоннинг ватанпарварлик шиори.

«Оқ қўйлақлар» китобидаги шеърлардан бирида лирик қаҳрамоннинг Ватан билан хайрлашув — «қайгадир жўнаётган» даги қолати тасвирланган.

Вокзал. Лирик «Мен» поездга чиққан. Онаси қўл силтайди. Хотинининг «қўл рўмолчаси Ҳилпирамас». «У — синган қанот». У кетаётир. Аммо негадир дарахтлар қўл силтамайди. Тоғлар хўмрайган... Қизиги, булар ундан «хат ҳам кутмайди!..» Бу таассурот ва хаёллар уни шундай ўртайдики, қалб ортда қолади. Унинг Рухи дарахтлар, хўмрайган ўша тоғлар бағридан ажралолмайди.

Жасад эса купеда чой ичиб  
Бемалол кетмоқда Ватанидан...

Шеърда на айрилиқ, на ишқ ва на юртга садоқат ҳақида очик ҳеч гап айтилган. Шунга қарамасдан, унда буларнинг ҳаммаси акс этган.

Муҳаммад Солиҳнинг ўзбек тилида бешта, рус тилида Тошкент ва Москвада иккита шеърини тўпламлари босилиб чиқди. Агар уларни варақлаб кўрсангиз, Ватан ва халқ сўзи қўлланилган ўнтага етар-етмас шеърга дуч келасиз. Бироқ шоир мажмуаларидаги деярли барча шеърларда Ватан бор, улар халқ ҳақида. Улар элни севишга, она диёр ва дунёни танишга хизмат қилади.

Шеър — Эрк эҳтиёжи. Шеър — Рухга саёҳат. Шеър — покланиш, сийратингни аёвсиз тозалаш истаги. Чинакам шеър — Дард ёлқини. Шу ёлқин бўлмас одамнинг ичи қорайиб кетади. Шунинг учун истеъдод нафаси билан ёзилган шеърларни ўқиганингизда, дилингизда сеҳрли равшанлик кучаяди. Нималигини англашингиз қийинроқ бўлса-да, «Нимадир бормоқда янгориб», дегингиз келади. Менимча, Муҳаммад Солиҳ шеърлари мана шундай фазилат ва хусусиятлари билан келажакда ҳали кўп баланд дидли ўқувчиларга маъқул ва манзур бўлади.



Хуршид  
Дўстмуҳамедов

# Қалбнинг маърифатли қирралари



Қўлингизда яна бир янги китоб. Уни варақлаи туриб кўнглингиздан одатдаги саволлар ўта бошлайди: хўш, бу китоб нималар ҳақида ҳикоя қилади? Қанақанги мулоҳазаларга, мувоҳасаларга ундайди? Уни ўқигач, «фурсатни бой бердим-а» дея афсус-надоматлар чекмайсизми? Ва ниҳоят, у сиз ёқтирган ҳамсуҳбатлар қаторидан жой оладими?..

Китоб — беминнат, беқиёс ва ҳокисор суҳбатдош. Уни истаган йўсинда ўқийсиз, истаганча маъқуллаб, истаганча инкор этасиз, истаган лаҳзаларда кўз югуртириб ташлаб кўясиз. Лекин бордию у ҳазрат Навоий номи билан очилгудай бўлса, дабдурустдан ҳушёр тортасиз. Негаки, Алишер Навоий сизнинг ҳар қандай истақларингиздан юқори туради, бинобарин, Навоий хусусида сўз борар экан, сергақлашингиз табиий — кўнглингизни, имонингизни покламай туриб «Навоий» дея аталмиш қалб қасрига рўпара бўлишни ўзингизга эп билмайсиз.

Суҳбатлаша бошлайсиз... «Навоий «Хамса»сини бугун ўқиркан...» деб қўйилган сарлавҳа. Хўш, бу ўринда кимнинг «Хамса»хонлик қилиши назарда тутиляпти? «Бир нозик кўнгли, таъсирчан ўсмир йигитча»нинг!

Муаллифнинг нуқтаи назари тўғри: Навоийдан фақат нозик кўнгли, таъсирчан қалб соҳибларигагина сабоқ бериш мумкин. Шундай бўлган тақдирда ҳам ўсмир аввало улкан дostonнинг чўнғ йўналишларини англаб ўсмоғи лозим. Нега Лайли ва Мажнуннинг нолаи фарёди бунчалик поёнсиз? Қайс нечун тез-тез ҳушидан айрилади? Танҳоликка мойиллик ва севишганлар висоли нега бу қадар мураккаб қарама-қарши туғёнлар уйғотади? Ва ниҳоят, Шарқда «Хамса»чилик анъанага айланишининг сабаблари нимада?

Саволлар ихчам, лўнда. Уларнинг ҳар бирига жавоб тариқасида бутун-бутун китоблар яратиш мумкин бўлгани ҳолда биз мўъжаз-мўъжаз жавоб-ҳикоялар ўқиймиз. Муаллиф шу ўринда Лайли ва Мажнун ҳақида ҳарчанд жўшиб сўзлагиси келмасин, у ўз сўзлари қаратилган ўсмир имкониятларини унутмайди. Зотан, ўсмир Навоийнинг қалб оламига дабдурустдан кириб қолгудек бўлса (башарти бунинг имкони топилса), у йўл

тополмай қолиши, эҳтимол, у ердаги нурдан кўзлари қамашиб кетиши ҳеч гап эмас. Шу сабаб, муаллиф таъсирчан ўсмирни Навоийнинг қалб кўчаларига йўналтиради, холос. У ҳозирча шу билан, яъни, ўсмирни катта кашфиётларга ҳозирлаш билан кифояланади. Дастлабки мақолада у ўсмир ўғлонни «ишқ шиддатининг поғоналари» билан таништирса, навбатдаги мақолада уни «тафаккур ва ҳиссиётнинг олий нуқталарига» етаклашга уринади. «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр» дostonлари кенгликлариде сўз юритади.

...Адабий танқидчиликдаги ўттиз йиллик фаолиятнинг сарҳисоби бўлмиш Китобнинг навоийхонлик билан бошланиши тасодиф эмас. Уйғониш даврининг улкан бобокалони Алишер Навоий маънавиятининг энг ази инжуларини ардоқлайдиган ва ардоқлаши баробарида Навоий Сўзларини ҳозир учун ҳам буюк устод ҳисоблагувчи Муаллиф ижодиде навоийшунослик мутлақ мезонга айланиши жуда табиий ҳодиса.

Китобни варақлаб туриб, суҳбатни Навоий номига даҳлдор ана шу табиийлик, поклик ва ростлик юксаклигида давом эттиргиниз келади. Ва шу хаёлда Завқий, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Белинский, Добролюбов, Ойбек сингари ўз замонасининг улкан маърифатпарварларининг маънавий сиймолари бирма-бир кўз ўнгингиздан ўтади. Муаллиф зиё истайди ва зиёнинг туганмас манбаларини шунинг сингари зиёкорлар қалбидан топади. У Навоийдан сўзлар экан, улўғ шоирни барча адолатсиз замон ва давронлар учун хос бўлган ҳақиқат изловчи, ҳар қандай маконда яшовчи халқ учун маърифатли юрак тимсоли сифатида улўғлайди. Шу маънода Белинскийни Фарҳодга менгзаши эриш туюлмайди. Бироқ бўлак зиёкорлар ҳақида сўз борганда танқидчининг концепцияси ўзгаради, ўзгаради эмас, балки конкретлашади. Энди у ўзи сўз юритаётган сиймолар фозиллигини уларнинг конкрет тарихий ҳодисага — социализмга муносабатидан келиб чиқиб баҳолайди. Шунинг учун ҳам у Белинский шахсини улўғлай туриб, яхши одам халқпарварлик ва инсонпарварлик ғояларига, демак, социализм ғояларига қурдош бўлиб кетишини алоҳида таъкидлайди. Шунинг учун ҳам у Завқийнинг «Буюк ҳуррият бўлишини олдиндан башорат қилолган»лигини, Қодирий Октябрь инқилобини қутлаганини ва «Ўтган кунларнинг нашр этилиши Узбекистон ССР ва Ўзкопартга ташкил этилган кунларга тўғри келишини катта ижтимоий ҳодиса сифатида кўради. Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно образлари тўқималарида бўлажак инқилобнинг қудратли садоларини илғай олиши ҳам Муаллифнинг эстетик идеаллари нақадар конкретлашганидан, тобланигидан далолат беради. Бу эстетик идеал Муаллифимизни шу кунги етук шоирларимиз ижодини бузиб талқин қилаётган ғоявий муҳолифларимизга қарши фаол курашчига айлантиради.

...Ҳассос санъаткор халқ виждони, дейишади. Ўз сўзи, ўз йўналиши, идеалларига собит бўлган ҳассос танқидчи ҳам тирик виждондир. Бордию виждонни моддийлаштириш чораси топилгудек бўлса, кўз ўнгимизда кескир ва ясси қирралар айқаш-уйқаш бўлиб кетган ярқироқ биллурий жисм пайдо бўлса ажабмас. Зеро, виждоннинг серқирраллиги ҳам шахс «мен»нинг кўламдорлигига, унинг имкониятларига боғлиқ.

«Ўттиз йил изҳори»ни ўқиб туриб, салоҳиятли «мен» билан суҳбат қураётганингизни сезасиз. Бу «мен» мудом ёш ижодкорларга кўз-қулоқ эканини англай борасиз. Ёш, чинакам истеъодларнинг борлиги «мен» учун фахр, умид. Бу «мен» етмишинчи ва саксонинчи йиллар қаламқашларининг жуда кеч балоғатга етаётганидан, ёш истеъодлар катта мавзулардан чўчиётгани ва умуман иқтидорларнинг анча кеч чиниқаётганидан ўз шахсий дардидек куюнади. Кейинги йилларда наср ва назмда кўзга ташланган бирорта ёш қаламқаш бу «мен» назаридан четда қолмайди. Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Олим Отахонов, Хайриддин Султонов, Ғаффор Ҳотамов сингари прозаиклар, Муҳаммад Солих, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азимов, Сирожиддин Саидов, Юсуф Жумаев сингари кўплаб шоирларнинг ютуқларидан севиhib, нуқсонларидан ранжийди. Ёшларнинг бадий баркамол асарларини ўқиш бамисоли шодиёна унга. Ана шу шодлик баробарида у ёшлар зиммасида нақадар шарафли масъулиятлар турганини шоирона кўтаринкиликда айтади: «Ёшларнинг елкаларида ҳали ёзилмаган дostonлар ишком бўлиб ётибди, ҳали ёзилмаган романлар хирмон бўлиб ётибди, ҳали ёзилмаган ҳикоялар тизма тоғ бўлиб ётибди, ҳали ёзилмаган лирика уммон бўлиб ётибди», дейди.

...Адабиётимизнинг шодлиги ҳам, ташвиши ҳам «мен»нинг қувончу аламлари билан бирга — шулар орасида яшайди. Мунаққид «мен»и адабий ҳодисаларимиз учун бамисоли кенг майдонга айланади.

Бағри кенг «мен»га нақадар оғир! Бағри кенг «мен»ни тушуниш нақадар қийин!.. Мураккаб ёки феномен шахсларни тушуноқ наҳот мураккаб ёки феномен шахсларгагина насиб этса?! Ҳар қалай мушкул савдога ўхшайди бу.

Тасаввур қилинг: Навоий даҳосидан тарбият топган, инсоннинг қалб қатламларига Родион Раскольников, князь Мишкин нигоҳлари билан қарай олган, Белинский шиддатидан, XIX аср рус адабиётида «мисоли ҳеч аримайдиган қўқлам каби қолган» Добролюбовнинг ғалаёнларга тўла ботиний оламидан баҳраманд «мен» энг ўткинчи ва фақат бугун яшайдиган машқлар хусусида ҳам бирдек иштиёқ-ла мушоҳадалар битаверади.



Адабиётга бўлган муҳаббатданми бу?

Мавжуд адабиёт туғдирган армонданми бу?

Бир қўли сўз санъати юксакликларида, бошқаси буткул карама-қарши кутбларда бўлиш туфайли туғилганмикан «Муҳаббат ва нафрат» тоифасидаги манзумалар?..

Хайрият, Катта адабиёт мавқеида сўз юритишга лойиқ асарларимиз бор. «Қалбнинг абадий доираси» туркум мақолалар китобининг қарийб охирида келишидан яна бир рамзийлик топасиз. Гўё Муаллиф юксак пардалардаги мушоҳадалари билан очилган Китобини яна ўшандай авж пардалардаги сўзлар билан ниҳояламоқчидек туюлади. Энди «мен» феномени Темур Пўлат лирик қаҳрамонининг қалб доираларида эмин-эркин сузади. Узининг эстетик идеаллари, инсон ва олам концепцияларини Темур Пўлат қаҳрамонлари тақдири билан қоришиқ ҳолда мириқиб баён этади. Мунаққиднинг эстетик мезони Навоий мавзусида бўлганидек яна умуминсон ва умуммакон мезонларига бориб таянади. Китобнинг айрим саҳифаларида бадиий «хом ашё»лар таҳлили важиждан ерга тушган «мен» яна ўз осмонига парвоз этади. Китобхоннинг қалби ҳам ўша юксакликлар сари талпинади...

Пушкин билан Гоголь ижоди бўлмаганда Белинский сўзининг қудрати шу қадар юксакликка кўтарилармиди, деб ўйга толасиз. Саҳна ё экранга олиб чиқиш учун эсда қоларли дурустроқ образ «тополмаган» маҳоратли актёрларнинг зое кетган истеъдодларини эзлиб эслайсиз. Катта адабиёт мақомида катта сўз айтиш имкони бўлган «мен» ўзининг катта

мезонига хилоф суратда муроса кўчаларига чалғиганидан афсусланасиз... Афсусланасиз-у, «мен»нинг том маънодаги қиёфаси бу кўчаларда эмас, балки адабиётнинг келажакка бошлаб борувчи катта йўлларида намоён топганидан севинасиз. «Мен» қалбнинг маърифатпарвар қирралари Фарҳоднинг Достоевский ва Гёте қаҳрамонларига яқинлигини, Навоий Афлотун ва Арасту фалсафалари кенгликларидидаги зот эканини баралла таъкидлаганда ажиб бир нур таратади. Бу маърифатли қалб ҳамза билан ўн саккизинчи аср француз революцион демократлари — яқобинчилар ўртасидида яқинликини кашф қилади, Ойбек шеърятидидаги япроқнинг минг турли навосида Бетховен симфониялари тўлқинларини илғайди, Эркин Воҳид ва Омон Матжон шеърятини хусусида сўз юрита туриб Ф. Ницше фалсафасига, Абдулла Орипов шеъри баҳона Хуан Руйфо, Карлос Фуэнтес ижодига «сафар» қилади. Маърифатпарвар «мен» Темур Пўлат изланишларининг Достоевский, Платонов, Носсак, Кёппен, М. Фриш ижодига, Олим Отахоннинг «Мусича» ҳикояси Ричард Бах қиссасига яқинлигини ғурур билан қайд этади.

Адабиётимиз истиқболнинг катта йўлида эканидан далолат бермайдими бу яқинлик ва ўхшашликлар? Бундан беҳад ғурур туйиш Танқидчимизнинг тоза ниятларидан дарак эмасми?


Китоб билан суҳбат ниҳоясига етай дейди. Ҳам адабий танқидий мақолалар, ҳам академик тадқиқотга ўхшаб кетадиган, очерк, эссе, лавҳа аломатлари қоришиқ, лекин яна нималари биландир тамомила ўзига хос... нималар десак экан... муаллиф сўзи билан айтганда; «ўйлар»га вақти-вақти билан яна қайтишни дилингизга тугасиз. Тугасизу мутлоа асосида беихтиёр тагига қалам тортилган сатрларни такрор ўқийсиз: «Билиш — безовта дард»; «Маъноси очиқ ва юпқа, бир қаватли бўлган асарларнинг умри узоққа бормади»; «Истеъдод — бу мумкин бўлмагани мумкин қилиш...» «Шодлик ҳам, мунг ҳам — мураббий»; «Адабиёт ва ҳақиқат эгизак»; «Хурликка интилиш — гўзалликка интилиш»...

...Суҳбат тугади. Сиз Китобнинг ҳозирча бугуни билан суҳбат қурдингиз, холос. Ваҳоланки, суҳбатдошингизнинг ҳар бир каломини ва ҳар бир иқрорини ўттиз йиллик ижодий тажриба, эллик йиллик ҳаётини тажрибага бориб тақаладики, у билан чуқурроқ, батафсилроқ суҳбат қурмоқ учун Муаллифнинг ўнлаб китоблари, асарлари, салмоқли таржималари билан изчил танишмоқликни тақозо этажак.

Дарвоқе, «муаллиф», «мен», ёки «мунаққид» дея суҳбатдошимиз исм-шарифини пинҳон тутдик. Гўё! Аслида Иброҳим Ғафуров қаламига мансуб Китоб билан суҳбат қураётганимизни зийрак журналхон аллақачон пайқаб олган бўлса керак. Бунинг боисини профессор Салоҳиддин Мамажонов топиб ва ўхшатиб айтиб қўйибди: «Ҳозирги ўзбек танқидчилигини унинг (Иброҳим Ғафуровнинг — Х. Д.) номисиз мутлақо тасаввур этиб бўлмайди: агар шартли равишда, ўнта танқидчи доим оғизга тушади ва адабий танқидчиликнинг юзини кўрсатади — ҳавосини белгилайди, десак, шулардан бири Иброҳим Ғафуровдир, бордию беш танқидчи деб олсак, шулар орасида, албатта, унинг номи бўлади».



Мухтор Комилов



# Музей — мушкетёр?

Иккинчи мақола

«УзССР Министрлар Совети қошидаги маданий-оқартув ишлари муассасаси комитетига.

Бухоро тарихий-ўлкашунослик музейи куйидагиларни хабар қилади. Уз.КП(б) МКнинг 1948 йил 29 сентябрь 384-8 сонли қарорига биноан, музей фондидан турли вақтларда турли ташкилотлар вақтинча фойдаланиш учун олган қимматбаҳо экспонатларни музейга қайтариш бўйича қатор чоралар кўрилди.

Турли ташкилотлар ҳамда шахсларга музей бевосита ва музейлар комитети орқали вақтинча фойдаланиш учун олган экспонатларининг қайтарилишини бир неча бор талаб қилди. Ҳеч қандай фойда чиқвермагач, музей республика прокуратурасини аралаштиришга мажбур бўлди. УзССР Фанлар академиясининг президенти ўртоқ Саримсоқовга экспонатларни қайтариш, катта илмий аҳамиятга эга бўлган қимматли тарихий экспонатларни йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолишда ёрдам кўрсатишини илтимос қилдик.

Бироқ ҳозиргача бирорта ташкилот музей экспонатларини қайтариш у ёқда турсин, ҳаттоки (УзССР халқ артисти Тамарахонимдан бошқа бирор киши) бизнинг хатларимизга жавоб ёзишни ҳам хаёлига келтирмади.

УзССР халқ артисти Тамарахоним жавоб хатида бир вақтлар ўзи олган музей экспонатларини қайтариб беролмаслигини хабар қилиб, экспонатларнинг кўплари йўқолганини, чинни идишларнинг синганини маълум қилди.

Ҳозирги вақтгача Бухоро тарихий-ўлкашунослик музейи фондидан сақланиши керак бўлган экспонатларнинг 382 номдаси вақтинча ишлатиш сўнгра қайтариш шарти ёзилган ҳужжатлар асосида олинган ва турли хил ташкилотларда, айрим шахсларда сақланмоқда.

Музей фондидан олинган экспонатларни қисқа муддат ичида куйидаги ташкилот ва шахслардан қайтариб олишимизга аралашувингизни сўраймиз.

1. Тошкент Динга қарши кураш музейи (1940 йил 5 октябрь акти бўйича) 52 та экспонат олган.
2. Тошкент Опера ва балет театри (Муҳаммедов Музаффар Маҳмуд ўғли берган 775 сонли тилхат билан) 1948 йил 20 августда 14 та экспонат олган.
3. Алишер Навоий номидаги республика кўрғазмаси (кўрғазма директорининг 1940 йил 31 июлда берган 12-31 рақамли ишонч қоғози ёрдамида) 19 та экспонат олган.
4. Бухарстарисига (Бутуниттифок рассомлар кўрғазмаси учун 1938 йил 21 май акти бўйича) 11 номда 80 та экспонат берилган.
5. Янгийўл театрига (1943 йил 18 мартда театр директори Солиҳов битган акт бўйича) 99 экспонат берилган.
6. Маданий таълимот комитети А. Навоий номидаги кутубхонага ҳамда Самарқанд музейига бериш учун (Бухоро Оближроқўм кўрсатмасига 8—Р 1948 йил 18 январь) биноан 14 та ваза олган.
7. УзССР халқ артисти Тамарахонимга (1944 йил февралда М—17 рақамли акти бўйича) 4 та экспонат берилган.
8. Бухоро обл. муздром театрига (1944 йил 19 июнда тузилган акти бўйича) 47 та экспонат берилган.
9. Бухоро оближроқўмига (1949 йил 6 май акти бўйича, сақлаш шарти билан) 3 та экспонат берилган.
10. Бухоро область кутубхонаси (1940 йил 2 февраль акти бўйича) 2 та ваза олган.

Эслатма: актларнинг нусхаси, тилхатлар, экспонатларни бериш ҳақидаги кўрсатмалар музей маъмуриятида сақланмоқда.

Музей директори: (имзо) Жўраев.  
1950 йил 6 апрель».

«Уз.ССР прокурори ўртоқ Яцковскийга.

Юқори ташкилотларнинг кўрсатмасига биноан (УзССР Маориф Халқ комиссарлиги ва бошқалар) 1940—1946 йиллар орасида турли шахслар ва ташкилотларга вақтинча ишлатиш шарти билан Бухоро музей фондидан акт ва тилхатлар орқали музей аҳамиятига эга бўлган экспонатлар берилган, лекин улар ҳозиргача қайтарилмаган.

Музей маъмурияти бир неча марта бу ташкилот ва шахсларга мурожаат қилди.

Уз.КП(б) МКнинг 1948 йил 29 сентябрда чиқарган 348—8 рақамли махсус қарорига қарамасдан бу ташкилотларнинг раҳбарлари экспонатларни қайтариш у ёқда турсин, музей маъмуриятининг бир неча бор йўллаган мактубларига ҳатто жавоб ҳам қайтармадилар.

Ушбу хатга қўшиб жўнатаётганимиз рўйхатдаги ташкилотлар ва шахслар қўлларидидаги қимматбаҳо экспонатларни музейга қайтаришда Сизнинг аралашувингизни илтимос қилиб сўраймиз.

Бухоро тарихий-ўлкашунослик музейининг директори:  
(имзо) Жўраев.  
1951 йил 6 январь

Сиз ўқиган бу икки хатнинг ёзилганига 36 йил бўлди. Музей экспонатлари ўз вақтида эгаларига қайтарилганида, эҳтимол бу хатларни орадан 36 йил ўтиб эслаб ҳам ўтирмас эдик. Бироқ экспонатлар қайтарилмаган.

Халқ мулки бўлмиш санъат намуналари турли ташкилот ва шахслар қўлида қолиб кетаверди. Ажабланарлиси шундаки, Бухоро тарихий-ўлкашунослик музейи ходимлари қонуний ёрдам сўраб мурожаат қилган барча масъул ходимлар ҳам худди экспонатларни олиб ими-жиммида изини қуритиб юборган ташкилоту шахслардан ўрнак олибми, музей ходимларининг хатларига ҳатто жавоб қайтаришни лозим кўрмаганлар!

Хатда «Бухоро тарихи учун катта илмий аҳамиятга эга бўлган экспонатлар» деб эслатилади. Дарҳақиқат, томчида қуёш акс этганидек, бирор-бир топилма ёки санъат асари халқ ўтмишининг номаълум даврларидан дарак бериши мумкин. Тарихимизни қанчалик қорага бўяб кўрсатмайлик, бу «қора тарих»дан ҳозирги авлодлар кўксидан тоғдек фахр билан тилга олса арзийдиган улкан маданий мулк ҳам мерос қолган. Бу мерос кела-

жак авлодларнинг эстетик тарбияланишида, одамнинг ҳар томонлама шахс сифатида камол топишида муҳим аҳамият касб этиши табиий.

Маълумки, ўз ўтмишини билмаган халқнинг келажак-истик-боли ҳам шубҳали бўлади. Бухоро тарихий-ўлкашунослик музейидан олиб кетилган 382 ном билан аталувчи музей экспонатларининг тарихий аҳамияти тўғрисида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Хўш, улар нималар эди?

Тилла ва кумуш иппар билан тикилган ҳар хил миллий либослар, кумуш тўқали камарлар, ханжарлар, қилич ва совутлар, тилла толалар билан тикилган оёқ кийимлари, мрамар идишлар, ов камонлари, байроқлар, аёллар тақинчоқлари, эгарлар, Бухорода топилган кумуш бюст, Тошкентда топилган кумуш бюст, хитой ва япон вазалари ва ҳоказо...

Хитой ва япон вазалари турли даврларда Бухоро амирлиги-га келтирилган совғалар бўлиб, бу чинни идишларнинг ҳар бирига юксак маҳорат билан ишланган Шарқ эпослари қаҳрамонларининг рамзий тасвирлари туширилган.

Миллий либослардаги кумуш ва тилла нақшлар жиљосу — иждокор халқимизнинг орзу ва истаклари. Аёллар зебу зийнатларини ҳамда турли ов қуролларини эса халқимизнинг ўтмишдаги ҳаёт тарзи ва маданиятини сўзлаб берувчи тилсиз гувоҳлар деса бўлади.

Келинг, яхшии уларнинг тақдирини сўзлайлик.

Юқоридаги хатлардан маълум бўлдики, ҳозирда СССР халқ артисти Тамарахонимдан бўлак бирорта шахс ёки бирор ташкилот Бухоро тарихий-ўлкашунослик музейи маъмуриятининг илтижо тўла мактубларига жавоб ҳам қайтармаган. Ҳурматли артистимиз Тамарахоним «этибор» билан йўллаган тўрт энлик мактублари эса, «Экспонатларнинг бир қисми йўқолди, тақинчоқларни ўғирлаб кетишди, чинни идишлар ансамблнинг кўчиб юриши даврида синди, ҳозир менда қайтаришим мумкин бўлган ковуш қолди, холос», деган мазмунда. Ажабки, шу ковуш ҳам негадир музейга қайтарилмаган. У кишининг ҳузурига келган музей ходимлари «қабул қилинмаганликлари» сабабли келган жойларига қайтиб кетишдан бўлак чора тополмадилар.

Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрига берилган 14 та музей экспонатидан қирқиб қалта қилинган, миллий кўришни бузилган яроқсиз ҳолда 3 та чопон қайтарилган, холос. Қолган нарсалар яғри чиққунча ишлатаверилган. Вақт ўтиб, ишлатишга яроқсиз бўлиб қолган, театр маъмурияти уларни (музей экспонатларини!) бемалол ташлаб юборишган.

Бундай ҳол Бухоро область драма театрида ҳам содир бўлган ва 54 та кимматбаҳо музей экспонатидан бирортаси музейга қайтарилмаган. Аниқланишича, у нарсалар ҳатто театр ҳужжатларида ҳам қайд этилмаган. Усмон Юсупов номидаги Янгийўл театри эса, 1960 йили тарқатиб юборилган бўлиб, музей экспонатларининг ҳужжатлари Янгийўл район архивининг театрга тегишли ҳужжатлари орасидан топилмади. Бинобарин музейнинг тарихий ва илмий аҳамиятга эга бўлган 99 та (кўплари ягона нусхада) экспонати дом-дараксиз йўқолди!

Ибн Сино номидаги Бухоро область кутубхонасининг кекса хизматчилари 2 та хитой вазасини яхши эшлашади. «Жуда чиройли вазалар эди», деб таърифлашади. Бироқ уларнинг нима бўлгани, қаерга кетгани номаълум. Улар ҳам кутубхонанинг бирорта ҳужжатида қайд этилмаган. Алишер Навоий номидаги республика кутубхонасига берилган 14 та япон ва хитой вазаларидан фақат 6 дона қолибди. Қолган 8 таси бедарак.

Шуниси ачинарлики, Бухоро музейидан ҳар хил давлат ҳужжатлари ёрдамида ёки ҳужжатларсиз олиб кетиб йўқотилган нарсалар фақатгина булар эмас. Бу сингари фактлардан яна юзлаб мисоллар келтириш мумкин.

## Музейнинг ҳозирги аҳволи қандай?

Арк. Амирликнинг бир вақтлар сарой мажлислари ўтказиладиган, бугунги кунда сайёҳлар билан гавжум, хароба кўринишдаги маросимлар майдони. Майдоннинг кириш жойида турган мрамар шер ҳайкали ҳамманинг этиборини ўзига тартади. Сайёҳлар уни томоша қиладилар, силаб кўрадилар, ёнида туриб суратга тушадилар.

Майдоннинг хароба кўринишию мана шу шер ҳайкалидан

бўлак этиборга арзийдиган ҳеч нарсаси қолмаган ҳисоб. Шер ҳайкалининг йўлақда, қарийб оёқ остида ётиши унинг аҳволини янада ачинарли қилиб кўрсатади. Хўш, Шарқ мамлакатлари учун ғайритабиий бўлган бундай «жиҳоз» Бухорога қаёқдан келиб қолган? 1911 йилда самарқандлик сантгарош уста Абдураҳим Турдиев бунақа шерлардан бирийўла 4 дона ясаган, ҳозир иккитаси «Ситораи Моҳи хоса» қасрларининг кўркига кўрк қўшиб турибди. Экскурсоводнинг айтишича, биттаси «қандайдир сабаблар билан» синган, тўртинчиси эса, қўриб турганмишдек, оёқлар остида «хор бўлиб» ётибди. Ўзбек ҳайкалта-рошлик санъати намуналари сафига кирувчи бу шер ҳайкалининг оёқ остидан олиб муносиброқ жойга ўрнатадиган одам эса топилмаган.

Музейнинг археология бўлимига кириб, баттар ажаблани-сиз. Бу бўлимга ажратилган кичкинагина зал шу даражада қашшоқки, ночорликдан ҳар хил суратлар билан тўлдирилгани яққол кўришиб турибди. Неча йиллардан буён археологик қа-зилма ишлари олиб борилаётган қадим Бухоро тупроғидан наҳотки шу топгача кўзга кўринарли ҳеч нарса топилмаган бўлса?!

— Не-не қирғин жанглари кўриб, неча бор вайронага айланган Бухоро тупроғи археологик топилмаларга жуда бой, — дейди бу бўлимнинг илмий ходими Юлдуз Ҳамроева. — Маълумки ер, қатламидан топилган ҳар бир археологик қа-зилма жуда қимматли, илмий аҳамиятга эга. Қолаверса, улар миллий ва маданий мерос ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир археологик қазिश ишлари Маданият министрининг рухсат-номасидан кейингина олиб борилиши керак. Ҳар бир топилма илмий ўрганилиб чиқилгандан кейин топилган жойнинг му-зейига қайтарилиши шарт. Лекин бизнинг музейимизда алоҳи-да археология бўлимнинг очилмагани, сектор ҳамда фонд-нинг йўқлиги сабабли Бухоронинг археологик топилма бой-ликлари Ленинграднинг Эрмитажи ва мамлакатимизнинг бошқа музейларига олиб кетилмоқда ёки Самарқанд Давлат архитектура институтидида айрим кишиларнинг сейфларида сақланмоқда. Биз шу маҳалгача Бухородан нималар топилгани ва топилмаётгани ҳақида тўла маълумотга эга эмасмиз. Бир неча бор қизиқиб кўрган бўлсак-да, топилмаларни рўйхатга олиши-мизга розилик беришмаган. Масалан, «Пойканд» — ҳозирги Қорақул районининг чўлларида Григорий Львович Семёнов бошчилигида Ленинград Эрмитажининг экспедицияси бир неча ой давомида қазिश ишларини олиб борди. Г. А. Семёнов-дан топилган нарсаларни кўрсатишларини сўраб, уларни рўй-хатга олмақчи эканимизни айтганимизда, у биз билан ҳатто гаплашишни ҳам истамасди... Ахир, юртимиз тупроғидан топи-лаётган нарсаларни ўзимизда сақлаш шароити йўқ экан, ҳеч бўлмаганда, топилмаларни рўйхатга олишга ҳаққимиз бор-дир?! Яна бир гап. Археологик қазिश ишлари Бухоро шахри-нинг ичида, қадимий обидаларнинг ёнларида ҳам олиб борил-ди. Қадим Бухоро шахрининг Савдо марказларидан бири бўл-миш Тоқи Заргароннинг ёнидаги карвонсарой ва пишиқ ғишт-лардан ишланган қадимий турар жой бинолари бузилиб, имо-ратлар ўрни 20—30 метр қазилгани ҳаммага маълум. Эҳтимол, карвонсарой ва турар жой биноларнинг ансамбллари ҳуж-жатларда вайрона деб кўрсатилгандир? Лекин бу обидалар то бузилгунга қадар ҳам яхши сақлангани ҳеч кимга сир эмас. Уша қазилган жой кейинчалик тупроқ олинадиган карьерга айла-ниб, 70—80 метр чуқурлашиб-кенгайиб кетди, натижада ёнидаги Мир Араб мадрасаси ансамблининг бир томони чўкиб, деворлари ёрилиб кетди. Ҳозир бу чуқурлик яна тупроқ билан тўлдирилиб гулзорга айлантирилди. Энди гулларга сув қуйилганда мадраса деворлари ҳам нам тортиб ётибди...

Гоҳо игна билан қудуқ қазийтган археологлар ишини куза-тиб туриб, шунча захмат чекишининг нима кераги бор, тарихий китоблардан билса ҳам бўлади-ку, дейдиганлар ҳам топилиши мумкин.

Ҳолбуки, жаҳонга кўплаб маданият даҳоларини етказиб бер-ган халқимиз тарихини ўзимиз жуда оз биламиз. Биз билган маълумотларни денгиздан бир қатра дейиш мумкин. Китоблар эса жуда кам. Борларини ҳам ҳозир оммавий ўқиш имконидан маҳруммиз. Муқаддас заминимизда яратилган китоблардан ташки топган йирик кутубхоналар ҳақида кўп эшитганмиз. Ва уларнинг босқинчилик истилолари даврида йўқ қилиб юбо-рилганини биламиз. Шунинг учун ҳам кўпгина порлоқ сиймо-лар ва буюк идеялардан беҳабар қолдик. Демак, тарихимиз-нинг бизга қоронғи қисмини ер қатламларида яшириниб ётган

ўтмиш қолдиқлари ёрдамида ўрганишга мажбурмиз. Археология биз шунинг учун ҳам керак. Бироқ шундай улкан тарихий аҳамиятга молик хизматни адо этувчи археологларимизнинг ўрганиши керак бўлган қанчадан-қанча тарихий тепаликлар ва вайроналар қолиб, бугунги кунда маданий меросимизга айланган обидаларни вайрон этиб, тагида қазиб ишларини олиб бораётганликлари, юмшоқ қилиб айтганда, халқ меросига тўғридан-тўғри ҳурматсизликдир. Ўзбекистонда археологиянинг мақсади тарихимизни тиклашми ёки йўқ қилишдан иборатми, деган савол туғилиши табиий. Ҳолбуки, археологик ёдгорликларимизнинг тўқсон фоизи қишлоқларда ёки шаҳар теваракларида жойлашган, улар текширилишини, ўрганилишини кутиб ётибди. Тарихий тепаликларимиз тақдирга жиддий ҳавф остида. Эътиборсизлик, янада аниқроғи, ҳўжасизлик натижасида турли ташкилотлар уларни вайрон этишмоқда. Ёки янги қурилиш объектлари остида қолиб кетмоқда.

Ёдгорликларни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг ўтмиш ва келажак олдидаги муқаддас бурчимиздир. Ёдгорликларимиз вайрон этилар экан, уларни ҳеч нарса эвазига қайта тиклаб олмастимиз шубҳасиз. Уларни вайрон этганлар эса ўз тарихидан жудо бўлаётган халқ олдида жавоб беришлари шарт.

Бухоро амира тахтдан туширилганига 67 йил бўлди, бироқ музей кўриқхонасида сақлаётган ўша тахтга амирдан кейин яна кўплар ўтириб курганга ўхшайди. Акс ҳолда, тахт тутқичининг бахмал қопланган қисми йиртилиб, кир бўлиб кетганини, тахт ўриндиғида пайдо бўлган изларни қандай баҳоламоқ керак?! Бу нарса музей ходимларининг экспонатларни қандай сақлаётганини яққол кўрсатиб турибди... Ахир, қайси бир сайёҳ Бухоро амирининг тахтига ўтириб кўришни хоҳламайди, дейсиз?

Тахт ёнидаги Бухоро амирининг либослари сақланаётган (жавон дейишга ҳам тил бормайдиган) шиша кутининг тўртала бурчаги очик бўлгани сабабли тирқишларидан кирган чанг-чунг либосларга ўтириб қолганига нима дейсиз?

— Аввал шу жиҳоз ҳам йўқ эди, — дейди тарих бўлимининг бошлиғи Зайнаб Солиева. — Амирнинг зарҳал генераллик либосидаги тилла аксельбанд ўғирлаб кетилгандан сўнг бу шкафларни ўзимиз қўлда ясаб олишимизга тўғри келган. Чунки очик турган либосларининг безаклари бир томондан ўғирланаётган бўлса, иккинчи томондан сайёҳлар ушлаб кўравериб экспонат сифатига пугур етказаятган эди. Музейимизда экспонатларнинг сақланиш шароити яхши эмас. Бунинг устига музейдаги мавжуд тарихий ҳўжжатларни сақлайдиган махсус жавонларимиз йўқ. Бу ҳўжжатлар нам жойларда сақланмоқда. Махсус жавон ясаб беришларини сўраб мебель фабрикасига буюртма берганимизга анча бўлди. Лекин фабрика маъмурияти Маданият министрлигининг махсус руҳсатномасиз буюртмани бажара олмастигини билдирди. Биз буюртманинг ясалишига руҳсат сўраб Маданият министрлигидаги тегишли масъул ходимларга хат билан мурожаат қилдик. Лекин ҳанузгача жавоб йўқ... Бухоро музейининг тарих бўлимидаги экспонатларнинг асосий қисмини жаллод болталари, пичоқлари, кундалар, ноғоралар, темир кишанлар ва ўтмишнинг қора кунларидан далолат берувчи буюмлар ташкил қилади. Кишанланган халқнинг ёки қора чиммат остидаги аёлларнинг қисмати, дейлик, яхши ёритилган. Бироқ мана шу «кишанланган халқ», «паранжи остидаги» покиза аёлларимиз яратган бебаҳо бойлик — буюк санъат намуналари жуда қашшоқ намоиш этилмоқда. Кўргазмани кезиб чиққан кишида музейнинг мақсади халқ ўтмишининг фақат қора томонларини кўрсатишдан иборат экан-да, деган фикр уйғониши аниқ.

## Амирнинг тожи қани?

Қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлдим...

Тарих бўлими залларидан бирида янги амир тахтга ўтирган кун бўладиган тантанали маросимда амирга кийдириладиган анъанавий зарбоф тўн ва шоҳона салла... осиб қўйилган. Саёҳатчиларнинг бир гуруҳи шу залга кириб келди. Экскурсовод тож кийдирилиш маросимининг тартиби ва тарихи тўғрисида уларга сўзлаб бера бошлади. Салладаги амирлик тожи ўрнига ўрнатилган аллақандай безак буюм бир сайёҳ эътиборини тортдию экскурсоводга «Амирнинг ҳақиқий тожи қани?» деган савол билан мурожаат қилди. Бурро экскурсовод негадир

ноқулай аҳволда қолди, тожнинг қаерда эканини билмаслигини айтди.

Бу ҳол мени ниҳоятда қизиқтириб қўйди. Тарих бўлимининг барча ходимларига мурожаат қилиб чиқдим. Лекин аниқ жавоб ололмадим. Ниҳоят музейнинг бош сақловчиси Шафоат Авазовага учрашдим. «Тож музейимиз фондида сақланаётган эди, — деди Шафоат Авазова. — Қимматбаҳо металл ва тошлардан ясалган экспонатларимизга миллия ходимларидан кўриқловчилар тайинланганига сабабли кўргазмалар залида намоиш этишимизнинг иложи йўқ эди. Биз бу борада тегишли ташкилотларга кўп мурожаат қилганмиз. Лекин биздаги қимматбаҳо экспонатларга махсус кўриқчилар тайинлашни лозим топмай келди. Ҳозир амирнинг тожи... Яхшиси, мана буни ўқиб кўра қолинг, ҳаммасини тушуниб оласиз. Биласизми, тожни кўплар сўрашади, тушунтиравериб чарчаб кетасан киши. Кошки фойдаси бўлса...

Шафоат Авазова олдimgа қўйган қоғоз Бухоро область прокурори номига ёзилган хатнинг нусхаси экан. Хатни тўлалигича келтириман.

«...1984 йилнинг август ойида Бухоро шаҳрига ЎзССР ФА Археология институтининг директори А. Асқаров бошчилигидаги 3 кишидан иборат комиссия состави ташриф буюрди. Музей дирекциясига ноёб металлдан ясалган экспонатларни Бухоро Давлат музейидан республика санъат музейига ўтказиш ҳўқуқини исботловчи ҳўжжатлар кўрсатилмади. Комиссия музей фондида ЎзССР Маданият министрлиги музейлар бўлимининг бошлиғи ўртоқ В. М. Тихомировнинг телефон орқали берилган «бажарилиши шарт бўлган» оғзаки кўрсатмасидан сўнггина киритилди.

Ушбу комиссия томонидан республика музейига олиб кетиш учун қимматбаҳо тошлардан ва ноёб металлдан ясалган 3 та ягона нусхадаги бадий буюм Бухоро Давлат музейи кўриқхонаси билан битим тузилмаган ҳолда рўйхатга тиркалди.

1. «СУЛТОН» — салла безаги, олтин, бриллиант. Ягона нусхада, бебаҳо.

2. «ЗЕБИ ГАРДОН» — маржон, олтин, бриллиант, ёқут, марварид, табиий тошлар. Ягона нусхада, бебаҳо.

3. «ҲАЛҚА» — кумуш, олтин суви югуртирилган, марварид, шиша.

ЎзССР Маданият министрлигининг 22.Х.84 йил 414 рақамли чиқарган буйруғига биноан 1984 йилнинг 26 ноябрида ЎзССР Маданият министрлигининг вакили ўртоқ Мамедов музей директорининг отпусқада эканлиги ва проба назорати вакилларининг йўқлиги сабабли ишонч қоғозига эга бўлолмади. Экспонатлар унга берилмади. 1984 йилнинг 1 декабрида эса ўртоқ В. Тихомиров ҳам ҳеч қандай ваколатномасиз, комиссиясиз, тегишли кўриқчиларсиз (ёки муҳофазасиз) келиб юқорида тилга олинган экспонатларнинг тезда берилишини талаб қилди. Юқори ташкилотдан телефон орқали қилинган такрор-такрор оғзаки қатъий талаблардан сўнг 1984 йилнинг 1 декабрида ЎзССР Маданият министрлигининг, Бухоро область тартиб тартиб вакилининг ҳамда Бухоро область ижроия комитети маданият бошқармаси бошлиғи М. А. Азимованинг руҳсати билан «Жамоат тартибини сақлаш муҳофазаси бўлимининг инспекторлари ўртоқ Н. Жўраев, Ф. Ҳўжаев, район ички ишлар бўлимидан милиционер И. Қўвондиқов ва ЎзССР Маданият министрлиги музейлар бўлими бошлиғи ўртоқ М. Тихомиров, Бухоро Давлат банкнинг вакили ўртоқ В. Денисовлар иштирокида меҳнат отпусқасида бўлган музей директорининг сейфи очилиб, у ердан ноёб металл сақланадиган сейфнинг калити олинган. Музей фонди сақланадиган жойни милиционерлар очиб, фонднинг бош сақловчисини қимматбаҳо металл сейфини очишга ва умумий акт бўйича ўртоқ Тихомировга экспонатларни топширишга мажбур қилдилар. Юқорида айтилган гаплардан кўриниб турибдики, ноёб экспонатлар сақланадиган сейфдан қимматбаҳо экспонатлар олинганда қонун ва СССР Маданият министрлигининг СССР Молия министрлиги билан биргаликда қабул қилган СССР давлат музейларида ва маданий оқартув муассасаларида турган ноёб металл, қимматбаҳо тошлар ва музей нодирликларини ҳисобга олиш ва сақлаш тўғрисидаги 26—166 рақамли инструкцияси қўпол равишда бузилган.

1. Директор йўқлигида ноёб металл сейфининг калити ҳамда унинг шахсий ҳўжжатлари турган сейф очилган.

2. Ўртоқ В. М. Тихомировда экспонатларни олиш учун



ваколатнома бўлмаган. Ва у давлат санъат музейларининг моддий жавобгар шахси деб ҳисобланмайди.

3. Музей ходимларига махсус формада актларни (ҳужжатларни) тўғри расмийлаштириш учун вақт ажратилмаган.

4. Тошкентдан юборилган хато актда ноаниқлик мавжуд; 55 та бриллиантдан 33 таси ҳужжатда кўрсатилмаган.

Шундан сўнг ЎзССР Маданият министрлигига махсус формада акт тузишни сўраб 2 марта хат юборилди, лекин ҳануз жавоб бўлмади.

Область ўлкашунослик музейи директорининг ўринбосари: (имзо)  
Р. Типаева.

Область ўлкашунослик музейи фондининг бош сақловчиси: (имзо)  
Ш. Авезова.

«Бу хатни топширганимизга ҳам, мана, 2 йил бўлди, — деб гапида давом этди Шафоат опа, — ҳанузгача ҳеч қандай жавоб олганимиз йўқ. Бу сингари хатлар ва илтимослар билан юқори ташкилотлардаги кўпчилик масъул ходимларга мурожаат қилдик, лекин ҳеч ким лом-мим демайди. Музейимизнинг кўпгина қимматбаҳо, илмий аҳамиятга эга бўлган тарихий экспонатларидан Москва, Ленинград, Киев, Самарқанд, Сурхондарё музейларида фойдаланилмоқда. Ҳозир саховатли халқимиз келтириб музейга топширган тарихий нарсалар ва санъат асарлари эвазига кўргазмамиз бир қатор бойиди... Биз эндиликда яна қайси ташкилот ёки ким келиб қимматли экспонатларимизни олиб кетар экан, деган кўрқув билан яшаймиз. Ахир, ўйлаб кўринг-а, фақатгина Тошкент шаҳрининг санъат музейи Бухоро ҳунармандлари тайёрлаган зардўзи чопоннинг ўзидан 50 тасини тортиб олди. Ҳозир бунақа чопонлардан музейимизда бор-йўғи 5 тагина сақланмоқда. Агар, ўттинчи йиллардан буён музейимиздан олиб кетилган экспонатларни ҳисоблайдиган бўлсак, сон жиҳатдан 10 000 (ўн минг!) донага яқинлашиб қолади. Бу дегани музейимиз тўла коллекциясининг тенг ярмидан жудо бўлди, деган гапдир. Жудо бўлганда ҳам энг қимматли экспонатлардан жудо бўлди... Ўзингиз ўйланг: республикамиз шаҳарларидаги музейларга кирувчилар сони ойига 150—200 минг кишини ташкил қилса, бугунги кунда Бухоро тарихий-ўлкашунослик музейига кирувчилар сони ойига 800 минг кишига етди. Экспонатларимизга муносабат эса... ҳалигидай. Ҳозир Бухоро тарихий-ўлкашунослик музейида Бухоро ҳунармандлари ижодига тегишли нодир металллардан ясалган қадимий безаклар қолмаган ҳисоби! СССР Министрлар Советининг 1965 йилнинг ўзида чиқарган иккита махсус қарори бор, унга кўра музей коллекцияларининг бўлиниши ва бошқа ташкилотларга берилиши СССР Маданият ва илмий министрлигининг Марказий эксперт комиссиясида ҳал этилиши керак. Аммо ҳалигача бошқа шаҳарлар музейлари Бухоро музейи эвазига ўз экспозицияларини бойитишдан тўхтамаптилар. Бизнинг арзимизни эшитадиган бирор кимса борми ўзи, йўқми?!»

Музейда турли масъул ходимларга ёрдам сўраб йўлланган талайгина хатларнинг нусхалари бор экан. Хат нусхаларининг сони ва адресат сони шу даражада кўпки, бу нусхалардан Бухоро тарихий ўлкашунослик музейида алоҳида кўргазма ташкил этса бўлади.

Хатларда ёрдам сўраб мурожаат этилган ходимларнинг барчаси катта ҳурмат-этибордаги кишилардир. Бу этиборли кишиларимизнинг маданий меросимизга этиборсизлик ва ҳурматсизлик қилаётганлари одамнинг аламини кўзғайди.

Улуғ Октябрь қўши балқиган илк суронли, тарихий кунлардаёқ, интилоб бешиги Петроград кўчаларида ишчи ва солдат депутатларининг халққа мурожаатномаси пайдо бўлди. Тарихий ҳужжатда қуйидагиларни ўқиймиз:

«Гражданилар, эски хўжайинлар барбод этилди. Улардан улкан мерос қолди. Энди у халқники!»

Гражданилар! Бу меросни эҳтиёт қилиб сақланг. Расмлар, ҳайкаллар, иморатлар Сизнинг ва аждодларингизнинг маънавий қўдратини мужассам этган.

Санъат — ҳатто мустабид зулми остида ҳам оддий одамлар қўли билан яратилган гўзалликдир. У инсон қалбининг чиройи ва кучидан далолат беради.

Гражданилар! Ҳар битта тошга ҳам тегманг. Иморатлар, осори атиқалар, ҳужжатлар — буларнинг ҳаммаси сизнинг тарихингиз, сизнинг фахр-ғурурингиз.

Ана шу заминдан халқ янги санъати ўсиб чиқишини унутманг!»<sup>1</sup>

Қадимда ўз арзини тинглайдиган ҳалол, ҳақиқатпарвар қози ёки амалдорларни тополмаган киши халққа мурожаат қилар экан. Шу топгача арзларига ҳеч ким қулоқ солмаган Бухоро тарихий ўлкашунослик музейи ходимлари ҳам эҳтимол халққа мурожаат қилишлари керакдир. Шахсан мен, дому дараксиз йўқолиб кетаётган маданий мерос бўлмиш осори атиқаларга халқимиз жиддий эътибор беради ва уларни сақлаб қолиш учун кескин чоралар кўради деб ишонаман. Ахир, музей кимнинг мулки?!

## АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ

**Чори АВАЗОВ.** 1957 йили Қашқадарё областининг Ғузур районидан туғилган. ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетини битирган. Ҳозирги кунда «Юлдузча» нашриётида ишлаяпти. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.

**Ҳумоюн АКБАРОВ.** Андижон областининг Бўз районидан 1964 йили туғилган. ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаб, ҳозир «Кино» журналичада ишлаяпти.

**Абдуҳамид ЖАЛИЛОВ.** 1956 йили Фарғона областининг Бағдод районидан туғилган. Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг ўзбек ва қозоқ филологияси факультетида таълим олган. Ҳозир Бағдод районидан 18-урта мактабда дарс беради.

**Гулчеҳра МУРОДАЛИЕВА.** Тожикистон ССРнинг Пролетар районидан туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Айни пайтда район газетасида хизмат қилади. Шеърлари республика матбуотида бир неча бор эълон қилинган.


**Усмон ТЕМУР.** Қирғизистон ССРнинг Уш областида туғилган. Унга яқин китоблар муаллифи. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. Уш область ўзбек драма театрида адабий эмакдош вазифида ишлайди.

**Фохриёр.** Навоий область Хатирчи районининг Сангжумон қишлоғида туғилган. А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ўзбек ва тожик филологияси факультетининг сиртки бўлимида таълим олиш билан бирга Тошкент кабель заводида ишлайди. Шеърлари республика матбуотида чиқиб туради.

**Нортўхта ҚИЛИЧЕВ.** Бухоро областида туғилган. Айни пайтда Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида редактор бўлиб хизмат қилади. «Оппоқ тонг», «Еронгул», «Мўъжиза» номли тўпламлар муаллифи.

## АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ

<sup>1</sup> Охрана памятников истории и культуры. Сборник. М., 1973 г., стр. 14.



М. Муҳиддинов  
Ш. Отабоев

# Шатранж йўлларида

**Ш. О.** — М. Таль 24 ёшида жаҳон чемпиони бўлганда шахмат оламида у ҳақда катта шов-шув, ақл бовар қилмас афсоналар тарқалди. Таль рақибларини гипноз қилиб қўярмиш, деган гаплар пайдо бўлди. Бу уйдирмаларга ҳатто айрим таниқли шахматчилар ҳам ишонишди. Гроссмейстер Бенко Таль билан бўлган ўйинда гипноздан сақланиш учун қора кўзойнак тақиб олди. Таль ҳам бунга жавобан қора кўзойнакда ўйнади. Бенко барибир мағлубиятга учради. Мана шу тафсилотлар муносабати билан диққатингизни шахматнинг яна бир ғаройиб томонига қаратмоқчиман. Маълумки, табиатда ҳар бир нарсанинг (гоҳо, ҳаётда ҳам) ўз кушандаси бор. Айрим шахматчиларнинг ҳам рақиблар орасида кушандаси бўлади. Мутахассислар тилида бу «ноқулай рақиб» дейилади. Иккинчидан, айрим забардаст, донг чиқарган шахматчиларнинг рақиблари, улар ҳақидаги миш-мишлар анча-миунча таниқли гроссмейстерларнинг ҳам кўнглига ғулғула солиб, гоҳо мувозанатдан чиқариб туради. Бунга мисол тариқасида жаҳон биринчилиги учун саралаш ўйинларида Б. Ларсен, М. Тайманов каби номдор гроссмейстерларнинг Р. Фишердан йирик ҳисобда мағлубиятга учраганликларини эслаш мумкин. Ваҳоланки, назарийчиларнинг фикрича, юқори малакали шахматчиларнинг бир-бирларини ютиши тобора қийинлашиб бораётган бир даврда яшяпмиз. Капабланка шахматнинг истиқболи ҳақида анча тушкун фикр билдирганда худди шу ҳолни назарда тутган эди.

Фишер билан бўлган саралаш матчининг иккинчи партиясида Тайманов ҳатто учинчи разрядли шахматчи (Таймановнинг ўз иқрори. — **Ш. О.**) дурангга эриша оладиган позицияда ютқа-

зади, бешинчи партияда эса руҳини текинга бериб (кечиктирилган партия давом эттирилганда юз берган ҳол; руҳнинг кетишини тренер ва секундантлар ҳам сезмай қолишган!) қўяди. Шундан кейин бутунлай РУҲИ тушиб кетади. Бу драматик матч ҳақида Таймановнинг ўзи шундай дейди: «Фишер позиция гармониясини шундай ҳис қила олар, сипоҳларини шундай жойлаштирар эдики, улар ҳамisha керакли маҳалда ҳозир нозир эди. Буни яққол сезиб турган рақиб бейхитёр рўпарасида жонли шахматчи эмас, балки шахмат роботи ўтирибди деб ўйларди. Ана шу «кашфиёт» кўпинча ўйиндаги бўшангликка сабаб бўларди. Мен ҳам худди шундай ўйга тушган эдим».

Бу мулоҳазалардан, ҳар қалай, сеҳру жоду ростдан ҳам бўлиши мумкин экан-да деган хулоса чиқариш мумкинми?

**М. М.** — Агар гап «кушанда» ёки «ноқулай ҳариф» ҳақида борадиган бўлса, у ҳолда Талнинг ўзини мисол қилиб келтира қолайлик. Маълум вақтгача, ҳатто жаҳон чемпиони бўлгандан кейин ҳам у Корчнойга қарши жуда муваффақиятсиз дона сурган. Чунончи, дастлабки 9 учрашувнинг 7 тасини бой берган. Ваҳоланки, маҳорат бобида сира ундан қолишмасди. Менимча, бундай номутаносибликнинг сабаби, биринчидан, рақибининг ўйин услуби ноқулай бўлса; иккинчидан, кўпроқ ютиқиза бошлаган шахматчида «ўч олиш»га эҳтиёж туғилади, бу эса кўпинча позиция талабларига зид йўл тутишни тақозо этиб, «калтакни ўз бошида синдиради».

Бордию гап Фишер хусусида борса, лўнда бир жавобни айтиб бера қолай. Навбатдаги мамлакат чемпионати, 1972 йилнинг кузида Кисловодск шаҳрида ўтарди. Иштирокчилардан айримларини Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишлаб Тошкентда ўтказилажак биринчи Бутуниттифоқ турнирига таклиф қилиш учун мен ҳам ўша ерга борган эдим. Гроссмейстер Алексей Суэтин билан мулоқотимиз хиёл қўзилиб кетди. «Тож талабгорларининг Аргентинадаги 1971 йилги финал матчида Петросянининг Фишерга катта ҳисобда бой бериб қўйганига сабаб нима?» деб сўраганимда А. Суэтин қисқалгина жавоб қилди: «Петросян шу туфайли ҳатто мен билан (Суэтин унга тренерлик қилганди. — **М. М.**) гаплашмай қўйганини мутлақо ноўрин деб ҳисоблайман. Ҳозир Фишер билан умуман ўйнаш қийин! Ниҳоятда зўр!»

1951 йили Тошкентда СССР спорт мастери уновини олиш учун ёш Тигран Петросян билан матч ўйнаганимда менга А. Суэтин тренерлик қилган, кейинчалик у мамлакат терма командаси аъзоси ҳамда тренери, «Правда» газетаси ва Марказий телевидениенинг шахмат шарҳчиси сифатида ҳам ўткир билимдонлигини намойиш қилганди. Шуларни билганим учун унга бошқа савол бериб ўтирмадим.

Гипноз, сеҳру жоду деган гаплар аслида бир баҳона, холос.

**Ш. О.** — Фан-техника инқилоби асрида шахмат ҳам ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Энди шахматчиларга, айниқса олий тоифадаги гроссмейстерлар, жаҳон чемпионларига осон тутиб бўлмайди. Мен бу ўринда улкан информация оқимини назарда тутяпман. Ҳозирги шахматчи информация билан тирик. Ҳар йили жаҳоннинг турли бурчакларида бир неча минглаб партиялар ўйналади. Малакали, таниқли шахматчилар буларнинг ҳаммасидан хабардор бўлиб боришга мажбур. Баъзан ақл бовар қилмайди: бу партиядаги позиция фалон йили фалон шахматчиларнинг учрашувда юз берган эди, дейишади. Йиллар давомида ўйналган партияларнинг сони тобора ортиб бораверади-ку?! Ахир одамнинг мияси ҳисоблаш машинаси эмаски, ҳамма нарсани тўла-тўқис эслаб қололса?! Тўғри, бунга жуда катта меҳнат эвазига эришилади. Г. Каспаров бир йилда камида олти минг партияни кўриб чиқар экан. Бразилиялик гроссмейстер Э. Мекинг «Бригина Корчной билан бўладиган ўйинга тайёргарлик кўриш учун минг соат шахмат тахтаси ёнидан жилмадим», дейди.

Чемпион ва экс-чемпионлар, тож талабгорлари бир ўзи бу мушкулотнинг уддасидан чиқишолмайди, уларга тренерлар, секундантлар ёрдам беришади. Аммо бора-бора бу ишни кўплашиб ҳам эплаш қийин бўлиб қолмасмикин? Охир-оқибат шахмат ўзининг табиий жозибасини, завқ-шавқини йўқотиб, азоб-уқубат манбаига айланиб кетмайдими?

**М. М.** — Деярли барча машҳур шахматчилар аjoyиб хотира кучига эга бўлишган. Чунончи, Акиба Рубинштейн мусобақаларда ўйнаган барча партияларини ёд билган.

Александр Алёхин ўзи ўйнаган партияларнигина эмас, балки кейинги 60—70 йил орасида таниқли шахматчилар ўйнаган партияларни ҳам юришма-юриш кўрсатиб бера олган.

Бир кун иёш Алёхиннинг ёдлаш қобилиятини синаб қўрмоқчи бўладилар ва унга бир испан ёзувчисининг романини тутқазиб, ўнг келиб қолган саҳифасини ўқиб, сўнгра ёддан такрорлашни сўрайдилар. Алёхин курсига ўтириб, текстини диққат билан кўздан кечира бошлади. Тўрт минут ҳам ўтмай у китобни эгаларига қайтариб беради ва бир ярим бетлик текстини бехато, ҳатто қироат билан такрорлайди. Лекин бундай ёдлаш билан шахматчи хотираси ўртасида фарқ бор, албатта. Ўйин пайтида шахматчи кўриш билангина чегараланмай, уни сезади ҳам. Ёдлашда фикр ва эмоция актив роль ўйнайди. Бундай «комплекс» идрок шахматчининг ўйналган партияларни йиллар давомида эсда тутта олишига сабаб бўлади. Шахматчи бошқалар ўйнаган партияларни кўздан кечирар экан, уларни механик равишда ёдламайди, балки ўйин устида фикр юрилтади, юришларни таҳлил қилади, амалга ошган комбинациялардан лаззатланади.

Ҳозирги замон дебют назарияси жуда бой. Ҳар бир шахматчи ўзига ёққанларини танлаб олади ва уларни ҳам тарафлама ёрғаниб чиқишга ҳаракат қилади. Қўлланмаларда кўрсатилган вариантларни қуруқ ёдлаб олишга интилган шахматчининг ҳолига вай: рақиб ҳар қачон ҳам китобда кўрсатилган йўллари қилавермайди-ку! Роберт Фишер ҳатто аёллар ўртасидаги мусобақаларда ўйналган партиялардан ҳам хабардор бўлиб турар, учраган янгликларни ёдда тутиб қолар эди. Машқ қилдирилган хотира зарур информацияларни чиппа ушлаб қолади. Бўлмаса, 30—40, ҳатто 50 ҳафтада бир йўла ғойибона, яъни дона ва хоналарни кўрмаган ҳолда сеанс бериб бўладими? Билим ва тажриба кўмагида минг-минглаб операциялар фикран яққол тасаввур этилади. Бу нарса азоб-уқубат манбага айланмайди, шахматчининг чинакам ижодкор эканидан далолат беради.

**Ш. О.** — Мамажон ака, шахматчига тренер керакми? Бу савол бир қарашда ғалати туюлиши мумкин, аммо уни бежиз бераётганим йўқ. Таниқли шахматчи В. Панов шундай ёзади: «Ишончим комилки, кучи ўртача бўлган шахматчиларга тренер беркитилиши фойда эмас, зиён келтиради, уларни мустақилликдан маҳрум қилади».

Дарҳақиқат, тренерлик масаласига менсимайроқ қарайдиганлар («Кимки ўзи билмаса, бошқаларни ўқитади!») ҳам учраб туради. Шахмат тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу борада бир-бирини зид фикрлар баён қилинганини кўраемиз. М. Ботвинник, А. Алёхин каби забардаст шахматчилар ўз фаолиятларида тренерлар кўмагида у қадар муҳтожлик сезишмаган. Аммо аксарият йирик шахматчиларнинг доимий тренерлари бўлган. (Тўғри, устоз-шоғирдлар ўртасидаги муносабат ҳамма вақт ҳам силлиқ бўлавермаган. Орада арзлар, тортишувлар бўлиши табиий. Масалан, Спасский билан унинг тренери Толуш ўртасидаги муносабат анча мураккаб бўлган).

А. Карпов, М. Таль каби шахмат юлдузларининг оламшумул зафарларини Фурман, Кобленц каби талантли тренер-педагогларсиз тасаввур қилиш қийин. Сиз тренер-мутахассис сифатида бу масалага қандай қарайсиз?

**М. М.** — «Тренер» сўзи «машқ қилувчи» деган маънони билдиради. Уни шахмат ўйинини ўргатадиган ўқитувчи ёки тўғрақ раҳбаридан фарқли билиш керак. Унча-мунча малака орттирган шахматчиларга тренерлик қилишнинг узига хос томонлари мавжуд. Айтайлик, биринчи разрядли гимнастикачилар тренери зарур машқларни баъзи сабабларга кўра ўзи бажара олмаса-да, кўргазмани тарзда тушунтириши мумкин. Шахматда-чи? Шоғирдлар китобу қўлланмалардаги тавсиялар билангина қаноатланмайдилар, ҳеч қаерда кўрсатилмаган юришни қилиб, «бу ҳолда нима бўлади?» деб туриб оладилар. Амалда шахмат тахтасидаги муайян вазиятни таҳлил этмай қилиш ҳоллари тренернинг обрў-эътиборига путур етказиши мумкин. Катта шахматчиларга, чунончи, тождору тож талабгорларига тренерлик қилувчиларнинг вазифаси янада мураккаб: тренер чемпиони ёки талабгорнинг «хужуми», яъни ўткир саволу эътирозларига шай турмоғи лозим. Кечиктирилган ўйинларнинг таҳлили хусусида эса ўта конкрет тарзда «ҳисобот» беради. Талабга жавоб бермаса «бошқа вазифа»га ўтказиб юборилиши муқаррар.

Алёхин ва Ботвинник зур амалий шахматчи бўлиши билан бир қаторда тенги йўқ тадқиқотчилар эди. Шунинг учун ҳам

улар тренерларга унчалик зарурат сезмаган бўлсалар ажаб эмас. Ботвинник ўз тадқиқотларини умумлаштириб, ҳаммаша матбуотда эълон қилиб борар, уларни мутахассислар ҳукмига ҳавола этиб турар эди. Аммо энг нозик, энг муҳимларини масъул учрашувларда ўзи қўллаб, кўпинча муваффақиятга эришарди.

**Ш. О.** — Биз шахматчининг таланти ҳақида гапирамай-у, тренер-педагогнинг қобилияти ҳақида кўпинча индамаймиз. Ваҳоланки, тренерлик таланти ҳам жуда ноёбдир. Буни ўзингиз яхши биласиз. Мамлакатимизда тренер сифатида ўзига хос рекорд қўйган аjoyиб мутахассислар бор. Масалан, 1975—1978 йилларда В. Чехов, А. Юсупов, С. Долматовлар ўсмирлар ўртасида (20 ёшгача) жаҳон чемпиони бўлдилар. Уларнинг ҳаммасига РСФСРда хизмат кўрсатган тренер Марк Дворецкий устозлик қилган. Виктор Карт эса Львовда биратўла тўртта гроссмейстер — А. Беляевский, О. Романишин, А. Михальшин ва М. Литинскаяларни тарбиялаб етиштирди. Бу ҳар қандай тренер ҳавас қилса арзийдиган натижа. Эҳтимол, республикамизда шахмат муаммоларининг кўпчилиги ана шу тренерлик масаласига келиб тақалар?

**М. М.** — Билимнинг деярли ҳамма соҳалари бўйича дарсликлар, қўлланмаю кўргазмани қуроллар бор, шунга қарамай, мактаб, олий ва ўрта махсус билим юртиларида ҳамон ўқитувчилар мавжуд. Уқувчи ёки студент ўша китобларни мустақил мутолаа қилаверса бўлмайди? Йўқ, албатта. Устозларнинг ўрнини ҳеч нарса босолмаслиги аниқ. Спортда, жумладан, шахматда ҳам шундай. Кейинги ярим аср мобайнида яратилган шахмат адабиётлари ҳар жиҳатдан бошқа соҳадаги адабиётлар билан тенглаша олса-да, тўғрақ раҳбарлари ва тренерларнинг ўрнини асло боса олмайди. Материални тезроқ ва осонроқ «чайнаб, ҳазм қилиш» йўлини кўрсатадиганлар, юқоридаги малакали шахматчилар учун эса энг зарур информацияни рисоладагидек етказиб биладиганлар ҳам ушарлар.

Бизнинг республикамизда ҳам моҳир тренерлар бор, аммо жуда-жуда оз. Терма командаларимизга устозлик қилаётган СССР спорт мастерлари С. Пинчук, М. Рудерфер каби тренерларни кўпайтиришимиз керак. Бу — давр талаби.

**Ш. О.** — Мамажон ака, тренер кадрлар қаерда тайёрланади? Тренерликка лойиқ одам бир вақтлар таниқли шахматчи бўлиб, кейинчалик мутахассис бўлиши керакми? Бу ишда физкультура институтлари, пединститутларнинг жисмоний тарбия факультетлари қандай роль ўйнаши мумкин?

**М. М.** — Юқори малакали тренерларни асосан физкультура институтларининг шахмат бўлимлари тайёрлайди. Ҳозир бундай бўлимлар Москва, Львов, Тбилиси, Ереван, Минск, Тарту шаҳарларида мавжуд бўлиб, ҳар йили юз нафарча олий маълумотли тренер тайёрлаб бермоқда. Бу жуда оз. Эҳтиёж эса катта.

Ўзбекистон физкультура институтида ҳам шахмат бўлимини очиш масаласи кўпдан бери кун тартибда турибди. Мен бу ҳақда матбуот саҳифаларида, мутасадди ташкилотларга юборилган ҳужжатларда кўп ёздим. Лекин гап «ана-мана»дан нари ўтмайпти. Рост, кейинги вақтларда институтимиз қошидаги малака ошириш курсларига шахмат тренерлари ҳам жалб қилина бошланди.

Юқори малакали шахматчиларнинг ҳаммасида педагогик салоҳияти борлигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Институтда физиология, психология, методика каби фанлардан тегишли сабоқ олган тренерларнинг йўриғи бошқа. Москва физкультура институтининг шахмат бўлимини битириб чиққан спорт мастерларимиздан фарғоналик В. Манин, олмалиқлик В. Аъзамовлар хануз билиму қобилиятларига яраша фаолият доирасига жалб қилинмаганликлари таажубланарлидир. Улар учун махсус шахмат мактаблари, ҳатто институтда шахмат бўлими очиб берилиши керак деб ўйлайман.

**Ш. О.** — Маълумки, юксак даражадаги мусобақалар, жумладан, жаҳон чемпионатида кечиктирилган партияларни таҳлил қилишда чемпиони ва даъвогарларга тренерлар, секундантлар яқиндан ёрдам беришади. Томонлар мағлубиятдан қутилиш ёки ютуққа олиб борадиган ягона йўлни топиш учун баъзан тонг отгунча мижжа қоқишмайди. «Бир калла яхши, икки та бўлса ундан ҳам яхши» деганларидек, чора-тадбирни бир-галашиб топишади. Кечиктирилган партияларда шуларнинг ёрдамсиз ўйинчилар мақсадига эришолмаслиги мумкин. Бундай ҳолга ҳамма кўникиб кетган, аммо ҳар қандай қонун-

қоида догма эмас. Энди масаланинг бошқа томонини ўйлаб кўрайлик. Шахмат ўйини, шубҳасиз, томонларнинг ЯККАМА-ЯККА курашидир. Бу курашда ким зўр чиқса, ўша ғолиб бўлиши керак. Ҳозирги тартиб-қоидага кўра, кимнинг тренер-секундантлари зўр бўлса, ўша ютиб кетиши ҳам мумкин. Ахир ўйин пайтида (асосий вақтда) четдан ҳеч кимнинг аралашувига йўл қўйилмайди-ку! Шахматчи баъзан бир амаллаб белгиланган 40 юришни қилиб, партияни кечиктиришга, ютуққа ёрдәмчилари кўмағида эришишга интилиши ҳам мумкинки, бунинг учун ҳеч ким уни фирромликда айблай олмайди. Лекин ана шу қонун-қоиданинг ўзида фирромлик йўқмикин? Спорт нуқтани назарида шу ҳолатни ҳалол, объектив дейиш мумкинми? Тўғри, бу қоидалар шахмат оламига қаттиқ сингиб кетган, шунинг учун ҳам бу мулоҳазалар ғалати, ҳатто эриш туюлиши мумкин. Аммо файласуфлар ўргатганидек, шубҳа — билишнинг муҳим босқичларидан биридир.

**М. М.** — Уқорида айтилганларга бир оз кўшимча қиламан: кейинги йилларда вақт контроли узайтирилди. Катта мусобақаларда авваллари дастлабки 40 юриш учун томонларга икки ярим соатдан, яъни бир кунги ўйинга жами беш соат бериларди. Эндиликда бир кунга олти соат вақт берилиб, томонлар дастлабки 40 юришни икки, сўнгра кейинги 20 юришни бир соатда бажарадилар, бинобарин, жами юриш бодан кам бўлмайди. Республика, мамлакат чемпионатлари ва ҳатто жаҳон олимпиадаларида ҳам регламент шундай. Бу ўйинларни кечиктириш ҳолларини узил-кесил камайтиради. Лекин жаҳон шахсий биринчиликларида ҳамон олдинги тартиб сақланмоқда. Мақсад — олий даражадаги сифатли шахмат партиялари бунёд этадиган фармонбардорлар ижодий уфқини ортиқча чегаралаб қўймастикдир.

Менимча, кечиктирилган партияларнинг тренер-секундантлар ёрдамида таҳлил этилишида фирромлик йўқ. Мана шу йўл билан ҳам ўлмас партиялар — жаҳоҳирлар яратилади, шахмат санъати бойиб, ривожланиб боради. Буни тўғри тушуниш керак.

**Ш. О.** — Шахмат Ватани гарчи Шарқ бўлса-да, кучли шахматчиларнинг кўпчилиги Европа мамлакатларида чиққанлиги маълум. Аммо Шарқда ҳам мухлислар эътиборини қозонган зўр шахматчилар бўлган. Масалан, ҳиндистонлик машҳур Султонхон Алёхин, Капабланкалар билан беллашган. Кейинги йилларда айрим Шарқ мамлакатларида қатор таланти шахматчилар майдонга чиқмоқда. Шу ҳақда ўзингиз билган маълумотлар билан ўртоқлашсангиз?

**М. М.** — Фактлар шунини кўрсатадики, маълум даврда қайси мамлакат фан ва маданият соҳасида илғор ҳисобланган бўлса, жаҳоннинг энг кучли шахматчилари ҳам ана ўша жойда яшаб, ижод қилганлар. Маълум давргача бу борада Шарқ мамлакатлари пешқадам эдилар. Лекин ўрта асрларга келиб Европада феодализм ўрнини капитализм эгаллаб, у Шарққа қўл чўза бошлади, уни ўз асоратига олди, ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиб, маданий тараққиётини бўғиб ташлади. Маҳаллий ҳоқимлар ҳам эксплуататорларга шерик бўлдилар. Натижада Шарқ халқлари фан ва маданият, бинобарин, унинг ажралмас бир бўлаги — шахматда ҳам қолақ бўлиб қолди.

Султонхонлар яккам-дуқкам ҳодиса, холос. Малик Султонхон хўжасининг Англияга қилган сафариди унга ҳамроҳ сифатида Европага келиб, истеъдодини шу ерлик шахмат мастерлари билан бўлган баҳсларда тоблаган. Ҳиндистонга қайтиб келгач, яна «бояги-бояги, Холхўжанинг таёғи»лигича қолган. Ҳа, хўжасининг измидан чиқолмай шахмат олаמידан ғойиб бўлган. Эндиликда Оснён, Африка мамлакатларида улкан халқаро мусобақалар бўлмоқда: 1986 йили Бирлашган Араб Амирликларида жаҳон шахмат олимпиадаси ўтказилди. Ҳозир бу ерлик шахматчилар билан ҳар соҳада ўқиблашадиган бўлиб қолишди. Бу — озодлик шарофатидир!

**Ш. О.** — Айрим шахматчилар айни чоғда муайян касб эгаси бўлишган, бошқа соҳаларда ҳам катта муваффақиятларга эришганлар. Масалан, М. Ботвинникнинг техника фанлари доктори эканлигини, шахмат роботлари яратиш борасидаги ишларини кўпчилик билади. Полуғаевский, Авербах каби таниқли гроссмейстерлар аниқ фанлар билан шуғулланишган, аммо шахматни деб қиёмига этиб қолган диссертациядан воз кечганлар.

Мамажон ака, Сиз шахматчининг профессионаллашувини ёқлайсизми? Балки ўртамиёна шахматчидан кўра ўртамиёна инженер ёки боғбон бўлиш л...қуқроқдир?..

**М. М.** — Авваламбор, ҳеч ким шахматни албатта мастер ёки гроссмейстер бўламан деб ўйнамайди. Асосий мақсад буюк Фирдавсий айтганидек, «поэзиядан илҳомланиш, лаззатланиш»дир.

**Ш. О.** — Мен юқорида фақат ҳаваскорларни эмас, балки шахмат билан жиддий шуғулланувчиларни ҳам назарда тутган эдим. Уларнинг орасида мастер ёки гроссмейстер бўлишни орзу қиладиганлари кўп.

**М. М.** — Фикрингизни тушундим. Биласизми, илгариги вақтларда шеърят, мусиқа ва умуман, санъат билан шуғулланишнинг асосий касб, яъни тирикчилик манбаи деб билмаганлар. Эндиликда юксак савияда яратилган санъат асарларига эҳтиёж зўрайиб кетди, ҳар бир соҳанинг профессионал билимдонларига зарурат катта. Билимлар эса шунчалик бойки, ҳар қандай истеъдод эгаси ҳам уларни пухтароқ эгаллаш, ўзлигини намоён этиш учун борлигини, вужудини шунга сарфламоғи даркор. Шахматда ҳам шундай. Модомики, ажиб шахмат партиялари миллионлаб мухлислар кўнглини овлар экан, уларни яратадиган профессионал гроссмейстерлару мастерлар ҳам кўпайиб бориши, бинобарин, рақобат асосида шахмат асарлари тобора сайқал топиши керак. Ҳамма нарса ҳаваскорликдан бошланади. Ҳавас ўрнини чинакам ошиқлик эгаллай бошлагач, натижа ҳам ўзгача қиёфа касб этади.

**Ш. О.** — Шахмат компьютерининг аҳамияти ва истиқболи ҳақида нима дея оласиз? Нима учун бу соҳа дурустроқ, тезроқ оммалашмаяпти? Нега айрим таниқли шахматчилар ҳам бу ишга истеъзо билан қарашмоқда?

**М. М.** — Машҳур кибернетик олим, СССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ленин мукофоти лауреати В. М. Глушков етмишинчи йилларнинг ўрталарида Тошкентда бўлганида ўзбек олимлари тузган янги шахмат программасини шахсан амалда синаб, унга қарши ўйнаб кўргач, шундай деган эди: «Яна бир неча йилдан сўнг спортнинг янги бир тури пайдо бўлади дейишга ҳамма асос бор. Бу — шахматчиларнинг электрон-ҳисоблаш машиналарида ўтказиладиган мусобақалардир. Бундай мусобақаларда инсон тафаккурининг энг кучли томонлари ва электрон «мия»нинг имкониятлари намоён бўлади. Шахмат машиналари зиммасига бошқа вазифалар ҳам юкланади. Улар «бўш вақт»ларида ва мусобақа пайтларидагина шахмат ўйнайди».

Программалар тобора такомиллашиб, энг яхшилари мастер даражасида ўйнамоқда. Компьютерлар ўртасида жаҳон чемпионатлари ўтказилмоқда. Ана шундай чемпионатларнинг дастлабки якунларини (Стокгольм, 1973 й.) техника фанлари доктори, жаҳон экс-чемпиони М. Ботвинник қуйидагича шарҳлаган эди: «Инсондан ишчанроқ, сунъий «рақиб» яратилишидан ҳамма, шу жумладан, олимлар ҳам, шахматчилар ҳам манфаатдор бўладилар. Интеллектуал робот-одамга (ЭҲМ кўмағида) кўплаб мураккаб масалаларни, аввало, экономика соҳасидаги муаммоларни ечишга ёрдам беради... Компьютер гроссмейстердан ўзиб кетган ва ЭҲМ учун шахмат программаси тузиш методларини муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган бошқа программаларга кўчириш имконияти туғилган тақдирдагина чинакам муваффақият қозонилади... Ахирги бир кун компьютернинг шахмат тахтаси узра одамни енгишига ишонч билдириш керак. Расман қараганда, бу компьютернинг тантанаси, аслида эса инсоннинг илм-фан соҳасидаги буюк ғалабаси бўлади».

Ҳозирча компьютер гроссмейстерни енга олганича йўқ, лекин Ботвинник яратган «Пионер» программаси халқ хўжалиги масалаларини ечишда яхшигина кўмакчи бўла олиншини кўрсатди.

Тасаввур қилинг, узоқ сафарга отланган геолог ёки матрос шахматни соғиниб ўзига ҳариф ахтара бошлайди, аммо тополмайди. Бунинг эса ҳозир иложи бор: компьютерни олади-да, уни ўз кучига мос ҳолда созлайди. Қарабсизки, кураш қизиқандан қизиқиди.

Эндиликда чет эл фирмалари ва қисман ўзимизда ҳам шахмат ўйнайдиган ихчам компьютерлар ишлаб чиқилмоқда. Улар бир неча программада: истасангиз учинчи, истасангиз иккинчи ёки биринчи разряд кучида ўйнайди. Бир камчилиги шуки, у одамлардек ҳазил-мутойибани тушунмайди, мот қилишу мот бўлишни билади, холос.

**Ш. О.** — Мамажон ака, Сиз Карпов — Каспаров матчининг бевосита гуваҳи бўлдингиз. Матбуотда ўйиннинг боришини яхши ёритиб турдингиз, аммо матч якунларига доир ёзган

мақолангиздан, тўғриси, унчалик қониқмадим. Назаримда, жуда кўп муҳим гапларни айтмагансиз. Майли, бу гапларни қўйиб турайлик-да, хаёлан яна ўша кунларга қайтсак. Муҳим, оламшумул воқеалар орадан маълум бир вақт ўтгандан сўнг тиниқлашиб, ойдинлашади, кўп нарсалар ўз ўрнига тушади. Бу матчда Сизда энг зўр таассурот қолдирган нарса нима бўлди? Сизнингча, Карпов нима учун энгилди? Интервьюда у буни «цейтнот касали» (илгари цейтнот нималигини билмасди) билан изоҳлади.

**М. М.** — Икки ойдан мўлроқ давом этиб, бутун дунёда шов-шув таратган, миллионлаб ҳаваскорларнинг баҳс-мунозараларига сабаб бўлган шундай улкан воқеани битта газета мақоласида эмас, балки каттагина китобда ҳам батафсил изоҳлаш қийин. Буни ўша китоб устида олиб бораётган ишим жараёнида сезиб турибман. Карповнинг зўр шахматчи эканлигига ортиқча далил-исботнинг ҳожати йўқ. Унинг бой берганлигига келсак, сабаби битта: айна чоғда Гарри Каспаров ундан ҳам зўрроқ, вассалом. Лекин кучлар нисбатидаги фарқ унчалик катта эмас. Реванш матчида якуний ҳисобнинг атиги 12,5:11,5 бўлганлиги шундан далолатдир.

**Ш. О.** — Одатда, ўйин пайтида судьялар ва шарҳчилар кимга ишқибозлик қилишганини кўпма айтиверишмайди. Энди айтсангиз бўлар: Сиз кимнинг мухлиси эдингиз? Карпов ва Каспаров билан шахсан мулоқотда бўлганимиз? Улар Сизда қандай таассурот қолдиришди?

**М. М.** — Очигини айтсам, шахматчи сифатида мен яхши ўйиннинг шайдосиман. Иккаласининг ҳам мухлисиман. Шарҳчи сифатида холисликка интиламан.

**А.** Карповнинг «Танланган партиялар» деган китобини ўзбекчалаштириш, авторнинг розилиги билан унга 1978—1983 йил воқеаларини қўшимча қилиш жараёнида жаҳон чемпиони га гоҳо телефон орқали, гоҳо юзма-юз мурожаат қилишга тўғри келган эди. Бу китоб 1984 йил охирида «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилди.

**Г.** Каспаров билан шахсан танишиб улуғурмадим. Унинг 1985 йили Бокуда чоп этилган ажойиб китоби «Испытание временем» («Замон синови») дан бир нусхасини менга Озарбайжонда икки тилда нашр этилаётган «Шахмат» газетасининг редактори, физика-математика фанлари доктори, профессор, шу китобга махсус муҳаррирлик қилган ҳамкасбам Озар Ҳанафиевич Зейнали дастхат ёзиб, совға қилган. Унинг Гарри Каспаров ҳақидаги қисқа-қисқа ҳикоялари менда катта таассурот қолдирганини ҳам айтиб қўяй. Анатолий Карпов ҳақидаги таассуротларим ҳам ана шундай.

**Ш. О.** — Мамажон ака! Ҳар бир жаҳон чемпиони шахмат ривожига ўзидан нимадир қўшади, уни бойитади. Айна чоғда, шахмат нима деган азалий тушунчани ҳам кенгайтиради, ўзгартиради. Сизнингча, навбатдаги жаҳон биринчилиги шахмат оламига нима берди?

**М. М.** — Карпов — Каспаров баҳси шахмат назарияси ва амалиётини бойитди, ўйналган ажойиб партиялари, дурдоналари билан шахмат санъатини янада юқорида поғонага кўтарди.

**Ш. О.** — Ботвинник Каспаров — Карпов матчининг 22-партияси ҳақида гапира туриб: «Матчда юзага келган вазият тақозосига кўра, Каспаров бу партияни ютиши керак эди — юти. Бошқа шароитда у бундай жавоҳирни яратолмаслиги мумкин эди», деди. Дарҳақиқат, уша паотия, айниқса, Каспаровнинг отни d7 хонасига юриши шахмат оламида узоқ шов-шувларга сабаб бўлди. Каспаровнинг ўзи эса тахтада юзага келган жамики мураккабликларни ҳисобга олиб қилган юришини худди илҳом янглик ярқ этиб мисбига урилган бир топилма — фоя («озарения») сифатида тушунтиради. Шахматнинг битмас-туганмас ижод, илҳом ва фантазия манбаи эканлиги, ундаги сир-асрорларнинг чексиз-чегарасиз эканлиги гўё мана шу драматик партияда яна бир қарра намоён бўлмадикикин?

**М. М.** — Худди шундай, Шодмонбек. Мен уша воқеанинг шохидиман. Уйинни кечиктириш олдидан юзага келган чигалликларни, доналарга қўл урмай 17 минутда фикран тўғри ечиш йўлини топиш — генийликдан нишондир. Бошқача таъриф камлик қилади деб ўйлайман.

**Ш. О.** — Матбуот марказидаги муҳокамаларда Сиз ҳам қатнашингизми? У ерда отнинг d7га юришини кўра олган мутахассислар ҳам бўлдимми?

**М. М.** — Муҳокамаларда мен ҳам қатнашдим. Уша юришни тогланлар бўлди, аммо 17 минутда (Каспаровдан фарқли ўла-

роқ, доналарни у ёқдан-бу ёққа жилдириб ҳам) ҳеч ким аниқ бир фикрга кела олмаган эди.

**Ш. О.** — Маълумки, бу матчда ўйналган айрим партиялардаги юришларни энг таниқли гроссмейстерлар ҳам олдидан тахминлай олишмади. Нега? Одатда, гроссмейстерлар ҳамкасбларининг юришини олдидан илғай олишади-ку?! Бу матчда эса ўйин охиридан сайин башорат қилиш тобора қийинлашиб борди. Гроссмейстер М. Тайманов бу ҳолни изоҳлаб: «Балки шунинг учун ҳам улар (Каспаров билан Карпов) саҳнада, биз томошабинлар қаторидамиз!», деган эди. Айтинг-чи, бу ҳол ниманинг аломати?

**М. М.** — Бу телеинтервью 1985 йилги матчда олинган бўлиб, мен Таймановнинг хиёл нарироғида турган эдим. Улар фикран тоглан йўлни бошқа гроссмейстерлар доналарни бетўхтов жилдириб кўриб ҳам тополмаган эканлар, бу ниманинг аломати бўларди? Зўрликни-да! Орадаги тафовутнинг-да!

**Ш. О.** — Матч тугагач, айрим мутахассислар, шарҳчилар: «Энди шахматда Каспаров эраси бошланади», дейишди. Бу гапни Сиз қандай изоҳлайсиз?

**М. М.** — Каспаровнинг ўзи «80-йиллар шахмати» деган иборани ишлатяпти. Бу билан қадимий шахмат ўзгараётгани йўқ, албатта. Лекин унинг назарияси ҳамда амалиётида сифат ўзгариши руй бермоқда. Қарашлар, талқинлар, олий даражадаги баҳсларга тайёргарлик қўриш, шайланш ва ҳатто ҳарифга нисбатан муносабатлар хиёл бошқароқ тус олмақда. «Омадим бор экан, Карповдек шахматчига рўпара келдим, улғайдим...», дейишнинг ўзида бир олам маъно бор.

Ҳарқалай, 80-йиллар шахматида Каспаров билан Карпов фармонбардорлик қилаётгани ҳар жиҳатдан қонунийдир.

**Ш. О.** — Шахмат тарихида иқтидори жаҳон чемпиони дан кам бўлмаган, аммо ўзлари энг юксак натижаларга эришолмаган шахматчилар ҳам маълум. Уларга ҳамма вақт нимадир етишмай қолгандек, озгина омад кулиб боқмагандек туюлади. Сизнингча, бу тасодифми ёки қонуниятми?

**М. М.** — Эстониялик машҳур гроссмейстер Пауль Керес чорак аср мобайнида зўрлар сафида бўлди, ҳатто бир неча бор тож талабгорлари турнирида иккинчи ўринни олди. Дўстлари ҳазиллашиб уни Пауль—II деб атай бошлашди. Чемпион эса фақат биринчисини тан олади. Кересни руҳан заиф дейишга тил бормайди. Бир томондан характерида нимадир етишмас, иккинчи томондан эса спортча омади, оддийроқ қилиб айтганда, бахт қуши унинг бошига қўнмасди.

Узимиздан мисол келтирадиган бўлсак, тошкентлик спорт мастерлари М. Рудерфер билан Д. Қўномов кўп уринсалар-да, иккинчиликлдан нари ўтолмадилар, сира республика чемпиони бўлолмадилар.

**Ш. О.** — Каспаровнинг бўлажак рақиблари ҳақида қандай фикрдасиз?

**М. М.** — Кўпчилик мутахассислар 80-йиллар барибир Каспаров — Карпов ўртасидаги кураш билан ўтади, уларнинг баҳсига ҳозирча бошқалар жиддий дахл қилолмайди, дейишмоқда. Бу фикрга қўшилмай илож йўқ. Каспаровнинг ўзи ҳам ҳозирги босқичда Карпов бошқалардан кўра кучлироқ ўйнашини қайд қилди. Бу тахминларнинг тўғрилигини Карпов — Соколов матчи тасдиқлади.

**Ш. О.** — Сиз ёқтирган шахматчи ким? Нима учун уни (менимча, фақат энг кучли шахматчини ёқтириш шарт эмас) ёқтирасиз?

**М. М.** — Мен ёқтирган ёки менга ёқадиغان шахматчи битта эмас. Бордию «биттасини айтасан!» деб оёқни тираб туриб оладиган бўлсангиз, ноилож «Роберт Фишер!» дейман. Унинг ўйинларидаги уйғунлик, билим, сабот, техника, жангчилик характери, тантилик, мақсад сари ўта интилувчанлик каби фазилатлар кўпчилик қатори мени ҳам мафтун этади. Унинг инсоний хулқ-атворидаги камчиликлари сабабини уни тарбиялаган муҳит ва жамиятдан ахтармоқ даркор.

**Ш. О.** — Биринчи ва ягона гроссмейстеримиз Г. Аъзамов орамиздан бевақт кетиб, ҳаммамизни доғда қолдирди. Зангоров экран орқали шоир Эркин Воҳидовнинг гроссмейстер хотирасига бағишланган шеърини ўқиб бераётганингизда овозингиз қалтираб, кўнглингиз бузилди: бундан биз мухлислар ҳам таъсирландик. Мен Аъзамовлар оиласининг ибрати, улар билан узоқ йиллар давом этган дўстлигингиз, ҳамкорлигингиз ҳақида ҳам тўхталишингизни истардим. Айтинг-чи, бизда Аъзамовнинг муносиб ворислари борми? Сиз ўзимиздан биринчи гроссмейстер етишиб чиқшини, ҳатто унинг кимлигини

ҳам башорат қилиб янглишмаган эдингиз. Навбатдаги гроссмейстерни башорат қилишга ботина оласизми? Уни яна қанча кутамиз? Ҳозир бизга шундай кучли шахматчи сув билан ҳаводек зарур бўлиб турибди. Зеро, шахматнинг ривожини, оммавийлигини ҳамisha кучли шахматчилар номи билан боғлиқ бўлган.

**М. М.** — «Аъзамовлар сулоласи» деган китобимда бу ажойиб оила, хусусан, уларнинг кенжаси Георгий Аъзамов босиб ўтган ибратли йўл ҳақида баҳоли қудрат ҳикоя қилган эдим. Китоб 1984 йил «Еш гардия» нашриёти томонидан чоп этилганди. Кенг жамоатчиликнинг истаги ва шахсан ўзимнинг қалб дэъватим китобни қайта нашрга тайёрлашга ундади. Биринчи гроссмейстерининг 1984—1986 йиллар мобайнидаги фаолиятида ёзиб қолдиришга арзигулик воқеалар айниқса кўп бўлди. Янги нашрда шуларни акс эттириш устида ишляяман. Батафсилроқ жавобни ҳам ўшанда берганим маъқулроқ бўлса керак.

Республикамиз ёш шахматчилари орасида Аъзамовнинг воқислари бор албатта. Лекин, очингани айтсам, эндиги гроссмейстеримиз қачон ва ким бўлишини аниқ башорат қилишдан ожизман. Нега дейсизми?

Ҳисоб-китобларига қараганда, ўта қобилиятли ёшлар шахмат гроссмейстери деган даражага кўтарилди учун камида 10-12 йил жиддий шуғулланишлари лозим. Қаранг, Иттифоқимизда уюшган, яъни тўгарак ва секцияларга қатнашиб, мусобақаларда ўйнаб турадиганларнинг сони беш миллионча-ю, гроссмейстерларимиз сони эллик атрофида. Бу деган сўз, 100 минг шахматчидан аттиг биттаси гроссмейстерлик унвонига сазовор бўларкан. Ҳа, бу юксак унвонга эришиш осон эмас.

Беш ёшида шахмат доналари билан ошначиликни бошлаган Г. Аъзамов 29 ёшида гроссмейстерлик талабларини адо этди.

**Ш. О.** — Мамажон ака, шахмат билан астойдил шуғулланмоқчи бўлган, аммо бунга шароити бўлмаган минглаб, миллионлаб мухлисларга қандай маслаҳат бериш мумкин? Ҳаваскор қаламқаш ёзган машқини, тасвирий санъат ишқибози чизган сурати хусусида редакциялардан, мутасаддилардан йўл-йўриқ олишлари мумкин. Шахмат ишқибози нима қилсин? Тўғри, улар учун ҳам, ахён-ахён телевидениеда, газета-журналларнинг айрим саҳифаларида (асосан, Сизнинг сайъ-ҳаракатингиз билан) машғулотлар ўтказилмоқда. Аммо шунинг ўзи етарлимики? Мустақил ёки сирдан шуғулланиш кутилган натижа бериши мумкинми? Жойлардаги кутубхоналарда, афсуски, шахмат адабиётлари деярли йўқ.

**М. М.** — Етарли даражада бўлмаса-да, ҳар ҳолда шахмат китоблари нашр этилиб турибди. Қўлланмалардан қандай фойдаланиш керак? Шахмат китобини мутолаа қилганда олдингизда албатта шахмат тахтаси ва доналари бўлсин. Диаграммаларда кўрсатилган позицияларни тахтага териб, доналарни айтилгандек суриб, тушунтириш текстларига яхши эътибор беринг. Китобда тавсия қилинган ўришлардан ташқари, яна бошқа мавжуд йўллари ҳам кўриб чиқишга ҳаракат қилинг. Бу мустақил мулоҳаза юритиш қобилиятини ўстириб, тўплаган билимларингизни мустаҳкамлайди. Зарурат туғилганда тажрибалироқ шахматчидан маслаҳат олиш керак.

Энг оддийларидан бошқа ҳамма мисолларни (камида учинчи разрядга эга бўлгунга қадар) тахтага доналарни терган ҳолда кўриб чиқиш лозим. Материални яхши ўзлаштириб олиш учун шахмат алифбосини ёд олиш даркор. Шундагина тасаввур жойида бўлади. Кейин-кейин мисолларни фикран (доналарга тегмай) ечишга ўрганиб боринг.

Бир ўтиришда кўпроқ нарса кўриб чиқишга интилманг — чарчайсиз, вақт беҳуда кетади. Шахмат китобини кунига 1—2 соатдан ортиқ ўқимаслик тавсия этилади. Китобнинг бир бобини дурустроқ билиб олмагунча кейингисига ўтиб кетиш яхши натижа бермайди. Китоб ўқиш, албатта амалий ўйин билан бирга қўшиб борилиши керак. Шахматни мунтазам равишда ўйнаб (эртадан кечгача эмас, меъёрида, албатта) туриш, уйналган партияларни ёзиб бориш ва уларни сақлаш лозим. Ҳаваскорлар ютган партияларинингиз эмас, ютқизганларини ҳам таҳлилдан ўтказиб боришлари, хато ва камчиликларини топиб, уларни бартараф этиш йўллариини излаб топишлари даркор. Мана шулар энг яхши маҳорат мактабидир. Шахмат тўгараклари ва секциялари очилмаган жойларда ҳаваскорларнинг ўзлари ташаббускор бўлсалар, аминманки, кўмаклашадиган мутасаддилар албатта топилади.

Малака оширишда тегишли маслаҳат олоқчи бўлганлар конкрет савол билан республика газети ва журналлари редак-

цияларига мурожаат этсалар, жавоб берадиган мутахассислар топилади. Қани энди область газеталари саҳифаларида ҳам шахмат бўлимлари ёки бурчаклари ташкил этилса. Иттифоқимизнинг баъзи жойларида, район ва ҳатто кўп тиражли газеталарда ҳам шахмат бурчаклари бор.

**Ш. О.** — Мамажон ака, шахсий кутубхонангиз, ундаги шахмат адабиётлари ҳақида гапириб берсангиз.

**М. М.** — Шахсий кутубхонамда шахмат тарихи, назарияси, амалиёти, педагогикаси, психологияси, юморига бағишланган катта-кичик китобларнинг сони тахминан 700 жилд атрофида. Улар орасида ҳатто Нью-Йорк, Берлин, Қоҳира, Мадрид, Стокгольм, Белград, Пекин, Мадорас шаҳарларида нашр этилганлари ҳам бор. Асосий қисми Москвада чоп этилган. Шундан ўзини ёзганларим ўттизгача. Китобларнинг ҳаммасини кўздан кечириб чиққан бўлсам-да, умумий ҳажмининг 10—15 фоизини ўзлаштирганман десам, қамтарлик ҳам эви билан-да, деб қўйишади.

Шахмат текстини «ҳазм қилиш» анча оғир. Шахсий кутубхонасида уч, беш, етти ва ҳатто ўн беш минг том шахмат китоби бўлган кишиларни биламан.

Баъзи ўроқлар, шахмат китоби ҳақида гап кетгудай бўлса, «ўтган йили чиқди-ку» деб қоладилар. Чамаси, улар шахмат битта китобга сиғадиган нарса деб ўйласалар керак.

**Ш. О.** — Сиз ҳамisha катта ижодий режалар, яхши ниятлар, хайрли ишлар билан бандсиз. Келгусида мухлисларни яна нималар билан хурсанд қилмоқчисиз? Республикамиз шахмат ҳаётида яқин орада қандай янгиликлар, ўзгаришлар кутилмоқда?

**М. М.** — Бу йил таржима қилган китобларим чиқади. Яқинда «Юлдузча» нашриётининг 1988 йилги планига кирган «19 чемпион» деган китоб қўлёзмасини редакцияга топширдим. Унда жаҳон чемпионлари ҳақида ёш мухлисларга ҳикоя қилинади. Уларнинг айримлари билан бўлган учрашувларимдан ҳам гап очганман. Боя айтганимдек, «Аъзамовлар сулоласи» китобимни қайта нашрга тайёрляяман. Айни чоғда «Ўзбекистонда шахматчилик» номли иккинчи китоб устида ишляяман. Биринчисида 1969 йилгача бўлган давр ҳақида ҳикоя қилинса, буниси шахмат воқеаларига жуда бой бўлган кейинги, яъни 1970—1988 йиллар орасидаги ривожланиш босқичини ёритишга бағишланган.

Карпов — Каспаров баҳсларини матбуот марказидан туриб кузатганман, улар ҳақида шарҳ, репортаж, ҳисоботлар эълон қилиб борганман. Ана шу қораламалар асосида энди яхлит бир китоб битмоқчиман.

Республика мусобақалар календарига Г. Аъзамов хотирасига бағишланган халқаро турнир ҳам пайдо бўлса ажаб эмас. Шунинг ҳаракатидамиз.

**Ш. О.** — Мамажон ака, самимий суҳбатингиз учун катта раҳмат. Гапирверсак, шахмат ҳақидаги гурунғ ҳеч қачон тугамайди, шекилли. Зеро, севимли шоиримиз, ўзи-да шахмат ишқибози ва тарғиботчиси бўлмиш Эркин Воҳидов айтганидек:

**Шахмат абадийдир, шеър ҳам абадий  
Юриш тугамасу сўз бўлмас тамом  
Шахмат тахтасида, шеър майдонида  
Ғоялар кураши этади давом.**



# Товуқбоқар

Камина паррандачилик соҳасида етук мутахассис. Ҳа, биз бошқаларга қараганда бошқачароқ иш юрита- миз: мана, биз бу ерга ишга ўтгандан буён фермада жиддий ўзгариш юз бера бошладим. Яхшиликка деб ўйлаяпсиз-а? Шундай ўйлаб туринг.

Дунёда товуқбоқарликдай қийин иш бўлмаса керак. Чунки эртадан қора кечгача тиним йўқ. Ҳали у нарса етишмайди, ҳали бу. Унинг устига товуқдай ғирт калта- бин жонзотни биринчи кўришим. Тухумни дуч келган жойга ташлаб кетаверади-я. Ҳе, ундан кўра фермада иссиқ жойни топиб туғмайсанми, товуқдан тарқаган! Кун бўйи тухум қидиравериб силлам қурийдим. Бор- йўғи битта тухум қилади-ю, қақолаши қишлоқни буза- ди-я.

Паррандачилик етти хазинанинг бири дейишади. Бекор гап! Бу хазина эмас, кўтара зарар. Бўлмаса мингта товуқ уялмай-нетмай арзимаган маҳсулот билан бизни алдармиди?! Қани улардаги масъулият ҳисси?! Ахир, дон, сув вақтида берилса, ҳар куни қир-адирларда сайр этгани рухсат тегса, яна нима керак буларга? Давлат- нинг текин донини захринга едингми, қийналсанг ҳам тухум қил! Бу текинтомоқлар қорнини тўйгазиб, хўроз- лар билан ялло қилишни билади, холос. Алданганим ҳам етар, пичоқ бориб суякка қадалди. Сенлар билан бошқачароқ муомала қилиш керак, шекилли? Унда ўзларингдан кўринглар. Бизда ишлаган тишлайди дейдилар. Танла, — дедим товуқларга: ё тухум, ё дон деган ақидани илгари суриб, бир грамм ҳам дон бер- май қўйдим. Улар аввалига эътибор қилишмади, аммо икки кун ўтар-ўтмас тўрт тарафга югуриб қолишди. Югуравер, топсанг сеники, дея бир сояни банд қилиб ётавердим. Уларнинг ҳам дон қидиришдан ҳафсалала- ри пир бўлди чоғи, гўн титишга тушиб кетишди. Менга деса очидан ўлишмайди! Буларга берган донни бу- зоққа берсанг ҳўкиз бўларди. Ишни қойил қилгандай гердайиб юришига тағин бало борми? Жаҳлим чиқиб, пичоқдан ўтказиб юборай дейман-у, бироқ планни ўйлаб қоламан, планни...

## ТОМОШАБОҒ Пушкиннинг ҳазиллари

Замондошларининг айтишларича, Пушкин болали- гда жуда шўх ва қувноқ бўлган. Актриса Каратигина шоирнинг болалиги ҳақида шундай ҳикоя қилади: «У бизникида бўлган кунлари бирор дақиқа ҳам тинч ўтирмас, гоҳ чопиб айланар, гоҳ сакраб кетар, гоҳ бир жойдан иккинчи жойга бориб ўтирар, гоҳ онамнинг буюм сандиқчасини ағдариб кўрар, гоҳ менинг тики- шимдаги зўғата ипни чалкаштирар, гоҳ онам фол кўриш учун тўғрилаб қўйган карталарни ҳар томонга улоқ- тирав эди. Бир-икки минут жим бўлиб қоларди-да, яна тўполон қилишни бошларди. Бир куни онам тиниб-тин- чимас Сашани «тирноғингни оламан!» деб қўрқитмоқ- чи бўлди. Унинг тирноқлари ҳаддан зиёд ўсган эди.

— Қўлидан ушлаб тур, — деди онам, қайчини олар- кан, менга, — мен уни сўфи қилиб қўяй!

Мен Пушкинни қўлидан ушлаб турдим, у бўлса бу-

тун ўйни бошига кўтариб бақирар, ёлғондакамига бўғилиб йиғлар, зорланар, гўё уни қийнашаётгандек ёрдам сўрар эди. Биз эса унинг бу ҳаракатларидан ичагимиз узилар даражада кулардик. Бир сўз билан айтганда, у ғирт гўдак, аммо одобли — оқибатли хонадоннинг фарзанди эди.

1808 йил безгак билан қаттиқ касаллангандан сўнг унинг сочини силлиқ қилиб олиб ташладилар. У шун- дан сўнг парик кийиб юрадиган бўлди. Бу унинг гавда- сига қандайдир ўзига хошлик бағишласа-да, унчалик ҳам чиройли кўринмасди.

Бир куни Большой театрда у ложага бизнинг ёни- мизга келди. Бизнинг тўполончимиз бу ерда яна бирор- та қилиқ кўрсатмаса керак деган ишонч билан уни ёни- мизга ўтказдик. Бизнинг ишончимиз беҳуда бўлиб чикди! Ўзганинг энг қизиқ жойи бошланганида Пушкин парикни ечди-да, иссиқдан шикоят қилиб, худди елпи- ғич билан ўзини шамоллатгандай елпина бошлади. Бу ҳол қўшни лажаларда ўтирганларнинг кулгисини қис- тар, креслоларда ўтирганлар ҳам биз томонга қараб кўярди. Биз болани тинчлангирмоқчи бўлдик, у бўлса ўриндиқдан тушиб пангага — бизнинг оёқларимиз ора- сига ўтириб олди; ниҳоят, бир илож қилиб парикни телпақдек бошига қўндириб олди: унга қараб ўзимизни зўрға кулгидан тиярдик. Шу тарзда Саша бутун пьеса давомида полда оёғини узатиб артистларнинг ҳаракати, саҳнадаги ўйинлар ҳақида турлича бўлмағур гапларни айтиб жиннилик қилиб ўтирди. Унинг ҳазиллари кутил- маган ва кулгили бўларди. Пушкин улғайган чоғларида ҳам ўзининг шўх ҳазилкашлигини сақлаб қолган. У сур- гунда юрган пайтлари пойтахтдаги дўстларига шундай деб ёзган эди: «Менинг ғалати дўстим — цензурага каминанинг номларидан таъзим қилиб қўйинглар. Ме- нинг бу азизам анча ақлли бўлиб қолган кўринади».

Пушкин ўзининг умр йўлдоши Наталья Николаевнага ёзган мактубларида ҳам ҳазилнамо гаплар кўп бўлган. У 1834 йил Петербургдан ёзган хатларининг бирида шундай дейди: «Бу ерда менга бюст ўрнатишмоқчи бўлишяпти. Мен бунга қаршиман. Бу ерда менинг ҳа- башона хунук турқим ўзининг шундай ваҳималилиги билан боқийликка инъом этилади. Мен уларга айтяп- ман: менинг уйимда соҳибжамол бир фаришта бор. Қачон бўлса ҳам унинг сиймосини тошда акс этдира- миз».

Пушкин севгилисидagi барча фазилатларни қадрла- ган. Буни у маъшўқасига ёзган хатларининг бирида ҳа- зил аралаш шундай ифодалайди: «Агар уйга қайтган, сенинг ёқимли, оддий қиёфанг ўзгарганлигини сезиб қолсам аламимдан солдатлик хизматида кетиб қола- ман».

1831 йилда Пушкин ва унинг ҳам сиёсатдаги, ҳам адабиётдаги рақиби Булгарин ўртасида тортишувлар бўлиб ўтади. Пушкин ўз ҳарифига қарши ёзган мақо- лаларида Феофилакт Количкин тахаллуси билан чиқа- ди. Унинг ёзганлари бир-бирдан кулгули, бир-бирдан даҳшатли эди. Пушкин доим Булгарин ёқлаган нарсага қарши турар, у танқид қилган нарсани мақтар эди. Бир куни бадиий саёз асарлар ёзиб юрувчи, ҳеч ким тан олмайдиган, тутуриқсиз Орлов деган қаламкаш Булгарин томонидан танқид қилинади. Пушкин шу за- ҳотиёқ «Телескоп» журналида ўзининг «Дўстлик тан- танаси ёки оқланган Александр Анфимович Орлов» номли мақоласини эълон қилиб, ҳеч ким назарга илма- ган ёзувчини буюк санъаткор сифатида таъриф этади...

Муқованинг 1—4 саҳифаларини  
Рассом Х. Лутфуллаев ишлаган.